


АБДУХАЛИЛ РАЗЗОКОВ

Үктисөдий  
тафаккүр  
сарчашмалари



АВЛУХАЛИИ РАЗГОВОВ

Ўқтиёсий  
тағаккүр  
сарғаштасару



838/64 050

ТОИКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2011

330.8

P18 УДК: 94(575)  
ББК 60.56  
P18

Тақризчилар:

**Ш. Ж. Эргашхўжаева** — иқтисод фанлари  
доктори, профессор  
**Н.Т. Ўрмонов** — иқтисод фанлари номзоди, доцент

Китобда қадимги даврдан XX асрнинг бошларигача Марказий Осиёда пайдо бўлган бой иқтисодий-ижтимоий қарашиб, фикр, фоя, концепция ва айрим назариялар таҳлил этилган. Айниқса, IX—XII ва XV—XVI асрларда яшаб, ижод этган мутафаккир аждодларимизнинг асосий иқтисодий ғоялари ўрганилиб, хусусан, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар, кейинги донишмандларнинг қарашиблари ва жадидларнинг асарларидаги муҳим иқтисодий тушунчаларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан қиёсий баҳо берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Муаллиф китобни тайёрлашла ва компьютер ишларини амалга оширишда катта техник ёрдам кўрсатганликлари учун иқтисодчи бакалавр Жавлонбек Алиматов ва Суҳроб Абдухалиловларга самимий миннатдорчилик изҳор этади.

ISBN 978-9943-01-719-1

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

---

## **МУҚАДДИМА**

Умрни зое этма, меҳнат қил,  
Меҳнатни саодатнинг калиди бил.

*Алишер НАВОИЙ*

Иқтисодий тафаккур тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шарқда милоддан аввалги IV минг йиллик, Фарбда II минг йилликда дастлабки иқтисодий гоялар баён этилган манбалар аниқланган. Диёримиздан етишиб чиқсан кўплаб олимлар жаҳон фани ва маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» ва «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарларида мамлакатимиз олимларининг жаҳон тамаддунига қўшган буюк хизматлари таъкидлаб ўтилган.

Бир қанча ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра XV аср-гача бу соҳадаги фикрлар ривожи Шарқда кенг ёйилган ва улар асосан қарааш, фоя, фикр, концепция, иқтисодий сиёсат шаклларида бўлган. Кейинги даврларда эса бу борада Farb етакчи бўлиб олди ва у ерда дастлабки назария, қонун ва таълимотлар шаклланди. Меркантилизм, физиократизм, классик мактаб, маржинализм шулар жумласидандир. Улар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этди, давлатларнинг иқтисодий сиёсатига асос қилиб олинди.

Шўролар даврида марксча-ленинчага гоялар устун келиб, кўп йиллар давомида (1917—1990) Farb давлатлари олимларининг гоялари ва тажрибаси фақат танқидий назардан ўрганилди. Давр синовидан ўтмаган таълимот бирдан-бир тўғри йўл, деб ҳисобланди ва шу тариқа жамият ривожи юз йил ортда қолди. Масалан, 1870 йиллари илгари сурилган маржинализм таълимоти социалистик йўналиш тараффорлари томонидан табиатан ёт деб ҳисобланган эди. Оқибати эса ҳаммамизга яхши маълум. Шўролар даврида капитализм

ҳамда бозор муносабатларини четлаб, янги жамият қуриш «назарияси» гина яратилди.

Худи шунингдек, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё, Ўзбекистоннинг иқтисодий тажрибаси камситилди, деярли тадқиқ этилмади. Мустақилликка эришилгач, олиб борилаётган ишлар шуни кўрсатмоқдаки, бозор, бозор муносабатлари, бу борадаги дастлабки тоғы, фикр, қарашибор, чоратадбирлар Шарқда азалдан шаклланган ва Европа, Америка, умуман, бутун Фарб учун муҳим туртки бўлган. Масалан, буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ва Форобий, Улугбек, ал-Фарғоний сингари алломаларнинг тадқиқотлари ижобий эътироф этилган, аҳамиятли бўлганлиги туфайли таржима қилинган, таҳдил этилган ва ишончимиз қомилки, амалда фойдаланилган, илм даргоҳларида ўқитилган.

Ҳамюртимиз Аҳмад ал-Фарғоний (тахминан 797 й., Фарғона — 865 й., Миср), Аббосий халифаси буйруғига биноан, Нил дарёсидаги сув сатҳини ва оқим миқдорини ўлчайдиган иншоот барпо этиш мақсадида Мисрнинг Фустат шаҳрига келади. Илмий-техник ва умуман, миқёси жиҳатидан ғоят улуғвор бу қурилма катта қашфиёт эди. Ушбу ноёб иншоот Нил дарёсининг Сайёлат ул-Род мавзесида ҳозирга қадар сақланиб қолган ва ўз вазифасини муваффақиятли бажариб келмоқда.

Бундан 1150 йил аввал бунёд этилган бу қурилма техник жиҳатдан ҳозиргилардан деярли фарқ қилмайди. Дарё ўзанига ўрнатилган баландлик ўлчагичнинг кўрсаткичига қараб, бир сонияда қанча сув оқиб ўтаётганини жуда катта аниқлик билан айтиб бериш мумкин. Қўп йиллик кузатувлар асосида эса, чизма тайёрланади ва шунга қараб, дарёдан қанча миқдорда сув ўтаётгани аниқланади.

Тарихий манбалардан яхши маълумки, савдоғарлар юртимиздан карвон-карвон китобларни олиб кетишган. Демак, буюк аждодларимиз томонидан яратилган катта илмий мерос жаҳон тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Бу — Фарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида 60 минг нусха ёзма ва 40 минг нусха тошбосма асарлар ўз тадқиқотчиларини

кутмоқда. Улуг мутафаккирларимизнинг асарлари, гояларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишимиз керак. Уларда очилмаган муҳим иқтисодий-ижтимоий гоялар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган иқтисодий тафаккур дурдоналарини мукаммал ўрганиб чиқиши, уларнинг мазмун-моҳиятини замонавий қарашлар билан қиёсий таққослаш, нашр этиш, жаҳонга танитиш жуда долзарб вазифадир.

Алломаларимизнинг асарларини ўрганиш ниҳоятда катта маърифий манфаат келтириши билан бирга, халқимизнинг маънавий савиасини янада юксалтиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиздир. Космополитизм мағкураси ривожланган ҳозирги даврда қадимги ёдгорликларни, ўтмишни менсимаслик кайфияти ниҳоятда кучли бўлиб, бу — Фарбда индивидуализм ва иқтисодий глобаллашувга олиб келмоқда, унинг салбий оқибатлари ҳозирданоқ сезилмоқда. Ваҳоланки, Шарқ, хусусан, мамлакатимиз олимлари инсонпарварлик қадриятларини энг муқаддас деб билишган ва доим тарғиб этишган. Жаҳонда шунчалик юксак тараққиёт чўйқиларига эришилганига қарамай, 6 миллиаррдан ортиқ дунё аҳолисининг 1,2 миллиарди қашшоқликда кун кечирмоқда. Иқтисодий глобаллашув билан маънавий глобаллашувни табиий чамбарчас боғланган ҳолда олиб боришгина дунёни навбатдаги фалокатлардан қутқариши мумкин.

Ҳозирги тадқиқотчиларнинг айримлари модернизм, «Фарб кетидан қувиш» сиёсатини кенг тарғиб қилиш тарафдори. Бизнингча, жаҳон халқларининг турли ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, вазминлик билан холисона иш тутиш, илғор ва инсонпарварлик манфаатларига хос бўлган ижобий тажрибани ўрганиш, тарих синовларидан ўтган удум, урф-одатларни асраш лозим. Бунинг учун эса, бой анъаналаримиз ва миллий қадриятларимизни доимо эсда сақлаш, амалда қўллаш, бойитиб бориш талаб этилади.

Иқтисодиёт узоқ ва мураккаб тарихий жараён маҳсулидир. Бундан 15—20 йил аввалиги, ундан 70 йил илгариги шарт-шароитларга бир назар солайлик, қанчалик йирик ўзгаришлар шоҳиди бўламиз. Шуларга мос равишда иқтисодий

тафаккурда, сиёсатда ҳам катта ўзгаришлар амалга ошди, янги-янги ғоялар пайдо бўлди, борлари такомиллашди.

Умуман, илм-фанни, тафаккурни чексиз уммон деб қарасак, уларнинг манбай охир-оқибат чашма, сой, дарёлардан бошланади. Қатрада қуёш акс этганидек, ана шу манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва тўғри хulosса чиқариш ҳам маърифий, ҳам маънавий аҳамият касб этади.

Ушбу китобда шу соҳадаги дастлабки тадқиқот натижалари келтирилмоқда. Улар мукаммалликдан йироқ, негаки, бу борадаги изланишлар энди бошланган ва жадал давом эттирилиши зарур.

Китобда ҳалқимиз, мутафаккирларимизнинг бой иқтисадий-ижтимоий ғоя, фикр, қарашлари ҳозирги замон назария ва таълимотлари билан қиёсий таҳлил этилади, умумлаштирилади ва шунга мос хulosалар чиқарилали. Келтирган таҳдилларимиз бой илмий меросимизни ёритиш билан бирга, янги баркамол авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига ҳам маълум ҳисса қўшади деган умиддамиз.

---

## **ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР ТАРИХИГА БИР НАЗАР**

Иқтисодий тафаккур ибтидоси дастлабки давлатлар пайдо бўлиши даврига бориб тақалади ва ҳозир ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб турибди. Бу халқ хўжалиги, иқтисодиёт ривожи билан ҳамоҳанг жараёндир, чунки иқтисодиёт ҳар бир инсон, оила, жамоа, бутун мамлакат ва дунё аҳли ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Халқимиз «Аввал иқтисод, кейин сиёsat» иборасини ишлатиши бежиз эмас.

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, қадимдаги дастлабки уй хўжалиги ҳозирги индустрисал, супериндустрисал даражага етгунча катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Шу даврлар мобайнида энг оддий иқтисодий foя вужудга келди ва тобора ривожланиб бормоқда, чунки иқтисодиёт бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимизни таъминловчи кучdir. Инсон эса шундай яратилганки, у доимо олга интилишга, янада яхшироқ яшашга ҳаракат қиласи.

Одамларнинг бу орзуси уларни изланишга, кўпроқ билим олишга, ҳаёт тажрибасини ижодий қўллашга даъват этиб, фан ва техника тараққиётидан янада самарали фойдаланишга олиб келади ва бу жараён жўшқин давом этмоқда. Шунга мос равишда, ҳудди табиий фанлардаги каби иқтисодиёт соҳасида ҳам янгидан-янги foя, қараш ва қонуниятлар вужудга кела бошлайди.

Шу ерда бир нозик савол туғилади — хўш, олдин foя, сўнг иқтисодиётми? Ёки аксинчами? Албатта, иқтисодий фаолият муҳим, ахир унинг ривожи янги foяларга туртки беради-ку. Аммо инсон онгли мавжудот бўлгани учун ҳам, ҳар бир хатти-ҳаракатини олдиндан белгилашга, энг мақ-

бул қарор қабул қилиб, иш күришга интилади. Тартибсиз ва ўз-ўзидан интилиш ҳам бўлади, аммо у ҳам маълум мақсадни кўзлайди. Ҳаёт тажрибаси эса, янгича фикр юритишни тақозо этади ва диалектик ривож рўй беради.

XVI асрнинг бошларига қадар, яъни натурал хўжалик ва истеъмол устун бўлган даврда биронта назария яратилмаган бўлса-да, маҳсулот ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ўсиши билан, Европада Уйғониш даври, Буюк географик кашфиётлар, мустамлакачилик билан ҳамоҳанг равишда дастлабки **меркантилизм таълимоти** яратилди.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий дунё қарашда бойлик асоси масаласи муҳим саналади. Чунончи, иқтисодиётда икки соҳа мавжуд: ишлаб чиқариш (хунармандчилик, саноат, қишлоқ хўжалиги) ҳамда муомала (пул, савдо-сотиқ, ҳозирги даврда хизматлар).

Меркантилизм таълимотида эса, бойлик асоси фақат муомала соҳасида, деб қаралди. Дастлабки даврда, яъни XV—XVI асрларда олтин, кумуш, бошқа жавоҳирлар асосий бойлик ҳисобланган, сабаби — пул нодир металлардан зарб қилинار эди. Бироз муддат ўтгач, XVI—XVII асрларда савдо-сотиқдан олинадиган фойда муҳим саналди. Албатта, бундай ғоялар пайдо бўлишига маълум давр ва шароитнинг хусусиятлари таъсир этган.

XVIII аср бошида, **протекционизм**, яъни давлатнинг ўз иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёsat таъсирида тарихда илк бор банклар ташкил топди, қимматли қофозлар муомалага чиқди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида ва айниқса, XVIII асрда **классик таълимот** вужудга келди, унда аввалги меркантилизм ғоялари жиддий тафтиш қилинди ва тўлдирилди. Бозор муносабатлари афзаллиги исботлаб берилди, айниқса, тўла иқтисодий эркинлик сиёсати илгари сурилди. Бундан ташқари, фаолиятни эркин танлаш ва тадбиркорлик ҳуқуқи, баҳоларнинг тўла эркинлиги, иқтисодий рақобатнинг чекланмаган эркинлиги, хусусий мулк қўллаб-куvvatlаниб, шу ғояларга асосланган ҳолда хўжалик юритиш энг мукаммал эканлиги исботлаб берилди.

Классиклар фикрича, бойлик асосан фақат ишлаб чиқаришда, меҳнат туфайли яратилади, муомалада эса янги бойлик вужудга келмайди. Классикларнинг гоялари, баъзи нуқсонларига қарамай, ҳозирги давр иқтисодий тафаккурининг таянчи саналади. Агар меркантилистлар бойлик фақат зебу зийнат, жавоҳирлару пулдан иборат, деб фикрлаган бўлсалар, классиклар уларга қатъий эътиroz билдириб, ер, сув, яйлов, ўрмон, қазилма бойликлар, уй-жой, кема ва ҳоказолар инсон меҳнати туфайли янги бойликни яратади, дедилар. Масалан, инглиз олими Уильям Петти шуни исботлаб бердики, агар меркантилистлар ҳисоби бўйича иш юритилса, XVII асрда Англия бойлигининг бор-йўғи 3 физини жавоҳирлар ва пуллар ташкил этган бўларди. Ваҳоланки, 5,5 миллион аҳолининг 4,1 миллиони қишлоқларда яшаган ва деҳқончилик қилиб, бойлик яратган. Савдо-сотиқда 246 минг, саноатда эса 240 минг киши банд бўлган. Хулоса ўзки, меркантализм гоялари чекланган эди.

Классиклар шунингдек, инсонларга хос мухим жиҳат — шахсий манфаат аҳамиятини очиб бериши. Бу манфаат одамларни ихтиёрий фаолликка унрайди, бор имкониятларидан унумли фойдаланишга олиб келади, эгалик ҳиссини уйғатди, сарфу харажатни камайтиради. Шахсий манфаат жамият манбаатларига ҳам мос келади.

Иқтисодиётда табиатдаги каби инсонлар ҳоҳишига болжиқ бўлмаган, ўз-ўзидан рўй берувчи қонунлар борлиги очиб берилиди. Улар, англиялик машҳур иқтисодчи Адам Смит (1723—1790) таъбирича, «кўринмас қўл» ёрдамида тартибга солинади. Бу қонунларни ўрганиш, билиш, амалда фойдаланиш катта самара беради ва, аксинча, уларга зид иш юритилса, охири «вой» бўлиши кўрсатилади. Бозор муносабатлари худди ана шундай заруратдир. Унга қарши чиққан «бошқачароқ» иқтисодий муносабат ўрнатишга уринган шўро ҳокимияти эса таназзулга юз тутди.

XVIII аср ўрталарида Францияда классик мактаб доирасида янги бир таълимот — **физиократизм** («табиат ҳукмронлиги» дегани) вужудга келди. Унинг гоялари классикларга асосан ҳамоҳанг, аммо тубдан фарқ қиласди. Физиократлар фикрича, қишлоқ ҳўжалиги бойликнинг бирламчи асоси, саноат эса иккиламчидир. Бунга мисол қилиб тегирмон кел-

тирилади ва ҳосил бўлган ун асосан дон туфайли, деб исботлашга ҳаракат қилинади. Бу фоянинг ҳам камчилиги бор, чунки саноат иккинчи даражали омил деб қаралиб, инкор этилади.

Юқоридаги қарашларда, бирор маҳсулот қиймати унга сарфланган меҳнат билан ўлчаниши, иқтисодиётнинг мувозанати ўз-ўзидан рўй бериши таъкидланган. Бу мувозанат «бозор қонуни» деб аталувчи қоида асосида юзага келади. Яъни, ишлаб чиқариш (таклиф, сотувчи)га мос равища, истеъмол (талаф, харидор) юзага келади, маҳсулот кўпайса, истеъмол ошади ёки аксинча. Маҳсулот албатта сотилади, орада ҳеч қандай муаммо йўқ, деб қаралган. Шу тамойилларга асосланган жамиятда — капитализмда ижтимоий келишмовчиликлар ҳам инкор этилади.

Аммо шароитнинг ўзгариши, айниқса, XVIII—XIX асрларда аввал Буюк Британия, кейинчалик Франция, Германия ва Ёвропанинг бошқа давлатларида, АҚШ ва ўзга мамлакатларда юз берган саноат инқилоби, яъни ишлаб чиқаришга машиналар кириб келиши билан классик мактабнинг кўпгина фоялари амалда ўз тасдигини топмай, қаттиқ танқид остига олинди. XV асрдан мануфактураларда асосий ҳараратлантирувчи куч — қўл, оёқ, оқиб турган сув, шамол қувватидан фойдаланилган бўлса, эндиликда янги энергия манбай — буг машиналари кириб келди, фабрика-заводлар ташкил этилди, меҳнат унумдорлиги кескин ошди, аммо ижобий иқтисодий ўзгаришлар билан бирга ижтимоий муммолов ҳам пайдо бўлди.

Аввалги, классик фояларга кўра, машиналар туфайли ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга, иш ҳақи ҳам ошиши керак эди. Аммо амалда ундей бўлмади. Тарихда биринчи бор Англияда 1815—1817 йиллари савдо-саноат инқизорзи, 1825 йилларда эса энг йирик иқтисодий инқизорз юз берди. Айниқса, ишсизлик, қашшоқлик, пулнинг қадрсизланиши кучайиб, бундан катта ижтимоий хавф туғилди. Классик таълимот фояларига ўхшаш ва тескари қарашлар шаклдана бошлади. Иқтисодий ўсиш ва ҳалқ турмуши ўртасидаги номутаносиблиқ очиқ-ойдин бўлиб қолди. Буни бирор тарзда тушунтириб бериш керак эди. Айрим олимлар, масалан, швейцариялик иқтисодчи Жан Сисмонди (1773—

1842) капитализмни, хусусан, йирик саноатни бутунлай тугатиш, орқага қайтиш зарур деса, баъзилари уни «тузатиш», ислоҳ қилиш тарафдори бўлишди. Инглиз иқтисодчиси Томас Мальтус (1766—1834) каби бир қанчалари уни ҳимоя қилиб, айб капитализмда эмас, балки одамларнинг ўзида, чунки улар ниҳоятда тез кўпайиб бормоқда, деган ғояларни илгари сурдилар.

Мухолифлар, масалан, социалистлар бу тузумни таг-томири билан йўқотиш лозим, деб ҳисобладилар. Бундай ғоялар XIX асрнинг ўрталарида айниқса машҳур бўлди. Улар хусусий мулк, баҳолар ва рақобатни инкор этишди, давлат мулкини асосий деб билишди, иқтисодиётнинг бетартиб ривожланиши хавфли, баҳолар юқоридан белгиланиши зарур, деб ҳисоблашди. Бу эса, бозор муносабатларига мутлақо зиддир. Ҳуллас, классик мактаб катта ўзгаришларга муҳтож эди.

Аммо биламизки, тарих гилдиягини тўхтатишнинг иложи йўқ, у беаёв олға интилаверади. XIX асрнинг 70-йилларида саноат корхоналари, банклар йириклишиб, монополиялар юзага келди, эркин рақобат ўрнини номукаммал бозор муносабатлари эгаллай бошлади. Вазият кескин ўзгарди. Фан-техника ривожи ҳал қилувчи бўлиб қолди. Иқтисодий тафаккурда ҳам, янги — **маржинализм** («чегаравий» деган маънони англатади) таълимоти пайдо бўлди. Классиклардан фарқли ўлароқ, унинг вакиллари иқтисодиётда ишлаб чиқариш эмас, истеъмол ҳал қиласи, деб ҳисоблай бошлашди. Маҳсулот қиймати унга сарфланган меҳнат билан эмас, балки унинг фойдалилиги ҳамда ноёблиги билан ўлчанади, деган тўғри хulosा чиқарилди. Бунда асосий эътибор маҳсулотни истеъмол қилишга қаратилиди. Меҳнат натижаси мұхим саналади ва классиклардан фарқли равишида, ишлаб чиқариш, хизмат, савдо ва ҳоказолар соҳасида яратилган фойда, яъни нафлик, ҳар қандай ижобий фаолият асосий деб ҳисобланди.

Бу ниҳоятда тўғри хulosा, негаки, ҳозир етакчи мамлақатлардаги бойликнинг 50—80 фоизи айни шу хизмат соҳасида яратилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бирор нарсага баҳо берилганда «қанча меҳнат сарфланди?» деб сўралмайди, буни аниқлаш қийин, чунки меҳнат сарфи турлича бўла-

ди. Мисол сифатида, ҳавони олсак. Унинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини, улкан нафи борлигини яхши биламиз. Аммо ҳаво баҳоси нолга тенг. Нега? Чунки у ноёб эмас, табиатда сероб. Ҳудди шунингдек, олдимиздан оқиб турган дарё ёки булоқ сувининг ҳам нафи жуда юқори, аммо ундан олинган бир коса сувнинг қиммати йўқ. Шу маънода, ҳалқимизда «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деб айтилиши ҳам бежиз эмас. Аммо шу сув чўлу саҳрова ниҳоятда қадрли, чунки у ерда сув ноёб бўлади. Нима учун олтин, жавоҳирлар қимматли, ахир, олтинсиз ҳам яшаса бўладику? Аммо баҳоси жуда баланд, чунки улар ноёб. Бунда талаб ва таклиф ўзгариши яққол сезилади. Масалан, бозорда бир маҳсулот фақат бир срда сотилади, дейлик. Уни бир неча жойдан харид қилиш имкони бўлса, баҳо анча ўзгаради. Бу қоида объектив равишда амалга ошади ва у иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига тегишлидир. Ҳатто валюта-пул муносабатларига ҳам. Негаки, пулнинг айланана олиши муҳимдир.

Дастлабки қарашларда меҳнат умуман инкор этилган бўлса, кейинчалик меҳнатсиз наф бўлмаслиги, иккаласи худди қайчининг икки учи каби бирга ҳаракат қилгандагина самара бериши исботлаб берилди. Чунончи, инглиз ёзувчиси Альфред Маршаллнинг (1842—1924) неоклассик гоясида шу фикр мужассам. Бу таълимот, иқтисодий таҳлилда математикани кенг қўллаш учун катта имкониятлар яратди. Үнда, тадбиркорлар иқтисодиётни, сармояни, ишчи кучини ва ерни давлатга нисбатан самаралироқ ишга солиши ва бошқариши кўрсатиб берилди. Марксча давлат мулки афзаллиги гояси эса инкор этилди.

Бугунга қадар яратилган иқтисодий таълимотлар асосан шундан иборат. Уларнинг уч муҳим йўналиши мавжуд: **неоклассика, институционализм ва кейнсчилик**. Институционализм тарафдорлари тараққиётнинг иқтисодий омиллари билан бирга одамларнинг ақлий, руҳий, маънавий, айниқса, ҳуқуқий ва бошқа омилларига алоҳида урғу беришади, «инсоний омил», миллат руҳи асосий деб қаралади. Институтлар бу — давлат, оила, касаба уюшмалари, дин, маҳалла, ҳуқуқ идоралари ва бошқалар бўлиб, давлат юқори ўринга қўйилади. Иқтисодиёт бошқа ижтимоий фанлар — тарих,

география, фалсафа билан ҳамоҳанг бўлиши зарур, деб ҳисобланади.

Бу йўналишларнинг асосий тамойиллари бир хил — бозор муносабатлари ҳал қилувчи саналади, аммо энг муҳим фарқи — давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласидир. Классик ва неоклассиклар давлатнинг аралашувини хуш кўришмайди, эркин бозор қўллаб-қувватланади, кейинслик лар эса аралашув тарафдори. Бу ҳолат айниқса иқтисодий инқизоллар даврида яққол сезилади. Шу йиллари АҚШда бошланган инқизолга қарши курашда, аввалги президент Жорж Буш давлат ёрдамини инкор этган бўлса (унинг фикрича, бозор ўз-ўзини тартибга солади), янги президент Барак Обама бунинг аксини қилмоқда.

Умуман, бирор ғоя бекаму кўст, тўлалигича амалиётда қўлланмайди. Одатда, неолиберализм тарафдорлари айтганидек, «рақобат мумкин бўлган ҳамма ерда, давлат аралашуви эса, зарур бўлган ерда» амалга ошиши керак. Давлат «ҳакам» ролини бажариши тавсия этилади, яъни «ўйин» қонун-қоида асосида бораётган бўлса, ҳакам жим туради, фақат қоида бузилгандагина аралашади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви тобора кучайиб бормоқда.

Иқтисодий гояларни қурилаётган иншоотга ўхшатиш мумкин. Пойдевор мустаҳкам бўлса, унинг устига исталган бинони барпо этса бўлади. Ана шу пойдевор классик таълимотга таянувчи бозор иқтисодиётидир. Иқтисодий ғоя ва назариялар эса қўйилаётган гишталар кабидир, кейинги гоялар аввалгиларини таҳлил этиш ва ривожлантириш мевасидир. Бинонинг шакл-шамойили эса ҳар бир ҳалқ, мамлакатнинг тарихий мероси, тажрибаси, урф-одатлари, яъни ўзлигига жуда-жуда боғлиқ. Масалан, немис ҳалқи деганда ишда, ҳаётда аниқлик, япон, корейс, хитой деганда ицчанлик, ҳаракатчанлик, ўзбек деганда меҳнаткашлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва бошқа фазилатлар дарҳол кўзга ташланади. Худди шунингдек, иқтисодий тафаккур ҳам кўп йиллар давомида шаклланиб боради ва амалий аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам иқтисодиётда турли қарашлар, уларни ҳаётда қўллаш борасида эса ҳар хил ёндашувлар рўй бер-

моқда, шу важдан бир фоя ҳамма мамлакатларда бир хил натижа беравермайды, чунки ҳар бир ер ўзига хос, бетакрор. Таъкидлаш керакки, бу «бино» — иқтисодий тафаккурнинг такомиллашуви ҳамон давом этмоқда.

«Ҳар қандай узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади» деганларидек, иқтисодий тафаккурнинг илк ирмоқлари милоддан аввалти IV минг йилликка, Қадимги Шарқ давлатларига бориб тақалади. Негаки, у жаҳон тамаддуни бешиги ҳисобланади. Зоро, вақти-вақти билан ортга, яъни тарихга қараб қўйиш керак. Ана ўша қадим замонларда, натурал ҳўжалик, яъни ўз-ўзига маҳсулот етказиш замирида рўй берган жараёнларда давлатнинг фаол иштироки шароитида товар-пул муносабатлари тобора кенгайиб борди, давлат, жамоат ва хусусий мулкнинг ўзаро мутаносиб фаолият юргизиши энг долзарб муаммога айланди. Шу сабабли иқтисодий тафаккур тарихининг илдизи узоқ ўтмишдадир ва бунга оид манбалар Шарқ давлатлари, хусусан, мамлакатимизда аниқланган, чунки бу ерда иқтисодий гоялар ривожига дастлабки пойдевор қўйилган.

Шунингдек, Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарлари ни ўрганиш натижасида муҳим илмий-амалий холосалар чиқарилди. Асосий натижа шуки, қадимги даврдаги иқтисодий гояларни ҳозирги замон назариялари билан қиёсласак, дастлабки иқтисодий қарапашлар ҳам жуда нодир фикрларни ўзида жамлаган ва ўз даври иқтисодиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бизнинг давр учун ҳам, бу гояларнинг аҳамияти кам эмас. Зоро, ҳар қандай тарихни ўрганиш, аввало, ҳозирги кун ва келажак учун аҳамиятлидир. Буюк ёзувчи ва адидимиз Абдулла Қодирий айтганидек, «Мозийга қараб иш кўриш хайрли»дир.

Айниқса, ҳозирги даврда иқтисодиёт ҳар бир инсон ҳаётига жўшқинлик билан кириб бормоқда ва одамлар иқтисодиёт тўғрисида имкони борича кўпроқ билишга интилмоқдалар. Хўш, уммон каби кенг ва тубсиз иқтисодиёт фанини ўрганишни нимадан бошламоқ керак, деган савол туғилиши табиий.

Бизнингча, бу ишни, шифокор беморни даволашни унинг касаллик тарихидан бошлагани каби, тарихдан бошлаган зарур. Албатта, бугунги кун муаммолари-

ни тұла ҳал этишда ўрта аср иқтисодчиларидан барча савол-ларга тайёр жавоб олиш мүшкүл. Аммо үтгандан донишмандарнинг фикр-мулоҳазалари бугун ва келажак ҳақида түгри хулоса чиқариш учун яхши имконият беради. Аниқроғи, ғилдиракни қайта кашф қилишга ҳожат қолмайды. Тарихий тажриба шуниси билан ҳам құмматлидир.

Үз даврида иқтисодиётда синфий, мағкуравий тамо-йиллар эртакдаги қум қасрлар каби вайрон бўла бошлади. Табиатнинг ёмон об-ҳавоси бўлмаганидек, тарих ҳам бўлиб үтгандан яхши ёки ёмон воқеалар учун ҳеч ким олдида тавба-тазарру қилмайди.

Аслида, ғоялар қай тарзда пайдо бўлиб, қандай ривожланади? Фикримизча, бу жараёнда ҳаёт, амалиёт, яъни иқти-содиётнинг ривожи етакчи ҳисобланади. Иқтисодиёт ҳар қандай шароитда ҳам ривожланаверади, чунки тажриба сабабли малака ортиб боради. Бу тажриба ўрганилиб, таҳдил қилинади ва хулосалар чиқарилади, қонун-қонуниятлар аниқланади ва, албатта, ҳаётга татбиқ этилади. Энг содда, ички ҳиссиёт билан сезиб, башорат қилинган иқтисодий ғоялар бора-бора яхлит қонун-қоида, назария ва таълимотга айланади. Улар ғоявий томондан узвий боғлиқдир, аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари фақат шу бугуннинг «маҳсулі» эмас. Шу сабабли ҳар бир олимнинг тадқиқот усулини ўрганишдан маълум бўла-дикни, улар аввалги даврнинг назария ва таълимотларини мукаммал таҳдил этиб, ўзларининг бирор янги ғояларини илгари сурадилар. Бунинг яққол мисоли сифатида Адам Смиттинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари түгриси-да тадқиқот» (1776) асарини келтириш мумкин. Унда ав-валги даврдаги меркантилизм, физиократизм таълимотлари таҳдил этилади, ижобий томонлари тан олинади, камчи-ликлари кўрсатилади ва ривожлантирилиб, янги таълимот яратилади.

Демак, иқтисодий фан учун тарихийлик хосдир, маълум даврдан кейин бўлаётган ўзгаришлар янги ғояларга асос бўлади ва бу муқаррар амалга ошади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, собиқ Иттифоқ даврида мамлакатимизда нимани ва қандай ўрганиш «марказ»нинг тўлиқ ихтиёрида бўлган. Таржима ишлари ҳам шу йўсинда

олиб борилган. Охир-оқибат ўзбек тилида бирор жиддий асар яратишга йўл берилмаган. Айниқса, Шарқ, хусусан, Ўрта осиёлик олимлар ва донишмандларнинг иқтисодиёт ва бошқа фанларга қўшган ҳиссаси доимо камситиб келинган.

Инсоният хўжалик юритишга оид дастлабки содда фоялардан то ҳозирги энг мураккаб таълимотларга қадар 6 минг йиллик узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Бу йўлга фикран назар солган ҳар бир киши, Марказий Осиё халқлари ва донишмандлари иқтисодий тафаккур ривожига бениҳоя улкан ҳисса қўшганини англаб олади. Шу нарса аниқ маълум бўладики, Шарқ фоялари Фарбни «ўйғотиш»га катта ёрдам берган.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган ўзбекистонлик олимлар олдида, кўпгина фанлар каби, иқтисодиёт фани бора-сида ҳам катта ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Иқтисодиёт инсоният тарихи каби қадимийдир. Иқтисодиётга оид фикр ва фоялар, назария ва таълимотлар ҳам кўп минг йиллик тарихга эга. Лекин уларнинг асосий қисми ёзув пайдо бўлганидан сўнг, ёзма манбалар ҳолида бизга этиб келди. Бу манбалар, улардаги фоялар, аввало, инсониятнинг муқаддас мулки, уларни топиш, ўрганиш ва кела-жак учун сақлаш савобли бўлса, улардаги нодир фикрларни ҳаётга татбиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий ва ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиёт дунёвий ҳодиса бўлиб, унинг олдида турган вазифалар барча халқлар ва мамлакатлар учун бир хил, аммо улар ривожланиш давомида турлича натижаларга эришганлар. Ҳозирги даврда ҳам бозор иқтисодиётининг тамо-йиллари ҳамма учун бир хил бўлишига қарамай, натижалар турлича. Узоқ ўтмишдаги кўпгина ўғитлар, ҳаётий тажриба, алломаларнинг фикр ва фоялари ҳозирги кунда ҳам ас-қатаяпти.

Иқтисодий тафаккур тарихи яна, фан ва амалий хўжа-лик ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Шу сабабли иқтисодий фикр ва унинг дастури, яъни кундалик ҳаётда қўлланиши одатда бирга олиб борилади. «Эскирган назариялар инкор этилгани учунгина, уларни ноилмий деб бўлмайди», деб ёзади америкатик таниқли иқтисодчи Томас Кун.

Тафаккур тарихини чуқурроқ ўрганиш орқали, ечими-ни кутаётган бир қанча назарий масалаларга ойдинлик ки-ритиш имкони туғилади. Масалан, бозор муносабатлари қан-дай пайдо бўлгани ҳанузгача аниқ ечимга эга эмас. Айрим олимлар бу жараённи хусусий мулк, синфий жамият юзага келиши билан боғласалар, айримлари (Р. Хейлбронер, Л. Ту-роу) уни капитализм билан, аниқроғи, капитал, ишчи кучи, ер пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар.

Ўз даврида илфор Шарқнинг ортда қолиши, Фарбнинг илгарилаб кетиши сабаблари, келажак тўғрисидаги илмий башоратлар, яъни прогнозлар ҳам муаммо бўлиб турибди. Тадқиқотимизда шундай масалаларга оид фикр-мулоҳаза-лар берилади.

Китоб яратишга асос бўлган манбалар қадимги археоло-гик топилмалар, қоя ва бино деворларидаги расмлар, чиз-малар ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан бошланади. Аммо бу фаннинг энг муҳим манбалари — давлат арбоблари, олим ва файласуфлар ёзиг қолдирган қўлёзмалар ва асарлардир. Зоро, жаҳон иқтисодий тафаккурида қадимги қўлёзмалар жуда аҳамиятли. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги қўлёзмаларни ўрганишда маълум камчиликлар мавжуд. Бу қўлёзмалардаги гоялардан муҳимлари ўрганилган, холос. Иқтисодиёт тафаккури билан боғлиқ бўлган маълумотлар эса, ҳали-ҳануз тадқиқ этишга муҳтож.

Кўплаб илмий мақолаларда Ўрта Осиё мутафаккирлари-нинг иқтисодий гоялари маълум даражада ўз аксини топган. Асосий иқтисодий гоялар, айниқса, ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари маълум шахслар томонидан ёзилган асарлари орқали бизгача етиб келган, уларни ўрганиш, таҳтил қилиш, хуроса чиқариш орқали, иқтисодий таълимотлар мажмуаси юзага келган.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Фарбда бевосита иқтисодиёт, иқтисодий гоялар ва уларнинг тарихига бағишлиган алоҳида асарлар мавжуд. Масалан, рим-лик агроном Люций Колумелла (милодий 36 йилда) «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида» номли асарида ўша даврдаги барча экин турларини етиширишга оид маълумотлар тўпла-мини ёзиг, китоб ҳолида қолдирган. Бизда эса бундай асар-

лар ниҳоятда кам, одатда, кўп масалаларни қамраб олган тадқиқотлар ичидан иқтисодий ғояларни териб олиш ва таҳлил этиш керак. Масалан, Абу Али ибн Сино асарларида тиббиёт асосий ҳал қилувчи ўрин эгаллайди, аммо уларни синчиклаб ўрганиш орқалигина иқтисодий қарашлар мажмуаси аниқданади.

Жаҳон тараққиёт саҳнасида ўзининг аниқ ғоялари ва амалиёти билан ажралиб турган, унга тобора шаҳдам қадамлар билан кириб бораётган мамлакатимиз ва олимларимиз республикамизning бой тарихий салоҳияти, дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ва энг муҳими, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда эришган ҳамда эришаётган ютуқтарини йирик ва чуқур мазмунли илмий тадқиқотларда кўрсатиш вақти-соати етди.

Айниқса, Ўзбекистоннинг етакчи мамлакатлар билан қиёсий ривожланиш таҳлилини, ўзимизга мос ва хос йўлнинг мазмуни ҳамда хусусиятларини холисона ёритиш муҳимдир. Чунки ҳар доим ҳам ўзини «демократия модели» деб номлаётган давлатларнинг кўпгина мезон ва ўлчовлари, айниқса, мафкуравий қадриятлари ҳалқимизning инсонпарварлик анъаналарига тўғри келавермайди. Бундан ташқари, уларнинг ва бизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўлларимиз ва босқичларимизда катта фарқтар бор. Айниқса, саноатдаги ўзгаришлар бошқача, ўзига хосдир.

XIV—XV асрларда Италия, Англия, Франция ҳамда бошқа етакчи давлатларда саноатнинг қўл ҳунармандчилиги соҳаси ўсиб, аввал цех тизими, кейинчалик фабрика, замонавий монополиялар, трансмиллий компаниялар пайдо бўлди; бизда эса бу соҳада XV—XIX аср ўрталаригача муҳим ўзгариш бўлмади. Бунинг сабабларини аниқлаш учун эса, нафақат миллий, диний, ахлоқий, этнографик, балки тарихий-географик омилларни ҳам ўрганиш зарур, улар чуқур таҳлилга муҳтождир.

Айрим олимлар иқтисодий тарихни майдалаб, масалан, молия, статистика, солиқ, савдо, божхона тарихларига бўлиб ўрганишни таклиф этадилар. Бунинг айрим қизиқарли томонлари бўлиши мумкин, албатта. Аммо бу аслида нотўғрилар, чунки бундай нуқтаи назар билан қаралса, иқтисодий жараёндаги ўзаро боғлиқликлар хато талқин этилади.

Зеро, ўз даврида Маҳмудхўжа Беҳбудий «Тарих кела-жак тарозусидир», деган эди ва шу боис мозийга холис ёндашилса, миллат ва мамлакат кучли бўлади.

## «АВЕСТО»<sup>1</sup>: ИҚТИСОДИЙ ФИКР КУРТАКЛАРИ

### «Авесто» китобидаги иқтисодий гоялар мажмуи

Қадимий ва нодир ёдгорлик — «Авесто» ватани Хоразм ерлари деб эътироф этилади. Китоб ўн икки минг ҳўкиз терисидан ишланган қофозга битилган, аммо унинг айрим қисмларигина бизгача етиб келган, холос.

Республикамиз олимларининг тадқиқотларига кўра, зардустийлик динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто», яъни «Ҳаёт йўриқномаси» (асли «Овасто»)да ҳам муҳим иқтисодий фикрлар баён этилган. Жумладан, сунъий суғориш асосида деҳқончилик юритиш, она табиатни эъзозлаш, ҳайвонларни асрар, уларни ноўрин сўймаслик, уларга зуғум қилмаслик, тупроқ шароитини яхшилаш масалалари ёритилган. Бу китоб милоддан аввалги II минг йиллик охири — I минг йиллик бошларидаги воқеаларни акс эттиради. Бу 2700 йиллик тарихга эга жуда қадимий ёдгорликдир.

Зардустийлик динининг таъсир доираси жуда кенг бўлиб, ҳозирги Эрон, Марказий Осиё, Кавказ орти юртлари, айниқса, Озарбайжон ва бошқа жойларда тарқалган. Милоддан аввалги II минг йиллик охири — I минг йиллик бошида пайдо бўлган «Авесто»нинг тўлиқ асл нусхаси сақланмаган, унинг айрим қисмлари топилган. У қадимий парфий, яъни оромий ёзувида битилган бўлиб, ҳозирги даврда рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган.

Ушбу битикда бугунги назария ва таълимотларнинг ilk куртаги мавжудлигини кўриш мумкин.

Зардустийликнинг асосий гояси дуализмга асосланган. Яъни, бир томондан, яхшилик ва ёруғлик худоси — Аҳура-

<sup>1</sup> Авесто — Овасто (парфёнча: apastak — мати; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «тағсир қилинган мати» деб аталади). — Т.: «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. I-том. 2000. 65-б.

мазда, иккинчи томондан ёвузлик ва қоронғулик худоси — Ахриман күчлари ўртасидаги кураш тасвирланади.

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқ, деб тўғри уқтирилади, инсонга ҳам алоҳида эътибор берилади. Одамзодга танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, у Яхшилик ёки Ёмонлик томонига ўтиши ва шунга мос ҳаракат қилиши кераклиги таъкидланган.

Яхши одамнинг фаолияти яхши foя, сўз ва ишлар билан боғланган бўлиши керак. Моддий бойликларни кўпайтириши эса, ёруғ дунёдаги яхши ишларнинг асосийси ҳисобланади. Шу сабабли «Авесто» матнларида натурал хўжалик, яъни ўз аъзолари эҳтиёжи учунгина маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти кент тарғиб этилиши ва амалий маслаҳатлар берилиши тасодиф эмас.

«Авесто»да, жумладан, «ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз, очиқкўнгиллик илиа кутиб олади. Ўз ёрини севгани, ерни, молларни парвариш қилгани, одамларнинг молу мулкига қўз олайтиргани, табиатни асраб-авайлаб, ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади», деб ёзилади.

Ўрта Осиёнинг ўтрок деҳқончилик вилоятларида асосан зироатчилик, хунармандчилик ва савдогарчилик билан шуғулланувчи сүғдлар, баҳтарликлар ва хоразмликлар яшардилар. Улар атрофида, даштлик ва тоғолди ҳудудларда чорвадор қабилаларнинг яйлов-манзилгоҳлари жойлашган эди. Шунингдек, «Авесто»да мамлакатнинг чорвадор аҳолиси — «тур»лар деб аталиб, улар яшайдиган юрт эса Турон номи билан тилга олинади.

Академик А.Асқаров маълумотларига кўра, Ўрта Осиё шароитида дастлабки синфий жамиятнинг шаклланиши арафасида жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи күчлари, эркин деҳқон жамоалари — қашоварзлар, озод шаҳар хунармандлари — озодкорлар ва савдо-сотиқ жамоалари — гувакорлардан ташкил топган. Дастлаб мулкка эгалик қилиш матриархат даврида умумий эди, сўнг патриархат даврида эркин ишлаб чиқариш жамоаси аъзоларига тегишли хусусий мулк шаклланди.

Мулкий табақаланиш кучайиб бориши туфайли, қашо-варзларнинг бойиб кетган қатлами бадавлат деҳқонзодалар табақасини ташкил этса, уларнинг ер мулкидан ажралган камбағал қисми қадиварлар табақасига айланди. Қадиварлар деҳқонзодаларга қарам корандаларга — ижаракиларга айланди. Шундай табақаланиш ҳунарманд ва савдогарлар орасида ҳам кузатилади.

Чорвадорлар жамоаси эса, бадавлат чорвадорларга, асл-зода ҳарбийларга, камбағал авом чўпон ва хизматкорларга бўлинган. Араблар Ўрта Осиёга кириб келгунинг қадар, яни зардустийлик дини ҳукмронлиги даврида ҳусусий, жамоа, вағнзе (ибодатхоналарга тегишли) мулқлар таркиб топди. Вағнзе мулки ислом даврида масжид ва мадрасаларнинг вақф мулқига айланди.

Муқаддас китобда, шунингдек, кўчманчи ҳалқларнинг асосий бойлиги бўлган моллар сонини сақлаш қўллаб-қувватланади, уларни бекордан-бекорга қурбон қиласвериш қораланади. Уй ҳайвонларини асраш, кўпайтириш, айниқса, се-миритиришга алоҳида ургу берилган. Ана шу мақсадда яхши яйлов, керакли қаров, ем-хашак билан таъминлаш энг яхши фаолият деб баҳоланади. Бу ғоя, айниқса, илк зардустийликда кучли тус олган эди.

Яхши ишларни амалга ошириш қучли ҳокимият билан бўлиши қайд этилади. Китобда ёзилишича, ҳайвонларни ўғирлаш ёки тортиб олишдан, тураржойларни хонавайрон қилишдан асрашга интилиш яхшилик ғалабасига олиб келади. Ана шу қоидаларга амал қилганлар яйловлар бўйлаб Эркин ҳаракатланишига ваъда берилади, чунки табиий яйловлар чекланган шароитда бу «эркин ҳаракат» таъминоти муҳимдир. Акс ҳолда, ўзаро тўқнашув ва урушлар рўй бериши мумкин.

Маълум қонун-қоидаларга бўйсуниш қучли ҳокимият ва мўътадиллик билан боғлиқ эди. Ўзаро шартномаларга бекаму кўст амал қилиш зарурлиги, айниқса, ўзаро моддий ёрдам бериш кераклиги тарғиб этилади.

«Авесто» маълумотларига қараб, шу даврда жамиятдаги ижтимоий вазиятни билиб олиш мумкин. Бу даврда уруғ жамоаси емирилиб, дастлабки синфлар пайдо бўлганлиги аёндир, улар коҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва ҳунар-

мандалардан иборат бўлган. Аҳоли кўпроқ ярим кўчманчилик асосида кун кечирган. Экстенсив, яъни ўтлоқ майдонларни кенгайтиришга асосланган чорвачилик етакчи эди.

Баркамол ҳаёт тарзи қуидагича талқин этилган. Ердан шундай жойни топиш ёки яратиш керакки, у жойда кўп овқат пиширилсин, доим катта бўлак гўшт тегсин, отлар пишқириб турсин, от-арава фиддираклари жарангги чиқсан, қамчи доим кўтарилиб, овози чиқиб турсин, зираворлар етарлича фамланган бўлсин, хушбўй ҳидлар аrimасин, яхши ҳаёт учун керакли барча нарсалар истакка қараб кўп миқдорда сақланадиган омборлар бўлсин.

Шу билан бирга, «Авесто»да турли табиий оғатларга қарши озиқ-овқатлар захирасини барпо этиш қўллаб-қувватланади.

«Авесто»да, хусусан, чорвалорлар ҳамкори **Йим** тўғрисидаги афсонада «олтин аср»даги мол-қўйларнинг мўл-кўллиги ҳақида сўз юритилади. Йимнинг хизмати улуғланади, чунки у кучли совуқ, қор ва сув тўфонидан ҳайвонлар ва одамларни кутқариш учун **«вару»** (қўргон) қурдириб, унга сув ўtkазади, майда ва йирик моллар, одамлар, ит, қуш, барча ўсимликлар уруфи ва ёниб порлаб турган оловни келтиради. Одамлар учун тураржой, ҳайвонлар учун молхоналар қуради.

«Авесто»нинг яна бир наски — Видевдот бўлиб, нисбатан кейинги давр воқеаларини акс эттиради. Унда асосан дәхқончилик ва дәхқон меҳнати улуғланган. Эндилиқда кўпроқ экин экиласдиган, дон, ўт, мевали экинлар ўстириладиган, сувсиз жойлар суғориладиган, суви ортиқча ерлар эса қуритиладиган жойлар мақталади, ҳатто ерларга кўп гўнг солиниши, бунинг учун эса кўпроқ кичик ва катта қорамоллар боқиш тавсия этилади. Бу тавсияларда жуда катта табиий мантиқ борлиги аниқ кўриниб турибди.

Китобнинг бу наскида дәхқончилик ва айниқса, дон экиш, ғаллакорлик улуғланади. Аҳоли қунт билан дон этиштиришга даъват этилади, ҳатто ғаллакорлар эътиқодни мустаҳкамловчилар, дея талқин этилади. «Дәхқончиликсиз мўл-кўлчилик йўқ», деган ақида илгари суриласди.

Зардуштийлик қашшоқликни йўқотиш ёки унга йўлиқ-маслик учун зироатчиликни ривожлантириш, янги ерларни

очиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш кераклигини уқтиради. Аммо, инсон ерни ташласа, унга қарамай қўйса, ундаидам ўзгалар эшиги олдида турган доимий гадойга айланади, дейилган бу китобда.

Зоҳидлик, тарки дунёчилик, роҳат-фароғатдан сақлашиб, воз кечиши тўғридан-тўғри қораланади, чунки бу одат ёмонлик билан курашаётгандан инсон куч-кудратини сусайтиради. Овқатни кам истеъмол қиласан одам на дин, на хўжалик ишларини, на фарзанд кўпайтириш фаолияти билан керакли даражада шуғуллана олмайди. Инсонлар сонини ёхуд бугуннинг таъбири билан айтганда, «инсоний капитал»ни кўпайтириш ҳам муҳим вазифа леб белгиланган, чунки фарзандлар оила бойлигини кўпайтиради, яхшилик ғалабасига кўмаклашади. Чунончи, ҳозирги даврда ҳам бу муаммо мавжуд. Айниқса, ривожланган мамлакатларда аҳолининг қариши ортиб, туғилиш кескин камайган. Шу сабабли, бу foяларнинг аҳамияти ҳозирги кунда ҳам жуда муҳимdir.

Бу дин ҳозирги Марказий Осиё, айниқса, ҚадимиЙ Эронда кенг тарқалди, давлат динига айланди. Милоддан аввалги VI—V асрларда Доро I подшолиги йилларида Эронда, кейинчалик бошқа давлатларда тарқалди. Ислом динигача бўлган даврда мамлакатимиз ҳудудида яшаган аҳолининг асосий қисми бу динга эътиқод қиласан, унинг айрим қолдиқлари ҳали ҳам қайд этилиб турилади. Келин-куёвларни олов атрофида айлантириш, вафот этганларга чироқ ёқиш ва бошқалар шулар жумласига киради.

### **«Авесто»нинг бугунги кун учун аҳамияти**

Бу китоб аввало қадимиЙлиги, ноёблиги ва ундағи foяларнинг абадийлиги билан қимматлидир. У, олимлар учун қимматли ёдгорлик, манба бўлибгина қолмай, ҳалқимиз, мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳодиса-ю жараёнларни ўрганиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва маълум хулосалар чиқариш учун яхши асосдир. Унинг маърифий нуқтаи назардан ҳам, маънавий, яъни ахлоқ-одоб, тарбия, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлардан олганда ҳам аҳамияти катта. Ҳалқимизнинг кўп йиллар давомида ортирган ҳар соҳадаги тажрибаси, урф-одат ва анъаналари бизга жуда зарур.

Китобда милоддан аввалги VIII асрда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа соҳалар тўғрисида аниқ ва қимматли маълумотлар келтирилган, шунга қараб биз ўз тарихимизни, ким бўлганимизни англашимиз мумкин.

«Авесто» унинг учун маҳсус қашф қилинган ёзувда битилган. Шу алифбодаги бошқа асар йўқ. Бу ёзувни республикамиизда бир неча олим билади, холос. Улардан бири — тарих фанлари доктори, профессор Мирсадиқ Исҳоқовдир. У китобнинг катта қисмини биринчи бўлиб ўзбек тилига ўтириб, кенг ҳалқ оммасига, илм аҳлига етказди. Хусусан, китобдаги иқтисодий ғояларни ёритишда М. Исҳоқов томонидан илмий-изоҳли таржима қилинган «Авеста»: «Видев-дот» китоби»дан (2007) фойдаландик.

Ўрни келганида эслатиб ўтайлик, ҳалқимиз ёзувнинг бошқа шаклларини ҳам яратган. Урхун-энасой, сүфд ёзувлари шулар сирасидан. Ваҳоланки, кўп ҳалқларда ёзув биздан анча кеч пайдо бўлган. Масалан, мўғул алифбоси Чингизхон даврида, яъни XII асрда, кирилл алифбоси эса фақат 863 или Македонияда қашф этилган.

Манбаларимиз тўғрисида гап борар экан, бу борадаги имкониятлар ва муаммоларни эслатиб ўтмоқчимиз. Юқорида, 100 минг нусхадан зиёд нодир қўлёзмаларимиз бор, дедик ва бу соҳада миқдор жиҳатдан жаҳонда етакчилардан биримиз. Аммо уларни ўрганиш ва амалда қўллаш бўйича муносиб ўриндамиз, деб айта олмаймиз. Бунинг бир қанча сабаблари бор. VIII аср бошларида киритилган араб ёзуви 1928 йилгача ишлатилди. Кўп илмий асарлар араб тилида, расмий ҳужжат ва шоирларнинг асарлари эса форс тилида ёзилган. Олдинги ёзувлар йўқотилган.

Бу муаммони ҳал этиш олимларимиздан катта билим ва меҳнатни талаб этади. Бой меросимизни ҳалқимизга, жаҳон афкор оммасига етказиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кейинги ва асосий хulosса шуки, бу китобда нималар ёзилгану, замирида қандай ғоялар мужассам, бу ғояларнинг илмий асослари қандай? Ҳозирги замон фанининг нуқтаи назаридан қиёсий таҳтил қилиш кўрсатишича, асар катта илмий асосга таяниб, ҳаётни ҳаққоний тушуниб, катта инсоний ва тарихий тажриба узвийлигига, табиат ва жами-

ятнинг ривожланиш тенденцияларини билган ҳолда битилган. Қуёш, оташпаратликнинг аҳамияти буюк, чунки курраи заминдаги ҳаёт шундан, олов кашф қилиниши билан эса, инсон табиат қаршисида мустақил бўлиб қолди. Ҳаёт эволюцияси ҳам энергия манбаи билан чамбарчас боғлиқ.

Китобда инсонпарварлик ва эзгулик тамойиллари асос қилиб олинган. Илмий ривожланишнинг асосий тамойили бўлган қарама-қаршилик кураши ва бирлиги қонунига амал қилинади. Битикдаги Яхшилик ва Ёмонлик кураши ана шундай. Шу билан бирга, келажакка ишонч билдирилади.

Бир мушоҳада қилайлик, эзгулик ўрнига ёвузиликни мафкура байроғига айлантирган фашистлар, миллатчилар ва қўпорувчилар дунё ҳалқлари учун қанчалик оғат келтирган ва келтирмоқда... Ёинки, салбий хислат «соҳиби» бўлган, тарихда ўз номини қолдиришни истаган Герострат етти мўъжизадан бири санаатмиш Артемида ибодатхонасига ўт қўйганини эслайлик. Лекин, инсоният бутун умри давомида ёмонликка қарши тинимсиз курашмоқда ва бир кун келиб, яхшилик енгишига ишонади. Бу ҳиссият «Авесто»да шоирона акс эттирилган.

Иқтисодиётга оид фикрларда ҳам ҳаққоний ёндашув кўзга ташланади. Ўша даврдаги шароитдан келиб чиқиб, нисбатан натурал ҳўжалик қўллаб-қувватланади, чунки ҳали тўлиқ меҳнат тақсимоти йўқ, ишлаб чиқариш омилларининг ривожи суст эди.

Айниқса, ўша даврда ердан самарали ва тўғри фойдаланиш қоидалари аҳамиятлидир. Ер ва экинларни суфориш, зах ерларни қуритиш — мелиорация тўғрисидаги фикрлар шундан далолат берадики, тўрт ҳаётий унсур — тупроқ, сув, олов ва ёруғликдан бири ўша замин шароити учун ўта аҳамиятли экани ниҳоятда тўғри тушунилган. Китобда: «Имонли эр қаерда энг кўп ерни парвариш қилса, унга дон экса, ўтлоқларни парвариш қилса, сувсиз қақроқ ерни суфорса, зах ерни қуритса, ўша ер энг баҳтли ердур... Ким агар ерга ўнгу сўл қўли билан, сўлу ўнг қўли билан ишлов берса, гўё бу суюкли ёри бағрида орзиқиб кутган фарзандни пайдо қилгандек».

Бу мисраларда худди бугунги давр талабини кўрмоқдамиз, чунки ер инсониятнинг асосий бокувчиси сифатида

одамларга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам 2008—2012 йилларга мўлжалланган маҳсус қарор қабул қилинган бўлиб, унда ерларнинг ҳолатини янада яхшилаш, яъни мелиорация ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишларга 1 триллион сўм маблағ ажратилган. Дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилди, масалан, дон ва пахта ҳосилдорлиги ўсиб, шунга яраша ҳалқ моддий-турмуш даражаси ошиб бормоқда.

Китобда серқүёш, қурғоқчил Шарқ минтақаси, хусусан, Ўзбекистон учун энг зарур бўлган сув ва суғориш муаммоси ниҳоятда тўғри қўйилган. Иссиқ, қурғоқчил ҳудудлар учун намлиқ, сув ҳаётий заруратdir. Тарих отаси Геродот, «Мисрни Нил яратди», деганда ҳақ эди. Дарҳақиқат, Миср ҳудудининг фақат 2—2,5 фоизини эгаллаган Нил дарёси водийсида Миср аҳолисининг 97 фоизи яшайди.

Худди шу тарзда, таниқли тарихшунос Истаҳрий (850—934) ҳам «Хоразм Жайхун (Амударё)нинг бутун фойдасини ола билган мамлакатdir», деган эди. «Авесто»нинг Хоразмда яратилгани ва шу дарё ҳам эсга олиниши бежиз эмас, чунки бу давлатнинг пайдо бўлиши ва ривожи шу дарё билан чамбарчас боғлиқdir. Айниқса ерларни сунъий суғориш катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этади. Бу бир ҳудуд учун айтилган фикр бутун Шарқ мамлакатлари учун ҳам бирдек тааллуқлиdir.

Шу ўғитларга амал қилган ҳалқимиз суғорма деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берган ва бериб келмоқда. Юртимизда юксак деҳқончилик маданияти шаклланган. Кам сонли дарё, сой, чашма-булоқ сувларидан самарали фойдаланишининг ажойиб усууллари кашф қилинган. Оқар сувлар канал, ариқлар орқали керакли жойларга олиб борилган. Баланд ерларга сув чархпалак, новлар орқали чиқарилган. Ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича ниҳоятда ақлли иш юритилган, ер тагидан кориз қазилган, чашма-булоқ «кўзлари» очилган. Чиғирлар ёрдамида эса жуда чуқур — 20—30 метрли қудуқлардан ер ости сувлари юқорига кўтарилиган. Сардобалар қурилиб, қиши қори ва баҳор ёмғирлари сувлари бир жойга тўпланиб, узоқ вақт тоза сув сақланган ва турли эҳтиёжлар учун тежаб ишлатилган. Қадим-

даёқ айрим сойларга түғон қурилиб, сув омборлари барпо қилинган.

Бу иншоотлар ўз-ўзидан бўлиб қоладиган ишлар бўлмасдан, халқимиз, миришкор дехқонларимиз ва донишмандарнинг ақл-заковати, баракали меҳнати туфайли юзага келган. Халқ тажрибаси ҳозир ҳам қўл келмоқда. Республика изизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи суғориладиган ерлардан олинади, қолган қисми эса, фақатгина қор, ёмғир сувлари ҳисобига тўйинадиган лалмикор, яъни суғорилмайдиган жойларда етказилади.

Бу китобда инсонлар учун энг муҳим масала — одамларни озиқ-овқат билан таъминлашга катта эътибор берилади. Унда шундай дейилади: «Борлиқнинг борлиги емиш биландир. Емиш бўлмас экан, ҳаёт ҳам йўқdir. Ким энг мўл-кўл экинлар экса, ерларни парвариш қилса, дон етиштиурса, ўт-ўланлар ўстиурса, мева-чева етказса, сувсиз ерни суғорса, захоб ерни қуритса, узоқ муддат ҳайдалмаган ерни шудгор қилса, бу ер дехқондан рози бўлади». Китобда бундай гоялар бир неча бор такрорланади ва ҳозирги замон тили билан айтганда, янги ерлар очиш, уларга етарли агротехник ишлов бериш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тартибга солиш кераклиги тўғрисида гап боради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакли, муқаддас китобда аграр муносабатларнинг молия масалаларига ҳам катта эътибор берилади. Масалан, «Ҳақ йўлида кимки ерни сидқидилдан парвариш қилса, унинг хизматига лойиқ қилиб ернинг эгаси ҳақини бериши лозимdir» деб таъкидланади. Шу жойнинг ўзида: «Кимгаки, Ерни парвариш қилгани учун ер эгаси муносиб ҳақини бермаса, Ер ҳомийси бундай ер эгасини зулмат бағрига туширади. Унинг вужуди ирибчирийди, руҳи эса дўзахга, тўппа-тўғри тикан, хаслар усттига тушади», деб айтилади. Бу ерда ерни лозим даражада, сифатли парвариш қилиш, дехқон меҳнатини муносиб тарзда баҳолаш масаласи қўйилган. Бу талаб ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Шунингдек, қарз олиш ва уни қайтариш, гаровга қўйиш, аҳдлашув шартлари жуда аниқ ва ишончли кўрсатилган. Аҳдни бузиш қаттиқ қораланганди ва жазо турлари белгиланган.

Албатта, ўша давларнинг тақозоси туфайли меҳнат унумдорлиги паст, меҳнат тақсимоти эндигина шакллана бошланган иқтисодиётда асосий эътибор истеъмол учун ишлаб чиқаришга қаратилган. Маҳсулот айирбошлаш ва айниқса, савдо тўғрисида кам гапирилади.

«Авесто» асаридаги foялар Farbga катта таъсир кўрсатганилиги аниқ. У ерда бу асарни яхши билишган. Фотиҳ Искандар Мақдунийнинг аскарлари китобни олиб кетишгани ва анча қисмини ёқиб юборишгани ҳам маълум. 21 қисмидан бизгача фақат 4 қисми етиб келган, холос.

Бу асарда шунингдек, ҳозирги давр учун умумбашарий муаммо — экология тўғрисида ниҳоятда қимматли фикр ва дастурлар берилган. Табиат, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш энг савобли иш деб қаралган. Китобда бевосита ёш ҳайвонларни овламаслик, айниқса, насл берувчи жониворларни сўймаслик қоидаси ҳукмрон бўлган, уни бузганлар жазоланганд. Кейинги авлод ҳақида қайтурилган. Сувни ифлослантирмаслик, ариққа, ҳовузга ва бошқа ерларга тупурмаслик тўғрисида тарбия берилган. Аксинча ҳолатлар эса, катта гуноҳ сифатида қабул қилинган. Бугуннинг тили билан айтганда, экологик тарбия ахлоқий меъёрга айлантирилган.

Эндиликда экологик муаммо айрим ҳудудлар доирасидан чиқиб, умумжаҳон фожиасига айланди. Кўплаб сув ҳавзлари қўримоқда, чўлланиш, ерларнинг захланиши ва шўрланиши, чучук сувлар сифатининг ёмонлашуви экологик муҳофазани ўта долзарб вазифага айлантириди. Шу сабабли «Авесто» ва шунга ўхшаш кўплаб асарларнинг мазмун-моҳияти кенг ҳалқ оммаси онгига сингдирилиши зарур.

«Авесто» ва бошқа асарларнинг ўзаро тарихий, фалсафий ва иқтисодий қиёсий таҳлилида (проф. Ф. Сулаймонова), бу асарларда тилга олинган қадриятларнинг ўзаро муштарақлиги, дунёдаги жараёнлар ўзаро таъсир остида эканлиги илмий исботланган.

Халқимиз анъаналарида эзгулик, меҳнат, бунёдкорлик, ҳалоллик, инсонпарварлик доимо устунлик қилган, чунки бу фазилатлар Қуръон, «Авесто», «Қобуснома» ва кўплаб бошқа китобларда улуғланган, тарғиб этилган ҳамда ҳаёт тарзига айлантирилган.

\* \* \*

Ўрта Осиё алломалари кўп минг йиллик тарих давомида башариятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшган асарлар яратдилар. Уларда умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топди, ноёб иқтисодий фоялар фан назарияси ва амалиётини бойитди. Шу сабабли бу асарларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва амалиётда қўллаш мухимдир. Уларни билиш орқали ўзлигимизни янада теран аниқлаш учун имкон туғилади.

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари билан қиёсланса, бу китобда бойликнинг асоси меҳнатда деб қаралади, янада аниқроқ ёндашилса, деҳқончилик ва чорвачилик иқтисодиётнинг манбаи ҳисобланади, бу эса классик иқтисодий мактаб, унинг физиократизм йўналиши куртакларига байни мос келади.

«Авесто» ўз қадимийлиги ва билим доирасига кўра ноёбдир. Унда ўша даврда ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эзгу фикрлар айтилади, хусусан, иқтисодий фаолият, меҳнат зарурияти, инсон табиатнинг ажralmas бир қисми эканлиги таъкидланади.

Бу — инсоннинг маърифий-маънавий ва ахлоқий тарбияси борасида ҳам қимматли қўлланмадир.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

Хитойни Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Европа давлатлари билан багловчи қадимги савдо йўли — Буюк ипак йўлидир. Бу йўл орқали асосан ипак экспорт қилинганлиги сабабли «Ипак йўли» номи билан шуҳрат қозонган. Сув йўллари ривожлангунга қадар, бу йўл милоддан аввалги II асрдан то милодий XV асргача Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ҳамда Ўрта дengiz мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожида мухим ўрин тутган.

Манбаларга қараганда, Тинч океанидаги Сариқ дengиз қирғоғида, Хуанхэ дарёси бўйида жойлашган Сиан шаҳридан бошланган ластлабки йўл Ланчжоу орқали Дунхуан (Хўтан)га келган, у ерда иккига ажralиб, бири шимоли-

тарбга, иккинчиси жануби-шарққа йўналган. Карвон йўлиниг умумий узунлиги 12 минт чақирим атрофида бўлган.

Немис муаррихи К.Рихтгофен 1887 йили ушбу йўналишга илк бор «Буюк ипак йўли» дея ном берди. Европа-ликларга майин ипак сири кўп асрлар давомида маълум бўлмаган, у ерда одатда жундан тўқилган анча дағал кийим-кечаклар тайёрланган. Бу эса ипак матоларга бўлган талабни оширган. Айниқса, хотин-қизларнинг бу газламага эҳтиёжи катта эди. Бу йўл орқали, нафақат ипак, балки бошқа турли-туман маҳсулотлар савдоси олиб борилганлиги аниқ.

Буюк ипак йўлининг йўналиши шароит, шунингдек, талаб-таклифга қараб ўзгариб турган, ўртacha бориб-келиш учун 120—150 кун кетган. Карвонни ташкил этиш, бошқариш катта тажриба, билим, саъй-ҳаракат талаб этган. Тарихчи мутахассисларнинг аниқлашича, бир карвонда 500 нафаргача одам, юк ташийдиган жониворлар бўлиб, карвонбоши, йўлни яхши билувчи бошловчи, қўриқчилар ва бошқалар, айниқса, элчилар, тилмочлар, ҳажга борувчилар, хат ташувчилар ҳам иштирок этган. Қаерга бориш, қаерда дам олиш, мадад сўраш жойлари, карвонсаройлар, кепрак пайтда жониворларни алмаштириш масалалари муҳим эди. Одатда, кундузи юрилган, кечаси дам олинган, шунга мос қўналғалар барпо этилганлиги маълум. Сув, ем-хашиб масаласи энг долзарб эди, чунки чўлу саҳроларни юриб ўтиш керак бўлган. Узоқ йўллар давомида карвон тўхтайдиган доимий маконлар вужудга келган, уларни карвончилар билган. Кўриниб турибдики, бир қанча давлатлар чегарасини кесиб ўтиб, турли хавф-хатарларни енгиб, савдогарлар ниҳоятда муҳим вазифаларни бажарганлар.

Бу ерда иқтисодиётнинг қайси қонунлари амал қилмоқда ёки тасодифий кучлар роли борми? XVIII асрдагина иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Давид Рикардо асарларида бунга илмий изоҳ берилди. Инсонларнинг албатта эркин одамлар учун хос бирор фаолият билан машгул бўлиши шахсий манфаат билан чамбарчас бөглиқдир. Аммо шахсий манфаат қўпинча жамият манфаатлари билан болжанган. Масалан, новвой аҳолини тўйдирни учун нон ёнади, аммо ўзи билмаган ҳолда ўз манфаати учун ҳам хизмат қиласи.

Маълумки, маҳсулот арzon ердан қимматроқ жойга интилади. Демакки, Осиёдан Буюк ипак йўли орқали борган маҳсулот Европада энди қимматроқ сотилади. Савдо-сотиқ, яъни товар-пул оқими эса, ана шу нарх-наводаги фарқланиш сабабли иқтисодиёт атамаси билан айтганда, нисбий устунликка эга бўлади. Ҳар бир ҳудуд, мамлакатнинг географик ўрни, иқлими, сув шароити нисбий устунликка эга бўлади ва аҳоли шундан фойдаланиб фаолият юритади. Бу энг самарали йўл, ихтисослашувдир. Ҳудди шу объектив қонуният Буюк ипак йўлида савдо-сотиқнинг куртак ёзишига сабаб эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Европадан Шарқ тарафга ҳам маълум маҳсулотлар оқими бўлган, ахир карвонлар орқага бўш қайтишмаган-ку?! Бугунги экспорт-импорт операцияларини бир эслайлик. Мана шу йўл ва иқтисодиёт қонуниятлари асосида, мамлакатнинг ҳудудлари, давлатлар ўргасидаги савдо муносабатлари ривожланган ва тобора юксак натижаларга эриша борган.

Хозирги даврда фан-техника ривожи туфайли бундай алоқалар кўлами жуда кенгайди ва ниҳоятда катта иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий наф келтирмоқда. Ҳалқимизда савдога бўлган қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда, мустақиллик давридаги бу ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда, «кўпчилик ўзини бозорга уряпти», деб ҳам қўямиз. Ҳақиқатан ҳам, бозор, савдо ва бошқа хизмат соҳалари тезроқ ривожланади. Бу қонуният шундан иборатки, агар тўғри иш юритилса, албатта, таваккалчилик ҳам бўлади, савдо қисқа вақт ичida катта фойда келтиради. Ҳозир юртимиздаги ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроги хизмат кўрсатиши, шу жумладан, савдо-сотиқ соҳаларида яратилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига, унинг ҳиссаси ортиши кўзда тутилган.

Бундан минг йиллар аввал ҳалқимиз савдонинг қанчалик аҳамиятли эканлигини яхши тушуниб етган ва унга амал қилган, ваҳоланки, Фарбда бу соҳа кейинги пайтлардагина тез ривожланди. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида савдо-сотиқ соҳасида жиддий хатоликка йўл қўйилган, чунки маркса-ленинча таълимотда бу соҳада бойлик яратилас мас экан, деган ғоя устун бўлган. Мустақиллик даврида бу

хато тўғриланди ва бозор тараққиётига устувор йўналиш берилди.

Ҳадисларда «фойданинг ўндан тўққизи савдода, ўндан бири чорвада», деб айтилгани бежиз эмас. Буни халқимиз ақли ва тажрибаси билан яхши англайди ва шунга амал қиласиди. Таниқли манбашунос, академик В.В. Бартольд ўз асарларида «сарт» атамаси устида тўхталиб, уни савдогарларга нисбатан қўлланилган ибора деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳали-ҳануз халқимизга, айниқса, шаҳарликларга нисбатан бу сўз дам-бадам ишлатилиб туришини эшитамиз.

Шимолий йўл Турфон орқали Тарим воҳасига ва бу ердан Қашқар, Фарғона водийсидаги Довонга борилган. У ердан Суғднинг маркази Самарқанд ва Марғиёнага йўналган. Ипак йўли Фарғона водийсида яна жуфт тармоққа бўлинган. Жанубий қисми Ўзғандан Ўш, Қува, Марғилон, Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухоро сари узайган. Кейингиси Аҳси (Андижоннинг қадимий номи) ва Қамчиқ довонидан ўтиб, Илоқ воҳаси ҳамда Тошкент тарафга йўналган. Демак, Қамчиқ тарихий йўлнинг узвий бўлаги ҳисобланган. Бу моҳият-эътибори билан Шарқ ва Фарбни сиёсий, савдо-сотиқ, маданият каби турли жабҳаларда боғловчи йўлдир.

Шу карvon йўли орқали Хитойдан ипак, Хитойга эса турфа хил газламалар, гилам ва палослар, ойна, металл, зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо тош ва дориворлар келтирилган. Бақтрия ва Довондан отлар ҳамда бугунги кунга келиб, қирилиб битган ёввойи буқалар — турлар олиб борилган.

XV—XVI асрларда бу йўлнинг аҳамияти анча пасайди. Аммо Марказий Осиё республикаларининг сиёсий мустақилликка эришуви туфайли, бу йўлни янада жонлаштиришга катта эҳтиёж туғилди. Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Каспий денгизи орқали Озарбайжон, Грузия, Қора денгизга чиқувчи, ундан Европага борувчи йўл лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда, бу йўлнинг келажаги порлоқ.

Энди эса, мозийга қайтиб, Ўрта Осиёning Буюк ипак йўлидаги ўрни ва ўша даврлардаги ташқи савдо салоҳиятига эътиборни қаратсак. Ўрта Осиёга, хусусан, ҳозиринг Ўзбе-

кистон ҳудудига қизиқиш аввалдан маълум ва бу ҳар томонлама — сиёсий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан аҳамиятли бўлган. Тарихий ва ҳозирги маълумотларга кўра, бу ҳудуд ери, суви, иқлими, табиати, географик ўрни, қазилма бойликлари, ҳайвонот дунёси жиҳатидан ажralиб турган. Аҳолининг меҳнатсевар, миришкор ва бунёдкорлиги, касб-хунарга меҳр қўйгани ва ижодкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудуд заминида турли-туман бойликлар, айниқса, олтин, кумуш ва бошқа рангли металлар ҳамда жавоҳирларнинг мавжудлиги ва сероблиги шу соҳа ҳунармандчилиги ривожида ҳал қилувчидир. Айниқса, олтин ажнабийларни оҳанрабо каби ўзига тортганлиги аниқ.

Бу ўлканинг қадимги ташқи савдоси салоҳиятида олтин, кумуш ва улардан ясалган зебу зийнатлар, заргарлик буюмлари, ложувард, сифатли пўлат ва ундан ясалган асбобу қуроллар, айниқса, қилич, қалқон ва бошқа ҳарбий анжомлар, ипакдан тўқилган хонатлас ва бошқа нафис матолар, ажойиб кўринишили қоракўл териси ва ундан тикилган буюмлар харидоргир бўлган.

Аждодларимиз яхши пўлат олиш йўлларини билганлар. Бу пўлатдан ясалган асбоб-ускуналар сифатли, ўткир ва нафис бўлган. Тарихий манбаларга қараганда, киройи бир қиличининг баҳоси бир филга тенглаштирилган. Қиличлар шунчалик мустаҳкам бўлганки, ҳатто доира шаклида ҳар қанча эгилса-да, синмаган. Бу пўлатнинг мустаҳкамлиги сири Фарбий Европада XIX асрнинг 40-йилларида гина очилди.

Самарқанд қофози ҳам оламга машҳур бўлган, чунки бу қофоз ипак чиқиндиларидан қилинган, бошқа хил қофозларга қараганда нафис, чидамли бўлган ва узоқ сақланган. Хорижликлар Самарқанд қофозини машҳур Миср қофозидан устун қўйишган, чунки энг қимматли ва аҳамиятли ҳужжатлар, китоблар Самарқанд қофозида битилган. Бу қофозда ёзилган китоб ва ҳужжатлар ҳозиргача сақланганлиги бежиз эмас. Ипак қофоз олиш технологияси 1924 йилгача Қўйонда қўлланилган, аммо шўролар даврида тутатилган. Бу усулни тиклаш қадимий қўлёзмаларни сақлаш ва реставрация қилишга ёрдам беради. Бу соҳада дастлабки қадамлар ҳам қўйилди.

Ўрта Осиё донишмандларининг китоблари, диний ва илмий асарлари ҳаммани қизиқтирган. Китоб ёзиш, яъни хаттотлик санъати юқори бўлган. Миниатюра санъати ҳам юксак даражада эди.

Шу сабабли илм макони бўлган китоб савдо-сотиги етакчи ўринни эгаллаган. Ҳозирги даврда кўплаб тарихий мутафаккирларимизнинг асарлари хорижий давлат ва шахсий кутубхоналардан топилмоқда ва ўз ватани — Ўзбекистонга қайтарилмоқда. Бу ҳол шундан далолат берадики, ўз даврида китоб савдоси Буюк ипак йўлининг асосий фаолиятидан бири бўлган, демак, бу ердан четга кўплаб илм ва санъат асарлари чиқарилган. Босқинчилар мамлакатимиздан карбон-карбон китоблар олиб кетганлиги эса, рад этиб бўлмайдиган тарихий далиллар.

Шунингдек, мамлакатимизда дунёдаги энг яхши от зотлари бўлганлиги маълум. Ҳалқ эпосида учқур, зийрак тулпорлар тўғрисидаги ривоятлар ҳақиқатга жуда яқин. Масалан, Хитой элчисидан уни қандай туҳфа қизиқтириши сўралганда, от олишни афзал кўрган. Отлар хўжаликнинг барча тармоқларида, ҳарбий хизматда, транспорт воситаси сифатида, улоқ чопиш, чавгон ўйнаш, мулк сифатида ниҳоятда қадрланган. Шу сабабли отлар ташқи савдода етакчи ўрин эгаллаган.

Диёrimiz arxeologlari, жумладан, олим M.E. Массон олиб борган тадқиқотлар асосида қайд этиш мумкинки, мамлакатимиз ҳудудида отларнинг пайдо бўлиш даврини аниқ айтиш қийин, чунки бу жуда қадимий ва ноёб ҳодисадир. Ўлкамиздаги форлар ва қоялардаги расмларнинг катта қисмида отларнинг чизмалари жуда кўп учрайди ва уларнинг милоддан аввалги I асрда чизилганлиги аниқланган.

От савдоси айниқса қадимги фаргоналиклар учун энг кўп фойда келтирувчи соҳага айланган. Тарихий маълумотларга кўра, аксарият харидорлар хитойлар бўлганлиги аниқ.

Ўша қадим замонларда паҳта етиштириш ва паҳтадан олинадиган маҳсулотлар асосий ўринда турган, қишлоқ хўжалиги шунга ихтисослашган. Полизчилик, айниқса, қовунчилик, боғдорчилик, узум етиштириш яхши ривожланган. Агар бизга ипак олиш усули Хитойдан кириб келган бўлса,

хитойлар биздан зотдор отларни сотиб олишган, узум ва беда етиштиришни ўрганишган.

Шунингдек, Ватанимизнинг қадим ҳудудида қоракўл тери берадиган қўйлар парвариши муҳим санаатган. Уларнинг териси билан савдо қилиш катта аҳамиятга молик бўлган. Ҳозирги даврда ҳам бу соҳага эътиборни кучайтириш Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва кучайтириш борасида зарур восита ҳисобланади. Ҳолбуки, бунинг учун бизда шароит ва тажриба старлидир.

Ўрта Осиёнинг Қадимги Шарқ мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларида муҳим ўрин тутган қадимги «транзит» савдо йўли — Ложувард йўли ҳам бўлган. Турли рамзий номлар — Олтин йўли, Ипак йўли, Кумуш йўли, Нефрит йўли ва бошқа номлар билан аталувчи алоқа-савдо йўллари ичida Ложувард йўли энг қадимгиси ҳисобланади. Бу йўл Буюк ипак йўлининг шаклланишидан (милоддан аввалги II аср) 3 минг йилча олдинроқ мавжуд бўлган. Демак, биздаги савдо муносабатлари тарихи ниҳоятда қадимийдир, шу сабабли баъзи хорижий олимларнинг бу мамлакатлarda бозор, бозор муносабатлари бўлмаган, деган гапларига нуқта қўйиш керак. Гап бозор муносабатларининг сифат даражасига бориб тақалиши мумкин, чунки у доим ривожда.

Тарихий-геологик тадқиқотлар далолат беришича, ложувард — мовийранг қимматбаҳо тошнинг энг машҳур конлари Помир тоғларида, Тоғли Бадаҳшонда жойлашган. Ўрта Осиёнинг дастлабки шаҳарларидан, жанубий Туркманистондаги Олтинтепа, Зарафшон дарёсининг юқори ва қуий оқимларидаги Саразм ва Замонбобо маконларидан бундан 3,5—4 минг йил аввалги энеолит, яъни мис-тош ва жез даврига мансуб ложувардан ясалган турли буюмларнинг топилиши эса, Ложувард йўлининг маҳаллий йўналишлари тўғрисида далолат беради. Аммо бу йўл тўғрисидаги маълумотлар яна кўплаб тўпланиши ва жиддий тадқиқот учун асос бўла олиши керак.

Булардан эса, тарихда Марказий Осиёга қизиқиш, шунингдек, босқинларнинг кўп бўлиши, бундай ўлка учун қураш, уни таъсир доирасига олишга уринишларнинг замира катта иқтисодий асос бўлганлиги янада ойдинлашади.

Үтмишда, ҳозирги даврнинг ибораси билан айтганда, **конвертация** масаласи ниҳоятда антиқа ҳал этилган, чунки пуллар асосан олтин динорлар ва кумуш дирҳамлардан зарб қилинган ва бозор қийматига ҳамда натурал моддий қадриятга эга бўлган. Металл оғирлиги ва тозалиги ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Бу эса чегара, божхоналардаги, турли давлатлардаги борди-келди, алмашув жараёнларини енгилластирган. Назаримизда, маҳсулотлар савдосида ҳам маълум нисбат — эквивалент ишлаб чиқилган. Бу деярли ҳаммага яхши маълум бўлган, чунки ўша даврларда ўзига хос **маркетинг ва мониторинг** юритилган.

Инсонлар томонидан қилинган буюк қашфиётлар — бу ёзув ва пуллир. Тарихий ва археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда Салавк I (милоддан аввалги 358/354—281/280 йй.), айниқса Антиох I (милоддан аввалги 324—261 йй.) ҳукмронлиги даврида мамлакатимиз ҳудудидаги дастлабки тангалар — олтин, кумуш, мис драхма ва тетрадахмалар зарб қилина бошлаган. Бу танга пуллар Термиз, Тахта Сангин, Денов, Кампиртепа, Афросиёбдан топилган.

Танга зарб қилиниши катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага яхши маълум. Аммо пулнинг пайдо бўлиши, шу билан бирга муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамият касб этади, чунки тангаларда давлатнинг номи, рамзлари, давлат бошлиқларининг суратлари, саналар ва бошқа муҳим ахборот берилган бўлади. Булар тарихий зарур маълумотлардир. Танганинг материали, ишланиш услуби эса, саноат ривожи тўғрисида талай маълумот беради.

Юнон-Бақтрия подшолиги даврида олд томонида подшоҳ, орқа томонида юнонларнинг тангрилари — Зевс, Артемида, Геракл ва бошқаларнинг тасвиirlари туширилган олтин ва кумуш тангалар зарб этилган. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Юнон-Бақтрия подшоларининг тангаларида юнонча ёзув билан бир қаторда, маҳаллий кхароштхи ёзувлари ҳам пайдо бўлган. Кейинги подшоҳликлар, айниқса, Күшонлар даврида иқтисодиётнинг ўсишига чамбарчас боғлиқ равишда тилла билан боғлиқ хунармандчилик ва тангалар зарб этиш ҳам ривож топди, буни археологик топилмалар тўла исботлайди. Мис тангалари ҳам муомалага киритилди.

Х асрда савдогарлар савдо уюшмаларига бирлашган ва савдо-сотиқда чеклар күп кўлланар эди. Катта миқдордаги пулни бирор шаҳарда бирор **саррофға** бериб, эвазига ундан чек олиш ва мўлжалланган жойга боргандা шу чекни кўрсатиб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тўла равишда қайтариб олиш мумкин эди. Ҳозирги даврда бу усул кенг кўлланилади.

Шунингдек, рус тилида «таможня» (тамға божи), «деньга» (танга), «сажень» (саржин) ва бошқа кўплаб сўзларнинг мавжудлиги Шарқнинг Farbga таъсирига оддий бир мисол дидир.

Шу сабабли бозор муносабатларининг тарихи ва жойи тўғрисида гап юритганда, ишонч билан айтиш мумкинки, Шарқ бу соҳада етакчи бўлган, фақат ҳозирги мезонларга нисбатан унинг ривожланганлик даражаси турлича бўлиши мумкин, холос. «Шарқда бозор бўлгану, бозор муносабатлари бўлмаган», қабиладаги гаплар бемаънилиқдир. Кейинги маълумотларимизда, айrim мутафаккирларимизнинг асарларида бозор билан боғлиқ бўлган иқтисодий тушунчаларнинг кўпчилиги амалда тилга олиниши (маҳсулот, пул, савдо, ижара, бай, судхўрлик...) бунга мисол бўла олади. Аммо улар илмий назария ёки қонунлар сифатида муомала-га киритилган эмас. Лекин, уларга зарурият бўлган, ўзўзидан равшан нарса сифатида қўлланган.

## ИБОРА ЗАМИРИДАГИ ҲАҚИҚАТ

### Ҳалқ мақоллари ва маталларида иқтисодий тушунчалар ҳамда бозор муносабатларининг ёритилиши

Ҳалқимиз томонидан кўп минг йиллар давомида шакллантирилган мақол ва маталларда аксарият иқтисодий foялар ўз аксини топган. Дастробки мақол қачон пайдо бўлганлиги номаътум, аммо ҳалқимиз каби ниҳоятда қадимийdir. Ўрта Осиё ҳалқлари ривожланишида мақол ва маталларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Уларнинг ўзига хос хусусияти шуки, доимо яратилиб борган ва йиллар давомида сайқалланган, шу сабабли катта даврни қамрайди ва кенг фикрларни ифодалайди. Мақолларда, ҳалқ оғзаки ижоди жанри

сифатида аждодларимизнинг бой ва кўп йиллик ҳаётий тажрибаси, жамиятга муносабати, тарихи, иқтисодиёти, руҳий ҳолати, ахлоқий ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамланган. Улар асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда, аммо чукур мазмунли шеърий шаклга келган. Мақолда бир нечагина сўз билан ниҳоятда катта масалага хulosса берилади. Уларда мазмун ва шаклнинг уйғун бирлиги, кўп ҳолларда қофиядошлиқ, баъзан кўп маънолилик, мажозий маъноларга бойлик каби хусусиятлар бор.

Маталлар кўчма маънода қўлланувчи халқ мажозий иборалари бўлиб, воқеа-ҳодисалар, ҳолат ва ҳаракатларни жонли, таъсирчан ифодалашда кенг қўлланади, уларда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочириқ каби бадиий воситалардан фойдаланилган.

Хусусан, Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида 400 га яқин мақол ва маталлар ишлатилган ва улар инсон, жамият ривожининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган.

Халқ фикрларида иқтисодиётнинг бош масалаларига тегишили нодир ғоялар берилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йилда яратилган «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» асарида халқнинг ажойиб мақоли қўлланилган. Унда республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида тутган йўли ўз ифодасини топди. Бунда асосий эътибор революцион ёки шок терапияси йўлидан эмас, балки эволюцион, яъни босқичма-босқич йўлдан бориб ривожланиш афзаллиги кўрсатиб берилади. Бозорга ўтишнинг беш тамойилида ҳам халқ мақоллари мазмунидан кенг фойдаланилган. Масалан, «аввал иқтисод — кейин сиёsat» иборасида «ўзбек модели» нинг бош тамойили ўз аксини топган ва шунга қатъий амал қилиш зарурлиги ҳаёт тажрибаси туфайли туғилганлиги аниқ. Энг муҳими бу ғоя илмий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда тўғридир. Негаки, инсонлар учун иқтисодиётнинг муҳимлиги азалдан сезилган. Ҳозирги давр иқтисодиёти таълимотлари ва назарияларида бу бош масала сифатида қаралади.

Шунингдек, ибораларда тежамкорлик ҳақида фикр юритилади. Бунга оид кўплаб мақолларни көлтириш мумкин. Бунда асосий эътибор ресурслар, яъни капитал, меҳнат,

ердан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймасликка қаратилади. Масалан, «Ноннинг ушоги ҳам нон», «Тома-томуа кўл бўлур» ва бошқа мақоллар бунга мисол. Шунингдек, оқилона ва самарали иқтисодиёт қўллаб-кувватланади — «Оз бўлса, эплаб кўр, кўп бўлса, сеплаб кўр», «Оз бўлсину, соз бўлсин», «Тежоғли иш бежоғли», «Кам ухла, кам де, кам с».

Бозор иқтисодиётининг муҳим масалалари — булар: ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот, жамғаришdir ва энг керакли томони — уларнинг инсон меҳнати, ақл-заковати, тадбиркорлиги билан бунёд этилишига алоҳида эътибор берилади.

Классик ва неоклассик мактаб намояндаларининг гоялари эса, эркин бозор муносабатлари асосидир; улар: 1) эркин тадбиркорлик ва танлаш ҳуқуқи; 2) нарх-наво эркинлиги, яъни бозорнинг талаб ва таклиф қонуни асосида шаклланиши; 3) эркин рақобат; 4) турли мулк шаклларининг мавжудлиги, аммо хусусий мулк устуворлиги; 5) давлатнинг иқтисодиётга имкон борича аралашмаслиги ва бошқалардир. Иқтисодиётнинг яхши ривожи учун эса мамлакатда тинчлик-осойишталик, меъёридаги солиқлар етарлидир. Хўжалик фаолиятидаги эркинлик энг муҳим талаб бўлган. Шу боис, ҳалқ фикрича ҳам, ана шундай эркинликка интилиши яхши ва тўғри орзу бўлган.

Шунинг баробарида, мақол ва маталларда иқтисодий тушунча, иқтисодий фикр, гоя, қараш, назария ва таълимотлар тўгрисида қимматли маълумотларни топиш мумкин.

Мақолларда иқтисодиётнинг бош масаласи — бойлик ва унинг манбай тўгрисида, меҳнат, ишлаб чиқариш соҳаси — ҳунармандчилик, дәҳқончилик, чорвачилик борасида чуқур маъноли фикрлар билдирилади. Улар маълум назария ёки таълимот сифатида шаклланмаган бўлса-да, масаланинг моҳиятини аниқ акс эттиради.

Кўп мақол ва маталларда пул, жавоҳир, савдо-сотиқ — мерқантилизм ниҳоятда кенг ва аниқ ёритилган. Уларда бойликнинг асоси деб қаралувчи муомала соҳаси ҳам эътибордан четда қолмаган. «Пул пулни топар, йўл йўлни топар», «Савдо — соқол сийпалагунча» мақоллари бунга мисол.

Маълумки, ҳозирги иқтисодий таълимотлар тарихида меркантилизм, классик мактаб, физиократизм, муқобил гоялар, маржинализм мавжуд. Маржиналистик таълимот асосида институционализм, неоклассика ва кейнсчилик йўналишлари бор. Мақолларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда ана шу йўналишларга хос деярли барча иқтисодий гоялар лўнда қилиб ифодалаб берилган.

Масалан, «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», «Бекор ўтиргандан кўра, бекор ишла», «Бекорчидан худо безор», «Сендан ҳаракат, мендан баракат», «Хунар — хунардан унар» ва шунга ўхшаш мақолларда қийматнинг меҳнат назариясига оид, яъни **классик иқтисодий** мактаб гоялари ётади. Маҳсулот асосан қишлоқ хўжалигига яратилади, дейдиган **физиократизм** гояларини кўнгина мақолларда кўриш мумкин: «Деҳқон бўлсанг, шудгор қил», «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда» ва ҳоказо. «Ердан ернинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор» иборасида эса, **ер рентаси** тўғрисидаги гоя аниқ берилади, чунки илмий соҳада ҳам, ернинг бозорга яқинузоқлиги ва табиий унумдорлиги туфайли пайдо бўладиган рента тўғрисида гап боради. «Деҳқон дон сочар, элга ризқ йўлин очар», «Деҳқон экканини ейди, чўпон — боққанини» ва бошқа шунга ўхшаш мақолларда ҳам, физиократизм гоялари яққол намоён бўлади.

Бозор ва бозор муносабатлари билан боғлиқ мақол ва маталлар ҳам талайгина. «Отант бозор, онанг бозор», «Бор товоғим, кел товоғим» каби фикрларда барча нарса бозорга боғлиқ эканлиги яққол кўрсатилади. Бунда нарх масаласи, талаб ва таклиф қонуни элементлари бор. Умуман, ҳалқимиз бозор муносабатлари доирасида фаолият кўрсатган, фақат шўролар даврида бунга ҳалақит берилган, очиқданочиқ тўсқинлик қилинган, савдо гарчилик жиноят ҳисобланган.

«Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди», «Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинни чўзади» мақолларида ҳар қандай фаолият шахсий ёки жамият манфаати йўлида қилиниши тушунилади. Яъни, «текин бойлик бўлмаслиги», «текин нонушта йўқлиги», «текин чувалчанг қармоқда бўлиши» уқтирилади.

«Қүш сўйса ҳам, қассоб сўйсин» каби мақолларда **мехнат тақсимоти** ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти — вақтдан ютиш, маҳорат, ихтисослашув кўрсатилади.

XIX аср охирида юзага келган ва ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, энг юксак иш унумдорлигига эришиш зарурлигини тарғиб этган илмий оқим — маржинализм фоялиригача халқ мақолларидан кенг ўрин олган. «Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ», «Шакарнинг ози ширин», «Текин қошиқ оғиз йиртар», «Бемаза қовуннинг уруғи кўп», «Йўқолган пичоқнинг сопи олтин» каби мақолларда маржинализм иқтисодий таълимоти асослари бор.

Қарз олиш-бериш, банк тизимидағи жараёнларни эса, масалан, «Олганда кирар жоним, берганда чиқар жоним» ибораси аниқ ва лўнда ифодалайди. Нега энди қарз олиш осону, уни қайтариш қийин, деган савол туғилади. Бу ерда масала мулк эгалиги ва руҳиятга боғлиқ. Қарз олганда ўзга одамнинг мулки олинади ва бу мулкнинг сиз учун қадри камроқ. Уни қайтарганда эса ўз меҳнатингиз, пешона тенингиз, ҳаракатингиз билан яратилган, яъни қадри юқори-роқ бойлик қайтарилади. Исломда эса «Омонатга хиёнат» энг катта гуноҳ сифатида қораланади.

Ҳатто реклама ҳам илгари маълум бўлган: «Онангни ҳам отангга бепардоз кўрсатма».

«Зар қадрини заргар билади» ва шу каби бошқа мақолларда олтин, кумуш ва бошқа жавоҳирларнинг аҳамияти, савдо-сотиқда ҳам бойлик яратилиши мумкинлиги XVI—XVII асрларда Фарбда вужудга келган меркантилистлардан анча олдин айтилган.

Бозор иқтисодиётида пулнинг ўрни ва қадр-қимматижуда муҳим ҳисобланади. «Мулла-муллашир, пулига ярашир», «Пул бўлса, чангалда шўрва» мақоллари бунга яққол мисолдир, худди бугунги гапнинг ўзи. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги даврда маҳсулотларни ишлаб чиқариш эмас, сотиш муаммоси долзарб.

Иқтисодиётида тежамкорлик, режа, таваккалчилик масалалари муҳим ўрин эгаллайди. «Тома-тома кўл бўлур», «Режали тўн тор келмас», «Маслаҳатли тўй тарқалмас», «Кўрпангга қараб оёқ узат», «Чумчукдан қўрқан тариқ экмас» каби иборалар халқ хўжалигида, айниқса, захи-

ралар етишмайдиган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга.

Классик мактаб отаси, таниқли инглиз олимни Уильям Петти «меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси»dir, деб таъкидлаган бўлса-да, бу гоялар халқ мақолларида ундан анча олдин келтирилган. Шу боис, халқ мақол ва маталларида мужассам иқтисодий гояларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш давом эттирилиши зарур.

## **Мақолларда деҳқончилик ва хунармандчиликнинг улуғланиши**

Халқимиз дурдоналарида иқтисодиёт билан боғлиқ деярли барча масалаларга, иқтисодий тушунчаларга жавоб тошиш мумкин, уларда инсон фаолиятининг энг асосий жабхалари мукаммал ёритилган. Меҳнат бойликнинг асоси — шу сабабли инсонларнинг меҳнат фаолияти улуғланган. Ўша даврда, моддий неъматлар яратишга қаратилган ақдли ва фойдали иш юқори баҳоланган, аҳолининг асосий фаолияти — қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик етакчи ҳисобланган, ҳозир ҳам шундай.

Ўтмишда меҳнат ва деҳқончилик ҳал қилувчи ўринга эга бўлган. Шу сабабли, ер, унга бўлган муносабат тўғрисида кўп фикрлар бор. Масалан, булар сирасига «Ер ҳазина, сув гавҳар», «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда», «Деҳқон бўлсанг шудгор қил, домла бўлсанг тақрор қил» мақоллари киради. Ер асосий ишлаб чиқариш омили сифатида қаралади ва ниҳоятда қадрланади, чунки ҳозиргача бу омилсиз ҳаётни тасаввур этиш қийин.

Шу билан бирга, бу мақоллarda жуда тўғри агротехник тадбир ҳам тавсия этилади. Ерни қачон ҳайдашнинг нима аҳамияти бор? Жуда катта иқтисодий нафи бор, буни ҳосилот, деҳқон, фермер жуда яхши тушунади.

«Эчкидан мол қилма, шафтолидан боғ қилма», дейди халқимиз. Бу изборанинг изоҳи мана бундай. Айрим дараҳтлар юз йиллаб мева беради, аммо шафтолизорда 2—3 йилдан сўнг янги кўчат экиш керак. Эчкичилик алоҳида соҳа сифатида камдан-кам учрайди, одатда кўйичилик билан бирга бўлади.

Қишлоқ хўжалигига меҳнат бойлик манбаи бўлиши билан бирга, жисмоний ривож учун ҳам аҳамиятли, чунки тоза ҳавода ишлаш тана ҳолати, овқат сингиши, қон айланниши жараёнларини яхшилайди. Табиат ва инсон ягона оғанизм сифатида қаралади.

Мақол ва маталларда доно ҳалқимизнинг ажойиб дурданоалари мужассамлашган, бу худди қимматбаҳо жавоҳирнинг кўп минг сонли қирралари каби қадимги даврдан то ҳозиргача яшаб, ривожланиб бормоқда, уларни ўрганиш ва ҳаётда қўллаш ажойиб натижа беради. Масалан, бирор мураккаб иқтисодий жараённи тушунтириш катта математик аппарат ва кучли сўзамолликни талаб этади, аммо биттагина ҳалқ мақоли билан уни англаб олиш мумкин.

Ҳунармандчилик инсон фаолиятининг асосий бўлагидир, бу соҳага оид мақолларда меҳнат тақсимоти муҳим ўринни эгаллади. Ҳалқимизда авваллари меҳнат соҳа, тармоқлар бўйича тақсимланган — қулолчи, бешикчи, бўзчи, атласчи, тақачи, темирчи ва ҳоказо. Аммо бу касблар цех ва мануфактура, фабрика даражасига тўла ўтмаган. Яъни, уста бир маҳсулотни бошидан охиригача ўзи, оиласи ёки ёрдамчиси билан тайёрлаган, ҳатто дўкони ҳам устахонаси ёнгинасида жойлашган. Ҳунармандлар асосан шаҳарларда кўп бўлган ва маҳаллалар ҳам уларнинг номи билан атала бошлаган. Бунга сабаб — аҳолининг кўплиги ва эҳтиёжларнинг турли-туманлигидир. Бу анъана ҳали ҳам сақланиб қолган ва авлоддан-авлодга ўтаяпти. Айниқса, бозорларда ҳунармандлар расталари ҳали ҳам авж олган. Бу ҳодиса тўла ва чуқур ўрганилиши зарур. Бу гояга майда маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни иш билан таъминлаш, меҳнат орқали маҳсулот яратиш нуқтаи назаридан жiddийроқ ёндашиш зарур, чунки илгари минглаб соҳалар бўлган, аммо уларни ташкил этиш тўла маънодаги капитализмга айланмади. Ҳунармандчиликка оид мақоллар кўп, улар юқорида ҳам берилди ва уларни қайтаришга эҳтиёж йўқ.

## **Халқ мақолларида ҳозирги иқтисодий таълимотлар жиҳатларининг акс этиши**

Бозор муносабатларининг энг асосий тамойилларидан бири — эркинликдир. Хориждан кирган атамалар билан айтганда — лесс-фerr, фритредерлик тамойили. Шунга мос «Бўйнидан боғланган ит овга ярамас, овга яраса ҳам довга ярамас», дейилади. Бу бевосита овчи итга ҳам тегишли. Яхшилаб эътибор беринг-а, овчи итлар доим арқонсиз эркин юради. Худди шу тамойилнинг бевосита инсонларга ҳам алоқаси бор. Эркин ишловчи тадбиркорнинг меҳнати зўрмазўраки ишлайдиган инсондан афзал бўлади. Шу сабабли ҳозирги даврда иқтисодиётни эркинлаштириш, яъни либерализация тўғрисида кўп гапирилмоқда.

Тарихда қулчилик, крепостнойчилик муносабатларининг охир-оқибат тугатилиши бунинг ёрқин далили ҳисобланади, бутун дунё ҳам инсоний, ҳам иқтисодий эркинликни қўллаб-қувватлаши бежиз эмас. Хусусий ва кичик бизнесга оид алоҳида қонунлар қабул қилинди. Шунга мос равиша Ватанимиз ҳудудида асосий деҳқончилик, ҳунармандчилик, қурилиш, савдо ишлари эркин одамлар томонидан бажарилган. Аммо чоризм ва шўролар мустамлақачилиги шароитида бу тамойиллар бузилган. Мустақиллигимиз шароитида бу мақолнинг зўр аҳамиятини тушуниш ва унга амал қилиш вақти етди.

«Туя бир танга — қани бир танга, туя минг танга — мана минг танга» иборасида эса, иқтисодиётдаги талаб ва таклиф қонуни ёрқин акс этган.

Иқтисодиётда мувозанат, мутаносиблик энг муҳим тушунчадир. Бунда жамгарма ва истеъмол, маҳсулотлар, хизматлар ва пул, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги ҳамда бошқа мутаносибликлар муҳим деб қаралади, уларга амал қилиш зарурлиги уқтирилади. Аксинча йўл тутиш эса, салбий оқибатларга олиб келиши тажрибада кўп бор исботланган. Шунга оид аниқ халқ мақоллари мавжуд. Масалан, «Кўрпангга қараб оёқ узат», «Даромадга қараб буромад», «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» ва бошқалар шулар жумласидан. «Ҳисобли дўст айрилмас» дейилганда, ҳисоб-китоб билан яшаш кераклиги, «Уйда чакса уни йўқ, том бошида

кўш тандир» дейилганда эса, мақтанчоқликнинг ёмон оқибатлари ва салбий хусусият эканлиги уқтирилади.

Ҳатто интеграция — бирлашув аҳамияти четда қолмаган: «Бирлашган ўзар — бирлашмаган тўзар», «Бўлинганди бўри ер».

Савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлган иборалар ҳам талайгина ва энг муҳими ўзига хосдир. Шуниси муҳимки, ҳалқ мақолларида ва бошқа гояларида савдо доим юқори баҳоланганд, бу борада доно ҳалқимиз ҳам назарий, ҳам амалий ҳақ бўлиб чиқди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Шарқ бозорларини келтириш мумкин. Яна бир мисол — XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, етакчи мамлакатларда савдо-сотиқ мамлакат иқтисодиётida ҳал қилувчи ўринга чиқа бошлади.

Ўзбекистоннинг келажаги ҳам ташқи савдо соҳасининг ривожи билан боғлиқ эканлиги таъкидланмоқда. Айниқса, Буюк ипак йўлини янги давр талаблари асосида қайта тиклаш бўйича бир неча лойиҳалар яратилди. Уларнинг айримлари амалга оширилмоқда. Масалан, Ватанимиздаги йўлларни ҳалқаро андозалар даражасига етказиш учун катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳалар амалга ошса, ҳамма учун янги манфаат келтиради.

\* \* \*

Ҳалқнинг кўп минг йиллик ақл-заковати билан яратилган мақол, матал ҳамда аниқ ибораларида ҳозирги замон иқтисодий ҳаётида кўлланиладиган фикр ва гоялар, қараш ва дастурлар ўз аксини топган. Улар назария ва қонунлар даражасига кўтарилимаган бўлса-да, катта амалий, ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу ҳалқ дурдоналарида ҳаёт ва амалиётнинг барча жабҳаларига тўғри ва аниқ жавоб топиш мумкин. Айниқса, бозор, бозор муносабатлари, бойлик ва унинг асослари, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, хизмат соҳалари, савдо, пул каби иқтисодий тушунчаларга доир деярли барча саволларга жавоб бор. Кўп соҳаларда «илфор» назариялардан анча тўғри фикрлар берилган. Масалан, савдо-сотиқ доимо юқори баҳоланиши ҳар қандай ҳалол меҳнат самараси, жамиятда пул, пул муносабатлари, ер, қишлоқ хўжалиги, сугориш, деҳқончилик,

хунармандчилик, меңнат тақсимоти, ихтисослашув аҳамияті каби иборалар теран ва түгри талқын этилган. Иқтисодий қонун-қоидалар бозор муносабатлари асосида тузилиши ҳәётій зарурат эканлиги анча олдин оддий халқ томонидан аниқ сезилғанligини эътироф этиш керак.

Хусусиятлардан бири шуки, мақоллардаги ғоялар вақтингалик ва маълум маконғагина ёки тор соҳагагина доир бўлмасдан, кенг қамровли аҳамият касб этади, муҳими бу мақоллар замон талабига биноан доимо ривожланиб боради. Шу сабабли бу соҳадаги тадқиқотлар эндиғина бошланғанligини ҳисобга олиб, уларни давом эттириш ва маҳсус ўрганиш талаб этилади. Негаки, бу нодир жавоҳирлар миллатимиз маънавий баркамоллигининг ёрқин инъикосидир. Халқ билан бирга бўлиш, унинг фикрини диққат билан ўрганиш, дарди-ғамига шериклик, пировардидага унинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини юксак даражага кўтариш ҳар қандай давлатнинг устувор масаласи эмасми?

«Соф танда — соғлом ақл», «Соғлик — туман бойлик» иборалари аслида иқтисодиётнинг муҳим масаласи — инсон ресурсларига тааллуклидир. Бу муаммога ҳозирги замон тадқиқотчилари алоҳида эътибор бермоқда. Иқтисодчи олим П. Са-муэльсон иқтисодиётда бу омилни биринчи ўринга қўяди.

Инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам ақдан саломатлиги муҳимлиги доимо эътиборда бўлган. Бунга эришиш учун ислом динида муҳим чоралар белгиланган ва улар ҳозир ҳам долзарбdir. Бу масала хусусида кейинчалик тўлароқ тўхтalamиз.

## **«АЛПОМИШ», «ГЎРЎГЛИ» ДОСТОНЛАРИ ВА «ҚОБУСНОМА» АСАРИДА АКС ЭТГАН ХАЛҚ ҲАЁТИ**

### **Ўзбек халқ достонларида хўжалик фаолияти тасвири**

Шарқ адабиётига мансуб лиро-эпик турдаги кўп қисмли поэтик асарлар достонлар деб ҳисобланади. Халқ ижодиёти бундай достонларга ниҳоятда бой. Улар халқ ҳаётининг тарихий тараққиёт даври учун хосдир, уларда муҳим

бир мавзу күтарилиб, эртакнамо сюжет, афсона ва ривоятлар шоир, бахшилар томонидан қайта ишланади.

Достонларнинг шакли кўпинча шеърий ва наср аралаш учрайди. Достонлар уч шохобчага бўлинади: а) қаҳрамонлик; б) ишқий-романтик ва в) дидактик. «Алпомиш» ва «Гўрўғи» достонларида халқнинг қаҳрамонлиги ва босқинчиларга қарши қураши кўйланади. «Қобуснома», «Қутадғу билиг» достонлари дидактик бўлиб, «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун» достонлари ишқий-романтикдир.

Ўзбек халқининг ижоди жуда бой ва уни тўла ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзуидир. Биз кўриб чиқмоқчи бўлган асарларда халқнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган гояларга эътибор берилган.

Ўзбек халқ достонлари асрлар давомида яратилган ва уларнинг энг яхши намуналари етакчи халқ шоирлари томонидан оғзаки равишда бизгача етиб келди ва китоб ҳолига айлантирилди. Бундай достонларнинг сюжети қадимий қабила-уругларимиз ҳаётига бориб тақалади ва патриархал-уругчилик муносабатларининг эмирилиши ҳамда феодал тузуми юзага кела бошлиши даврларига тўғри келади. Шу сабабли улар мұхим тарихий, ижтимоий-иқтисодий манба ҳисобланади. Шунинг учун бошқа тилларга ҳам таржима қилинган ва бир неча бор нашр этилган. Гўрўғи озарбайжонларда «Кўрўғли» деб номланади ва иккала версияси учун ҳам етарли асос бор. Негаки, қаҳрамон гўрда туғилган, аммо отаси Равшанинг кўзи ўйилган, кўр бўлган.

Достонлардаги асосий ижтимоий-иқтисодий йўналиш шундан иборатки, кўпинча ижтимоий қарама-қаршилик ҳамда тенгсизлик туфайли кучларнинг адолат ва ҳақиқат учун қураши мұхим ўринни эгаллади. Бунда ҳалол меҳнат ҳақиқий бойлик асоси эканлиги қўп бор кўйланади, босқинчилик, тажовузкорлик, қароқчилик, бошқалар яратган нарсага зўрлик билан эга бўлиш қораланади. Асарларда асосан хўжаликнинг чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик шакллари ўз аксини топган. Бу ерда қисман қулчилик элементлари борлигини кўриш мумкин. Одатда, бошқа юрт одамлари қул қилинган ва қул сифатида сотилган.

Меҳнат тақсимоти, ихтисослашув тўғрисида қўп фикр билдирилади. Масалан, «Гўрўғи»да бир қанча қуллар деҳ-

қончилик қилиш учун ажратилған лавҳа көлтирилади. Бож — хирож түлангани, яъни солиқ тизими аввалдан борлигини аниқ айтиш мумкин.

Үз қасбининг усталари, иқтидорли инсонлар улуғлана-ди. Масалан, Гўрўелининг отаси Равшан ўткир синчи (от зотини фарқлайдиган) инсон бўлган ва шу сабабли қуллик асоратидан қутулиб кетади. Ҳатто кўзи ўйиб олингандан кейин ҳам шу хусусиятини сақлаб қолади ва яхши отларни танлай олиши билан машҳур бўлади.

Эркин ва фаровон, адолат ва осойишталиқ ҳукм сурган юртни, жамиятни барпо этиш асосий вазифа сифатида қара-лади. Аслини олганда ҳозирги даврда ҳам бу умумбашарий қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Асарлардаги бош сюжет одатда қаҳрамонлик, ботир-лик, ватанпарварлик, севги-муҳаббат, ҳалққа садоқат шак-лида берилади ва албатта ҳалқнинг хўжалик ҳаёти, ту-риш-турмуши ва бошқа иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари акс эттирилади. Шулар асосида асарлардан иқтисодий ибо-ралар, хўжалик юритиш тизими, ишлаб чиқариш соҳалари, меҳнат қуроллари, алмашув, савдо-сотиқ, ҳисоб-ки-тоб, ички ва ташқи алоқалар, бошқарув, умуман, ҳалқ-нинг моддий турмуш даражаси, синфий табақаланиш ва бошқаларни аниқлаш учун имкон туғилади. Масалан, «Гўрўғли»да солиқчи, пул йигувчи — пулчин, пуруш (фур-руш) дейилган ва ҳоказо.

Албатта, бу асарлардан тугал иқтисодий қаравшларни ах-тариш ноўрин, лекин уларни ўрганиш орқали иқтисодий гоялар ривожланишини кузатиб, тарихда мамлакатимиз доирасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни сезиб олиш мумкин.

### **«Алпомиш» достонидаги иқтисодий гоялар**

XX аср охирида ажойиб из қолдирган тарихий ва мада-ний воқеалардан бири — «Алпомиш» достонининг 1000 йил-лиги жаҳон миқёсида кенг нишонланганидир. Юбилей тан-таналарида айтилганидек, бу достонда тасвирланган воқеа-лар юртимизнинг бир неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради. Аслида ҳалқимизнинг қадимий ва шонли та-

рихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳбайтидир. (Бу қисмни тайёрлашда иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳ. Собиров материалларидан фойдаланилди).

Дарҳақиқат, изланишлар натижаларига, хусусан, Селенгур топилмаларига кўра, аждодларимиз шу заминда тахминан 1—1,5 миллион йилдан бери яшаб қелмоқда. Турли ёзув ва битиклар милоддан аввалги VII ёки VI асрларда ташкил топган бўлса-да, фольклорнинг оддий шакллари — ашула, ялла, топишмоқ, халқ оғзаки ижоди равнақ топган, улар оддийдан мураккаб шаклларга такомиллашиб борган. Бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган, ана шундай асарлардан бири «Алпомиш» дир.

Достонда тасвирланган мустақиллик учун кураш шаклларидан бири — Қўнғирот (ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудуди) элида ҳукмонлик қилган Алпомишнинг отаси Бойбўри зулмига унинг укаси Бойсарибийнинг қарши чиқиши, закотни инкор қилиб, уни тўлашдан воз кечишидир. Демак, бу элда солиқ тўлашнинг закот шакли маълум бўлган.

Закот тўлашдан воз кечиш сиёсий талаб бўлса, унинг мазмуни қандай иқтисодий шарт-шароитга асосланган? Алпомиш ўсиб-улғайган Қўнғирот уруғи 16 та майда уруғдан иборат бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланган. Барча чорва моллари — қўй, эчки, туялар сони 40 мингдан ошган. Лекин асарда чорвачилик иқтисодиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири — молларнинг туёқ сони аниқ кўрсатилмаган, чунки қўнғиротликларда жонзотлар сонини сана什 одат бўлмаган.

Йилқибошилар моллар сонини уюр билан, яъни «бир уюри фалон тўқайда юрибди, иккинчи уюри бошқа тўқайда юрибди», деб чамалаб ҳисоблаганлар. «Гўрўели» достонида ҳам бунга мисоллар бор. Шунга қарамасдан, чорвачилик уруғда асосий бойлик ҳисобланади, чорвадорлар сут, қатиқ, гўшт ва бошқа маҳсулотларни айирбошлаб, истеъмол қилиб кун ўtkазишган. Лекин улар ҳеч кимга солиқ сифатида закот тўламаганлар. Араблар томонидан жорий қилинган шариат қонунларида кўрсатилишича, закот миқдори молларнинг сонига қараб ортиб борган. Масалан, 5 туждан 9 туягача бир қўй, ўн тўрттагача — икки қўй, шунингдек, қирқ

қўйдан — бир қўй, 121 дан 200 гача икки қўй, 200 дан 300 тагача 3 қўй закот олинган.

Лекин Алпомишнинг отаси, Қўнғирот элида ўз ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида барча уруғларни, шу ҳисобда ўз укасини ҳам ўзига итоат қилдирмоқчи бўлади. Уларнинг мустақиллигини инкор қилиб, шундай дейди: «Мен ўн олти уруғ — Қўнғирот элининг бойи, ҳам шоҳи бўлсам, нега Бойсарибий закот тўлашдан бош тортади?» дея закотчиларни унинг қароргоҳига юборади. Лекин Бойсарибий закот тўлаш оддий иқтисодий талаб эмас, балки сиёсий талаб эканлигини тушунтиради ва шундай мулоҳаза юритади: Энди биз ўз элимизда сифинди бўлиб, ўз акамизга ўзимиз закот бериб юрадиган бўлсак, бу элда бизнинг туришимизга имкон қолмайди. Бу ерда закот тўлаш ўрнига бошқа юртда жузъя ёхуд жизъя (келгиндилардан олинадиган солиқ) бериб юрайтиқ, дея ўз мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиласди. Шу муносабат билан Бойсарибий кескин кураш бошлаб, акаси юборган етти закотчининг қорнига қозиқ қоқиб ўлдиртиради.

Асарда бундан бошқа иқтисодий фоялар ҳам илгари сурлади. Масалан, достонда икки молия тизими ўз ифодасини топган. Биринчиси, қўнғиротликларда асосан айирбошлаш муносабатлари ҳукмронлик қилган. Улар ўзларига қарашли чорва молларини, ҳаёт учун лозим бўлган озиқовқат, кийим-бош ва бошқа моддий неъматларга алмаштириш орқали кун кечиришган. Баъзи жонзотлар олтинга ёки бошқа мамлакатда зарб этилган тангаларга алмаштирилган.

Қалмиқлар давлати қўнғиротликлардан фарқ қилган. Улар ўзларининг даромад ва харажатларини муҳрдор лавозими орқали ҳисоблаб борганлар. Уларда давлатнинг даромад ва харажатларини тартибга солувчи бюджет тузилмаси мавжуд бўлиб, унинг ҳисоб-китобларини ҳам муҳрдор бошқарib борган. У оқсоқоллар томонидан топшириладиган солиқ ва йигимларни қабул қилган.

Достонда кўрсатилишича, мамлакатдаги ерлар қалмиқ бойлар тасарруфида бўлиб, бу ерлардаги ҳосил эса асосан деҳқонлар томонидан етиштирилган. Ўзларининг ерлари бўлган деҳқонлар мустақил равишда солиқ тўлаганлар. Бой-

лар кўпчилик ҳолларда ўз зиммаларидағи солиқларни ижарага олувчилар зиммасига юклаганлар.

Қалмиқ шоҳи хазинасида фақат ер солиги эмас, балки савдо карвонлари ва ички бозорлардан олинган йигимлар — жизъя, бошқа эллардан келган хорижий шахслардан тўплган солиқ, мусодара қилинган мулклардан келадиган даромадлар ҳам йигилган. Бу бизга солиқларни таҳлил қилиш учун имкон беради. Қалмиқ юртининг маъмурӣ жиҳатдан бошқарилишига доир харажатлар қўйидагича бўлган: дostonда кўрсатилишича, мамлакат 500 оқсоқолликка бўлиниб, уларга тўплган солиқларнинг бир қисми чегирилиб, маош сифатида тўланган.

Сипоҳийларни сақлаш харажатларига келсак, қалмиқ шоҳи атроф мамлакатларидан донга келтан алпиларни ҷақиришиб, уларни тўплаб, ҳар бирига 500 пул бирлиги миқдорида маош тўлаган. 90 алп ҳамма шахсий харажатлар билангина эмас, балки қурол-яроғ, керакли анжомлар билан ҳам таъминланган.

Қалмиқ хони ўз давлатининг шон-шуҳрати учун курашиб, ҳашаматли саройлар қурдирган, бу ерларда бошқа мамлакатдан келган меҳмонлар қабул қилинган. Уларни қуриш учун уста ва мардикорлар йиллаб ишлашган. Бу биноларнинг ташқи ва ички кўриниши ҳашаматли бўлиши учун ҳатто дарвозаларга тилла суви юритилиб, нақшлар ишланган. Бундан ташқари, давлат ҳисобидан мамлакатнинг ички бозорлари учун расталар, карвонсаройлар, омборлар қурилган.

Қалмиқ шоҳи Суҳайл Мастонга қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилган:

«Қанча десанг менинг бермоғим даркор,  
Яна ҳам сўрасанг уста-ю гилкор,  
Устига қўйай неча амалдор.  
Бу ишларга сен бўлмагин чиқимдор».

Бу мисрадан қурилиш ишларига хазинадан пул ажратилиши билан бирга, унинг сарфланиши устидан назорат олиб борилиши кўзга ташланади.

Қалмиқ шоҳининг девонида пул зарб қилинганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан, лостонда

пул бирлиги номлари кўрсатилади. Савдо соҳасидаги муомала учун олтин ва қумушдан, қўшни мамлакатларда зарб қилинган пул бирликларидан фойдаланилганлиги тўғрисида гапирилади.

Тарих бозор муносабатларининг шаклланишида ҳуармандчилик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Достонда кўрсатилганидек, ҳуармандчилик уйдаги устахона доирасидан бозор учун маҳсулот тайёрлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига кўтарилган. Алномиш ҳам ҳуармандчиликдан хабари бўлган. У чанқовуз мусиқа асбобини тайёрлаш санъатини эгаллаган.

Қалмиқ шоҳи ихтиёридаги ҳудудларда қатта-кичик шаҳар ва туман бозорлари мавжуд бўлиб, бу бозорлардан бирига шоҳнинг қизи Тавқаойим раислик қиласиди, у ўз канизаклари орқали бозор фаолияти устидан кучли назорат ўрнатади.

«Алномиш» достони ҳалқимизнинг узоқ мозийдаги иқтисодий ҳаёти, ўзаро иқтисодий муносабатлари, давлат ва молия тизими, бошқа хусусиятлари орқали Марказий Осиёning тарихини ўрганишга ёрдам беради. Минг йил олдин иқтисодий асарлар яратилмаганлиги туфайли иқтисодий фикрлар фольклор асарларда ўз ифодасини топган. Шу тарзда, «Алномиш» достонининг таҳтили, аждодларимизнинг иқтисодий фикрлаш савияси ўша даврда яшаган бошқа ҳалқларга нисбатан юқори бўлганлигини исботлайди.

### **«Гўрўғли» достонида баён этилган иқтисодий фикрлар**

«Гўрўғли» мазмунан ва шаклан бир-бирига болганиб кетган 40 га яқин достонлар туркуми бўлиб, айрим ҳалқларда, хусусан, туркман, озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқаларда «Кўрўғли» номи билан шуҳрат қозонган. Бу асар асосий қаҳрамонининг ҳалқа бўлган меҳр-муҳаббати, душманларга чексиз газаб-нафрати, босқинчиларга қарши кураши, эл-юрт фаровонлиги учун ғамхўрлиги кўтаринки руҳ билан қўйланади. Юқорида қайд этганимиздек, достоннинг икки версияси бор.

Ўрта Осиё версиялари, хусусан, ўзбек версиясида Гўр-ўғли қонуний ҳукмдор, ўз ҳалқи, ватани учун қайгурувчи ва уни турли душманлардан ҳимоя қилувчи енгилмас баҳодир, кўплаб ҳалқ ботирларини тарбиялаб етиштирган доно мураббий, Чамбил юртининг азамат бошқарувчиси, ҳукмдори сифатида тасвирланади. Достон сюжети ҳозирги Хоразм ва Туркманистондаги Така-Ёвмит чегараларида рўй беради.

Достонда иқтисодиёт билан боғлиқ фикрлар кўп учрайди. Айниқса, чорвачилик, хусусан, йилқичиликка катта ўрин берилган. Буюк ипак йўли савдосида ва бошқа соҳаларда отлар асосий ўринни эгаллаган. Хорижлик савдогарлар яхши отларни саралаб олишган ва албатта, йилқичилик билан шуғулланувчиларга эҳтиёж катта бўлган. Достонда от зотлари, масалан, саман, қорабайир, аҳалтекин ва бошқалар тўғрисидаги фикрлар жуда аҳамиятли.

Уста отбоқарлар сайисманд леб номланган. Гўрўелининг отаси Равшан синчининг аниқлашича, мамлакат хони Ҳун-ҳаршоҳнинг отхонасида 30 минг от ичидан уттагина тулпор борлиги аниқланади. Бунинг устига, уларнинг нуқсонлари бўлади. Қолғанлари жоби-ёби (хашаки, оддий) от тури бўлиб чиқади. Равшан синчи шунча от бекорга тарбия қилинаётганини айтади. Асаддаги келишмовчилик шу лавҳа билан боғлиқ. Шоҳ алам туфайли, норози бўлиб, Равшаннинг кўзини кўр қиласди. Кўр бўлишига қарамасдан, Равшан хунига кўчадан ўтаётган ҳолвачининг отиини олиб беришни сўрайди. Равшанга 500 тилла пул таклиф этилади, аммо у рози бўлмайди, отни олади, чунки унинг зоти тоза эканлигини сезади ва хато қилмайди.

Йилқичилик ўша давр хўжалик фаолиятида жуда катта вазифаларни бажарган: отлардан яхши маҳсулот, иш кучи, асосий транспорт воситаси, гўшт, сут, қимиз, териси, турли ўйин-томушалар — чавгон, кўпкари-улоқ, пойга ва табобатда қўлланилган. Бир бия бир кунда 11—15 литр сут берган. От инсон учун яхши дўст ҳам бўлган. Ҳозирги тил билан айтганда, харидоргир маҳсулот эди.

Шу сабабли «от индустряси» — ҳунармандчилиги ривожланган, эгар-жабдуқ тайёрлаш, тақачилик кенг авж олган. Бахтга қарши, бир қанча сабабларга кўра ўша даврда

машхур бўлган яхши зотли отлар йўқолиб кетган, фақат Туркманистанда аҳалтеқин зотли отларни етишириш сақланиб қолиб, катта иқтисодий самара бермоқда. Жаҳон бозори баҳосига кўра, бундай зотли от дунёдаги энг яхши автомобилдан ҳам қимматроқ туради.

Чорвачиликда муҳим ўрин эгаллаган яна бир соҳа бу қўйчилик, хусусан, қоракўлчилик бўлган. Қоракўл териси олтин баҳосига тенг эди. Тарихда шундай воқеа эсланади: Искандар Мақдуний Ўрта Осиёни забт этган пайтда, унга бир янги туғилган қўзичноқни совфа қилишган. Бундан фотиҳ ранжиган ва маслаҳатчисига совгадан норозилигини айтган. Аммо маслаҳатчи бу оддий совфа эмаслиги, унинг териси, мўйнаси олtingа тенг эканлигини тушунтирган ва шундан сўнг совфа мамнуният билан қабул қилинган.

Ватанимизнинг табиий шароити шу соҳа ривожига мосдир. Ўз даврида қоракўл тери олиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда бўлганмиз. Ҳозирги даврда Марказий Африка Республикаси биринчи ўринда. Қадимги ташқи савдода саҳро кемалари — туялар катта ўринни эгаллаган. Туя ҳам гўшт, жун, сут берган. Умуман, ўша даврлардаги савдони туя, от, хачир, эшакларсиз тасаввур этиб бўлмасди.

Чорвачилик ва деҳқончилик ўртасида маълум мувозанат бўлган: чорва учун яйлов, ўтлоқлар керак бўлса, деҳқончиликда алмашлаб экиш амалта оширилган. Чорвачиликнинг бошқа тармоқлари, масалан, қорамолчилик ҳам кенг авж олган.

Достонда қўриқ деҳқончилиги тўғрисида фикр юритилади. Бунда аҳоли яшайдиган жойдан узоқда, чўлу биёблар худудида олиб борилган қишлоқ хўжалиги тўғрисида гап боради. У ерларда амалдорлар ов қилишган.

Хунармандчилик эъзозланган ва улар хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини ўз ичига олган.

Достонда бозорлар ҳам тилга олинади, алоҳида қул бозори борлиги айтилади. Гўрўглиниң отаси Равшан ҳам қул бозоридан минг тиллага сотиб олинганлиги баён қилинади. Бозорда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари ниҳоятда кенг ва одамлар гавжум бўлган. «Бирор мамлакатнинг аҳволини билмоқчи бўлсанг, бозорга бор» ибораси бекор айтилмаган.

Демак, бозорда маҳсулотларнинг мўл-кўллиги, хилмачиллиги, харидорларнинг кўплиги ва сотиб олиш қобилияти муҳим бўлиб, бу эса ишлаб чиқариш, истеъмол даражаси ва бошқаларни аниқлаш имконини беради.

Достонда отнинг эгаси — ҳолвачи билан амалдорлар ўртасида бўлган воқеада савдо, тошу тарози, уни назорат қилиши билан боғлиқ бўлган жойлар бор. Амалдорлар: «Ҳолвачи бобо, тўхтанг», — дейишса, ҳолвачи: «Булар мени сўроқ қилгани, тарози тошларимни текширгани келаётир», деб қўрқиб: «Ҳа, болаларим, менга шафқат қилинглар. Жўжабирдай жонман, бир амаллаб кун кўриш учун шу касбни қилиб юрибман, ҳеч кимга хиёнат қилмайман, тошларим ҳам тўғри. Мана бу тошим — нимқурт, буниси нимча, мана буниси чакса, бу — бир мисқоллик», — деб довдираб қолади. Шуни қайд этамизки, бу оғирлик ўлчовлари жойига қараб, мисқол — тахминан ҳозирги 5 грамм, нимча — тахминан 80 грамм, нимқурт — 1 килограмм, чакса, яъни бир тандир нон ёпиш учун кетадиган ун миқдори — 5—6 килограмм бўлган. Асарда солиқчи — пул йиғувчилар эса пулчин деб аталади.

Шу воқеадан маълум бўладики, бозордаги муносабатлар аниқ тошу тарозилар ёрдамида амалга оширилган ва энг муҳими, назорат кучли бўлган. Хун учун 500 тилла беришга рози бўлганлар, 50 тиллага ҳолвачининг отини олишади ва Равшанга беришади. Ҳолвачи эса умрида бунақа катта пулни қўрмаганлиги сабабли ниҳоятда хурсанд бўлади. Шундай қилиб, келажакда Равшанни тутқунликдан қутқарадиган зотли от ўз эгасини топади.

Асарда бу бир қўримсиз, орриқ-тирриқ, чўбир отни қандай қилиб тулпорга айлантириш усули амалий аҳамият қасб этади. Отни 40 кун қоронгида боқиши, унга ҳар куни 2 коса арпа, 1 сатил (челак) тия айрони, ичганича сув, тартиби билан беда бериш синчи томонидан тавсия этилади. Лекин от боқувчи «кўр одам отни қандай боққанлигимни қаердан билади, бир синаб кўрай» деб, отхона тепасидан бир кафтча жойини тешик қилиб очиб қўяди, отнинг сағринига гартақкина нур тегиб туради. 40 кун давомида от анча яхшиланиди ва Равшанга кўрсатилади. Аммо у кўр бўлишига қарамасдан, хатоликни аниқлаб, 40 кунлик меҳнат куйғанлиги ва отни яна бошқатдан шунча вақт қоронгида боқишини

талаб қилади. Шунда барча унинг ҳақиқий синчи эканлигини тан олади. Бу ерда гап касбий маҳорат, ихтисослашув, истеъод, ўз ишининг устаси ҳақида бормоқда.

Бу от 40 қун боқувдан кейин ва бошқа машқлар натижасида қалъя деворидан сакраб ўтиш қобилиятига эга бўлади ва охир-оқибатда шу йўл билан қулликдан тўла озодликка эришади.

Асарда ақл бовар қилмас бу юксак оламда инсон турмуши ва тафаккури, кураши ва интилиши, ҳасрати ва хурсандчилиги акс этган. Турли уруғ ва қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлар ва низолар бўлиб турган бир пайтда Гўрўғлибек ҳукмдорлигига халқлараро дўстлик белгиларининг кўриниши муҳим аҳамиятга эга. Гўрўғлининг ва унинг 40 йигити қаердан ва қайси уруғдан бўлмасин, мўлкўлчилик ўлкаси бўлмиш Чамбилининг осойишталиги, халқнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун тинмай кураш олиб борадилар.

### **«Қобуснома»да ҳунар ва илмга эътибор**

«Қобуснома» — Шарқ ва Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар, форс-тожик бадиий насрининг биринчи ва йирик ёдгорлигидир. Мазкур асар Табаристон (Мозандарон) ҳукмдори бўлмиш Шамс ал-Маолий Қобуснинг набираси — Унсур ал-Маолий, яъни қисқача Кайковус (1021—1098) томонидан 1082—1083 йилларда форс тилида ёзилган ва «Насиҳатномаи Кайковус» деб аталаған. «Қобуснома» унинг ўзбекча таржимасидир. Муаллиф асарни Гилоншоҳга бафишлаган.

«Қобуснома» 44 мавзудан иборат. Дастребки 4 мавзу диний хусусиятга эга, қолган 40 мавзуи эса ота-онани хурматлаш, илмий билимларни, санъатни эгаллаш, ҳарб, савдо, дехқончилик ишлари ва ҳунарни ўрганиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади.

Кайковус зодагонлар табақасининг вакили бўлса-да, бъзи ижтимоий, ҳаётий масалаларда ўз синфини инкор этади. Жамият тараққиётида ҳунар ва илмни биринчи ўринга қўяди. Ўғлига халқа яқин туришни, халқ манфаатини кўзлашни

уқтиради. Лекин у ахлоқ, тарбия, ҳунар ва меҳнатга ҳукмрон синф нуқтаи назаридан қарайди. Хулқ-одатни туғма деб тасаввур этади, одоб ва ҳунарни юқори табақа мероси, касб-ни эса ҳалқ мероси деб талқин қиласи.

«Қобуснома»да касб-ҳунарни эгаллаш, ҳалол меҳнат туфайли бойлик яратилишига алоҳида эътибор берилади. Бу ўғитлар ёш авлодни тўғри тарбиялашда энг муҳим омил деб қаралади.

Асарда Кайковус одамларни 3 гуруҳга бўлиб, уларнинг жамиятда тутган ўрнини аниқлади; одамларнинг фазилатлари ҳам 4 гуруҳга бўлинади: ақллилик, тўғрилик, ҳақгўйлик, жувонмардлик.

Кайковус ҳаётдаги мавжудотларни бир-бирига алоқадор, бир-бири билан боғлиқ ва зиддиятли деб талқин қиласи. Унингча, ташқи дунёдаги мавжудотлар ё бевосита, ё билвосита бир-бири билан боғланиши мумкин. Бир-бирига ўхшаш бўлган мавжудотлар эса бевосита муносабатда, бир-бирига қарама-қарши моддалар эса билвосита муносабатда бўлади. Бу алоқа фақат Ер юзидағи мавжудот ва ҳодисалар эмас, ҳатто коинот мавжудотлари орасида ҳам бўлади, дейди. У кишининг руҳий ҳолатини ҳам 2 гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини модда, руҳий ҳиссиётни «жон» билан боғлайди. Бири моддий, иккинчиси руҳий ҳаёт натижаси, деб кўрсатади. Аммо Кайковус буларнинг ҳаммасини илоҳий куч билан боғлайди.

У ақл ва тафаккурни юксак баҳолайди, уни бойликтан устун қўяди, қобилиятнинг ҳам хилма-хиллигини баён қиласи. Кайковуснинг фикрича, инсонни тарбиялашдан мақсад уни замон ва келажак учун керакли шахс қилиб етиширишдир. Бу масалалар китобда ихчам ҳикоялар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақол ва ҳикматлар ёрдамида баён қилинади. «Қобуснома» кўп тилларга, жумладан, рус ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган.

\* \* \*

Халқимиз ижодида достонлар катта ўрин эгаллайди. Уларнинг сони кўп бўлиб, давр жиҳатидан кўпроқ ўрта асрларга хос воқеа-ҳодисаларни акс эттиради. Бу асарларда бир қанча ижтимоий-иқтисодий гоялар мавжуд. Уларда тарихий

воқеалар, жамиятнинг табақаланиши, ҳалқнинг хўжалик фаолияти, меҳнат, бойлиқ, пул, савдо-сотиқ, солиқ тизими, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мамлакат ва аҳоли фаровонлиги асосида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик соҳасидаги ҳалол меҳнат, меҳнат тақсимоти, ихтисослашув туришини аниқ сезиш мумкин.

Натурал хўжалик билан бирга товар-пул муносабатлари ҳам ривожлана бошлаган. Достонларда пул бирликлари келтирилган, аммо бу тангалар қаерда зарб этилгани но маълум. Давлатда ўзига хос бюджет тузилмаси пайдо бўлган. Пул ва бошқа ҳисоб-китоб мезонлари тўғрисида яхши фикрлар берилган. Солиқларнинг бир қанча турлари қайд этилади.

«Алпомиш»да закот билан боғлиқ солиқ тифайли низо келиб чиқсан. Солиқ ва йиғимларни сарфлаш йўллари, масалан, маош кўрсатилади. Ҳунармандчилик бозор билан чамбарчас bogliq ҳолда ривожланиши таъкидланади.

Кейинги асарларда, айниқса, «Қобуснома»да, инсон фаолиятида ўқув, билим, фан ва инсоний фазилатларга катта ўрин берилган. Ёки ҳозирги замон тили билан айтганда, «инсоний ресурс» юқори ўринга қўйилади. Бу масала замонамизнинг етакчи олимлари томонидан илгари сурилган ва амалда тасдиқланган.

Масалан, «Гўрўғли» достонида инсоннинг жамиятдаги мавқеи ниҳоятда ҳаққоний тасвир этилган. Шу сабабли бу асарларнинг маърифий ва маънавий-тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта.

Зоро, қомусий мутафаккир шоиримиз Умар Ҳайём айтади:

Дунёning тиласи, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Бу ажойиб ҳақиқат талабчан тарих синовларидан ўтиб келмоқда.

## **ҚУРЬОН: ЭЪТИҚОД ВА ИҚТИСОД**

### **Ислом динида мулк ва мулкий муносабатлар ҳақида фикрлар**

Қуръон (арабча — ўқимоқ, қироат қилмоқ) мусулмонларнинг муқаддас китобидир. Ислом эътиқодига кўра, Қуръон Жаброил алайҳиссалом орқали Муҳаммад пайғамбар (сав)га 610—632 йиллар давомида нозил қилинган Аллоҳнинг қаломидир.

Қуръон фақат мустақиллик йилларидағина оятларнинг изоҳли таржимаси шаклида ўзбек тилида бир неча бор нашр этилди. Бу нашрлар ўртасида мазмун жиҳатдан яқдиллик бўлса-да, фарқлари анчагина. Биз асосан унинг 2006 йилги «Мовароуннаҳр» нашридан фойдаландик.

Инсоният, жамият ривожининг ҳар бир босқичига мос бўлган ҳамда ишлаб чиқариш омиллари ва муносабатларига оид иқтисодий ғоялар, энг аввало, турли диний китобларда, жумладан, Қуръонда ўз аксини топган. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган» (И.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». — Т.: 1995, 151-бет).

Ислом динидаги ижтимоий адолат қадриятлари ҳозирги кунда нафақат Шарқда, балки Фарб давлатларида ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, 1955 йили АҚШнинг олий марта-бали прокурори Роберт Хугурт Жексон «Исломда ҳуқуқ» номли китобга ёзган сўзбошисида шундай фикр билдирган: «Энди шундай вақт етиб келдики, биз ўзимизни дунёда адолатсевар ёки адолат нима эканлигини тушунадиган ягона халқ деб билмаслигимиз керак. Негаки ислом мамлакатлари ўзларининг қонуний тизимларида бунга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Улар орттирган тажриба бизга қимматли сабоқлар бериши мумкин». Биз ушбу масалани ёритишда Қуръондаги ижтимоий-иқтисодий

Фояларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва айрим хуласалар чиқаришга ҳаракат қиласиз.

Ислом динининг асосий манбаи бўлмиш Куръондаги 293 оят бевосита иқтисодий масалаларга бағищланган. Исломда жамиятдаги мавжуд иқтисодий тенгсизлик Аллоҳ томонидан белгиланиши ва мол-мулк кишилар учун бир синов эканлиги кўрсатилиб, мулк эгаларига ҳасад қилмасликка чақирилади. Масалан, «Нисо» сурасининг 32-оятида: «Худо баъзиларингизга зиёда фазилатлар берган бўлса, ҳасрат-адоват билан уларни орзу қилманглар. Эркакларга ҳам касб қилган нарсаларида Худо тарафидан муқаррар қилинган насибала-ри бор ва аёлларга ҳам касб қилган нарсаларида Худо тарафидан тақдир қилинган насибалари бор. Ҳақ таоло ўз ҳикмати ва тадбири билан ҳар кимга лойиқ ризқни муқаррар қилган. Лозими шуки, бир кишининг кўп молини кўриб, ҳасад қилмаслик керак. Бироннинг қўлидаги нарсага тама қилмасдан, Худонинг фазл ва марҳаматини сўранглар. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар кимга лойиқ насиба, ризқ тақсим қилишга донодир».

Ислом динида, унинг асоси бўлмиш Куръонда мулк ва мулкий муносабатлар масалаларига катта эътибор берилган. Зоро, мулкчилик — кишилар ўргасида ишлаб чиқариш омиллари ҳамда меҳнат маҳсулини ўзгартириш сабабли пайдо бўлган ва тарихий аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлардир.

Шариатда мол-мулклар хусусиятларига кўра, кўчар ва кўчмас мулк, бўлинниши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган мулк, асосий ва қўшимча мулкларга бўлинади (ҳозирги даврда асосий ва айланма капитал ана шундай). Хусусий мулк — асосан эгалланган ерлар, мулклардан иборат бўлиб, улар ўз навбатида вужудга келиши ва солиқ тўланиши ёки тўланмаслигига қараб «Мулки хури-холис» ёки «Мулки хирож» турларига бўлинган. «Мулки хури-холис» хуқуқи асосан йирик ер эгаларига ва жамиятнинг имтиёзли шахсларига тегишли бўлиб, улар ҳар қандай солиқлардан озод этилган ва ўз ерлари бўлмаган ёки кам ерлиларга ижарага ер беришган. «Мулки хирож» хуқуқига эга бўлганлар аҳолининг кўп қисмини ташкил қилувчи деҳқонлардан иборат бўлиб, улар шариат бўйича «ушр», яъни ҳосилнинг ўндан

бир қисми миқдорида хирож солиғи тўлашлари лозим бўлган.

Хирож солиғи Ўрта Осиёда VII асрда араблар томонидан жорий этилган бўлиб, давлат томонидан ундирилган ер солиғидир. Ислом қонуншунослигида бу солиқнинг хирож-миоҳа (ер майдони бирлигидан олинган) ва хирож-муқосама (ернинг сифати ва сугориш усулига қараб, ҳосилнинг 25, 33 ва ҳатто 50 фоизи миқдорида ундирилган) хиллари бўлган. Эътиборли томони шундаки, худди рента усулига ўхшаб иш юритилган. Табиий, яъни ариқ, канал орқали сугориш учун солиқ катта эди, чунки бунга нисбатан кам сарф-харажат талаб қилинарди. Кориз, яъни сув ости суғориш каналидан чиғир ишлатиб сув тортиб олинган ҳолда суғорилган ерлар учун камроқ солиқ солинар ва бу адолатли ҳисобланар эди. Хирож дастлабки пайтларда мулк ҳолида, кейинчалик эса пул щаклида йиғиб олинган. Бу ҳолат Бобур ва бобурийлар олиб борган иқтисодий сиёсатда яққол кўзга ташланади.

Исломда турли ижтимоий жамғармаларни ташкил этишга ҳам аҳамият берилиб, бундай мулкчилик «вақф мулки» деб аталган. Шариатга асосан, вақф мулки турли диний жамиятлар, ўқув юртлари ва бошқа муассасалар фойдасига вассият қилиб қолдирилган мол-мулк, уларнинг ихтиёрига ўтказилган турли хайр-эҳсонлар, ёрдам ҳисобига ташкил этилади. Вақф мулкига қўчмас ва қўчадиган мол-мулк, суғориладиган ерлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, савдо бинолари, омборхоналар, тегирмонлар, масжид ва мадраса бинолари, мусофирихоналар, шунингдек, фойда келтирадиган бошқа мол-мулклар кирган. Масалан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ўз ҳисобидан вақф мулкига ажратилган мол-мулклар бўйича маҳсус «Вақфия» асарини ёзган эди. Вақф мулки муқаддас ҳисобланар ва ҳеч ким томонидан тортиб олишга, сотиб олишга, сотишга, ҳадя қилишга йўл қўйилмаган, уч йилдан ортиқ муддатга ижарага берилмаган.

Ислом динидаги мулкий муносабатларда турли шартномалар тузишга эътибор қилиниб, гувоҳлар ҳузурида тасдиқлаб олиш буорилади. Исломда қуйидагича олди-сотди шартномалари мавжуд: «Бай қатъий» шартномасида, сотилган мол-мулк ҳаридорга ҳақи тўланмасидан олдин ҳам топ-

ширилиши кўзда тутилади. «Бай-жоиз» шартномасига асосан, тарафлар маълум ва келишилган муддат давомида, шартнома бўйича берилган ёки олинган нарсаларни бир-бирига қайтариб бериш шарти кўзда тутилади. «Бай фасид» шартномаси эса, сотилган мол-мулк уни мазмун ёки шакл жиҳатдан ўзгаришиш, ё қайтадан учинчи шахсга сотиш мўлжалланган тақдирда, ушбу мол-мулк унинг биринчи эгаси томонидан ўзи сотган нархда қайтариб олиш шарти билан тузилади. Ислом динида кўчар мол-мулк сотилган вақтда шартнома оғзаки тузилишига ижозат берилса ҳам, лекин албатта бу ишда гувоҳлар иштирок этиши шартлиги буюрилади. Кўчмас мол-мулк бўйича шартнома эса умумий қоидага биноан ёзма шаклда тузилиб, қози томонидан тасдиқланган.

Куръонда бозордаги савдо-сотиқ муносабатларига оид кўплаб кўрсатмалар мавжуд. Ислом дини талаблари бўйича, сотувчи ўз молининг айбини яширмаслиги, керагидан ортиқ мақтамаслиги, харидор ҳам сотувчининг молини ерга уриб, камситмаслиги, пул беришда фирромлик қилмаслиги каби иқтисодий-ахлоқий меъёrlарга амал қилишлари лозим. Со-тuvchi билан харидорнинг ихтиёрий равишда савдо-сотиқ ишида бир-биридан рози бўлиши савдонинг ҳалол ва ҳар икки томон учун ҳам адолатли бўлганлигини билдиради. Ҳадисларда, шунингдек, бозорларга олиб келинган озиқовқат молларини сотиб олиб, шу ернинг ўзида бошқаларга қимматга пуллаган олибсотарларнинг фаолияти қаттиқ қораланди.

Куръонда маҳсус «Мутаффифин», яъни «Бирорларнинг ҳақларидан уриб қолгувчилар» деб номланган сурा ҳам мавжудки, унда бирорнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган кимсалар Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишлари тўғрисида хабар берилади. Ушбу суранинг 1—6-оятларида ўлчов ва тарозилардан тўғри фойдаланиш хусусида иқтисодий гоялар баён қилиниб, «ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай: улар одамлардан бирон нарсани ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Йўқ, бирорларнинг ҳақларидан уриб қолишдан ҳазар қилинглар», дейилган.

Ууман, исломдаги иқтисодий гоялар инсонлар ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, хусусий мулкчиликни ҳимоя этади. Бозор муносабатларининг энг муҳим асоси ҳам шу. Шу билан бирга, Қуръонда мол-дунё инсонлар учун бир синов эканлиги ва унга мияссар бўлғанлар ўзлигини йўқотиб қўймасдан, ҳовлиқиб, босар-тусарини билмай қолмасдан, аксинча, ақл билан иш тутиб, хусусий мулкнинг ижтимоий аҳамиятини эсда сақлашлари уқтирилади.

### **Закот ва хайр-эҳсон савоби**

Ислом (арабча — итоат қилмоқ, бўйсунмоқ) дини биносининг асосий беш устуни: 1) имон, ишонч ва садоқат, 2) намоз, 3) рўза, 4) закот ва 5) ҳаждан иборат. Бу ерда закот (арабча — тозалик) тўғрисида маълумот бериб ўтамиш.

Закот — мусулмонларнинг маълум миқдорда даромаддан, мол-мulkдан ихтиёрий, ислом давлатларида эса мажбурий бериладиган солиқ туридир. У ислом фарзларидан бири бўлиб, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. «Бақара» сурасининг 42—43-оятларида «Закотни адo этинглар», дейилган. Унинг миқдори ва ундириш тартиб-қоидалари шариат қонунларида кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳунармандчиликдан олинадиган йиллик умумий даромаднинг қирқдан бир улуши закот сифатида масжидларга берилиб, ундан фақат камбагалларга — тириклий үтказиши қийин бўлган одамларга, жисмонан ожизлар, етим-есирлар, ночор мусофиirlар ва бошқа мустаҳиқ, яъни садақа ейишга лойиқ кишиларга берилган. Сунннийлар пайғамбарнинг оила аъзолари закотдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум, десалар, шиалар унинг маълум бир қисмидан фойдаланишга ҳақлари бор, деб ҳисоблайдилар.

«Тавба» сурасининг 58—60-оятларида: «Шуни билмоқ керакки, садақотга (закотга) кимлар ҳақдордирлар? Албатта, садақот фақирларга ва мискинларга, подшоҳ тарафидан садақа жам қилувчиларга, дилларини исломга мойил қилиш учун коғирларга ва гуломларни озод қилишга ва йўлда қолганларга, мусофиirlарга берилади. Худойи таоло тарафидан бу ҳукм муқаррар бўлгандир. Аллоҳ таоло мустаҳиқтарнинг

ҳолини билади, қандай тақсим қилишга ҳокимдир», деб айтилади. Айрим манбаларда закот илм толибларига ҳам берилади, деб қайд этилган.

Закот йиғувчи маҳсус мансабдорлар закотчилар деб аталған. Бу анча қатта амал бўлиб, масалан, Бухоро амирлигидаги алоҳида бош закотчи ҳам бор эди. У девонбеги амалида бўлиб, хонликнинг молиявий ишларини ҳам бошқарган.

Ҳозирги даврда ислом давлатлари, хусусан, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларда закот билан шуғулланувчи маҳсус ташкилотлар мавжуд. Бошқа давлат мусулмонлари эса одатда ихтиёрий равишда масжидларга ўз хайр-эҳсонини беради.

Закот мусулмонларнинг бирлигини, биродарлигини, тенглиги ва бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлайди. Закот тўлашга қодир бўлмаган мезон — **нисоб** аниқланади ва фақат ундан ортиқ бойликка эга бўлганларгина закот бериши зарур. Хайр-эҳсон, унинг миқдори, шакли тўла ихтиёрийдир.

Закот, унинг миқдори ва бошқа масалалар Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги жуда муфассал қараб чиқилган ва бу ҳақда қўйироқда маълумот берилади. Бизнингча, закотни аҳоли ижтимоий ҳимоясининг муҳим бир шакли сифатида баҳолаш керак. Албатта, бунда адолат ва ҳақиқат мезонлари беназир бажарилиши зарур.

VII аср бошларидә ёқ аҳолининг кам даромадли, чиқимили табақалари (бундайлар доим бўлган, ҳозир ривожланган давлатларда ҳам бор) тўғрисида ғамхўрлик қилинаётгани муҳим аҳамият касб этади. «Беш бармоқ баробар эмас» экан, инсонлар ўртасида иқтисодий-ижтимоий тенгсизлик бор, уни маълум даражада тартибга солишини дин, кўп мамлакатларда эса давлат йўли орқали қонунлаштириш мақсадга мувофиқ.

### **Исломда қарз олиш ва қарз бериш**

Ислом динидаги мулкий муносабатлар бўйича энг кўп учрайдиган қарз олиш-қарз беришга оид муҳим кўрсатмалар, аввало, Қуръонда ва бошқа китобларда берилган. «Бақара» сурасининг 282-оятида бу ҳақда: «Эй мўминлар, бир-бир-

ларингиз билан қарз беришиб муомала қилган вақтларингизда буни ҳужжат тариқасида ёзинглар», дейилса, 283-оятида: «Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунicha ёзib қўйишдан эринманглар», деб уқтирилади. Шу билан бирга, қарздор одамга нисбатан шафқатли бўлишга давъат қилиниб: «Агар қарздор noctor бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар, берган қарзингизни садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир», дейилади шу суранинг 280-оятида.

Мазкур оятдан қелиб чиқадиган кўрсатма шундан иборатки, жамият аъзолари ўртасида доимо бўлиб турадиган қарз олиш ва қарз бериш ишларидаги қарзларни ҳам гувоҳлар иштирокида ёзib қўйиш, ҳужжатлаштириш лозим. Зоро, исломда омонатдорлик, яъни бироннинг ҳақига хиёнат қилмаслик энг улуғ инсоний фазилат ҳисобланади. Аксинча, омонатга хиёнат қилиш, бироннинг ҳақини еб кетиш, ўзлаштириб олиш энг оғир жиноятлардан бири саналади ва қаттиқ қораланади. Агар қарз муаммолари гувоҳлар иштирокида ҳужжатлаштирилса, келажакда рўй бериши мумкин бўлган ихтилофлар, қарздан тониш ҳолатлари бартараф қилинади. Бу тизим ҳозирги давр кредит тизими билан ниҳоятда ҳамоҳангидир.

### **Исломда мерос масаласи**

Ислом динида матрука — мерос масаласига алоҳида эътибор беришган. Бунда қаровсиз қолган етимларнинг мулкий ҳуқуқлари аниқ кўрсатилади. «Нисо» сурасининг 2-оятида: «Эй васийлар, етимлар балофатга етганда молларини ўзларига беринглар, 12-оятида: «Эй эрлар, сизларга хотинларингиз қолдирган матрука молидан ярим ҳисса тегадики, башартики хотинларингизнинг боласи бўлмаса», деб айтилган, 176-оятида эса мероснинг миқдорлари ҳам белгилаб берилган. Ушбу оятда: «Эй Мұҳаммад, сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: Аллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган одам тўғрисида фатво берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, агар унинг синглиси бўлса, акаси қўйиб кетган мероснинг ярмини олур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса, aka унга меросхўр бўлур. Агар сингиллар икки-

та бўлса, улар учун ака қолдирган нарсадан учдан иккиси тегур. Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур», деган сўзлар келтирилган.

Шариат қоидалари бўйича, мерос очилганда тирик бўлган барча қариндошлар, яқин ёки узоқ бўлишидан қатъи назар, меросхўр ҳисобланади. Ҳар бир меросхўр ўз ҳиссасига эга эканлиги кўзда тутилади. Марҳумнинг молмулки ҳисобидан, уни дафн этиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, қарзлари тўланганидан кейин қолган молмулкдан, биринчи навбатда, хотини ёки ўғил-қизларининг ҳиссаси белгиланади. Ота-онадан мерос қолган молмулкдан болаларнинг ҳиссаси уларнинг жинсига қараб турлича бўлинади. Бунда икки қизнинг ҳиссаси бир ўғилникуга тенглаштирилади. Агар қизлари бўлмаса, мерос унинг ўғиллари ўртасида тенг бўлинади. Марҳумнинг ҳам қизлари, ҳам ўғиллари бўлган тақдирда ҳар бир қизга меросдан 14 дан 1 қисми, ҳар бир ўғилга 7 дан 1 қисми тегиши белгиланган. Ота-оналар ўз фарзандларининг мулкига нисбатан мерос ҳуқуқига эга бўлмай, фақат вафот қилган фарзандларнинг ўғиллари ёки набиралари бўлмаган тақдирдагина мерос ҳуқуқига ҳақли бўладилар. «Нисо» сурасининг 6, 7, 8, 9, 10, 11 ва 12-оятларида ҳам мерос тўғрисида айтилган: «Етимларни то балофат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб текшириб туринглар. Агар уларнинг эс-хушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва эгалари катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар. Агар етимни оталиққа олган киши бой бўлса, етимнинг молидан парҳез қилсин», «Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар».

Мазкур оялларда келтирилган иқтисодий гоялар инсонларнинг ҳаётий муаммоларини тўғри ҳал қилишга, энг аввало, жамиятда соғлом муҳитни вужудга келтиришга қаратилган. Умуман, исломда мулкий муносабатларни тартибга солишга, энг аввало, жамиятдаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтоҷ табақаларни ижтимоий қўллаб-куватлашга, уларга меҳр-шафқат кўрсатиб, доимо хайр-эҳсонлар қилиб туришга оид фикрлар берилади. Дарҳақиқат, ислом динидаги тенг-

лик тояғаси барча инсонларнинг Парвардигор қошида бир хил мавқега эга эканлигини, бойлик эса инсонларга синов тариқасида берилишини англатади. Агар жамият аъзолари бир-бирларига меҳр-шафқатли бўлиб, мулк эгалари доимо хайрия ишларини олиб борсалар, етим-есирларнинг бошини силасалар, уларнинг бойликлари озайиб қолмаслиги, балки Парвардигор уларнинг ҳар бир қилган хайру эҳсонларини инобатга олиши ва улар ўзларининг қилган саховатлари ажрини 10 ҳисса кўп қилиб қайтариши, улар савоб тонажаклари уқтирилади.

Ҳозирги давр қонун-қоидалари билан солиширилганда, асосан ўхшашлик бор. Аммо жинсий фарқланиш яққол сезилиб турибди, яъни исломда эркаклар хотин-қизлардан маълум устунликларга эгадирлар. Мерос бўлишнинг бу усули ислом давлатларида кўлланади.

### **Куръонда судхўрлик (рибо) масаласи қандай ҳал этилган?**

Ислом динида берган қарзидан фоиз олиб, судхўрлик билан шуғулланиш «рибо» деб аталиб, тақиқланган. «Бақара» сурасининг 275, 276, 278-оятларида судхўрлик қораланиб, ҳаром деб эълон қилинади. 275-оятда, жумладан, қуйидаги сўзлар бор: «Дунёда судхўрлик қилган одамлар қиёмат кунида қабрларидан турмайдилар, магар гўё жин уриб кетган, ҳушлари йўқ жинниларга ўхшаб турадилар. Бу азоб шунинг учунки, улар айтар эдиларки: Аллоҳ таоло байъ (тижорат, олди-сотди)ни ҳалол қилган, судхўрликни ҳаром қилгандир. Ҳар кимки Худо тарафидан наҳий келгач, шу наҳийга амал қилиб, судхўрликдан тўхтаган бўлса, бас, уни судхўрлик ҳаром бўлишидан илгари егани Худо тарафидан кечирилади. Минбаъд унинг иши Худо тарафига ҳавола қилинади. Кимки яна судхўрликка қайтиб, ружу қилса ва ҳалол деб билса, аҳли дўзахдир. Ундейлар дўзахда абадий қоладилар». 276-оятда эса: «Аллоҳ судхўрликдан ҳосил қилинган молни бебаракат қиласи ва садақаларнинг фойдасини зиёда қиласи. Аллоҳ ҳар қандай судхўрликни ҳалол деб биладиган кўрнамакни ва судхўрлик қиласиган жиноятчини севмайди», деб уқтирилади.

«Рибо» деб бир хилдаги икки молни бир-бири билан алмаштиришда ортиқча фойда талаб қилиш тушунилади. Масалан, бир қоп буғдой берис, бир ярим қоп буғдой олиш ёки 100 грамм олтинни 120 грамм олтин қилиб олиш рибодир.

Хадиси шарифларга биноан, рибо олти нарсада, яъни олтин, кумуш, буғдой, арпа, туз ва хурмода тақиқланган. Лекин ислом фақиҳлари қиёсга асосланиб, рибо қоидасини бошқа ўлчанадиган молларга ҳам қўлладилар.

Мусулмон мамлакатларида рибога йўл қўйилмаслиги учун бир қатор иқтисодий йўл-йўриқлар ишлаб чиқилган. Шулардан бири «музорабат» усули бўлиб, маблағни фойдаланишга берган киши фоиз эмас, балки бўлажак ишлаб чиқаришдаги ёки савдо-сотиқдаги фойдага шериклик қилиши кўзда тутилади. Шартномада, рўй бериши мумкин бўлган зарар ҳам ўртада тақсимланиши кўрсатилади.

Рибодан чиқишнинг яна бир усули «бай бил вафо» бўлиб, унга кўра қарз олувчи ўз мулкини, яъни бирор молни ёки уйини қарз берувчига шартли равишда гаров сифатида сотади. Қарз берувчи эса ўша мулкни қарз олувчига муайян миқдордаги пул эвазига ижарага беради. Бу ўринда ҳар ой келадиган ижара ҳақи дарҳақиқат асл пулдан келадиган фойдалдан иборат бўлиб, рибони ман этувчи қонунга зид бўлмайди. Бу ҳолда қарз берувчи оладиган ижара пули, берган маблағнинг фоизи эмас, балки ижара берилган уйнинг ижара пули ҳисобланади ва рибо бўлмайди.

«Оли Имрон» сурасининг 130—132-оятларида «Эй мўминлар, судхўрликни тарқ қилинглар. Суд (фоиз)дан ҳосил бўлган фойдани устма-уст қилиб еманглар. Рибоҳўрликда Худодан қўрқинглар. Шоядки, Қиёмат куни нажот топурсизлар», дейилса, бошқалариде «Сизлар одамларнинг моллари ичida зиёда бўлиб қайтиши учун берган судхўрлик-фойдаҳўрликдан иборат бўлган пул, молларингиз, совғасаломларингиз Аллоҳ наздида зиёда савоб олишингизга сабаб бўлмас. Аллоҳнинг розилигини истаб ато этган закотдан иборат бўлган нарсаларингизни ўша закотни берувчи кишилар ажру савобларини бир неча баробар қилиб олгувчилар», деб қалом қилинади.

Шундай қилиб, буюк алломалар таъбири билан шуни таъкидлаш лозимки, ислом динидаги иқтисодий-ижтимоий ғоялар инсонларнинг қўйидаги асосий манфаатларини, яъни 1) дини, 2) ҳаёти, 3) ақли, 4) насл ва авлоди ҳамда 5) мол-мулкини муҳофаза қилишга қаратилгандир (Абдул-ҳаким Шарқий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги ҳанабий маҳзаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. —Т.: «Тошкент ислом университети нашриёти», 2002, 148-бет).

Ҳозирги даврда араб ислом мамлакатларида судхўрлик инкор этилади, лекин банк тизимларида хизмат ҳақи олиб қолинади ва шу йўл воситасида судхўрлик билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан судхўрликни инкор этиш қийин, чунки жаҳондаги деярли барча банклар фоиз ставкаларисиз, яъни маълум қўшимча фойда олмасдан ишламайди ва ишлай олмайди, чунки қўшимча сарф-харажатлар бўлганлиги ва албатта қандайдир манфаат бўлгандагина фаолият бўлади. Бу қонуниятни иқтисодчи олим Адам Смит исботлаб берган. Баъзи ҳоллардагина, масалан, иқтисодиётнинг маълум бир соҳасини, дейлик, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачиликни ривожлантириш учун қисқа муддатга фоизсиз кредит ёки бошқа қарзлар берилиши мумкин. Бу кўпроқ истисно бўлиб, одатда, озми-кўпми қўшимча фойда фоизи олинади. Акс ҳолда, банклар банкрот бўлади.

Бу борада, «нега шундай чуқур асосли ислом динида судхўрлик ҳаром қилинган экан?» деган савол туғилади. Унга баҳоли құдрат жавоб беришга ҳаракат қиласа. Бизнингча, бу — ўша даврда иқтисодиётда натурал ҳўжалик шаклиниң устунлиги билан боғлиқ бўлса керак. Товарпул муносабатлари энди ривожланаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш устун бўлади. Асосий эътибор моддий неъматларга қаратилади; тарихдан маълумки, кўп йиллар давомида ҳатто солиқ олишда натура шакли афзал бўлган. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, унумдорлиги ошиб боргандан сари маҳсулот етарли даражада бўлгач, пулнинг, алма-щувнинг роли ошди. Энди солиқлар натура шаклида эмас, пулда олинадиган бўлди.

Илгари ва узоқ йиллар давомида бойликнинг асоси меҳнат эканлиги ғояси илгари сурилган. Бу ғояга кўра, меҳнат

билан пайдо бўладиган бойлик ҳалол, судхўрлик билан олинган фойда эса ҳаром ҳисобланган, яъни меҳнатсиз олинган, дейиш учун асос бўлган. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги, саноат, яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларда «пешона тери» асосида ҳалол бойлик яратилгану, айрим судхўрлар эса гўёки ишламасдан, ортиқча меҳнат қилмасдан, куч сарфламасдан, жисмоний меҳнатсиз, текинхўрлик йўли билан ҳаром фойда кўради, деган фикр устунлик қилган, деб ўйлаймиз ва бунда қисман тарихий ҳақиқат бор. Бу кайфият ҳалқ орасида анча кенг тарқалган ва бозор муносабатлари ривожи билан аста-секин йўқолмоқда.

«Оли Имрон» сурасининг 130—132-оятларида судхўрликни ҳаром қилиш сабабига изоҳ берилган: «Бу оят шунинг учун нозил бўладики, жоҳилият замонида судхўр бойлар камбагалларга фоизга қарз берар эдилар. Муҳтож бўлса, яна қарз берар эдилар. Улар бечораларни адо қилолмайдиган қарзга ботириб, тўлагунча фоизини олиб ер эдилар. Шундай қилиб, берган қарзларини бир неча баробар қилиб олардилар. Шунинг учун Ҳақ таоло: «Аъзодан мўзоъажатан», яъни фоизни устама, зиёл қилиб олманглар», деди.

Бу ерда шу нарса маълум бўладики, гап бевосита қарз олишдаги шартларнинг оғирлигига бориб тақалади, агар шартлар инсон манфаатларига мос келса, яъни фоиз ставкаси паст бўлса, бу фикр балки пайдо бўлмас эди. Шуни ҳисобга олиб, Куръонда рибо ҳаром деб эълон қилинган бўлса ҳам, мусулмон мамлакатларида ундан чиқишнинг мақбул йўли таклиф этилган ва амалга оширилмоқда.

XIX асрнинг 70-йилларидагина маржинализм таълимоти ҳар қандай фаолият, шу жумладан, савдо, банк, алоқа, туризм соҳасида ҳам қадрият яратилишини, унинг асосида фойдалилик ва ноёблик туришини исботлаб берди.

Машхур иқтисодчи Жон Мейнارد Кейнс (1883—1946) таълимоти ҳам бу масалага ойдинлик киритади.

XX аср ўрталарида иқтисодиёт таркибида муҳим ўзгаришлар рўй берди: саноат, қишлоқ хўжалиги билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси мустақил ажратиладиган бўлди. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш соҳаси — бизнинг мисолда эса банк иши ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида етакчи ўринни эгаллади ва шу суръатлар сак-

ланмоқда; шундай мамлакатлар борки, уларда саноат ва қишлоқ хўжалиги йўқ, фақат хизмат соҳаларини тараққий эттириш ҳисобига ўсиб бормоқда. Айниқса, савдо соҳаси жадал ривожланмоқда.

Хўш, бу гапларнинг Куръонга нима алоқаси бор, дегувчилар бор. Бизнингча, бевосита алоқаси бор, чунки исломда VII—VIII асрлардаёқ «Фойданинг ўндан тўққизи савдода» дейилгани айни ҳақиқатга айланмоқда. Муҳаммад пайғамбар (сав) ҳам яхши савдогар бўлганлиги тарихий далиллар. Синаб кўриш мақсадида, пайғамбар (сав)ни бўлаҗак рафиқалари Хадича бир карвон юқ билан Шом юртига жўнатади. Сотувдан тушган фойда эса, кутилганидан ҳам зиёда бўлади.

Аммо муҳим фарқ бор. Ислом шариатида васат, инсоф, яъни меъёрийлик тушунчаси борки, бунда инсонийлик чегарасини сақлаш, нафсни жиловлаш масаласи жиддий қўйилади. Олинадиган фойда чеклаб қўйилган эди. Чунки, бир томоннинг (сотувчи) фойдаси ортиб борган сари, иккинчи томоннинг (харидор, одатда, оддий халқ) ахволи ёмонлашган ва бу ижтимоий тенгиззикни кучайтирган, норозиликлар келиб чиқкан. Тарихий маълумотларга кўра, бу фойданинг чегараси хорижий моллар учун 10 фоиз, ички моллар учун 5 фоиз қилиб белгиланган. Бу ҳақда кейинги бобларда тўлароқ маълумот берилади.

Аммо инсон Аллоҳдан берилган шундай бир хусусиятга эгаки, у доимо бойликка, фаровон ҳаётга интилади ва шунинг учун ҳаракат қиласи, бирор фаолият билан шуғулланади. Барча инсонлар ҳар доим ўз бойлигини, мавқеини янада оширишга уриниши табиий бир ҳол экан, Исломда бу ҳиссиятни тартибга солишнинг юқоридаги усувлари яхши натижада беради.

Шундай йўл билан нафс тартибга солинган, чунки унинг чегараси бўлмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши аниқ бўлган.

Бир одам ёки бир гуруҳнинг бошқалар ҳисобига бойиши хавфлидир. Умумий фаровонликка олиб борувчи йўл бўлиши керак. Фойда меъёри ортган сари ваҳшийлик ҳам кучаяди. Бу ҳам жаҳон амалиётида ўз исботини топди. Шахсий манфаат кетидан қувиш психологияси бир томондан

иқтисодий ўсишга олиб келди, яъни бойлик ортириш учун фаолият, тадбиркорлик ўсди, аммо иккинчи томондан, миллионлаб аҳолини қуллик, мустамлақачилик гирдобига дучор қилди ва инқилоблар рўй берди. Оқибатда, XX аср ўрталарида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишга мажбур бўлинди. СССР парчаланишининг дастлабки йилларида ҳам бунинг гувоҳи бўлдик.

Демак, юқоридагилар асосида, Куръонда рибо, яъни судхўрликни ҳаром қилиш ўйли билан нафсни инсоф доирасида жиловлаб туришга ҳаракат қилинган, деган хulosага келиш мумкин.

## **Исломдаги иқтисодий ғояларнинг маърифий ва тарбиявий аҳамияти**

Ислом динида илгари сурилган кўпгина ғояларнинг жуда катта маърифий ва маънавий аҳамияти бор, чунки уларда умумбашарий масалалар илгари сурилади ва ечимлари берилади. Инсонларнинг фаолияти, меҳнати, ахлоқий фазилатлари, эзгулиги, яъни яхши ниятлари биринчи ўринга кўйилади, уларнинг ақлан ва жисмонан етук бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Ривоятга кўра, одил подшоҳ Анушервон вазирларини чақиришиб, мамлақатдаги маълум ва машҳур илм аҳлини тўплашни буюради. Бу фармон бажарилгач, йиғилган олимларнинг сони 22 нафарга етади. Уларнинг ҳар бирига, одамлар учун энг зарур ва муҳим бир хусусиятни ёзиб бериш тавсия этилади. Олимлар жами 22 та фикр ёзиб, шоҳга тақдим этишган. Шоҳ рўйхатни кўриб чиқиб, «бу фикрларнинг ҳаммасини эсда сақлаб қолиш қийин, энди илм аҳли биргаликда 3 та энг зарурини қолдирсинлар», деб буюради. Олимлар ўйлаб-ўйлаб, инсон учун энг муҳим ва зарур жиҳатлар қуидагилар эканлигини қайд этадилар: 1) саломатлик, 2) тинч-осойишталик ва 3) иқтисодий фаровонлик. Бундай кетма-кетлик тасодифий эмаслигини бошқа замонавий тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсоний ривожланиш концепциясида ҳам уч кўрсаткич: 1) неча йил умр кўра олиш имконияти, яъни умрбоқийлик; 2) саводхон-

лик ва 3) жон бошига ялпи ички маҳсулот ифодаланган. Юқорида келтирилган ғояларда ниҳоятда түғри мантиқ бор.

Пул, иқтисодиёт доимо ҳам ҳал қилувчи ўринни эгаламайди, кўп ҳолларда соғлиқ ёмон бўлса, бойлик билангина масалани ечиб бўлмайди. Шунинг учун фаровон турмуш тарзи, ўртача таъминот ва тинч-осойишталиқ юқори баҳоланади.

Эътибор бериб қаралса, ислом фалсафаси ниҳоятда түғри ва кучли омилларга асосланган. Бу — диндаги яна бир кучли ғоя — ҳалол-ҳаром масаласидир. Ҳалол озиқ-овқат ва бойлик пешона тери, түғри йўллар билан топилади, ҳаром эса, ҳозирги тил билан айтганда, яширин — хуфиёна иқтисодиётга бориб тақалади. Шу сабабли исломда ўғрилик-қароқчилик, омонатга хиёнат, тарозидан уриб қолиш, яъни бирорвинг молини яширинча ўзлаштириш, истрофгарчилик, порахўрлик, фаҳш, спиртли ичимлик ичиш, нашавандлик ва бошқа иллатлар жуда қаттиқ қораланади ва уларга жазо чоралари аниқ белгилаб қўйилган. Омонатга хиёнат энг катта гуноҳ деб ҳисобланади.

\* \* \*

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръонда инсон ҳаёти билан боғлиқ деярли барча ижтимоий-иқтисодий ғоялар бўйича фикрлар билдирилган. Ундаги мулк ва мулкий мунносабатлар бош масала сифатида муҳим аҳамият қасб этади. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қаралганда ҳам республикаизда мулкчилик, хусусийлаштириш, мулкдорлар синфини яратиш, одамларда эгаменлик, мулкка эгалик ҳиссени кучайтириш вазифаси турибди. Исломдаги вақф ер эгалиги тамоили эса, бугунги кунда ҳам ижобий восита сифатида баҳоланиши мумкин. Бойликнинг асоси ҳалол меҳнат эканлиги эътироф этилади. Ҳозирда ҳам аҳамияти тобора ортиб бораётган илму фан, қасбу ҳунарга интилиш ғояси етакчи ўринни эгаллайди ва бу тавсияларни янада ривожлантириш масаласи кўндаланг қўйилади.

Закот ва хайр-эҳсон, ҳомийлик ва меҳрибонликка доир берилган кўрсатмалар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг мақбул оригинал йўли сифатида баҳоланиши мумкин. Ижтимоий йўналтирилган бозорнинг ҳам асосий

вазифаси шундан иборат. Иқтисодиётда рационал хўжалик масаласи, кам сарфлаб ва исроф қилмай, чекланган ресурслар шароитида ўсиб бораётган талабларни тўлароқ қондириш масаласи илгари суриласди. Бойлик ортиришда ҳаром йўллардан фойдаланмаслик, унинг нохуш, салбий оқибатлари ва ҳалол усулларнинг афзаллиги исботлаб бериласди.

Қарз олиш ва қарз бериш бўйича тавсиялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жамиятдаги табақаланиш эътироф этилади, аммо кибру ҳавога берилиш қораланади. Зеро, Аллоҳ олдидаги ҳамма баробардир.

## ҲАДИСЛАР ЖАВҲАРИ

### **Имом Бухорийнинг ҳадисларидаги умумий иқтисодий ғоялар**

Ҳадис (арабча — хабар, сўз, бирор янги нарса) ислом динидаги Куръондан кейинги муқаддас манба, Мұхаммад пайғамбар (сав) нинг ҳаётлари, фаолиятлари ва кўрсатмалари ҳақидаги тўпламдир.

Куръон мусулмонлар жамоасининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларини қамраб ололмаганлиги туфайли, VII аср охири — VIII аср бошларида ҳадислар ёзила бошланди.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўпламини таклиф этган муҳаддис — Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазийдир. Ундан бошқа олимлар — аш-Шоший, ал-Барокотий, ан-Насафий, ас-Самарқандий ва бошқалар томонидан ҳам ҳадислар тайёрланган.

Иккинчи олим эса — «саҳиҳ», яъни ишонарли йўналишнинг асосчиси, ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддис, тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (816—878).

Ислом дунёсида буюқ ватандошимиз Имом Бухорийнинг меҳнатлари ва шуҳрати бекиёсdir. У кишининг қолдирган илмий меросларини ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш, холосалар чиқариш ва тарғиб этиш энг мухим вазифалардан биридир.

Аллома жами 600 минг ҳадис тўплаган ва шулардан 100 минги «саҳиҳ» ва 200 минги «ғайри саҳиҳ» ҳадислардир.

Имом Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб номланган тўрт жилдан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган тўпламлар орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Тўпламда, Муҳаммад пайғамбар (сав) ҳадисларидан ташқари, фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги, ахлоқ ва одоб, таълим-тарбия, иқтисодиёт ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид маълумотлар ҳам мавжуд. Унга 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг «саҳиҳ» ҳадислар киритилган.

Ҳадислар мазмун-моҳияти жиҳатидан «суннат» саналган, чунки уларда пайғамбаримизнинг айтган сўзлари, феъл-атворлари, тақрирлари, ахлоқлари ва пайғамбарликка қадар бўлган ҳамда пайғамбарлик йилларидаги сийратларини, яъни ҳаёт йўлларини акс эттиради. Демак, Қуръондаги ислом билан боғлиқ қонун-қоидаларнинг пайғамбаримиз томонидан амалиётлари кузатилади. Турли шароитларда шариат аҳкомларига оид айтган сўзлари ҳам ҳадис бўлиб, феъл-атворлари эса, ул зот қилган ва саҳобалар томонидан нақл этилган амаллардир. Саҳобаларнинг пайғамбаримиз маъқуллаган сўзлари ва хатти-ҳаракатлари тақрир дейилиб, улар шаръийлик ҳуқуқига эга. Чунки ул киши шариатга хилоф нарсаларни ҳеч қачон маъқуллаган эмаслар ва амалда ҳам бажармаганлар. Пайғамбаримиз ҳаётликлари даврида ҳам қисман ҳадислар ёзиб борилган. Масалан, баъзи ҳолларда пайғамбаримизнинг ўzlари саҳобаларга мол-ҳоллардан олинадиган закот миқдори тўгрисида ҳокимларга ёзиб юборишни амр қилганлар.

Ҳадисларда Қуръонда келтириладиган гояларнинг деярли ҳаммаси ўз аксини топган, бу ердаги маълумотлар шуниси билан фарқ қиласдики, уларда «нозик» ҳолатларга тушунтириш ҳамда яхши изоҳ берилади. Ана шундай пайтда пайғамбаримиз нима айтган, қилган бўлсалар, ўша вожиб, рухсат деб ҳисобланган. Демак, ҳадислардаги асосий иқтисодий фикрлар Қуръондаги кабидир, аммо бу асарда улар аникроқ ўз ифодасини топган. Муайян бир ҳолатда амалга оширилган ишлар рухсат сифатида талқин этилади, инкор этилганлари эса тақиқдир.

Ҳадисларда инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган деярли барча нарсалар тўгрисида маълумот берилади. Биз шулар орасидан ижтимоий-иқтисодий қарашлар билан боғлиқ бўлган томонларига эътиборни қаратамиз.

## **Хадисларда ижтимоий масалалар талқини**

Инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш энг муҳим масала ҳисобланади. Исломдаги энг яхши хислатлар түғрисида фикр билдирилиб, «Очларга таом бермогинг ва таниган ё танимаганга салом бермогинг яхши», дейилади. Инсофли ва адолатли бўлмоқ, барчага салом бермоқ, камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ, бу қоидалар имони мукаммал бўлганларга хосдир.

Ҳадиси шарифнинг 1-жилдидаги 98-мавзудан то 176-мавзугача закот, хайр-эҳсон ва садақа каби масалалар ёритилган. Маълумки, закотнинг вожиблиги Куръон сураларида, жумладан «Ҳаж» сурасининг 78-оятида, «Нур» сурасининг 56-оятида, «Музаммил» сурасининг 20-оятида, «Тавба» сурасининг 60-оятида закотни ҳақдорларга ато этиш тақиқланган. Закот бермоқликнинг вожиблиги түғрисидаги мавзуларда унинг аҳамияти ва бермаслик гуноҳи қўйидагича ёритилган: «Ҳазина-ҳазина тилла ва кумушлар жамлаб, Аллоҳ йўлида сарф қўлмайдиганларни қиёмат қуни бериладиган қаттиқ азобдан огоҳ қилингизлар!».

Лекин Куръонда закотнинг миқдорлари кўрсатилмаган ва фақат ҳадисларда айрим рақамлар берилади. Ҳадисларга кўра, мол миқдори 5 уққа (6 кг 240 грамм) дан кам бўлса, сони 5 тадан оз қўй, эчки, қора мол, от, тия каби ҳайвонлар учун ҳамда оғирлиги 720 килограммдан енгил бўлган сочиувчан нарсалар учун закот берилмайди. Агар закот қўй ҳисобида тўланадиган бўлса, 24 ва ундан камроқ туюнинг ҳар 5 тасига 1 қўй, 25 дан то 35 тагача тия учун 1 та бир яшар ургочи бўталоқ, 36 дан то 45 тагача бўлса, 1 та 2 яшар ургочи бўталоқ, 46 дан то 60 тагача бўлса, 1 та 4 яшар ургочи бўталоқ, 61 дан то 75 тагача бўлса, 1 та 5 яшар тия, 76 дан то 90 тагача бўлса, 2 та 2 яшар ургочи тия берилади. 120 тадан ҳам кўп бўлса, ҳар қирқтасига 1 та 2 яшар ургочи бўталоқ ва ҳар 50 тасига 1 та 4 яшар бўталоқ берилмоғи лозим. Агар подадаги қўйлар сони 40 дан 120 гача бўлса, 1 қўй, 120 дан 200 гача бўлса, 2 қўй, 200 дан то 300 гача бўлса, 3 қўй, 300 дан ҳам кўп бўлса, ҳар 100 қўйга 1 қўй берилади.

Агар подадаги қўйлар сони 40 дан 1 та кам бўлса ҳам, садақа вожиб эмас, хоҳласа бергайдир, хоҳламаса йўқ. Ку-

муш пулларнинг ҳар 20 дирҳамидан 1 дирҳам берилади. Ўлжа, яъни меҳнатсиз топилган хазинанинг бешдан бирини закот сифатида Байт ул-молга бериш буюрилади.

Юқорида закотнинг катта ижтимоий аҳамияти борлиги тўғрисида маълумот бердик. Шунингдек, закот тўғрисидаги фоялар Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида янада аниқ ва тўлароқ баён этилади.

Касби энг яхши киши — ўз кўли билан бажарилган ва ҳалол савдолидир. Яъниким, ҳалоллик хуфиёна мол-дунё, обрў-эътиборга қарши қўйилади. Бу фоя ҳозирги кунда ниҳоятда аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Намоз, таҳорат, рўза билан боғлиқ масалалар ниҳоятда кенг ва аниқ ёритилади. Ҳар қандай ҳолатда уларга амал қилиш йўллари ва усуслари баён қилинган. Масалан, йўлда, сафарда, тижоратда ҳам намоз ўқиш мумкинлиги таъкидланади. Ҳудди шунингдек, таҳорат, гусл йўллари айтилади, иложи бўлмаса, «таяммум» усули тавсия этилади. Таҳоратни мукаммал олмоқ дегани, тоза ювинмоқ деганидир. Бу бадан, организм, кийим тозалигини таъминлаш демакдир. Намозда эса, дил тозалиги ва жисмоний машқ туфайли, баркамол инсон, ҳар томонлама соғлом кишиларнинг тарбияланиши кўзда тутилади.

Бир ойлик рўза инсон организми учун ниҳоятда аҳамиятли эканлиги тиббиётда исботланган. Лекин кимлар рўза тутмаслиги мумкинлиги ҳам аниқ баён қилинган.

Истрофарчилик қаттиқ қораланади, тежамкорлик қўллаб-қувватланади, яъни меъёрийлик маъқул деб ҳисобланади. Бунга оид бир нечта ҳаётий мисоллар келтирилади. Масалан, бир мусулмон таҳорат олганда, ҳамма амал яхши, деб баҳланган, аммо сув кўпроқ истроф этилгани айтилган. Шу сабабли, оқиб турган дарё ёнида таҳорат қилсангиз ҳам, сувни истроф қилманг, дейилади. Бу эса ҳозирги даврдаги экология, табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига бориб тақалади. Ҳудди шунингдек, тозалик ва покликка қаттий эътибор берилади. Масалан, «агар бирор идишингизга ит теккан бўлса ёки ундан ичса, идишни етти марта ювингиз», дейилади. Ҳалқ орасида «қатран» усули ҳам бор. Унга кўра, ит теккан идиш ювилиб қуритилади, бу камида уч марта тақрорланади, шундан сўнг идиш ҳалол, деб ҳисобланади.

Кайф қилдирадиган ичимликлар ҳаром, деб эълон қилинади. Ахлоқ-одоб меъёрлари ва уларни адо этиш йўллари баён қилинади.

Ҳадисларнинг муҳим жиҳатларидан бири — илм-фанга эътибордир. «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгандир», дейилади. Илмли инсонлар мамлакат тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қиласи, буни биз замонавий иқтисодиёт ти-лида «инсоний ресурс» дея оламиз.

Ҳадисда маҳсус «Илм китоби» бўлими бор ва унда илм аҳлига катта эътибор берилган. «Илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилгайдир», дейилади. «Бешикдан қабргача илм изла» ибораси ҳам ниҳоятда муҳим.

Илмнинг аҳамияти, қадр-қисмати тўғрисидаги гояга ал-Бухорийнинг ҳаёт тарзи ҳам яхши мисол бўла олади. Ўша даврда Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий (820—872) Имом Бухорийга элчи юбориб, «Менга «Ас-Саҳиҳ» билан «Ат-тарих» китобларини келтириб ўқиб берсин ҳамда ўзи қасрга доимий турадиган бўлиб келсин-да, менга, авлодларимга ва бутун оиласига дарс берсин», деб буюради, аммо олим бу буйруқни рад қиласи ва уни бажаришдан бош тортади.

Хулоса қуидагича: «Наинки, таълим бериш хос бўлиб қолмасин учун, илмнинг ҳаққини сақлаган ва уни хор қилиб, эшикдан эшикка кириб, ҳадис айтиб юришдан ор қилган ҳолда ва барча талабаларга баробар ўқитмасдан, маҳсус кишиларга ўргатганда елкасига тоғдек гуноҳ ортилишини ҳис қилиб, элчиларга айтдиларки, «Илмга келинади, лекин унинг ўзи келмайди» (ҳар бир кишининг ўзи илмга келиши фарз, зеро, у ҳеч кимнинг ҳузурига юриб бормайди).

Аллома билан бўлган юқоридаги воқеа бошқалар томонидан янада тўлароқ баён қилинади.

Масалан, Бакр ибн Мунир ал-Бухорийнинг элчига айтиган жавобини шундай ривоят қиласиди: «Унга айтгин! Мен илмни хор қилиб, сultonларнинг эшикларига китоб кўтариб олиб бормайман. Башарти унга илмдан бирор нарса керак бўлиб қолган бўлса, масжидимга ёки уйимга келсин. Агар шу гапларим ажаблантирмаса, сен сultonсан, майли мени илм масжидидан майн қила қол. Тоинки, қиёмат

кунида Аллоҳнинг ҳузурида мен учун узр бўлсин. Мен илмни беркитмайман, уни ҳаммага баробар ўргатаман, яъни маҳсус дарс берсам, илмни яширган ҳисобланаман», дейдилар.

Бу воқеадан сўнг И мом Бухорий шаҳардан қувгин қилинади ва Самарқандга келиб ишини давом эттиради. Шу ерда дафн этилади, ҳозирги даврда унинг мозори саждагоҳга айлантирилган.

Ҳадисларда ҳалол ва ҳаром масаласи ниҳоятда муҳим бўлиб, шундай бир воқеа тўғрисида ёзилади. Мусулмонлардан бири пайтамбар (сав)га мурожаат қилиб: «Яхудийларда овқатдан олдин қўл ювилиши шарт экан, бизда қандай?» дебди. Жавоб бўлибди: «Бизда овқатдан кейин ҳам ювилсан». Буларнинг ҳаммаси, ҳозирги иборалар билан айтганда, этика ва эстетикага тааллуқли ҳолатлардир.

Ҳалоллик, пешона тери билан топилган бойлик кўкларга кўтарилиди ва аксинчали қораланади. Юқорида баён қилинган масалалар ҳозир ҳам долзарб. Эркак киши оиласини ва рўзгорини бошқариш учун ҳалол меҳнат қилиши фарз. Аллоҳ Қуръонда, ҳар бир мусулмон бошқалар устига юк бўлмасдан, ўз ризқи учун ва оиласининг нафақаси учун ҳалол қасб қилишга буюради.

«Ватанинни севмоқ имондандир», деган юксак ибора ҳадисда айтилган ва унга изоҳ берилган. Ҳар бир инсон мамлакатда маълум жойда, макон, ҳудудда туғилади. Ана шу жой Ватан ҳисобланади. Шу жойга эътибор, хурмат, уни гуллаб-яшнатиш энг катта савоб деб қаралади. Вақти келганда Ватанинни ҳимоя қилиш, зарур бўлганда, ҳатто инсон учун энг азиз бўлган жонини ҳам бериши кераклиги уқтирилади. Бундан ватанпарварлик қанчалик улуғ туйғу эканлиги аён бўлади ва ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда долзарбдир.

Ҳомийлик, фақир, мискин, етим-есирларга ёрдам бериш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги уқтирилади. «Кўнгил кенг бўлса, бир одамга сузилган овқат икки кишига, икки кишилик овқат бемалол уч кишига етади», дейилади ҳадисларда. Фақат ҳомийлик бир вақтга мўлжалланмасдан, доимий бўлиши мақсадга мувофиқдир, дейилади.

## **Мулкий ва бошқа иқтисодий муносабатлар ечими**

Хадисларда мулқ, мол-дунё, меңнат, ҳалолликнинг ағзаллиги ва бошқа иқтисодий, хўжалик масалалари борасида кўп сўз юритилади. Инсон учун мол-дунё зарурлиги, меңнат қилиш йўли билан ҳалол бойлик орттириш ва дунё лаззатларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Аммо «мол-дунё кетидан қувмасангизлар, деб қўрқгаймен, холос», деган эканлар пайгамбаримиз. Бу фикр нақадар тўғри эканлиги ҳозирги кунда аниқ кўриниб турибди. Бойликни тўғри сарф қилмоқ керак. «Фақат икки нарсага ҳасад қилмоқ мумкин: бири — Аллоҳ таоло бир кишига мол-дунё берса-ю, у ўз бойлигини эзгу йўлда сарфлаб тутгатса, иккинчиси, Аллоҳ таоло бир кишига илму ҳикмат ато этса-ю, у билимидан тўғри фойдаланиб, бошқаларга ҳам ўргатса», деб айтилади ҳадисда.

Имом Бухорийнинг «Жомиль ас-саҳиҳ» тўпламидағи «Бозорлар хусусида»ги мавзуда шундай дейилади: «Одамлар бозорга мол олиб келаётганларни тўхтатиб, улардан егуликлар сотиб олишар ва ўшал ернинг ўзида уларни қайта сотишар эрди. Шу боисдан жаноби Расуулulloҳ ул олибстарларга одам юбориб, таомни сотиб олинган ернинг ўзида сотишни маън қилдилар ва уни таом сотиладурғон жойга олиб бориб сотишни амр қилдилар».

Бизга ҳозир яхши маълумки, маҳсулот баҳоси бозорда, талаб ва таклиф асосида эркин шаклланади ва уни сунъий равишда тартибга солиш қийин. Пайгамбаримиз билан бўлган яна бир ҳодисада шу нарса акс эттирилган. Бозорларда нарх-наволар анча кўтарилганда, ҳокимлардан бири пайгамбаримизга «Сиз бир фатво бериб, бозордаги нархларни пасайтиришга имкон берсангиз», деб илтимос қиласи. Шунда пайгамбаримиз шундай деб жавоб қилган эканлар: «Бозордаги нарх-наво маҳсулот мўлкўллигига bogliq. Agar нархни пасайтириш тўғрисида фатво берилса, сотувчилар ўз маҳсулотини яшириб, сотмай қўяди ва баҳолар янада ошиб кетади. Шу сабабли бозорга тегиш керак эмас. Фақат нонга бўлган нархни вақтинча тартибга солиш мумкин».

Демак, бозорнинг ўрни ниҳоятда тўғри тушунилганини кўриш мумкин.

Исломда савдо-сотиқ ишларидан амал қилинадиган шартлардан яна бири бирор савдогарнинг бошқа савдогар амалга ошираётган савдосини бузмаслигидир. «Бирортангиз биродарингиз савдосининг устига савдо қилмангиз!» дейилган. Китобда «жуфъа» тушунчаси ҳам кўрсатилган бўлиб, «жуфъа»нинг моҳияти ва шартлари очиб берилади. «Жуфъа» иқтисодий муносабатларда аён бўлиб, ерлари туаш қўшниларнинг биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқларини англатади. «Жуфъа» бўйича, ўз уйи ва ерини шеригининг рухсатисиз сота олмаслиги, сотганда ҳам агар икки қўшнининг эшикларидан қайси бири яқинроқ бўлса, фақат унга бошқаларга қараганда арzonроқ нархда сотиш лозимлиги кўрсатилган. «Қўшни қўшнига уй-жойларининг туашлиги билан бошқалардан кўра ҳақлироқдур», дейилади.

Закот билан бирга бошқа солиқ турлари бўйича ҳам тавсиялар берилган. «Ариқ ёки ёмғир суви билан сугориладиган экинга ушр (ҳосилнинг ўндан бири), чигир ёрдамида сугориладиган экинга эрса, ярим ушр солиқ солингайдир». Бу жуда ажойиб ва оқилона таклиф. Чунки ўзи оқар сувлар нисбатан камхарж ва аксинча, чиғир харжи кўп. Баъзи нарсалар учун солиқ бекор этилган. Масалан, асалга солиқ солмоқни лозим кўрмаганлар.

Мулк, мерос бўлиш, савдо-сотиқ, тошу тарози, ҳалоллик, сотилаётган молнинг камчилигини айтиб сотиш каби кўплаб муносабатлар ниҳоятда оқилона ҳал этилади. Уларга амал қилиш ҳозирги даврда ҳам аҳамиятлидир.

\* \* \*

Ислом динидаги муқаддас китоб Қуръондан кейинги ҳисобланган ҳадисларда муҳим ижтимоий-иқтисодий фикрлар берилган. Улар асосий китобдаги foяларнинг изоҳи, тўлдирувчиси, аниқловчиси сифатида келади. Унда пайғамбаримизнинг айтган сўzlари, хатти-ҳаракатлари, рухсат ва тақиқлари вожиб деб қабул қилинади, яъни диннинг амалиёти билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилади.

Ҳадисларда инсон ҳаёти билан боғлиқ деярли барча масалалар ўз ечимини топган. Унда закот, хайр-эҳсон, садақа-

лар тўғрисида аниқ тавсиялар берилган бўлиб, уларни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш усули сифатида талқин этиш мумкин.

Намоз, таҳорат, рўза билан боғлиқ тавсиялар эса ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғликка бевосита алоқадор ҳисобланади.

Ҳадисларда илм-фаннынг инсон ва жамият учун катта аҳамияти ёритилади ва Имом Бухорийнинг бу борадаги хатти-ҳаракати таҳсинга лойиқ.

Иқтисодиётда ва умуман, ҳаётда исрофгарчилик қаттиқ қораланади. Ҳозирги тил билан айтганда, рационал, атроф-муҳитга зиён етказмайдиган турмуш тарзи илгари суриласди, шунинг учун унинг бевосита давоми сифатида поклик, тозалик ва ҳалоллик юқори ўринга қўйилади.

Халқقا, Ватанга садоқат, яъни ватанпарварлик тараннум этилади.

Бозор хусусидаги фикрлар, масалан, тошу тарози тўғрилиги, молнинг камчилигини айтиш ҳозирги замон талабларига бевосита мос келади, шу сабабли уларни ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва амалда қўллаш катта аҳамият касб этади.

## **МАРГИНОНИЙНИНГ «ҲИДОЯ» АСАРИДАГИ МУҲИМ ФОЯЛАР**

### **«Ҳидоя» — исломий қонунлар мажмуи**

Буюк ватандошимиз — Имом Бурҳониддин Абу-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний 1123 йилда, ҳозирги Марғилон яқинидаги Риштон туманида туғилиб, 1197 йили Самарқандда оламдан ўтган ва ўша ерда дафн этилган. У яшаган давр Ўрта Осиёда Уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш IX—XII асрларга тўғри келади. Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик «Ал-Ҳидоя» китоби суннийлик оқимидағи ҳанифий мазҳаби бўйича 55 дан ортиқ китоб, юзлаб мавзуу, фаслдан таркиб топган бўлиб, исломдаги барча мулкий ва номулкий ҳуқуқий масалаларни қамраб олган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу асар Миср, Афғонистон, Покистон, Ҳин-

дистон университетларининг ўқув дастурлариға киритилган.

Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя»ни ёзишда ўзига хос услугб қўллаб, ихчам ибораларни ишлатган. У исломга оид муҳим мунозарали иқтисодий гояларни ёритмоқчи бўлганда қўплаб манбалар, саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк олимлар исмлари, жуғрофий ва тарихий жойлар номлари, турли тоифа ва қабилаларга оид атамалардан фойдаланган.

Асарда 50 дан ортиқ саҳобалар (пайғамбар сафдошлари) исмлари, 12 та тоифа ва уруғ номлари, 55 та тарихий ва географик номлар келтирилади. «Ҳидоя»нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар, яъни намоз, рўза, закот ва ҳаж масалаларига, иккинчи жилди оиласа оид мулкий муносабатлар, ҳалқаро ҳуқуқий меъёrlар, ширкат ва вақғга оид масалаларга, учинчи жилди суд жараёнларига ва тўртинчи жилди эса ерга оид масалалар, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа қўплаб мавзуларга бағишланган. «Ҳидоя» асарининг биринчи жилди араб тилидан ўзбек тилига таниқли олим Салоҳиддин Муҳидинов раҳбарлигига бир гуруҳ ёш олимлар томонидан таржима қилинди ва 2000 йили «Адолат» нашриётида чоп этилди. Олдинроқ, 1994 йили мазкур асар рус тилида ҳам чоп этилган эди. Китобнинг қолган жиллари ҳам ўзбек тилига ўгирилиб, жамоатчиликка етказилди.

Мустақиллик шарофати билан алломанинг бой маънавий мероси ҳалққа қайтарилди. Ўзининг ўлмас асарлари билан ислом қонунчилиги (фиқҳ)га асос соглган бўлажак олим дастлабки илм таълимими Риштон, Марғилонда олган бўлса, кейинчалик Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннахрнинг бошқа йирик шаҳарларида билимини ошириди. У фиқҳга оид «Бидоят ал-мубтадий», «Нашр ал-мазҳаб», «Китоб ат-тажнис», «Ал-мазид» каби ноёб асарлар яратган. Энг машҳур асари — «Ҳидоя фи фуриъ ал-фиқҳ» («Фиқҳ соҳалари бўйича қўлланмана»). Бу асар исломда суннийликнинг ҳанафийлар мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси, яъни кодекси ҳисобланади.

Фиқҳ соҳасида китоб ёзиш ҳаракати илгари ҳам бўлган. 1048 йилда вафот этган Абул Ҳасан ал-Кудурий ислом қонун-

чилиги борасида илк қўлланмани ёзган, аммо Бурҳониддин ал-Марғиноний яратган «Ҳидоя» ўз даврида ҳанафийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волга бўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида шуҳрат топган. Бу асар 4 жилд, 56 мавзудан иборат. Унда Қуръон оятларидан ва ҳадисларидан келиб чиқиб, шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва хуносалари берилади. Ҳанафийлар мазҳабининг барча имомлари исмлари, шунингдек, бошқа мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам асарда кенг талқин этилган. Китобда оила-никоҳ масалалари билан боғлиқ меъёрлар, масалан, никоҳ, ажралиш масалалари батафсил ёритилади, уларни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий қонун-қоида ва жазо чоралари белгиланган.

Асарда ислом шариати нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар: мулкий ва молиявий муносабатлар, айниқса мерос, уни бўлиш йўллари, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари ҳам кўрсатиб берилади. Шунингдек, фақат исломга хос бўлган бир қанча масалалар, хусусан, жиҳод, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш фаолиятидаги айрим таъқиблар, ижозатлар қайд этилган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ниҳоятда кенг билим эгаси бўлиш билан бирга ҳақсевар, адолатли қонуншунос, ҳадис илмининг донишмандларидан бири эди. У Қуръонни ёддан билган, уни изоҳлай олган, шоир, адабиётчи бўлган. Тарихий қўлёзмаларда қайд этилишича, олимнинг аждодлари мусулмонлар қонунчилигини яхши билган инсонлар эди.

«Ҳидоя» асари мусулмон қонунчилигининг барча қирраларини ўз ичига олади ва ниҳоятда кенг тадқиқот манбаи ҳисобланади. Асарда, айниқса, закот масаласига катта эътибор берилган, унга маҳсус бир мавзу ажратилган. Чорва моллари, шахсий мулк шаклларидан оли-надиган тўловлар юзасидан айтилган фикрлар баоят муҳимдир.

## **«Хидоя» асарыда закот масалаларининг қўйилиши**

Ислом дини, Қуръон ва Ҳадисларда закот тўлаш зарурлиги алоҳида белгиланган, дин устунларидан бири шу тўловни шарт қилиб қўяди. Кўп жойда намоз ўқиш ва закот бериш кераклиги уқтирилади. Қуръоннинг 24-сураси 51-оятида шу ҳақда сўз боради.

Закот (айрим ерларда «садақот» деб номланади) фақир, мискин, закот йиғувчиларга, дилини исломга мойил қилиши учун айрим коғирларга, қулларни озод қилиш учун ва қарздорларга, жиҳод қилувчиларга, мусоғирларга берилади. Баъзи жойларда, илму толибларга ҳам берилиши мумкин, деб қайд этилган. Агар ҳозирги замон таъбири билан айтадиган бўлсак, ижтимоий ҳимояяга лойиқ ҳалқ оммасига ёрдам қўлини чўзиш деганидир. Яъни, закот тўлашга қодир кишилар («нисоб»идан ортиқчасининг бир қисмини) бошқаларга кўмак бериши деярли мажбурий шарт қилиб қўйилади. Шундан билиш мумкинки, жамиятнинг табақаланиши, бойлар ва камбағаллар бўлиши тан олинади. Закотга ихтиёрий-мажбурий тўлов — солиқ сифатида қаралади ва тўла ихтиёрийлик асосида бериладиган, яъни миқдори, вақти, шакли белгиланмаган садақа, хайр-эҳсондан кескин фарқ қиласи ва маҳсус одамлар ёки ташкилот томонидан амалга оширилади.

Бу ерда «нисоб» тушунчаси киритилишига алоҳида эътибор бермоқчимиз. Бизнингча, бу бир одам меъеридағи тирикчилик воситалари билан боғлиқ бўлса керак, демак, ўша истеъмол саватчасидан ортиқ имконга эга бўлганлар закотга тортилади. Бу тўғрида «Хидоя» асарыда батафсил маълумот берилади.

«Хидоя» асарининг ёзилиш услуби шундайки, унда ҳаммага яхши маълум масалалар билан бирга, кам учрайдиган ҳолатлар, у ёки бу масалаларнинг нозик томонлари икир-чикиригача изоҳлаб берилади. Ҳозирги давр тили билан айтганда, чиқарилган асосий қонунга берилган тўла-тўқис шарҳга ўхшайди. Китобда кимлар ва қанча закот тўлаши кераклиги тўгрисида қизиқ ва аниқ маълумотлар келтирилади. Ҳусусан, даромаднинг қирқдан бир ҳиссаси ҳисобидан закот тўланиши керак.

## **Чорва молларидан закот олиш йўриғи**

Чорвадан закот олиш йўллари ниҳоятда пухта ишланган, дейиш мумкин. Эчки ва қўй — кичик моллардан олинадиган закот анъанавий усулда бўлади, яъни қирқдан бир қисми олинади. Мол сони 40 бошдан кам бўлса, закот олинмайди (нисоб бор). Энг муҳими, закот тўлашда бир ёшдан кичик қўзилар ҳисобга киритилмайди, чунки улар ҳали етилмаган моллардир.

Отларда эса бошқача ҳисоб-китоб қилинади, яъни ҳар отдан бир динор ёки от баҳосининг 9 фоизи миқдорида закот тўланиши керак. Аммо меҳнат билан банд эшак, ҳаҷир ва ҳўқиз, тия сингари бошқа ишчи ҳайвонлардан тўлов олинмайди. Агар улар олди-сотди муомаласида бўлса, ахвол ўзгаради ва закот берилади. Бир ёшга тўлмаган эчки, бузоқ ва бўталоқлар ҳам умумий ҳисобга киритилмайди, аммо 25 туюдан бир, 66 тадан бошлиб икки, 145 дан ортигидан уч тия закот ҳисобига берилиши керак. Шу ерда муҳим бир фикр борки, «Мол эгаси шу молнинг ўрнига унинг баҳосига тент закотни пул шаклида тўлаши ҳам мумкин», дейилади, яъни эгасининг истаги эътиборга олинади, ихтиёрийлик тамойили мавжуд.

Яна муҳим бир кўрсатма диққатга сазоворки, закот йиғувчи моллар ичидан энг сара молни эмас, ўртача баҳодаги молни олиши талаб этилади. Ундан ташқари, закотни олдиндан ҳам тўлаш мумкинлиги кўрсатилади.

## **Қимматбаҳо буюмлар (олтин, кумуш)дан олинадиган закот турлари**

Кумуш нарсалардан олинадиган закотда ўртача нисоб, яъни солиқ олиниши мумкин бўлган миқдор 200 дирҳам деб белгиланган, бундан 2,5 фоиз, яъни 5 дирҳам закот олинади. Агар кумуш миқдори 200 дирҳамдан ортиқ бўлса, ҳар кўшимча 40 дирҳамдан яна закот берилади ва ҳоказо.

Олтиндан ва олтин буюмлардан олинадиган закот миқдори ўзига хосдир. 20 мисқолгача закот олинмайди (бир мисқол ўртача 4,5 грамм), 20 мисқолдан эса ярим мисқол закот тўланади. 20 мисқолдан ортиқ ҳар 4 мисқолдан 2 қирот

(таксинан 0,4 грамм) закот бериш керак. Олтин пуллар динор деб аталган.

Шахсий, хусусий мулк ҳисоб-китоби кумуш ёки унинг эквивалентига қараб белгиланади. Ҳатто кумуш ва олтин ҳам умумий баҳо асосида ягона қийматга келтирилиши мумкин.

Топилган кон ёхуд хазина учун бешдан бир ҳисса закот олиниши лозим. Бу ҳозирги қонун меъёrlарига жуда яқин миқдордир. Масалан, бирор ердан ёки экилаётган жойдан хазина топилса, шу усуслан фойдаланилади. Қимматбаҳо тошлардан закот тўланмайди, чунки улар закотдан мустаснодидир.

### **Ҳосилдан ундирилган солик**

Деҳқончилик — зироатчилик энг кенг тарқалган фаолият тури ҳисобланган, аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Шу сабабли аҳоли даромадида бу соҳа етакчи ўринни эгаллаган. Асосий ерларда сунъий сугориш йўли билан, айrim қисми лалмикорлик асосида, яъни экинларни табиий қор, ёмғир сувлари ёрдамида сугориб, деҳқончилик қилинган. Бундан ташқари, сув бемалол, ўз оқими билан келмайдиган жойларда кориз — ер ости ва булоқ сувлари, қудуқлар ва паст ерлардан чиғирлар ёрдамида юқорига кўтариб, сугориш олиб борилган. Иккинчи ҳолатдаги ишлар анча мураккаб ва қўшимча харажат сарфлашни тақозо этган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ёмғир, қор суви билан сугориладиган ерлардаги ҳосилнинг ўндан бири **ушр** шаклида солик сифатида олинар эди. Аммо ўрмон, яйлов, чакалакзор закотдан озод этилган. Сунъий сугориладиган ерлар ҳисобидан ушрнинг ярми миқдорида солик тўланарди.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ўз асарида закотни тақсимлаш қонун-қоидаларини ҳам баён этади. Аҳолининг айрим тоифа вакиллари: фақир, мискин, закот йиғувчилар, қарздорлар йиғилган закотдан фойдаланиш имкониятларига эгалиги тўғрисида ҳам қимматли фикрлар билдирилган.

Таниқли исломшүнос Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Васатия — ҳаёт йўли» китобида закот тўғрисида мушоҳада

юритиб, «Закот маҳсус молдан, маҳсус жузни маҳсус шахса Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилинганидек мулк қилиб беришдир» деб ёзди. Унинг фикрича, закот жамият аъзоларига юклатилган молиявий мажбуриятдир.

Закот фарзлиги, яъни зарурлиги учун молда бўлиши лозим шартлар қуидагилардир:

1. Тўлиқ мулк бўлиши керак.

2. Феълан ёки тақдиран ўсуви мол бўлиши керак.

3. Нисобга етган бўлиши керак. Камидан закот олинмайди, масалан, қирқ қўйдан биттаси закотга берилса, 39 қўйдан закот олинмайди.

4. Ҳожати аслидан ортиқча бўлиши керак.

5. Қарздан холи бўлиши керак.

6. Бир йил тўлган бўлиши керак.

Закот берувчидаги бўлиши лозим шартлар эса қуидагилардан иборат:

1. Мусулмон бўлиши шарт.

2. Балофатга етган бўлиши шарт.

3. Ҳур бўлиши шарт (қул бўлмаслиги керак).

4. Оқил бўлиши шарт.

Бериладиган закот миқдори сармояга нисбатан кўп бўлмайди ва йилда бир мартагина берилади.

Қуръоннинг «Анъом» сураси 141-оятида: «Ва унинг ҳақини ҳосилини йиққан куни беринг. Истроф қилманг. Чунки У зот истрофчиларни яхши кўрмас», дейилади. Ушбу оятда Аллоҳ зироат экинлари ҳосилини йиққан кунда ҳақини беришга амр қилмоқда. Аммо шунда ҳам истроф қилмасликка, ҳаддан ошмасликка, мўътадил бўлишга чақиради. Бу даъват ҳозирги замон иқтисодиётининг бош мезонлари дандир. Шу билан бирга, очкўзлик, хасислик, қизғанчиқлик ҳам қораланади.

### **«Ҳидоя» асари бугунги кун нуқтаи назаридан**

Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари, биринчи навбатда, маърифий жиҳатдан катта аҳамиятга молик. XII асрда бунёд этилган бу асар ислом ҳуқуқшунослигига оид муҳим ва нодир манбадир. Шу асардаги тавсиялар асосида оиласиб, хўжалик ва бошқа ишлар юритилган. Закот, ушр билан bog-

лиқ мавзулар эса ўша даврдаги иқтисодий жараёнларга холис баҳо бериш учун имкон яратади.

Бу асарнинг маънавий аҳамияти ундан-да баланд. Жамиятнинг табақаланиш жараёни қадимдан маълум, ҳозирда ҳам бу муаммо мавжуд. Жаҳонда 200 дан ортиқ давлатлар бўлса, шунинг 40 таси ривожланган, 120 таси ривожланаётган ва 40 таси камбағал давлатлардир. Бирлашган Миллатлар Ташкilotи (БМТ) томонидан 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик Декларациясида эса, 2015 йилгача жаҳондаги аҳолининг қашшоқлик даражасини 2 баробар камайтириш вазифаси қўйилган. Ҳолбуки, ҳозир 1,2 миллиард одам қашшоқликда умр кечирмоқда. Бу ишни бажариш катта инсонпарварлик чора-тадбирларини амалга оширишни талаб қиласди.

Нуфузли ҳалқаро ташкилот — БМТ томонидан янги аср бошида қабул қилинган ҳужжатда инсоният учун ниҳоятда аҳамиятли вазифалар белгиланган, шулардан энг муҳими 15 йил давомида дунёда қашшоқликни камайтириш, саводхонликни юксалтириш, оғир касалликлар кўпайишининг олдини олишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йили бу ташкилот минбаридан туриб нутқ сўзлаб, республикамиизда ўтган 10 йил ичидаги амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий ишларнинг моҳияти тўғрисида фикр юритди, эришилган ютуқларни қайд этди, қолган 5 йил ичидаги мамлакатимиз ва жаҳон доирасида қилиниши керак бўлган масалаларга урғу берди. Гал шундаки, айрим давлатлар кечак-ю кундуз уруш, жанжаллар гирдобига дучор бўлган, экологик аҳвол ҳам ниҳоятда қалтис, хуллас, бу «нозик» муаммоларни ҳал этиш учун, Президентимиз бу соҳада ҳалқаро кучларни бирлаштириш ва ўзаро инсонпарварлик ёрдамини кучайтириш зарурлигини уқтириди.

Яхши маълумки, исломда, ўзбек ҳалқида ватанпарварлик, поклик, хушхулқилик, ҳаё, инсоф, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, болажонлик ва кексаларга ҳурмат каби инсоний фазилатлар мужассамдир. Куруқ сўзда эмас, балки бевосита амалиётда закот, ҳомийлик, хайр-садақа ва бошқа усуслар билан факир, мискин, етим-есирларга ёрдам қўлини чўзиш маълум қонун-қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Эзгу ният, сўз ва амал доим дастуриламал бўлган. Бағ-

рикенглик халқымиз руҳиятида мұхим ўрин тутади. Бунга күплаб мисоллар көлтириш мүмкін. Туркистан үлкасига саёшат қылғанларнинг ёзіб қолдирған маълумотларига күра, ўзбеклар бор жойда мәхмандүстлик, бағриқенглик бўлиб, халқымиз мәҳмон олдига бор-йўғини тўкиб-солтанликлари қайд этилади.

Ўзбек халқининг 1941—1945 йиллардаги уруш даврида кўрсатган қаҳрамонликларини айтмай иложимиз йўқ. Шу даврда Ўзбекистонга гарбий ҳудудлардан 1 миллион аҳоли кўчирилган, шуларнинг 300 минг нафари ёш болалар эди. Ўзбек оиласлари бошқа миллат вакилларининг фарзандларини оталиққа олишган, уларнинг етимлигини билдириласликка ҳаракат қилишган. Агар бундай инсоний ҳиссиёт «қон»да бўлмаса, уни ҳеч қандай маъмурий-буйруқбозлик усуслари билан сингдириб ва амалга ошириб бўлмайди. Тошкентдаги Шомаҳмудовлар оиласи уруш даврида 13, урушдан кейин 3, жами 16 нафар турли миллат фарзандларини бағрига олиб ўстирди, вояга етказди, бу тарихий факт ва уни инкор этиш мүмкін эмас. Бундай мисоллар бисёр. Жамоатчилик, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва унда кам таъминланганлар тўғрисида ғамхўрлик ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи мұхимдир. Айниқса, ҳомийликни кучайтириш, солиқларни дифференциялаш, яъни тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу билан барча муаммоларни ҳал этиб бўлмайди, энг тўғри йўл тадбиркорлик, яратувчилик имкониятларини оширишдир. Фарbdan ҳудбинлик, индивидуализм, глобализм, оммавий ахборот воситаларидан узлуксиз шафқатсизлик, зўравонлик, беҳаёлик тарғиб қилиб турилган шароитда, ўзликни сақлаб қолиш учун катта тарбиявий ишларни давом эттириш талаб этилади.

\* \* \*

«Ҳидоя» ислом ҳуқуқшунослигига тааллуқли мukammal китоб ҳисобланади. Унда берилган тавсиялар ҳам назарий, ҳам амалий, маърифий ва маънавий аҳамият қасб этади.

Асарда закот масалалари алоҳида қараб чиқилған, унинг турлари, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар, қишлоқ хўжа-

лиги соҳасидаги тўлов шакллари ва миқдори аниқ қилиб берилган. «Нисоб» мезони муҳим аҳамиятга эга, бу — закот олиш-олмасликни кўрсатувчи мол-мулк миқдори, яъни ўзи ночорлардан солик олинмайди. Бу эса, ижтимоий адолат қонунлари қўлланилади, деганидир.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қарабандга, жамиятнинг табақаланиши тан олинади ва унинг ночор гурӯҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш кераклиги аён бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу тадбирнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Наздимизда, бобокалонимизнинг буюк асари ниҳоятда бой ва қимматли манба сифатида олий ўқув юртларида ўқитилиши зарур.

## ЗАМОНАСИДАН ЎЗГАН ФОРОБИЙ

### Абу Наср Форобий яшаган давр

IX—XII асрларда Марказий Осиё илгор ижтимоий тафқурнинг Шарқдаги йирик марказларидан бирига айланди. Бу даврда мазкур ҳудуддаги давлат марказлашган ва энг ривожланган паллага кирди. Буюк ипак йўли, Тинч океан атрофидаги мамлакатлар — Хитой, Корея ва ҳоказоларни Византия ҳамда Фарбий Европа билан чамбарчас боғлар эди. Бу эса карvon йўли орқали минглаб одамлар, отувловлар, турли-туман маҳсулотларнинг қарама-қарши ҳараратини, алмашувини вужудга келтирди. Ўрта Осиё Европани Шарқ билан боғловчи йирик моддий-маданий ва савдо марказига айланди. Бу жараёнлар бир-биридан минглаб чақирим узоқликдаги давлатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шакллантириди. Ахир, Осиёдаги ва Европадаги маҳсулотларга нисбатан талабни ва бозорнинг асосий унсурларини яхши билмай туриб, узоқ ва хатарли йўлга чиқиш мумкин эдими, катта карvonларни тогу тошлардан, кумли чўллардан олиб ўтиш осон эдими?

Бунинг учун маълум қоидаларга, амалларга таяниб иш кўриш керак бўлди. Европага қанча ва қайси маҳсулотларни олиб бориш, у ердан нима олиб қайтиш, карvon йўлларидаги давлатлар, халқларнинг талаб-эҳтиёжини яхши би-

лиш талаб этилган. Натижада, турли билим соҳалари, математика, ал-жабр, геометрия, яъни ҳандаса, астрономия ва бошқа кўпгина фанлар ривожланди. Бу даврда бутун дунёга танилган Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Низомулмulk ва бошқа кўплаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилишди. Уларнинг асарларида муҳим иқтисодий ғоялар ҳам ўз аксини топди. Шарқ Ўйғониш даври олимлари шу даврдаги тижорат, мулкдорлик сирларини баён этганлар. Уларнинг кўплари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, дастлаб 873—950 йилларда яшаб ижод этган Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий ҳақида фикр юритамиз.

Бўлажак буюк олим Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойда, Шош, ҳозирги Тошкентдан 200—260 километр шимоли-ғарбда жойлашган Фороб (Ўтрор) деган жойда туғилган. У Форобда ўқиган, Шошда бўлган, Бухоро ва Самарқандда таътил олган. Араб халифалигининг маркази Бағдодда ўқишини давом эттирган, умрининг охирги йилларида Ҳалаб (Алеппо)да, сўнгра Дамашқда яшаган ва шу ерда вафот этиб, «Боб ас-сағир» қабристонида дағн қилинган.

Форобий тадқиқотларининг яна бир муҳим жиҳати шуки, айрим маълумотларга кўра, у 70 дан ортиқ тилни билган, олимларнинг шу тилларда ёзган асарларини таҳдил этган ва шарҳлаган.

Тарихда шундай воқеа бўлиб ўтганлиги қайд этилади. Қомусий олим Абу Али ибн Сино Арастунинг «Метафизика» асарини 40 марта ўқиб ҳам тушуна олмаган экан. У сурункали мутолаадан толиқиб, бозор айланишни ихтиёр этади. Бахтли тасодифни қарангки, бозордан харид қилган китоби Форобийнинг Арасту асарига ёзган шарҳлари экан (бу Форобийнинг «Метафизика»нинг мақсадлари ҳақида» номли китоби эди). Ибн Сино китобни бир марта ўқиб чиқишаёқ, Арастунинг «Метафизика» асари моҳиятига тўла тушуниб етади.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган қомусий олим сифатида эътироф этилади. Унинг Шарқ оламидаги шуҳрати шу даражага

га етдики, уни Арастудан кейинги йирик мутафаккир — «муаллими соний» («Йиккинчи муаллим») деб атай бошладилар.

## **«Фозил одамлар шаҳри» асари: эҳтиёж ва меҳнат тақсимоти**

Олимнинг айниқса «Фозил одамлар шаҳри» асари дикқатга сазовор бўлиб, унда мамлақатни бошқариш, ҳокимлар фаолияти, иқтисодиётни олиб бориш, бугуннинг таъбирига кўра, менежмент билан боғлиқ муҳим гоялар келтирилган.

Форобийнинг фозил, яъни идеал, бекаму кўст шаҳар ҳокимининг фазилатлари ҳақидаги фикрлари ниҳоятда қимматлидир. Аллома жамиятда, хусусан, иқтисодиётда «инсон омили» ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

Форобий «инсон омили» гоясига асосланиб, раҳбар учун зарур бўлган 12 фазилатни таърифлаб берди. Шуниси дикқатга сазоворки, бу фазилатлар ҳозирда ҳам раҳбарга қўйиладиган асосий талаблар бўлиб қолмоқда. Раҳбардаги хушахлоқлик, билимдонлик, адолатпарварлик, бойлика ружу қўймаслиқ каби фазилатлар бугун ҳам ниҳоятда долзарб. Раҳбар, шунингдек, «ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишида қатъиятли, саводли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашга йўл қўймаслиги зарур», деб таъкидлайди аллома.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Форобий ўз устози Арасту гояларини ҳар томонлама талқин этади ва уларни янада бойитиб боришга ҳаракат қиласди. У, жамият шаклланиси учун моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти тўгрисидаги таълимотни яратди, иқтисодиёт фанида муҳим бўлган тушунча — «эҳтиёж»ни таърифлаб берди. Моддий бойликлар Форобий фикрича: Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун ҳар бирига яшаш ва етукликка эришуви учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари қўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар,

натижада инсон жамоаси вужудга келди. Жамиятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги бу фикр ниҳоятда тўғридир.

Иқтисодий эҳтиёж эса ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий даврида кишилар ҳаёти моддий шароитининг ифодасидир ва у маълум миқдордаги моддий маҳсулотлар суммаси билан ўлчанади. Ҳозирги давр нуқтаи назаридан эҳтиёжлар — организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман, жамиятнинг ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган нарсаларга нисбатан талаб, муҳтожликдир. Фаолият соҳасига қараб, меҳнатга, билимга, мулоқотга, шахсий, гурухий, жамоавий, ижтимоий эҳтиёжлар бўлади. Айни пайтда фаолликка ундовчи куч бўлган эҳтиёжлар, ўз навбатида, ҳаёт шароитига танлама таъсир кўрсатади, эҳтиёжларни қондирадиган нарсалар ишлаб чиқаришни рагбатлантиради. Масалан, бир вақтлар кишиларда автомобилга пайдо бўлган эҳтиёж, уларни яратиш йўлида изланишларнинг бошланишига сабаб бўлди, бутун бир саноат тармоғининг пайдо бўлишига олиб келди.

Тарихан эҳтиёж ўсиб борали ва бу хилма-хил ўзгаришларга олиб келади. Албатта, иқтисодий эҳтиёжлар асосий ўринда туради. Уларга, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларга, кийим-кечак, ахборот воситалари — газета, китоб ва бошқаларга эҳтиёжлар, шунингдек, олий ўринда турадиган меҳнат қилиш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари киради. Бу эса моддий бойликлар яратишда меҳнатнинг ва меҳнат қуроллари ўрнини аниқлаб беради.

Абу Наср Форобийнинг тасодиф зарурати тўғрисидаги фикрича: Агар дунёда сабаби номаълум тасодифий воқеалар бўлмаса, қўрқув ва ишонч бўлмас эди. Қўрқув бўлмаса, жамиятда қонуният ва сиёсатнинг ҳожати йўқ эди. Ишонч бўлмаса, эртанги кун учун ҳеч ким ҳеч нарса олиб қўймас эди, хўжаликка ҳожат қолмаган бўлур эди. Бу иккала ҳолда одамлар Аллоҳга, ҳукуматга бўйсунмас эдилар, ҳоким алоҳида яхшилик қилмас эди.

Айниқса, «меҳнат тақсимоти» масалалари мутафаккир асарларида яхши ёритиб берилган. Меҳнат тақсимоти туфайли ишлаб чиқариш ривожланади, чунки вақтдан ютилади, ишчиларнинг касб-маҳорати ортади, техник мосдамлар киритиш учун асос юзага келади, яъни ўз даврида

ҳамма ишни бир одам бажариши мумкин бўлган ҳолатдан, ҳар бир ишни маҳсус кишиларга бўлиб бериш афзаллиги кўрсатилади («Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин»).

Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Форобийнинг фозил, яъни мукаммал давлат, ҳокимлар тўғрисидаги ғоялари ниҳоятда аҳамиятлидир. Масалан, шаҳар тартиботида энг асосий нарса — мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш эканлиги қайд этилган.

Асарда Арасту ғоялари ривожлантирилиб, аввало ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва туттган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур ҳисобланувчи озиқовқат, экин экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг сони ва миқдори ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилади.

### **Форобий иқтисодий қарашларининг муҳим аҳамияти**

Табиат, Форобий фикрича, нозу неъматлар манбаи бўлиб, уларга эга бўлиш, инсонлар хизматига қўйиш учун уни ўрганиш зарур. Бунинг учун эса фанларни ривожлантириш керак. Ҳиссиёт ва онг инсоннинг асосий билиш омилидир, шу орқали табиат ва ташқи дунё сирларини очиш мумкин. Бу омиллар фақат инсонга тегишли, ҳар бир одам ўилаш қобилиятига эга ва турли фанларни эгаллашга қодир. Табиат ва унинг сирларини ўрганиш, билиш инсон қобилияти доирасида.

Форобий биринчилардан бўлиб жамият тўғрисидаги фани яратишга интилди. Ижтимоий ҳаёт муаммоларини ўрганувчи фанларни ажратди: давлат — илм ал-маданий, ҳукуқ-шунослик — илм ал-фиқҳ ва ислом — илм ал-калом. Аммо шулар орасида давлат тўғрисидаги фанни асосий, деб ҳисоблаган.

Олимнинг жамият вужудга келиши масалалари тўғрисидаги ғоялари қимматлидир, уни табиий-мақбул жараён деб, инсонни эса ижтимоий жараён маҳсули деб билади. Унинг фозил давлатидаги одамлар, яшаш ва ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз олдига қўйган вазифаларида бир-бири-

га ёрдам беришлари керак. Ўзаро ёрдам асосий мезон қилиб олинади.

Бу идеал давлатнинг одамларини одатдаги меҳнат фоалиятисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки меҳнат халқларнинг ҳаёт, қувонч ва бойлик манбаи сифатида қаралади. Шу сабабли аҳолининг барча қатламларини жамият учун фойдали бирор ҳунар билан қатъий машғул бўлишга ундиади. Меҳнатга бўлган бу қарашиб нигоятда аҳамиятлидир, чунки ҳукмрон ижтимоий гурухлар, айниқса, қулдорлар меҳнатга нафрат билан қарашган.

Жамиятни қайта қуриш режасидаги фикрларда халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадга эришиш учун тинч-осойишталик сақлашни, босқинчи урушлар тўхтатилиши зарурлиги, факат ўз-ўзини ҳимоя қилиш учунгина уруш олиб борилиши мумкинлиги тўғри баҳоланади. Бу фикр деярли барча замонавий таълимотларда ўз аксини топган.

Ҳақиқий бахтга эришиш асосида адолат ўрнатиш, халқни саводхон қилиш, ахлоқни тарбиялаш ва бошқалар туради. Олим, яратилган бойлик ва маҳсулотларни аҳоли ўртасида тўғри тақсимлаш хусусида муҳим холосаларга келади. Унинг фикрича, барча шу бойликлардан хизмати ва меҳнатига яраша олиши керак, акс ҳолда адолат бузилади, адолатсизлик бўлади. Жамиятнинг бойлиги бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланса, кўпчилик ноchorликка маҳкум этилади.

Борлиқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ал-Истиқсот таълимоти бўйича, мавжудот 4 унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топган. Шу сабабли, қомусий олим Форобийнинг асарлари ҳам етти аср мобайнида Европа университетлари дастурларидан ўрин олган эди.

Олим асарларини икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, юонон файласуфлари ва табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишиланган асарлар ва иккинчиси — фаннинг турли соҳаларига оид мустақил, оригинал асарлар. Форобий фанларнинг деярли барча соҳалари: фалсафа, математика, мантиқ, ҳатто мусиқа бўйича ҳам китоблар яратди. У яшаган

давридаёқ буюк олим сифатида машхур бўлган. Шарқ халқларида у ҳақда турли ҳикоя, ривоятлар вужудга келди. Олимнинг ижоди ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этилган. Ўзбекистонда Форобий ижодини мукаммал ўрганган олим — академик Музаффар Хайруллаевdir, унинг кўпгина асарлари чоп этилган.

Илк уйғониш даврининг буюк намояндаси сифатида Форобийнинг иқтисодий қарашлари катта аҳамиятга эга. Жамият, давлатнинг вужудга келиши, унинг вазифалари ҳозирги замон нуқтаи назаридан ниҳоятда тўғридир. Форобий фикрича, адолат асосига ўрнатилган жамиятгина инсонлар талабига мос келади. Давлат, жамият ва иқтисодиётни бошқариш, унда шахснинг роли ва фазилатлари шу кун учун ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Агар олим санаб ўтган фазилатлар кадрлар танлаш тизимида фойдаланилса, яхши натижа берар эди. Иқтисодиётдаги эҳтиёж тушунчалиси ҳам олим томонидан тўғри ҳал этилган.

Бойлик, фаровонлик асоси меҳнат эканлиги ниҳоятда тўғри баҳоланади. Мамлакатда яратилган бойликни хизматига қараб тақсимлаш адолат мезони сифатида муҳимдир. Иқтисодий тараққиётда меҳнат, меҳнат тақсимоти, ихтинослашиш аҳамияти аниқ талқин этилади.

Тинч-осойишталик иқтисодий ривожланиш бош омилларидан бири эканлиги таъкидланади, босқинчилик урушлари ва унинг оқибатлари қораланади. Ўша даврдаги мавжуд давлат, давлат тизимлари, ваҳшиёна урушлар танқид остига олинади.

Форобий асарларининг маънавий аҳамияти ниҳоятда катта. У, бошқа таниқли олимлар, чунончи, юнон мутафаккирларининг асарларини изоҳлаб бериш орқали жаҳон илмфанига яқинлашди, оригинал асарлари орқали эса фан тараққиётига муҳим ҳисса кўшди, унда илгари сурилган боялар жаҳон тамаддуни ривожини тезлаштириди. Бир олим томонидан яратилган асарлар ҳозирги замон фанларининг деярли барча қирраларини ёритиб берган. Инсон буюк камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билимга интилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги баҳт-саодатга эришади.

\* \* \*

Ватандошимиз Форобийнинг ижтимоий-иқтисодий қараашлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларда илм-фаннынг долзарб муаммолари ёритилган. Айниқса, идеал давлат ва унинг раҳбарлари фазилатлари ҳақидаги foялар ҳозир ҳам долзарбdir. Фозил шаҳар ривожи учун меҳнат, меҳнат тақсимоти зарурияти яхши баён этилган. Бойликни яратиш ва тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор берилади ва шу йўл билан адолатни амалга ошириш имкони туғилади. Фозил давлатнинг шакли ва уни бошқариш, ходимлар масаласи тўғри қўйилган.

Зотан, Форобийнинг foялари халқимиз ва бутун жаҳон аҳли учун ўрнак бўларли ижод намунасиdir. Бу ерда биз олим асарларининг кичик бир қисмини таҳдил этдик, холос.

## **АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО: ИККИ ДаҲОНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА МУНОСАБАТИ**

### **Берунийнинг иқтисодий қараашлари**

Буюк қомусий олим, 1000 йил аввал ташкил топган Хоразм Маъмун академиясининг аъзоси ва раиси Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973–1048) 152 та асар яратгани ҳамда 1036 йилгача битилган китоблари рўйхатини шахсан ўзи тузгани бизга маълум. Афсуски, бу асарлардан 30 тасигина бизгача сақланиб, етиб келди. Уларда меҳнат бойликнинг асоси эканлиги тўғрисидаги foя асосиидir. Унинг кўпгина фикр ва қараашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Олим яшаган даврда ишлаб чиқариш юксалган, савдо-сотиқ ривожланган, сугориш иншоотлари ишга туширилган эди.

Беруний фикрича, кишилик эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва уларни қондириш асослари, меҳнат ва ҳунарга муносабат уйғунлашиб кетади. Унинг фикрига кўра, кишилар ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Эҳтиёжлар турли-туман

ва кўп бўлганлиги учун инсонлар бирлашган ҳолда туарражой ва шаҳарлар яратишга интиладилар, деб ҳисоблайди. Шунингдек, давлатнинг пайдо бўлиши ҳам эҳтиёж туфайли деб таъкидлайди. Энг муҳим ғоя шуки, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг қадр-қиммати унинг аждодларининг ким бўлганлиги билан эмас, балки меҳнати, ақлий ва жисмоний маҳорати билан белгиланади. Ҳар бир даврнинг урф-одатлари ўзига хос бўлади ва инсон аҳли уларга риоя қилмоғи даркор, акс ҳолда интизом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам бўлмайди, дея уқтиради буюк донишманд.

Олимнинг фикрларига таяниб шундай муҳим хулоса чиқариш мумкинки, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон аввало ҳалол меҳнати билан улуғланади, кишилик жамиятининг асл ибтидоси ҳам меҳнатдандир.

Беруний қайд этишича, билимларни эгалламоқ ва ҳунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараёндир. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат деб билади. Илм, маърифат заҳматкашлари меҳнатига таъриф бериб, илм олиш, ўқиши энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди. Шунга кўра, олимларнинг меҳнатини қадрлаш турли илмларнинг кўпайишига олиб келади. Олим жамиятининг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда, меҳнатда деб билади.

Кўл меҳнати, мажбурий меҳнатдан эркин кишиларнинг фаолияти устунлиги исботлаб берилади, бу эркин бозор муносабатларининг асосидир. Аллома меҳнаткашларнинг ҳоҳиши-иродасига қарамай, уларни мажбурлаб ишлатишга қарши бўлган, чунки бундай ишнинг, масалан, қул меҳнатининг самараси паstdир. Мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келадиган касб-ҳунар юқори баҳоланган.

Беруний оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, яъни конда ишловчилар, ер остида гавҳар қидирувчилар, деҳқонлар тўғрисида, уларга берилиши керак бўлган имтиёзлар ва иш ҳақи ҳақида «Минералогия» асарида кенг мулоҳаза

юритади. Айниқса, очиқ ва ер остидаги кон ишларига алоҳида эътибор берилади, фалокатнинг олдини олиш учун ер ости конларини мустаҳкамлаш, ер ости сувларини чиқариб ташлаш, олинган рудани юқорига олиб чиқиш учун маҳсус мосламалардан фойдаланиш тавсия этилади. Кон атрофида кончилар қишлоғини барпо этиш зарурлиги кўрсатилади.

Ер ости бойликларини қазиб олиш ишлари катта жисмоний меҳнат, ихтирочилик, ақлий меҳнат ва билим сарфлашни талаб этади. Бу мураккаб ва оғир ишларни бажариш маҳсус мактабларда таълим-тарбия бериш асосида йўлга қўйилмоғи керак, дейди олим. Худди шу ўринда Беруний илм аҳли, олимлар, тарбиячиларнинг меҳнати жамият учун нақадар керакли ва зарурлигини алоҳида уқтиради. Беруний усталарнинг аҳволи, шогирдларнинг фаолияти ва иш ҳақи борасида ҳам қимматли ғояларни илгари суради, иш ҳақининг миқдори самарадорлик билан бевосита боғланади. Бу ғоялар Адам Смит ва ҳозирги замон бошқа олимларининг фикрига мос келади.

Ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда географик мухит, кишиларнинг моддий эҳтиёжи каби омилларнинг ролини ҳисобга олади. «Геодезия» асарида: «Одам ўз эҳтиёжининг кўплиги, ҳимоя қилиш қуролларига эга бўлмагани ва душмани кўплиги туфайли бир-бирини ҳимоя қилиши зарурлиги, ўзини ва бошқаларни таъмин этишга зарур бўлган бирор ишни бажариши учун жамиятда ўз қариндош-уруғи билан бирлашишга мажбур бўлган», деб кўрсатади.

Тилнинг келиб чиқишига одамларнинг бир-бири билан муомала қилиш эҳтиёжи, турли фанларнинг пайдо бўлишига эса, моддий ва маънавий эҳтиёжлар сабаб бўлган.

Мамлакат ободончилиги илм-фаннынг гуллашига боғлиқ, одамнинг баҳти эса билим ва маърифатда, деди у.

Олимнинг ёзиича: «Басрада биллурдан идиш-товоқ ва бошқа нарсалар ясайдилар. Иш жойида белгилаб-ўлчаб бेरувчи уста бўлиб, унинг олдиди буллурнинг майда ва катта бўлакчалари тўпланган. У ана ўулардан чиройли ва кераклисини олиб, энг чиройли ва яхши буюм ясашни ўйлаб,

ўлчаб ва белгилаб чиқади. Шундан кейин уни ясовчи ҳунарманнада беради, у биринчи уста айтганидек қилиб буюмларни ясай бошлайди». Олим бу ерда **мөхнат тақсимоти** ва унинг аҳамиятини кўрсатган.

Олим ва мутахассисларнинг мөхнатини мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбатлантириб туриш фойдали эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу аслини олганда манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Унингча, айниқса ерга ишлов бериб, ризқ-рўз яратувчиларга меҳрибон бўлиш кераклиги кўрсатилади. Ана шу ғамхўрлик натижасида ерга яхши ишлов берилади ва ер ҳосилдор бўлади, моддий неъматлар яратилади, ишловчи ва жамият манфаатлари тенгмата тенг ҳимоя қилинади. Моддий неъматлар эса тирикчилик асосидир.

Беруний: «неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади», деб ёзади. Бу ҳозирги даврдаги маржинализм таълимотининг худди ўзгинасидир. Ана шу фикрда маҳсулот, маҳсулот тушунчаси ўрнига «неъмат» ибораси ниҳоятда тўгри қўлланилган. Қиймат ўрнига (классиклар ибораси) қадрият, нафлик, фойдалилик маъносини берувчи сўз ишлатилмоқда.

«Билим — такрорлаш мевасидир», деб ёзади олим. Ана шундай қилинганда ҳокимият ҳам мустаҳкам бўлади, дейди Беруний. Бу ерда давлатнинг иқтисодиёт билан муносабати масаласи кўтарилган. Агар кишилар тўқ бўлса, давлат ҳам кучлиdir. Бунда Беруний инсонни биринчи ўринга қўймоқда. Ҳукмдорларнинг вазифаси юқори табақалар билан қўйи табақалар ўртасида ҳақиқатни, кучли билан кучсиз ўртасида тенгликни ўрнатишдан иборатдир, деб уқтиради олим. Мөхнатнинг ихтиёрийлиги, озодлиги, эркинлиги кишилар ўртасида хулқ-атвор, ҳурмат-эътибор учун муҳим ва зарурдир. Бу ерда бозор иқтисодиётининг энг зарур таъмойилларидан бири — танлаш ва тадбиркорлик эркинлиги масаласи илгари сурилган.

Шунингдек, аллома илм олишга алоҳида эътибор берган. «Билиминг шундай нарсаки, у яланғоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирсанг сув билан ювиб бўлмайди», деб ёзади Беруний.

## Шайх ур-раиснинг иқтисодиётга оид фикрлари

Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган ватандошими, Хоразм Маъмун академиясининг фаол аъзоси Абу Али ибн Сино (980—1037) ниҳоятда катта илмий мерос қолдирган. У ёзган асарларнинг сони 280 дан ортиқ. Шулардан 40 дан ортиғи тиббиётга, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3 рисола мусиқага, 185 рисола фалсафага, мантиқ, руҳшунослик, илоҳиёт, ахлоқ ва бошқа ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишиланган. Лекин бизгача унинг фақат 160 га яқин асари етиб келган. Олимни ҳурматлаб, «Шайх ур-раис» деб атаганлар.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ёзишича, унинг илмий ижоди 18 ёшида бошланган. Лекин, 17 ёшидаёқ подшони даволагани учун, обрўси бутун мамлакатга ёйилган.

Олимнинг тиббиётга оид асарларида иқтисодиёт билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилади. Инсон соғлигининг ички ва ташқи муҳитга бевосита боғлиқлиги, айниқса овқатланиш, турмуш шароити катта аҳамият қасб этиши кўрсатилади. Иқтисодиёт фанида муҳим бўлган тушунча — «**эҳтиёж**» ни таърифлаб, моддий бойликлар яратишда меҳнатнинг ва меҳнат қуролларининг ўрнини аниқлаб беради. Унинг асарларида **«меҳнат тақсимоти»** га катта эътибор қартилади, тақсимот туфайли унумдорлик ошиши ва маҳсулот сифати яхшиланиши исботлаб берилган. Фарбий Европада эса фақат 1776 йилда Адам Смит бу масалага алоҳида диккатни жалб этади.

Инсон ҳаётида истеъмол масаласи муҳимлиги кўрсатилади. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан, бу **истеъмол саватчаси** тўғрисидаги ғояга яқин, яъни соғ-саломатлик ва одам ҳаёти, фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун таомланиш меъёри ҳам белтилаб бериладики, уни ҳозирда ҳам бемалол қўллаш мумкин.

Ибн Синонинг фикрича: «Ҳайвон табиат неъматларига қаноат қиласи, одамларга эса табиат неъматлари камлик қиласи, улар овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эҳтиёж сезадилар. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса ўз меҳнати билан ўзига овқат, кийим, тураржой

яратади. Шу мақсадда инсон дәхқончилик ва ҳунарманд-чилик билан шугулланиши керак».

Олим асарларыда **фозил давлат** түғрисидаги ғоялар ривожлантирилиб, ўзаро ёрдам, дүстлик ва ҳамкорликка катта ўрин берилади. Ибн Сино назарий ва амалий илмларни ажратиб күрсатади, назарий ишларни инсон фаолияти билан bogлиқ бўлмаган нарсалар түғрисидаги ҳақиқий илмлар, деб таърифлайди. «Ақт тарозисида ўлчанмаган ҳар қандай билим чин бўла олмайди, демак, у ҳақиқий билим эмас», деган ибора шу олимга тегишлидир.

Олим илмларни 2 қисмга бўлади: назарий ва амалий илмлар. Амалий илмларнинг мавзуси инсон фаолиятидир. Назарий илмлар ҳақиқатни билишга, амалий илмлар эса яхши ишларни бажаришга қаратилган. Жамият кишилари ўзаро келишув асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Бунда инсоннинг ахлоқий фазилатлари муҳим ўрин эгаллайди. У инсонларнинг кундалик фойдали амалий ишларини улуғлайди, ахлоқий муносабатларда камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, айниқса тўғрилик, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор беради. Бу хусусиятлар иқтисодиётда **инсоний омил** түғрисидаги ғояга мос келади.

Иқтисодиёт ривожланишининг қонун-қоидаларига амал қилиб, инсон ўз баҳтини ўзи яратади. Яхши хулқ, маънавият ва иқтисодиёт ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини эса, олим «Уй-жой тутиш тадбири» асарида күрсатиб беради. Бу рисолада у аёлларга керакли ўн етти хислатни санаб күрсатади. Аёл оқила ва эътиқодли, ёқимтой, ўз эрига меҳру муҳаббат қўйган, фарзанд кўра оладиган, камгап, итоаткор, дили пок, бехархаша, покиза, вазмин ва ўзини тутиб олган жиддий ва улуғвор, ҳар бир ҳатти-ҳаракатида ўзининг яхши хислатлари билан ажralиб турадиган ва энг муҳими, эрининг бирини икки қиласиган, иқтисодий тежамкор, оғир дамларда унга малҳам бўла оладиган мушфиқу меҳрибон бўлиши керак.

Ибн Сино оддий мусулмон сифатида Худо борлигига тўла ишонади, лекин дунёда одамларнинг иши фақат тоатибодат қилиш, рўза тутиш, Қуръон ўқищдангина иборат бўлмаслиги керак, балки улар фан, маърифат байроғини

күтариб, фойдали ва савобли ишлар қилишлари улуғланади. Инсон билимларни эгалласа, шундагина ҳақиқий мусулмон бўла олади, деб таъкидлайди.

Олимнинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. Биз уларнинг орасидан ижтимоий-иқтисодий ғоялагигина эътибор қаратдик.

## **Хоразм Маъмун академияси**

**Хоразм Маъмун академияси**, маъмунийлар академияси — Хоразмда X аср охири ва XI аср бошларида фаолият кўрсатган илмий муҳитдир. У, маъмунийлар давлати (992—1017 йй.) тарихи билан бевосита боғлиқ. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эришган хоразмшоҳлар мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни бошлаб юборган эдилар. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафкуравий масалаларни ҳал қилиш кун тартибида турган.

Али ибн Маъмун ўз ҳукмронлиги даврида (997—1010 йй.) доно ва зукко маслаҳатчиларга муҳтоҷ бўлган. Унинг баҳтига тоғаси, Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими бўлган. 1004 йилнинг бошида Ибн Ироқ таклифи билан Беруний Гурганджга қайтиб келган; Маъмун саройида илм аҳли учун яхши шароит яратиб берилган. Бу икки шахс Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада бўлганлар. Уларнинг таклифи билан Нишопур, Балх, Бухоро ва ҳатто араб Ироқидан кўплаб олимлар Гурганджга келишган.

Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Гурганджда «Дор ал-ҳикма ва маориф» (базъи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассасаса тўла шаклланган. Бу илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма» академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўплланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юонон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; ал-Хоразмий, ал-Фарғонийнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. XVIII—XX аср тарихчи олимла-

ри томонидан илмий муассаса ҳар томонлама ўрганилганда, фаолияти нуқтаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги ва унга «Маъмун академияси» номи берилганлиги исботланган. «Академия» сўзининг лугавий маъноси юончча афсонавий қаҳрамон Академ исемидан олинган.

Хоразм Маъмун академиясининг асосини қуидаги олимлар ташкил этган: Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жадъий (Х аср – 1034), Абулхайр ибн Ҳаммор (941 – 1048), Абу Саҳл Исо ибн Яҳъё ал-Масиҳий ал-Журжоний (970 – 1011), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973 – 1048), Абу Али ибн Сино (980 – 1037), Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ (1030 й. вафот этган), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсабурий (961 – 1038), Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (1015 й. вафот этган), Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳориз ал-Ҳабибий ал-Хоразмий (Х – XI асрлар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий (Х – XI асрлар) ва бошқалар.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтаргандар. Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қадимий Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, сугориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлигар. Масалан, Абу Наср ибн Ироқ астрономияга доир илмий асарлари туфайли «Батлимуси соний» («Иккинчи Птолемей») деган фахрий ном олган. Абдулхайр ибн Ҳаммор мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун «Буқроти соний» («Иккинчи Гиппократ») номига сазовор бўлган.

Абу Саҳл ал-Масиҳий табиб, Ибн Синонинг устози бўлган. Академия раҳбари Абу Райҳон Беруний фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шугулланган. Унинг геодезия ва математика соҳалари бўйича асарлари буғун ҳам долзарбди. Беруний Ўрта Осиёда биринчи бўлиб тиббиётга оид «Китоб ас-сайдана фит-тиб» («Табобатда доришунослик кито-

би») асарини ёзган. Беруний Америка қитъаси мавжудлигини европалик олимлардан таҳминан 450 йил олдин айтиб ўтган. Унинг «Қадимий халқардан қолган ёдгорликлар» асарида қадимий халқлар — юоннлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг йил ҳисоблари байрамлари ва машҳур кунлари, урф-одатларига оид қимматли маълумотлар тўплланган.

Хоразм Маъмун академиясининг забардаст қомусий олими Ибн Сино жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшиди. Хусусан, унинг «Тиб қонунлари» асари бутун дунёга машҳур бўлган. Хоразмда Ибн Сино асосан математика ва астрономия билан шугулланган. Олимнинг Арасту таълимоти хусусида Беруний билан ва ўзининг шогирди Баҳманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир. Бу ёзишмалар савол-жавоб тарзida бўлиб, унда Беруний ва Ибн Сино фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб борганлар. Ибн Сино хоразмшоҳлар вазири Абул Ҳусайн ас-Саҳлий билан дўстлашиб, унга атаб алкимёга оид «Рисола ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») асарини ёзган.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Хоразм табиати, иқлими, суғориш тизими, минералогияси, ер ости сувлари, Амударё дельтасининг тарихи, коризлар қуриш орқали ерларни суғориш, ер остидаги тупроқни тозалаш йўлларини тадқиқ этишган. Академия аъзоларидан Абу Бакр ал-Хоразмий, табиб Абу ал-Фараж ибн Ҳинду шеъриятда юксак маҳоратга эришганлар. Хоразм тарихи, дини, тақвими, байрамлари, урф-одатлари, ёзуви, миллий қадриялари тўғрисидаги қимматли маълумотлар, уларнинг фаолияти туфайли бизгача етиб келган. Уларнинг ўзларига хос шиори: «Илм — инсонлар ҳожатини чиқармоқликка хизмат қиласин» эди.

Хоразм Маъмун академияси олимларига илмда қатъийлик хос бўлган. Арасту йўл кўйган кўп хатолар текширишлар давомида тузатилган, кутбдаги давомий тун ва кунлар масаласи осонлик билан фалакиёт фани нуқтаи назаридан тушунтирилиб, ечилган. Беруний қайд этишича, қадимда Хоразм астрономлари юлдузлар жойлашиш тартибини араблардан кўра яхшироқ билишган.

Хоразмшоҳ Маъмун II саройидаги олимлар шуҳрати ўз даврида узоқ ўлкаларга тарқалган. Бу эса Маҳмуд Фазнавийнинг фашига теккан. У уюштирган суиқасд натижасида 1017 йилнинг баҳорида Маъмун II ўлдирилган ва ўша йилнинг июнида кўёви учун қасос олиш баҳонаси билан Маҳмуд Фазнавий Хоразмга бостириб кирган. Катта қирғин ва талон-торожликлар натижасида Хоразм Маъмун академияси фаолияти тугатилган ва бу ердаги олимларнинг кўпчилиги Фазнага мажбуран олиб кетилган.

1997 йилнинг 11 нояброда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу фармонда, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъоддли ва фидойи олимларни қўллаб-куватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратиш борасидаги миллӣй анъ-аналаримизни ривожлантириш вазифаси қўйилди ва бу соҳадаги муҳим қадам бўлди.

Шу фармон асосида академия қайта тикланди, унинг таркибида археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари ташкил қилиниб, 9 та илмий мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Археология, тарих ва фалсафа бўлимининг ходимлари «Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Тил ва адабиёт бўлимида, «IX—XIII асрларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпос», «IX—XIII асрлар Хоразм ёдномалари тили» мавзуси бўйича Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки афсоналари ҳамда ривоятлар «Авесто»даги мифологик қатлам билан қиёсий таҳлил қилинди. Оғзаки ва ёзма намуналарни тадқиқ қилиш орқали адабий ва бадиий тилларга хос хусусиятлар, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилди.

Хоразм Маъмун академияси жамоаси илмий тадқиқотларни халқ хўжалиги талаблари асосида шакллантириш, уларни долзарб масалаларни ечишга қаратиш, бюджет маб-

лағларининг самарадорлигини оширишда устувор тадқиқотларни амалга оширишга интилмоқда.

«Авесто» ватанида ушбу китобда илгари сурилган фояларга, ўгитларга амал қилиш бўйича каттагина ишлар амалга оширилмоқда, айниқса, суфориш ва ерларнинг шўрланишига қарши кураш, захини қочириш, яъни ерларнинг ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, натижада қишлоқ хўжалигига самарадорлик ошувини таъминлаш, халқ моддий-турмуш даражасини янада юксалтиришга эришилмоқда.

2006 йилнинг нояброда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлиган тантанали йифилиш ва халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади, ўтган давр мобайнида қилинган ишларга баҳо берилди, қилинажак ишлар кўлами белгилаб олинди. Аждодларимизнинг хайрли анъаналарини сабитқадамлик билан давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

### **Беруний, Ибн Сино фоялари ва ҳозирги замон**

Икки буюк аллома Ватанимиз ва жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарлари қомусий бўлиб, деярли барча фанларни ўз ичига олган. Бу ерда биз мутафаккирларнинг фақат ижтимоий-иктисодий фоялари устида тўхтадлик, холос.

Меҳнат бойлик яратишнинг асосий омили эканлиги, касбларнинг турли-туман бўлиши (меҳнат тақсимотини эсланг), меҳнатнинг оддий ва мураккаб турлари мавжудлиги, шунга яраша иш ҳақи тўлаш зарурлиги ҳозирги даврда ҳам тан олинган илфор қараашлардир.

Таниқли шоир айтганидек:

Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,  
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

Инсон ўз фаолиятини илм-фан, билим ёрдамида янада жадаллаштириши мумкинлиги алоҳида уқтирилади. Одамларни ва давлатни бошқариш зарурлиги, унда адолат ва ҳақиқат тамойилларига амал қилиш кераклиги, раҳбардан эса масъулият ва ижобий фазилатларга хос иш юритиш та-

лаб этилади. Инсон фаннинг бирор соҳаси тўғрисида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суюнган ҳолдагина мулоҳаза юритишига ҳақлидир.

Бу олимлар ўз тадқиқотлари билан кўп соҳаларда илгарилаб кетганликлари аниқ. Масалан, Берунийнинг минералогия тўғрисидаги ишлари, Ҳиндистон тарихига оид асари, тақвим яратиш борасидаги билимлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Биринчилардан бўлиб курраи арз (глобус) ясагани, Колумбдан тўрт ярим аср олдин Америка қитъаси мавжудлигини тахмин этгани яхши маълум.

Ибн Синонинг ижтимоий-иқтисодий қарашларида ҳам оқилона илмий қараш тамойиллари гавдаланган. Эҳтиёж, меҳнат, меҳнат тақсимоти, адолатли давлат ва бошқарувчилик тўғрисидаги ғоялари абадий аҳамият касб этади. Унинг тиббиёт соҳасидаги, дори-дармон тайёрлашнинг аниқ усуллари амалда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, олимнинг асарларида ижтимоий ҳаёт тамойиллари тўғри талқин этилган.

Албаттга, бу олимларнинг иқтисодий меросини бекаму кўст дейиш қийин, аммо улар ҳозирги замон буюк илму фани биносининг пойдеворини яратдилар ва унга мустаҳкам «ғиштлар»ни қўйдилар.

Мустақиллик шарофати билан, биз буюк мутафаккирларимизни яна қайтадан қашф қилмоқдамиз, уларнинг миллий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда ва кенг халқ оммасига етказиласяяти.

\* \* \*

Беруний ва Ибн Синонинг кенг қамровли асарларида бир қанча ижтимоий ва иқтисодий ғоялар мавжуд. Уларда инсон ва жамият тараққиёти билан боғлиқ қарашлар ўз аксини топган. Меҳнат, айниқса, ҳалол меҳнат бойликнинг асоси сифатида улуғланади, оддий ва муракқаб меҳнат фарқланади. Шунга мос тарзда, меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, иш ҳақи тўғрисида фикр юритилади.

Жамият, давлат, унинг зарурлиги, бошқарув ва ходимлар, уларнинг фазилатлари, одил давлат ғояси муҳимдир. Инсоният ривожида илм-фан роли алоҳида таъкидланади,

келажак ҳам шу асосда оддийдан мураккабга қараб ривожланиб бориши эътироф этилади.

Ибн Синонинг асарлари Шарқнинг Farbga таъсир қилганигининг яққол мисолидир. Масалан, «Тиб қонунлари» нинг лотинча таржимаси тўлиқ ҳолда 40 марта нашр этилган. Унинг айрим қисмлари немис, инглиз ва француз тилларига таржима қилинган.

Бу икки алломанинг илмий мероси янада чуқурроқ ўрганишга муҳтож. Уларнинг асарлари Ўрта Осиё, Шарқ халқлари илм-фанининг кейинги асрлардаги тараққиёти учун бир замин бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ёш авлодни маърифий ва маънавий тарбиялашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

## **НИЗОМУЛМУЛК ВА УНИНГ «СИЁСАТНОМА» АСАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР**

### **«Сиёсатнома» ёзилган даврдаги шарт-шароит**

Жаҳон тарихида шундай сиймолар бўладики, уларнинг номини тилга олмасдан, моддий ва маънавий дунё тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Ана шундай сиймолар қаторига ҳақли равишда Низомулмулкни қўшиш мумкин.

Тўлиқ номи Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий бўлган Низомулмулк 1017 йили (сўнгги маълумотларга кўра, 1018 йили) Тус (ҳозирги Эрон)нинг Родкон вилоятидаги Навгон қишлоғида сарой хизматчиси оиласида таваллуд топди. У бошлангич таҳсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига ўтади. Кейинчалик у Дувуд ибн Микоилга давири (элчи) бўлади. 1063 йилдан бошлаб, салжуқийлар давлатининг султони Алп Арслон саройида вазирлик даражасига кўтарилади ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, таркиби номи билан шуҳрат қозонади.

Вазирлиги даврида (1063—1072 й.) давлатнинг қарийб барча ишларини ўзи олиб боради. Низомулмулк 1072 йили Алп Арслон ўлдирилганидан сўнг, унинг ўели, 17 ёшида тахтга ўтирган Маликшоҳ саройида (1072—1092 й.) ва-

зирлик қилиб, шоҳнинг давлатига ҳам катта мадад беради ва мулкини оқилона бошқаради. Шу сабабли Маликшоҳ уни ўз ҳомийси — Отабек деб атаган.

Маликшоҳ Салжуқий ўз подшолиги даврида саройнинг донишманд ва алломаларига давлату мулкни бошқариш қонун-қоидалари, тартиботи ва усуллари тўғрисида бир китоб ёзиб, тақдим этишни буюради.

1091 йили Низомулмулк форс тилида ёзган 39 фаслдан иборат «Сиёсаннома» ёки «Сияр ул-мулк» («Подшоҳлар турмуши») номли рисола шоҳга маъқул бўлади (китоб 1997 йили ўзбек тилига таржима қилинди).

Шуни таъкидлаш керакки, ижодий беллашувда бир қанча бошқа муаллифлар ҳам ижод этишади. Ҳозирги тил билан айтганда, рақобатда Низомулмулк голиб деб топилади.

Рисолани султон маъқуллаган бўлса-да, муаллиф уни яна қайта ишлаб, бир неча янги фасллар билан бойитиб, 50 фаслга етказади. Саройдаги келишмовчилик туфайли, Низомулмулк ўз вазифасидан кетади ва рисолани султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг маҳсус котиби хаттот Муҳаммад Моғибий ан-Носиҳга топшириб, ўзи Бағдод сафарига йўл олади. Аммо баҳтга қарши, йўлда, Нахованд шаҳри яқинида 1092 йилнинг 14 октябрида Абу Тоҳир исмли ёлланган қотил томонидан ўлдирилади. Тўс-тўполонлар туфайли, Маликшоҳ ҳам ўлдирилади, китоб факат 1105 йилдагина эълон қилинади.

Шу ўринда салжуқийлар давлати хусусида тўхталсак. Бу сулола XI—XIV асрлар бошида Ўрта ва Яқин Шарқда ҳукмронлик қилган. XI асрнинг 30-йилларида ғазнавийлар давлатидаги ижтимоий қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, салжуқий турклар Хуросонни эгаллаб, ўз давлатини барпо қилдилар. Тўғрулбек (1038—1063 йй.), Алп Арслон (1063—1072 йй.) Маликшоҳ I (1072—1092 йй.) даврларида Хуросон, Хоразм, Фарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ҳудудлари, Арманистон, Кичик Осиё, Сурия ва Фаластин, Грузия, Ширвон, Мовароуннаҳр, 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик, Фарғона эгалланди. Маликшоҳ I даврида бу давлат ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган ва пойтакти Исфаҳон деб аталган.

Хонлар ўз авлодларига йирик мулклар тухфа қилган, уларнинг баъзилари сultonликлар тузиб, мустақил бўлиб олишган. **Иқтоъ** тизими ҳам шу даврда вужудга келди, ри-вожланди ва давлатнинг парчаланиши кучайди. Бу XI аср охирида рўй бериб, Низомулмulkнинг илмий башорати тўғри чиқди. Тахт учун кураш кучайди, XII аср бошида давлат иккига бўлинди. XII аср ўрталарига келиб, қорахитойлар Ўрта Осиёни тортиб олдилар, 1194 йили Хоразмшоҳ Такаш ҳам салжуқийларга зарба берди.

Ана шу салжуқийлар давлатининг авлодлари кейинчалик ҳозирги Туркия давлатига асос согланлар.

### «Сиёсат» — бошқариш дегани

Низомулмulkнинг бу асарида кўп йиллик чуқур излаишлар, ҳаётий тажриба, тадқиқот холосалари жамлаштирилган бўлиб, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий масалалар, муаммолар ўз ечимини топган. Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Алишер Навоий олимнинг ҳаётига ва унинг асарига бир неча бор мурожаат этиб, унинг ўгитлари ва йўл-йўриқларидан ижодий фойдалангандар.

«Сиёсатнома»да бир қанча муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечими кўрсатилади. Олимнинг фикрича, адолат ва саховат «хайр-садақадан, ночор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан, инсонларнинг хукуқларига риоя қилишдан иборатдир». Амалдорларни тўғри танлаш, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифалар бериш кераклиги, ҳар ишда маслаҳат, тажрибага таяниш зарурлиги уқтирилади. Ниҳоятда замонавий фикрлар.

Яна бир муҳим масала, бу давлатнинг, марказий ҳукуматнинг жуда кучли бўлиши лозимлиги уқтирилалди. Ана шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, аҳоли ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, муруватда яшай олади. Зоро, «сиёсат» сўзи арабчадан ўгирилганда «бошқариш» маъносини англа-тади.

## Давлат ва иқтисодиёт — узвий алоқада

«Сиёсатнома» мавзу-эътибори жиҳатидан ниҳоятда кенг қамровли ва сермазмун асар. Унда давлатни бошқариш билан боғлиқ бўлган барча қонун-қоидалар, усул ва восита-лар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар хизмати ва шахсий сарбозлар, саройдаги соқчи-посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, хазина ва байтулмол, яъни давлат хазинасининг бир тури, элчиларга муносабат тўгрисида қимматли маслаҳатлар берилади. Китобда молия ва хўжалик ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф, иқтоъ масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

«Сиёсатнома» китобининг 1-фаслида «давлатни идора қилиш талабларидан яна бири — четдан кориз қазиб сув келтириш, қўйилуғу далалар ободончилиги учун катта ариқлар қазиш, қалъалар қуриш, шаҳарлар бино этиш, зебо иншоотлару кенг кўчалар, работлар қурдиришдир», деб уқтирилади. Худди бугунги куннинг гаплари.

3-фаслда жуда ажойиб бир таклиф киритилади: зулм кўрган кишилар ва камбағаллар қизил кийим кийисин (энг арzon мато), бошқа ҳеч ким бундай рангдаги кийим кий-масин, токи подшоҳ зулм, қашшоқлиқ даражасини осонлик билан аниқлаб олиш имконига эга бўлади, ҳалқ ҳолаҳвони тўғрисидаги бўяма, ёлғон гаплардан холи бўлиш имкони туғилади. Ҳалқ орасидан ўтган подшо ўз хизматчиларининг аҳволини баҳолаши мумкин. Ниҳоятда антиқа усул!

Нега олим шу йўлни тавсия этмоқда, чунки подшоҳга, давлат бошлиқларига ҳар доим ҳам мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол — ночорлик, қашшоқлиқ ва бошқа салбий ҳолатлар тўғрисида дангал айтиб бўлмайди, кўпинча айтганларнинг калласи бошидан жудо бўлган. Шундай экан, вазир таклиф этган усул билан ҳалқ аҳволини яхшилаш мумкин бўлар, деган фоя ётади. Подшоҳ вақти-вақти билан ҳалқ орасидан ўтган ва бунга эътибор қилмай илож йўқ.

Олим китобининг 4-фаслида солиқчилар масаласини кўтарилиди. Улар ҳалқ билан яхши яшаб, яхши муомалада бўлиб, ҳалқдан хирождан бошқа солиқ талаб қилмаслик йўл-йўриғини кўрсатади.

Низомулмулк фикрича, улар хирожни ҳам шундай йўл билан талаб қилинларки, одамларга зиён етмасин. Солиқ ўз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади, улар мажбурикдан мол-давлатларини арzon-гаров, ярим баҳода сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва сарсонликда ғарибликка мубтало бўладилар, дейилади асарда. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда тўғри таклифлар. Солиқларнинг меъерида бўлиши ва маълум вақтда тўланиши ривожланишнинг муҳим омилидир.

Бошлиқларнинг бу тамоийлларга амал қилмаган ва бузганларини қаттиқ жазолаш, раият, яъниким солиқ тўловчиidan зўрлик билан мол тортиб олинган бўлса, эгаларига қайтариш зарур, деб ҳисобланади. Сўнгра солиқчилар ортирган молу бойликлари мусодара қилиниб, хазинага топширилади, токи бошқаларга ибрат бўлиши учун амалидан олиб, унга бошқа амал ҳам бермайдилар. XI асрда айтилган ажойиб фикрлар бу, шундай эмасми?

Подшоҳликда вазир вазифаси ниҳоятда оғир ва масъулиятли эканлиги кўрсатилади. Амир Темур ҳам шу фикрда эди. Жумладан, у шундай деган: «Агарда вазир яхши, ниятлари нек бўлмаса, мамлакатга зиёну заар етади, уни тузатишнинг иложини топиб бўлмайди ва подшоҳ ҳамиша овора, хафа бўлиб, мулк изтиробига тушади». Шу ерда кўйларга пособон чўпон ити билан бўри орасидаги «ўртоқлик»нинг ёмон оқибатлари, кўйларнинг камайиши ва натижада ит терисига сомон тиқилганлиги ниҳоятда қизиқарли сабоқ сифатида берилади. Итнинг хиёнати уни дорга осиш билан якунланади.

### **Халқ турмушини яхшилаш йўллари**

Асарнинг 9-фаслида давлат хизматчиларига маош тўлаш тўгрисида сўз юритилади, бугунги атама билан сўзласак, бунда дифференциация, яъни табақалаштиришдан фойдаланиш таклиф этилади.

«Ашрофлар ўз мартаба ва билимларига кўра, маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик харажат ва маошларини раият ҳисобидан эмас, балки хазинадан берадилар. Шунда халқ бошига ранжу азоб тушмайди, зеро, ростлигу ҳалолликдан

топилган молу давлат кифоя қилади». Қандай ажойиб ва түфри фикр.

13-фаслда, омонатга хиёнат қылган қозига шоҳнинг ақдли тадбири туфайли тегишли жазо берилгани ниҳоятда чиройли мисолда берилади. Шоҳга хиёнат қилиб, омонат щартларини ва диёнат расмини бузган қози қатыйиравишида жазоланади.

37-фаслда, подшоҳнинг сафарга чиққани ва йўлида дарахт экаётган кекса одамни кўргандаги воқеа тафсилоти келтирилади, қари чоннинг ёнғоқ экаётган ҳолати берилади ва ҳосилидан татиш учун қанча яшаш кераклиги сўралади. Чол, бошқалар экканини биз едик, биз экканимизни бошқалар ейди, деб жавоб беради. Бог-роғ яратиш, келажак тўғрисидаги ғамхўрлик юқори баҳоланади. Отахонга совфа берилади, шунда у мана меҳнатимиз мукофотини ҳозироқ олдик, деб жавоб беради.

Кейинги фаслда иш билармонлар ва тажрибали одамларни эҳтиётлаш, ҳар бирига керакли мартаба ва мансаб бериш кераклиги, яъни хизматчиларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи ёритилади.

Унвонлар тўғрисидаги фасл ниҳоятда аҳамиятли. «Унвонлар ҳам кўпайиб кетди, нима кўп бўлса, унинг қадриммати пасаяди», дейилган.

48-фасл хазина тўплаш ва уни сақлаш қоида-тартиби тўғрисида бўлиб, шоҳларда ҳамиша иккитадан хазина бўлиши, уларнинг бири асосий, иккинчиси харж ва харажат хазинасиdir. Биринчисидан заруриятсиз бир дирҳам ҳам харж этмаслик кераклиги уқтирилади. Қилинган харажатлар имкон борича тез тўлдирилиши, хазина доим кўпайиб бориши зарур, деб ҳисобланади. Бу ерда гап мамлакатнинг молия тизими асослари устида бормоқда. Мамлакатда ҳар эҳтимолга қарши доимий-тегилмайдиган захира бўлиши кераклиги уқтирилмоқда.

50-фаслда, ҳисоб-китоб тартиби ва уни керакли дараҷада олиб бориш тўғрисида сўз юритилади. Бу мавзуда иқтисодиётнинг бош масалаларидан бири, ҳозирги давр тили билан айтганда, **бухгалтерия ҳисоби** юқори ўринга қўйилаади. «Амалдорларнинг ишлари, даромадлари, бойлик сақлаш, душманларни лаф этишида зарур бўладиган захиралар ва ха-

зина тутиш подшоҳ учун муқаддас фарздир. Аммо шундай бўлиши керакки, одамлар уни баҳил деб ўйламасинлар».

«Бехуда харж ҳам, исроф ва ифратга ҳам йўл бермаслик керак, одамлар иқтисодиётни фақат тежамкорлик деб билмасин», деб ёзади яна олим. Яъни, иқтисодиётда рационализм, меъёрийлик қўллаб-қувватланади, аммо хасислик, очкўзлик қораланади.

## Олимнинг иқтоъга муносабати

Иқтоъ (арабча — чек ер) Мовароуннаҳр, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда ҳукмдор томонидан катта хизматлари эвазига инъом қилинган. Иқтоъ эгаси иқтоъдор ёки мукта деб аталган, унинг тўғрисидаги дастлабки маълумотлар VII аср охирига мансуб араб манбаларидан учрайди. Ҳукмдор иқтоъни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа шахсга тортиқ қилиши ҳам мумкин бўлган, чунки бу муваққат шартли тортиқ эди.

IX асрда халифа томонидан амирга идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам иқтоъ деб атала бошлаган. Абу Абдулло Ҳоразмий иқтоънинг келиб чиқишини изоҳлаб, «Мафотиҳ ул-ilm» («Илмларнинг қалити») асарида ёзади: «Султон томонидан бирор кишига тортиқ қилиб берилган ер иқтоъ деб аталади ва унинг мулки бўлиб қолади». Бундай ерлар давлат мулки ҳисобланган, аммо X асрдан бошлаб ҳусусий мулкка айланана бошлаган. Амир ўзи ҳукмрон бўлган вилоятлар солиғини бутунлай ёки қисман ўзлаштириши мумкин эди. IX—XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Эронда ҳам иқтоъ кенг тарқалган эди. Темурийлар даврида иқтоъ ўрнида тиул ва суюргол, бобурийлар даврида эса жогир атамалари шаклида бўлган.

Йирик манбашунос олим, академик Бўрибой Аҳмедов шу тўғрида фикр юритиб, тархон тушунчаси ҳам иқтоънинг бир шакли, деган хulosса чиқаради ва XVII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда «иқтоъ» атамаси йўқолиб, «тархон»га ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу инъом эгалари молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлганлар. Кўпчилик ҳолатда бу ҳадялар ҳарбийлар ва қуий табақадаги хизматчиларнинг тирикчилиги учун ажратилган унча катта бўлмаган ерлар-

дан тушадиган рента — солиқнинг бир кўринишидир. Иқтоъ соҳиби хирож (солиқ тури) нинг бир қисмини давлат ҳазинасига топшириши зарур эди.

Иқтоъ ҳажми турлича бўлган ва иқтоъдорнинг ижтимоий аҳволи билан боғлиқ эди. Масалан, йирик амирларга фақат битта вилоят инъом қилинган.

Дастлабки пайтларда иқтоъ муҳим ўрин тутган бўлиши мумкин (хукмдорга сидқидилдан хизмат қилинган), аммо кейинчалик унинг салбий оқибатлари намоён бўлди. Бу борада Низомулмulkнинг гоялари асосий олимлар фикрига мос келади (Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. — Т.: «Ўқитувчи», 1994, 51—59-бетлар).

Иқтоъ эгаси деҳқонлардан қонуний солиқдан бўлак ҳеч нима ололмайди. Давлат ҳокимияти шунингдек, тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўкон ва бошқа нарсалардан тўланган солиқ ёки даромадни ҳам иқтоъ қилиб бера олган, шу даврда чоракор — «борзигар»лар пайдо бўлган. Ўз ерини кимгадир ижарага бериб, ҳосил уч қисмга бўлиниб, подшолик, борзигар ва ер эгасига тақсим қилинган.

Низомулмulk ўз асарида иқтоъга асосан қарши бўлган.

Тарихдан маълумки, юқорида қайд этилган феодал ер эгалиги шакллари сепаратизм, яъни ажralиб чиқиш кайфиятини кучайтирган, тарқоқлик, марказий давлатга бўйсунмаслиқ авж олган. Албатта, бундай давлатни бошқариш, солиқ, молия тизимини тартибга солиш қийин бўлган, ҳатто ягона ички бозорни, масалан, пул тизими ва бошқаларни ташкил этиш оғир кечган. Бунга, XIII—XV асрларда тарқоқликни бошидан кечирган Европа мамлакатлари, масалан, Германия, Россия ва Марказий Осиё давлатлари мисол бўла олади.

Шу нуқтаи назардан, Низомулмulk гоясини тўғри деб ҳисоблаш мумкин, чунки тарқоқлик сиёсати натижасида марказий давлатлар парчаланди, ўзаро мулк талашиш кучайди, ягона қонун, сиёсат бўлмагач, давлат парчаланди, қуввати пасайди ва салбий оқибатлар рўй берди. Салжуқийлар, Амур Темур давлати бунга яққол мисолдир. XV асрда Россия, XIX асрнинг 70-йилларида Германиянинг ягона давлатга бирлашуви ижобий воқеа бўлди. Ўрта Осиёда эса сиёсий ва иқтисодий бирлик йўқолди, ўзаро нифоқлар

оқибатида иқтисодий тушкунлик давом этди. Бу тарихий сабоқни яхши билиб олиш керак.

Лекин, ўта марказлашувнинг ҳам бир қанча салбий қирралари мавжуд. Бу империализм, монополизм, глобаллашувга олиб келади, йирик давлатнинг бошқалар устидан сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги, масалан, мустамлакачилик, неоколониализмни келтириб чиқаради. Буни Англия, сабиқ СССР, Югославия ва бошқа давлатлар мисолида кўриш мумкин. Ўз худудига нисбатан 100—120 баробар катта бўлган мустамлакаларга эга бўлган Буюк Британия тажрибаси ҳам яхши маълум. Индивидуализм, сепаратизм ва колективизм тизимларида ҳар бир ҳалқ, миллатнинг умумбашарий ҳаётий ҳуқуқлари мос келган тақдирдагина, сиёсий осойишталик ва иқтисодий равнақ бўлади ва аксинча. Масалан, Грузия—Абхазия, Жанубий Осетия, Косово можаролари ва бошқалар бунга мисолдир.

### **Низомулмулк ғоялари ва ҳозирги замон**

«Сиёсанома» асари яратилган давридан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоҳу ҳокимлар диққатини ўзига тортиб келади. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг «Тузуклар»ида бу олимга юксак баҳо берган. Низомулмulkнинг хайрли ишлари бундан-да кўпроқ бўлган, деб ҳисоблайди Соҳибқирон. «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таоло бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳам ҳаж қилиш билан баробардир», дейилади «Тузуклар»да.

Асарларнинг аҳамияти шундаки, у салжуқийлар ҳукмронлигига оид обрўли манба бўлиб, шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади. Олимнинг бу ғоялари ҳозирда ҳам замон талаблари билан ҳамоҳанг.

Низомулмулк фикрича,adolat ва саҳоват хайр-садақадан, ноҷор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бе-

чоралар, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратышдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатdir.

Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлидан келадиган иш ва вазифаларни топшириш, бир кишига фақат бир амал бериб (эътибор қилинг), ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир ишда амалдорларнинг маслаҳати билан иш кўришлари кераклиги кўзда тутилади. Шоҳ ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оқсоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Низомулмulkнинг яна бир фикри диққатга сазовордир. Бу foя шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, солиқ тўловчилар ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди, иқтисодий ривожланиш рўй беради, булар тараққиётнинг асосий шартларидан биридир.

«Сиёсатнома» жиддий сиёсий ва ижтимоий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукумат парчаланишига қарши қаратилган асардир. Унда келтирилган гоялар ҳозирги даврда ҳам жуда аҳамиятли.

XI асрда ёзилган бу фикрлар ҳозирги кунда ҳам иқтисодиётнинг муқаддас қоидаси сифатида ўз кучи ва аҳамиятини сақлаб қолган.

«Сиёсатнома»да кўтарилиган масалалар ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, айниқса, тарихчилар учун ҳам бой манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Унда Маздак, маздакийлар ҳаракати, ботиний, карматийлар, бошқа халқ чиқишлари билан боғлиқ воқеалар ҳам таҳлил этилади. Булар алоҳида тадқиқот учун мавзу бўла олади.

Ўйлаймизки, бу асардаги гоялар келажаги буюк мамлакатимизнинг равнақи учун кўп хизмат қиласди. «Қилич ва қалам соҳиби» деб ном олган олимнинг ўғитлари ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бу асарнинг энг қадимий нусхалари Лондон ва Берлинда сақланмоқда. Кўп маротаба бошқа тилларга таржима қилинди. Хусусан, 1949 йили рус, инглиз, француз тилларида, 1997 йили ўзбек тилида чоп этилди.

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари кенг қамровли ҳужжатдир. Бу ерда биз унинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари хусусида тўхталиб, шундай умумий бир холосага келдикки, унда ҳозирги иқтисодий тафаккурнинг асосий ғоялари ўз аксини топган. Меркантилистик ғоялар савдо-сотиқ билан бевосита боғлаб кўрсатилади. Классик мактаб билан боғлиқ меҳнат, меҳнат тақсимотига, айниқса, қишлоқ хўжалиги, суформа деҳқончилик, ҳунармандчиллик ривожи, мамлакат ободончилигига алоҳида эътибор берилади. Маржиналистик фикрлар амалдорлар сонининг ошиб кетиши ва уларнинг қадр-қиммати пасайиши билан боғлаб кўрсатилади.

Асарда давлатнинг роли, уни бошқариш, амалдорларнинг асосий фазилатлари, марказлашган давлатни сақлаш йўллари яхши ёритилган. Иқтоъга қарши чиққан олим шуни яхши тушунган ва амалда ҳақ бўлиб чиқди.

Халқ моддий турмуши даражаси, подшоҳ ва амалдорларнинг раият билан ўзаро муносабати муҳим аҳамият касб этади.

Солиқлар, уларнинг сони, йигиб олиш йўллари ва вақти, меъёрдаги солиқлар аҳамияти тўғри талқин этилади ва бугунги сиёсатга ҳамоҳангидир.

Маош, омонатни сақлаш, хазина, уни тўплаш ва сарфлаш билан боғлиқ муаммолар бўйича оқил фикрлар берилади.

Ҳозирги давр тили билан айтганда, бухгалтерия иши ва аудит юқори ўринга қўйилади. Сарф-харажат, исрофгарчиллик қораланади, аммо ҳасислик қўллаб-қувватланмайди.

Хуллас, асар ҳозирги даврда ҳам мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ёритиб беради. Шу сабабли асарни ҳар томонлама янада чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва амалий холосалар чиқариш керак.

## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ВА РАБГУЗИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

### «Қутадғу билиг» — етук фикрлар хазинаси

Юсуф Ҳожиб 1020 йили қорахонийларнинг марказий шаҳарларидан бири Болосоғунда туғилди. Бўлажак мұтафаккир ўз давридаги барча билимларни, араб ва форсий тилларни ҳамда шу тилларда битилган асарларни пухта эгаллади.

У 1069—1070 йиллар орасида «Қутадғу билиг» (Саодатга элтувчи билим) асарини турк тилида ёзиб, қорахонийлар ҳукмдори Тавғоч Буғрохонга тақдим этади. Хон Юсуфга «Хос Ҳожиб», яъни эшик оғаси, деган мартабани инъом этади, чунончи, арабча ҳожиб — хизматкор деганидир. Бу фалсафий асарда марказлашган давлат тузиш, уни мустаҳкамлаш, низо ва адоватга барҳам бериш, хўжалик ҳамда маърифат, ободончилик, давлатни тадбир билан бошқариш ишини ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш тўғрисидаги фикрлар илгари суриласди.

Бизгача донишмандинг фақат бир асари етиб келган. Аммо бу асарда ноёб дурдоналар тўпланган. Асар 13 минг мисра, 73 бобдан иборат. Унда инсон тафаккурининг барча жабҳалари хусусида сўз юритилади, қимматли фикрлар баён этилади. Китобдаги бу гоялар ўз даври учун ҳам, ҳозирги давр учун ҳам қадрлидир.

Асарда шоир ахлоқ-одоб, илм-маърифат, фарзанд тарбияси, жамоат жойларида ўзини тутиш, сўз аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидалари, турмуш тарзи, инсон маънавий олами ва бошқа кўп масалалар хусусида ҳам бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади. Шоир марказлашган давлат учун кураш, доно ва адолатли ҳукмрон гоясини илгари суради, халқ ва давлат, давлат бошлиги ва фуқаро, олимлар ва ҳокимлар, қўшни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар, ҳукмрон табақаларнинг ҳокимиёт, халқ олдидаги бурчи тўғрисида ўз даври учун гоятда илгор му-шоҳада юритади. Деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар, яъни меҳнат аҳлини жамиятда моддий неъматларнинг яратувчилари сифатида алоҳида таърифлайди.

Айниңса, иқтисодиёт масалалари бүйічада давлат ва раият муносабатлари синчиклаб ўрганилган. Асар бир ярим йилда ёзилған бұлса ҳам, уни яратыш учун жуда узоқ вақт тайёр-гарлик күрилғанлығы аниқ. Донишманд фикрича, әзгу орзуларға фақат тоат-ибодат биланғина эришиб бўлмайди. Бунинг учун талай әзгу ишлар қилиш, фойдалы фаолият кўрсатиш керак, деган фикрни илгари суради.

Борлиқ тўғрисидаги билимларга тўхталиб, одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқ, билим туфайли осмон сари ҳам йўл очилади, дейди. Билиш учун эса тинмасдан ўрганиш лозим, деб уқтиради.

XVIII асрда яшаган Farb олим Адам Смитнинг иқтисодий таълимотига қўра, мамлакатни иқтисодий бўхрондан чиқариш учун З нарса: тинч-осойишталик; меъеридағи солиқлар; иқтисодий эркин фаолият юритиш талаб этилади. Ана шу fossa аслида бизнинг мутафаккир томонидан етти аср аввал баён этилган.

Халқ, раият мамлакат ҳукмдоридан уч нарсанни кутади, деб уқтиради Юсуф Ҳожиб. Булар:

- 1) пулнинг қадрини ошириш ёки сақлаб туриш;
- 2) халққа хусусий мулк ҳуқуқини таъминловчи қонунларни жорий этиш;
- 3) бозорни, йўлларни ўғри-қароқчилардан муҳофаза қилиш.

Ҳукмдорлар эса, фуқаролардан солиқни вақтида тўлашни, чиқарган фармон-қонунларни бекаму кўст бажариш ҳамда дўстига дўст, душманга душман бўлишни талаб қиласди, деб ёзади. Кўриниб туриблики, бунда жамият ва сиёсий ҳокимият ўзаро мутаносиб бўлиши зарурлиги аниқ ифода этилади ва бу таклифлар ҳаётбахшдир.

Пулнинг қадрли бўлиши тўғрисидаги fossa, аслини олгандага ҳозирги **инфляция** муаммоси билан чамбарчас боғлиқ, шунда бозорда баҳоларнинг мўътадиллиги, мувозанати ҳам таъмин этилади. У, ўз навбатида, инқизорзисиз иқтисодиёт, эркин муомаладаги валюта масалаларига бориб тақалади. Бу эса давлатга боғлиқ, чунки зарбоналар уларга тегишли.

Хусусий мулк ва умуман, мулк ҳуқуқини таъминлаш бозор муносабатларининг бош хусусиятидир. Мулкка эгаллик ҳисси тараққиёт омили эканлиги бутун жаҳон ривожи асосида исботланган ва ҳозирги даврда республикамизда ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Йўлларни ўғрилардан муҳофаза қилиш, ички ва айниқса, ташқи савдони таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаганида, шоир савдонинг халқ ҳўжалиги учун устувор аҳамиятини кўзда тутади.

Ҳозирги даврда бу гоялар мустақил Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу фояларнинг амалий аҳамияти айниқса соҳибқирон Амир Темур фаолиятида ёрқин намоён бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб барча имтиёзлардан маҳрум камбағал табақалар аҳволига ачиниш ҳиссини изҳор қиласди. Дошишманд ҳокимларни қуи табақаларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсоф-адолатли, марҳаматли бўлишга, айни пайтда раиятни ҳокимларга бўйсунувчи, садоқатли бўлишга даъват этади. Мана шундай келишириш йўли билан осойишта ҳаётга Эришишга умид билдирилади. Бу эса иқтисодий ривож учун ҳам зарурий шартдир.

Китобдаги фоялар дунёдаги ҳамма ишларда қўл келади. Унда мулк тутишнинг сиру асрорлари, мамлакатни идора қилиш тартиби, шарти, шунингдек, молу мулк, эл-юртнинг мангу гуллаб-яшнаши ва маълум қонун-қоидаларга амал қилинмаса, хароб бўлиши айтилган.

Мутафаккир айниқса касб-хунар аҳлининг фаолиятини юқори баҳолайди. Китобнинг «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» боби худди шу масалага бағишлиланган.

Вазир, қўмондон, элчи ва бошқа ҳукмдорларнинг фаолият мезонлари диққатга сазовордир. Масалан, «Вазир кўзининг тўқ бўлиши, уни ҳар хил мол-мулк олдила суқланишдан асрайди. Кўзи оч одам бор оламни еса ҳам тўймайди», дейди олим. Бу фикр ҳозир ҳам долзарб.

Деҳқон, савдогар, чорвадор, оддий меҳнаткаш аҳли тўгрисида нодир фикрлар билдирилади. «Булар билан яқин бўлгин ҳамиша, то томоқ ташвишин билмасдан яша», дейди шоир.

Айниқса, билим ва ақл-идрокка, илм соҳибларига катта ёзтибор берилади. «Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир», деб ёзади аллома.

Мол-дунёни қанча термагин, тугайди, ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади, таъкидлайди шоир.

Шу ўринда Юсуф Ҳожибининг асаридан бир неча мисра келтирсак:

Раият ҳақи бор, булар уч бўлак,  
Ҳақини ўтагин, бажо қил тилак.  
Бири — кумуш қадрин элда асра пок,  
Иёр ишини доимо бебок.  
Яна бири — уларга адолат юрит,  
Улар ўртасида низони қурит.  
Учинчи — эмин тут бутун йўлларинг,  
Қароқчи қўлини кессин қўлларинг,  
Сотувчи соз этса омонатларин.

Бу борада бир изоҳ бериб ўтамиш: «иёр иши» — бозордаги тош ва тарозилар тўғрилигини, муомаладаги олтин ва кумуш пулларнинг соғлиги ва оғирлигини кузатиб туриш маъносини англатади.

Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Барча ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Кўриниб турибдики, юртимизда ёшларнинг билим олиши, жаҳон халқлари тажрибасини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратиляётир. Бу танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолат беради.

### **«Қисаси Рабғузий» асаридаги иқтисодий ғоялар**

Рабғузий бу асарини 1310 йилда ёзиб тутатган. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот жуда кам бўлишига қарамай, у замонасининг таниқли тарихчиси, етук шоири ва истеъдолди таржимони эканлиги маълум. «Қисаси Рабғузий» асарининг энг қадимий қўлёзма нусхаси XV асрда кўчирилган. У Британия музейида сақланмоқда. 1948 йили маш-

хур даниялик матншунос К. Гранберк уни нашр этган, 2 жилдан иборат асар 1990—1991 йиллари Тошкентда чоп этилди.

Ўрта Осиёнинг маданий тараққиётида мўғуллар истилоси салбий из қолдирган бўлса-да, мазкур асарнинг дунёга келиши муҳим тарихий воқеа ҳисобланади.

Мамлакатимизда асарни академик Э.И. Фозилов ва филолог олимлар А. Юнусов, Ҳ. Дадабоев нашрга тайёрлашган. Оятлар, ҳадислар ва арабий шеърларни филолог олим Юсуфхон Шокиров ҳозирги ўзбек тилига ўгирди.

Асл исми Носиридин Бурҳониддин ўғли Рабгузий XIII аср охири — XIV аср бошларида Хоразмда яшаб, Работўғиз деган жойнинг қозиси бўлган.

Муаллифнинг бир йиллик тинимсиз меҳнати туфайли асар 710 йил хут ойида (1310 йил 21 февраль — 20 март) ёзib тугалланган. Асарнинг ёзилишига мусулмон динини қабул қиласан эътиборли мўғул бекларидан бири Носиридин Тўқбўзанинг илтимоси сабаб бўлган. Муаллиф ушбу асарни ёзишда ҳалқ тили тушунарли бўлишига эътибор қаратган. Шу боис, оғзаки ижодга яқин бўлган насрый усулдан фойдаланган. Асарнинг тили ўғуз-қипчоқ шевасига мос келади.

Муаллиф ривоятларни баён этишда ҳалоллик, поклик, эзгулик туйғуларини ягона эътиқоддаги урф-одатлар орқали ҳалққа сингдиришга ҳаракат қиласади. Айниқса, бемаъни ихтилофлар, асоссиз низоларнинг манбанин худбинлик, тақаббурлик иллатлари орқали изоҳлайди. Жамиятни тинчтотувлик ва иноқликка даъват этади.

Асар XIV асрнинг ноёб туркий ёдгорлигидир. Унда пайғамбарлар ҳаётига оид ривоятлар асосида ислом динининг шаклланиши ва ривожланишига доир ақидалар изчил баён қилинган. Асарга 72 қисса киритилган. Бу борада пайғамбарнинг эътиқоди, турмуш тарзи ва интилишлари асос қилиб олинган. Маърифий, ахлоқий-тарбиявий ҳикоялар орқали ҳар бир даврдаги урф-одатлар ва жамият турмуш тарзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири табиий ҳодисалар билан боғлиқликда баён этилган. Шунингдек, 25 пайғамбарнинг шажараси ва номлари келтирилган.

Асарнинг бошланишидаёқ ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ Қобил ва Ҳобил ривояти келтирилади. Ҳобилнинг семиз қўйни қурбонлик қилиши Аллоҳ даргоҳида қабул қилинади. Қобилнинг Ҳобилницидан сифатсиз қурбонлиги қабул бўлмайди. Муаллиф бу билан бошқалар учун ҳам ўзи истаганидан кам бўлмаган неъмат ажратилишига эътибор қаратади. Асада меҳнат тақсимотининг кейинги босқичи сифатида бўзчилик, яъни тўқимачилик баён этилган. Шунингдек, бўзчилик эзгу саноат деб баҳоланади ва Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг қўйидаги ҳадиси келтирилади: «Қандай яхши ҳунар тўқувчилик хотин-қиз умматларимга ва қандай яхши ҳунар тиқувчилик эр умматларимга, агарда уларда ёлғончилик бўлмаса эди» (1-китоб, 33-бет).

Меҳнат тақсимотининг кейинги босқичи кемачилик экани Нуҳ пайғамбар ривоятида баён этилган. Шунингдек, бу даврда бозор ҳам борлиги таъкидланади.

Исмоил алайҳиссалом даврида Макка атрофига қўчib келганлар зам-зам суви атрофидан фойдаланганлари учун мол-маҳсулотларининг ўндан бир қисмини Исмоилга бир йилда бир марта бериш урф бўлганига эътибор қаратилган. Ушр солиги шу билан боғлиқ равишда келиб чиққан бўлса керак. Айнан ушбу ривоятда қандай қилиб бир одамнинг хуни учун юз тия товон тўлаш кераклиги урф бўлгани ҳам баён этилади.

Одамларнинг қул қилиб сотилиши эса Юсуф алайҳиссалом даври билан боғлаб тушунтирилади.

Мусо алайҳиссалом даврида эса қизғанчиқлик, баҳиллик тимсоли сифатида Қорун тимсоли ҳикоя қилинади. Бу даврда турли рудалардан олтин ажратиб олиш йўлга қўйилганлигини билиб олиш мумкин. Асарнинг 2-китобида Мусо пайғамбарга оид ривоятлардан сўнг Довуд ва Сулаймон (ас) га ўтилади. Ота-бала пайғамбарлар даврида эса подшолик ва пайғамбарлик бир шахсда ифодаланади. Довуднинг 12 ўғлидан кенжаси Сулаймонгина олим, фозил ва комил бўлиб ўсганлиги ва тарбияланганлиги учун танловда берилган хатни очмай ўқиб беради. Сўнгра Юнус, Илёс, Луқмон, Узайр, Закариё ва Яхё кабиларга алоҳида тўхталади. Муҳаммад пайғамбар (сав) ва халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон, Алининг турмуши тарзи ҳикоя қилинади.

Икқала китобнинг иловаларида луғат, изоҳлар келтирилган. Луғатга синчиклаб назар солсак, иқтисодий атамалар келтирилганини кўрамиз. Айримларини қўйида келтирмоқдамиз:

## 1-китобдаги иқтисодий атамалар

*Асиғ(сиз)* — фойда, наф (бефойда, фойдасиз).

*Аришун* — ўлчов бирлиги. 65,2 см дан 112 см гача.

*Бай* — олди-сотди, харид.

*Байъат* — олди-сотди тўғрисидаги келишув, битим.

*Бай қилмоқ* — харид қилмоқ.

*Бурҳон* — дајил, ҳужжат, гувоҳ.

*Вилдон* — хизматкор, югардак.

*Додак* — хизматкор.

*Иқолат* — савдодан айниш.

*Йигоч* — тахминан 9 километр.

*Йулук* — ажратиб олиш учун тўланадиган пул, гаров.

*Ман* — оғирлик ўлчови.

*Мисқол* — тахминан 4,68 грамм.

*Оғри* — дирҳам, оқча.

*Табар* — болта.

*Маҳсулот* — мол.

*Тобуг (тапуғ)* — хизмат қилиш, хизмат.

*Түч* — бронза.

*Ушр* — йилда бир марта экинларга солинадиган солиқ.

*Харож (хирож)* — 1) ер солиги; 2) бирор кимсанинг тасарруфидаги ерлар.

*Хозин* — хазиначи.

*Шар* — милга тенг келувчи узунлик ўлчови.

*Қизлиқ* — қимматчилик, қаҳатчилик.

*Қари* — қўл учидан тирсаккача ўлчов бирлиги.

*Қорабош* — қул, хизматкор.

## 2-китобдаги иқтисодий атамалар

*Аркуш* — карвон, савдо карвони.

*Бозиргон* — савдогар.

*Ришват* — пора.

*Русто* — дәхқон, қишлоқда яшовчи.

*Тар* — ёлланма меңнат.

*Үз* — ишбилармөнлик, омадлилик.

*Үгүз (лик)* — арzon (чилик).

*Этмак (чи)* — нон (новвой).

*Юлуг* — қайтариб олиш учун тұланағидан пул, эваз.

*Ярмоқ* — пул, ақча.

*Қазғанч* — иш ҳақи, фойда.

*Қаллош* — камбағал, қашшоқ.

*Құт* — емак, озиқ-овқат.

*Хирфа* — касб, ҳунар.

Асардаги ривоятлар тафсилотига күра, ҳар бир давр ва қавмдаги турмуш тарзини меңдерий изга солиши, назорат қилиш ва тартибға солишида, аввало, урф-одатлардаги ноңжыя амалларға чек қўйишга асосий эътибор қаратилади. Бу билан ҳозирги замон иқтисодиётидаги асосий йўналишлардан бири — жамият фаровонлигига эришиш гоялари илгари сурилади. Бошқача айтганда, ҳар бир халқ ўзининг иллатларидан холос бўлмасдан туриб, турмуш тарзининг мукаммаллашишидан йироқ қолиши таъкидланади. Яна бир жиҳат, турмуш тарзини ўзгартиришда давлатнинг расмий аралашувига нисбатан, норасмий урф-одатларни эътиқод ислоҳи асосида амалга ошириш муҳимлиги бош қоида ҳисобланади. Чунки пайғамбарлар давлатни эгаллашга ва бошқаришга ҳеч қаҷон ўзларининг асосий мақсади сифатида қарамаганлар. Аксинча, эътиқод ва урф-одатни ислоҳ этиш бош муаммо ҳисобланган.

\* \* \*

Мутафаккирларнинг қараашларида иқтисодий ва ижтимоий гоялар анчагина. Юсуф Хос Ҳожиб иқтисодий ривожланиш учун мулк муқаддаслиги ва дахлсизлигини яхши анлаган. Пулнинг қадр-қимматини сақлаш гояси эса, ҳозирги даврда муаммо бўлиб турган **инфляция** масаласига бориб тақалади ва тўғри талқин этилади. Тараққиёт учун давлатнинг тинч-осойишталиги, савдо-сотиқ йўлларининг хавфсизлиги зарурлиги баён қилинган. Инсоний омил, аҳолининг билим савияси, ҳар бир ишни устаси бажариши ке-

раклиги мұхимдір. Ҳар бир соңа әгасининг кераклы хусусиятлари аниқ, равон қилиб баён этилади ва бу фикр ҳозирғи ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсати билан узвий боғланиб кетади. Ишлаб чиқаришнинг нихоятда мұхимлиги тан олинади, аммо савдонинг аҳамияти ҳам инкор этилмайди, бу жиҳатдан классик мактаб ғояларидан илгор бўлган фикр илгари сурилади.

Рабғузийнинг 2 жилдлик асарида кенг қамровли ғоялар келтирилади. Айниқса, меҳнат тақсимоти, унинг ривожи ва босқичларига алоҳида эътибор берилиб, бу фикр бўзчилик, кемасозлик, ҳайкалтарошлик, кончиликка оид аниқ мисоллар билан мустаҳкамланган.

Бу ғоялар ҳозирғи даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотманган. Асарда кўпгина иқтисодий атамалар қўлланади, айниқса, маҳсулот, ёлланма меҳнат, солиқ турлари, ўлчов бирликлари келтирилади.

Олим фикрларида **маржинализмнинг институционал йўналиши ёки Германиядаги тарихий мактаб** негизлари борлиги эътиборимизни тортади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожи миллиятнинг яшаш тарзи, урф-одатларига боғлиқлиги, ундан даги салбий иллатларни йўқотиш, тартибга солиш, назорат қилиш орқали жамият фаровонлигига эришиш мүмкнилиги ғоялари илгари сурилади. Бошқача айтганда, ҳар бир ҳалқ ўзининг иллатларидан халос бўлмасдан туриб, турмуш тарзини ўзгартирасдан, ютуқقا эришуви қийин. Бу ҳалқимиз учун долзарб масаладир.

## **СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ**

### **Давлатнинг дастлабки иқтисодий аҳволи**

Маълумки, XIII аср бошларида қадим Ватанимиз бўлмиш Мовароуннаҳр мўгуллар томонидан истило қилинди ва 150 йил мобайнинда мустамлакага айлантирилди. Бу қанчалик балою қулфатларга олиб келганини тасаввур этиш мушкул. Қачонлардир энг гуллаб-яшнаган мамлакат дашт-биёбонга айлантирилди. Урганчдан фақат ҳаробалар қолган эди, Самарқанд ва Бухоро катта қийинчиликлар

билан тиклана бошлади. Аҳоли сони ҳам кескин қисқариб кетди.

Мұғуллар йирик ва маданий давлатларни бошқариш таж-рибасига эга әмасди, амалдорлик тузилмаси ҳам йүқ әди. Улар учун босиб олган мамлакатларидан қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини олиб кетиш ва пул күренишида ўлпон йиғишининг ўзигина муҳим бўлган. Шу сабабли ҳам улар Ўрта Осиё ерларини бошқаришда шу ер савдогарлари ёрдамига таянишиди.

Босиб олинган ерлар 4 улусга бўлинди. Ўрта Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр Чигатой улусига кирди ва у мўгулларнинг ноibi саналмиш савдогар Маҳмуд Яловоч томонидан бошқарилди. Хўжанд шаҳри қароргоҳ қилинди, унинг ихтиёрида мўғул отрядларидан иборат ҳарбий куч бўлиб, уларнинг бошлиғи доруға ёки туркчада босқоқ (ҳарбий ҳоким) деб аталган, солиқ ва ўлпон йиғган, мажбуриятлар бажарилишини назорат қилган. Бошқарувда бошқа бирор янгилик киритилмади.

Халқнинг норозилиги ортди, 1238 йили Бухорода Маҳмуд Торобий қўзғолони бўлиб ўтди, аммо қонли равишда бостирилди. Яловоч ҳокимиётдан четлатилди ва 1254 йили вафот этди, ўрнига ўели Маъсудбек (1238—1289) тайинланди. Шу даврда марказий бошқарув ислоҳ қилинди. Фармонларни тарқатувчи амалдор тайин этилди. Савдогарлар учун мол берувчи, жавоҳирларни баҳоловчи маҳсус ишчилар тайинланди, қушчи вазифаси ва бошқа сарой лавозимлари жорий қилинди. Забт этилган барча халқлардан мирзалар таклиф этилди.

Чингизхоннинг набираси Мунқэ даврида (1208—1259) «Мангү ёрлиғи» бўйича жонбош солиқ ўлчами белгиланган, пул шаклида йиғилган, бадавлат одам йилига 10 динор, камбағал 1 динор тўлаши керак бўлган. Мол солиғи «кепчур» ҳар 100 бош молдан 1 та мол бўлиб, ундан кам бўлса, солиқ олинмаган. Бу солиқ асосан кўчманчилардан олинган.

Айрим мўғул уруғлари — жалойир ва барлослар кўчиб келиб, туркийлашди. Кепакхон ҳукмронлиги даврида (1318—1326) Мовароуннаҳрни бошқариш усули ўзгартирилди. Му-

сулмон мамлакатлари ўртасида ягона пул тизими йўқ эди. Шуларни ҳисобга олиб, Кепакхон икки мұхим ўзгариш киритди: пулни ва маъмуриятни ислоҳ қилди.

XIV асрда Эрон ва Олтин Ўрлада бўлганидек, Мовароуннахрда ҳам пул намунаси олтин ва кумуш динору дирҳамлардан иборат бўлиб, улар фақат вазнида озроқ фарқланар эди. Динор 2 (Эронда — 3) мисқолга, дирҳам эса учдан бир мисқолга тент эди (мисқол — 4,3 грамм). Кепакхон чиқарган танга пуллар динори кепакий деб номланган. І динор кепакий вазни икки мисқол ва дирҳам кепакий мисқолнинг учдан бирига тенг бўлган. Тарихий манбаларга кўра, кепакий дастлаб Бухоро, Балх шаҳарларида зарб этилган. Бу пуллар Темурийлар сулоласи даврида, яъни XV асрда ҳам пул муомаласида кўп ишлатилган. 1270 йилдан бошлаб солиқлар пул шаклида олина бошлаган. Улугбек маълумотича, 1294 йилда қофоз пуллар ҳам чиқарилган.

Маъмурий ислоҳотга кўра, бутун мамлакат улусларга — туманларга бўлинди. Туман аҳолиси бир туман, яъни 10 минг кишилик кўнгилли қўшин бера оладиган ҳудуддир. Масалан: Самарқанд — 7, Фарғона — 9 туманга бўлинди. Мустақиллик даврида бу маъмурий атама тикланди. Шарқий Туркистонда орчин — ноҳия тузилмаси қўлланилган.

Чингизхон (1155—1227) тарихда босқинчи шахс сифатида қораланса ҳам, 1206 йил ўз юртида биринчи марказлашган давлат тузди, қонун-қоидатар тўплами — яса (ясоқ)ни яратди, қўшинни ўнлик тизим асосида (10, 100, 1000, 10000) қайта қурди, ягона ёзувни жорий қилди. Барча динларга руҳсат берди. Хусусан, унинг ёрдамчи-маслаҳатчалири турли динлар вакиллари эди. Чингизхон эркин бозор муносабатлари тарафдори эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мўғул истилоси даврида айрим ўзгаришларга қарамасдан, тараққиёт орқага кетди, зулм кучайди, иқтисодиёт ривожи кескин секинлашди, халқ аҳволи ёмонлашди. Эрон ва Ўрта Осиёда XIV асрда мўғул ва маҳаллий ҳукмдорларга қарши халқ ҳаракати кучайди.

Шундай ҳаракатлардан бири сарбадорлар (бошини дорга тикканлар) чиқиши бўлди. Бу ҳаракатнинг асосий моҳияти — ҳукмдорларнинг халқقا қарши олиб бораётган сиёса-

тига қарши кураш бўлиб, уларнинг асосий мақсади адолатли халқчил жамият яратишдан иборат эди. Бу ҳаракатда асосан, меҳнаткаш халқ — деҳқонлар, ҳунармандлар, майда ер эгалари, солиқ тўловчилар иштирок этган. 1330—1380 йилларда бир неча бор қўзғолонлар кўтарилган.

Ана шундай қўзғолонлардан бири сарбадорлар ҳаракатидир. Бу ҳаракат дастлаб 1337 йили Сабзавор шаҳрида пайдо бўлди ва сарбадорлар давлати пайдо бўлиб, 50 йилча ҳукм сурди. Кейинчалик Нишопур, Тус, 1353 йил охирида Гургон (Астробод) ҳам қўшиб олинди. Жанубий Хуросон ҳудуди ҳам улар ихтиёрига ўтди.

1365 йили Самарқандда ҳам ҳокимият сарбадорлар қўлига ўтган. Тикувчилар, ҳунармандлар вакили бўлмиш Абу Бакр Қулуйй Калавий Наддоф, дин вакили, ҳарбий ишни яхши билган Мавлонзода, моҳир камончи Ҳўрдақи Бухорий бошлигига шаҳарда бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилган. Энг муҳими, Илёсхўжа бошлиқ мўгуллар қўшинига қаттиқ зарба берилган ва улар мамлакатдан чиқиб кетган.

Сарбадорларнинг асосий мақсади адолатли ижтимоий давлат ўрнатиш, меҳнатсиз даромадларни тутатиш, **жизъя** (номусулмонлар учун қўшимча солик)ни йўқ қилишга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга, бой, амалдор ва мулкдорларнинг мулки мусодара қилинди. 1374 йили бу қўзғолон қонли равиша бостирилди.

Ана шу шароитда ҳокимият тепасига Амир Темур келди.

### **Амир Темур иқтисодий сиёсатининг моҳияти**

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Ватанимиз тарихида воқеаларга бой сабоқ даври ҳисобланади. Бу даврда мўгуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тутатилди. Босқинчиларнинг вайронгарчиликлари ва бир ярим асрлик зулми оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий тургунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакат ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришли. Бу минтақада Амир Темур (1336—1405) боиичилигига ягона туғ остида марказлашган, кучли ва мустақил феодал давлат ташкил топди.

Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, ҳарбий ва энг муҳими, иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотлар заминида аввалги давр донишмандларининг foялари биринчи галда мужассамлашган эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонлар учун қулай мулкий-хуқуқий шароит яратишга, айниқса, савдо-сотиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Амир Темур ўз даври учун ниҳоятда катта марказлашган давлат барпо этди. Ўрта асрларнинг бу улкан давлатини идора этиш ва бошқариш учун Амир Темур феодал тизимининг асосий қонун-қоидалари тўплами — «Тузуклар»ни яратди.

Ислом дини мағқураси ва аҳкомларига суюниб, у ўз «Тузуклар»и асосида эл-юртни бошқарди ва мамлакатни обод этди. Мовароуннаҳрда ўрнатилган нисбий осойишталик мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожида асосий омил бўлди. Хўжаликнинг асоси бўлган дэҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенгайди, фан ва маданиятнинг равнақи учун маълум шарт-шароитлар вужудга келди.

Соҳибқироннинг бир умрлик пири комили Мир Саййид Барака билан муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Темур «Тузуклар»ни яратишга шу устози томонидан даъват этилган. Соҳибқироннинг ўзи ҳам анчадан буён шу ниятда юрганлиги маълум. Амир Темур фаолиятининг бебаҳо маҳсулни бўлган бу қомусий асар кейинроқ турли тилларга таржима қилиниб, жаҳоний шухрат қозонди.

XIX асрнинг 30-йиллари ўрталарида Санкт-Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг III халқаро конгрессига борган ҳамюртимиз Жўрабек доддоҳ ушбу нуфузли анжуманда Амир Темурнинг ноёб асари XVII асрдаёқ Молдавия ҳукмдори Кантемирнинг буйруғи билан таржима этилиб, Пётр I га маълум қилингани, Россиянинг буюк императори асарнинг энг зарур қисмларидан Россия армияси ва фуқароларини бошқариш учун фойдалангани хусусида ўта қизиқарли маъруза қилганлиги шуни кўрсатадики. Амир Темур фаолиятида ҳамма учун фойдали қирпалар кўп бўлган.

Амир Темур ўз сиёсатида тадбиркор ва ишбилармонларга алоҳида эътибор берган. Соҳибқирон фикрича, «**Бир шиҷоаткор, мард, ақлли, ишбилармон ва тадбиркор киши минг-минглаб лаёқатсизлардан яхшироқдир**». Тадбиркорлар тўғрисидаги бу фикр ҳозирги давр учун аҳамиятлидир. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил Ўзбекистонда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Иқтисодиёт фанидан шу нарса яхши маълумки, йирик бизнесга нисбатан кичик бизнеснинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчи навбатда, кичик бизнесга катта маблағ талаб этилмайди, шу сабабли деярли барча учун имконият яратилади, катта бизнес эса йирик маблағ талаб этади ва унда ҳамма иштирок эта олмайди. Бу соҳада бошқариш, қарор қабул қилиш, фаолиятни тез ва осон ўзгартириш мумкин бўлади. Фаолиятдан олинадиган наф ҳам тезроқ рўй беради, капитал айланмаси жадал амалга ошади. Агар фаолият керакли натижани беравермаса, унинг таркибини ўзгартириш осон, маркетинг асосида бозор талабини ҳисобга олиш мумкин.

Кичик бизнеснинг устун томонларидан яна энг муҳими, бу соҳага одамларни кўпроқ жалб этиб, иш ўринларини ташкил этиш, ишсизликнинг олдини олишдир. Тадбиркорлик эса ҳалқимиз учун яхши маълум хусусиятдир.

### **Авлодларга ўғит бўлган «Темур тузуклари»**

«Тузуклар» Амир Темурнинг 1342—1405 йиллар оралиғидаги фаолиятини акс эттиради ва икки қисмдан иборат. Биринчи қисм асосан ягона давлатни барпо этиш, мустаҳкамлаш, қўшни юрт ва мамлакатларни забт этиш масалаларига бағишлиланган бўлса, иккинчи қисмига Соҳибқирон номидан ўз тожу тахти ворисларига айтилган васият, панднасиҳатлар, турли соҳалардаги, шу жумладан, иқтисодиётга оид фикр-мулоҳазалар киритилган.

Асарда ўша даврдаги давлат 12 ижтимоий тоифадан иборат бўлганлиги қайд этилади: 1) сайиidlар, уламо машойиҳ, фозил кишилар, яъни дин аҳли; 2) ишбилармон, донишманл олимлар; 3) художўй, таркидунё қилган кишилар;

4) нүёнлар (бир туман — 10 000 кишилик күшин бошлиқлари), амирлар, мингбошилар, яни ҳарбийлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) маҳсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳокимлар, файласуф, донишманд, алломалар; 9) табиблар, мунахжимлар, муҳандис, тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳзи хунар ва санъатчилар; 11) суфийлар; 12) савдогар ва сайёхлар. Давлат тақдирини эса ҳукмдор фикрича: 1) подшоҳ, 2) хазина ва 3) аскар ҳал қиласи, дейилади.

### **Солиқ тұлаш тамойиллари**

Маълумки, Амир Темур тасарруфидаги ерлар улусларга бўлинниб идора қилинган. Марказий ҳукуматга тобе бўлган улуслар Самарқандга хирож, яни ҳосилнинг уйдан бир қисмини тұлаши шарт қилиб қўйилган. Давлатни бошқариша иштирок этувчилар орасида иқтисодий масалалар билан шуғулланувчилар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, давлатдаги етти вазирдан иккиси бевосита шу иш учун жавобгар эди: 1) эгасиз қолган мол-мulkни тасарруф этувчи вазир; 2) салтанатнинг кишим-чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яни молия вазири.

«Тузуклар»да вазирлар салтанат устунидир, дейилади: «Улар мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришида камчиликка йўл қўймасликлари зарурдир. Салтанатга заарли нарсаларни қайташибда молу тожини аямайдилар».

«Тузуклар»да Амир Темур даврида ундириладиган солиқ ва жарималар тўғрисида ҳам эътиборга молик маълумотлар берилган. Ўша даврда солиқ тұловчи ҳалқдан хирож, мол, совурин, қўналға, бож, шилон пули сингари солиқ ва жарималар олинган. Солиқ ва жаримани йиғиш ва харж қилишга алоҳида эътибор берилган. «Хирожни йиғиш вақтида, — деб уқтирилади «Темур тузуклари»да, — икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзib, раият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволини харобга етказмасинлар. Вилоятларда йигилган тамом мол-ашёни кишим дафтариға ёзишлари лозим. Иккинчи ва-

зир эса чиқим дафтариға ёзиб, йигилган молларни сипоҳ маошига тақсим қылсан». Демак, кўриниб турибдики, ҳозирги давр тили билан айтганда, бухгалтерия ишини тўғри йўлга қўйиш талаб этилган.

Одатда, хирож суфориладиган ерларда жами ҳосилнинг учдан бири, лалмикор ерларда эса тўртдан бирига тенг миқдорда тўпланган.

## **Иқтисодий ривожланишни таъминлаган ислоҳотлар**

Таниқли олим Ҳикмат Собировнинг маълумотларига кўра, Амир Темур даврида **бюджет** тушунчаси амалда бўлган, марказий хазинага келиб тушган ва унинг ҳисобидан қилинган харажатларгина эмас, балки вилоятдаги кирим-чиқим ҳам ёзиб борилган.

Амир Темур фикрича, «давлату салтанат уч нарса: мулк, хазина ва лашқар билан тикдур. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутиши зарур».

Динга алоҳида эътибор берилиб, масжидга, дин аҳлига вақф ва суюргол (инъом) ажратилган. Юртни обод қилишга кўп куч ва маблағ сарфланган. «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофиirlар учун работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим», дейилади бу асадра.

Шу нарса аёнки, Амир Темур айниқса савдо ривожига алоҳида аҳамият берган. Унинг даврида карvon йўлида барча зарур шароитлар муҳайё этилган. Карвонсаройлар, сардобалар қурилган ва от, ем-хашак, озиқ-овқатлар захираси бўлган. Қароқчилар эса қаттиқ жазоланган.

«Темур тузуклари»да: «ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Ҳўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон. у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тұхфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳолаҳвони, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қан-

дай муюмала-ю муносабатда эканлигини аниқласинлар», деб сўз юритилади.

Савдогарлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинган: «Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан бирининг деҳқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экинтикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин», деб айтган Амир Темур. Бу унинг давлат иқтисодий равнақи учун ғамхўрлиги ифодасидир.

Испания элчиси Клавихо Самарқанд шаҳрида 1403—1406 йиллари хизмат қилган ва ўз кўзи билан кўрган воқеаларни китобида ҳикоя қиласди. У ёзадики: «Шаҳарга (Самарқандга) келтирилган ҳамма молларни бир сафда тартиб билан сотадиган кенг жой йўқ эди. Шоҳ шаҳарда икки томонидан қатор дўконлар қурилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди». Элчи бу иш ниҳоятда қисқа вақт — 20 кун давомида бажарилганини ҳайрат ила таърифлайди.

Шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасигача бўлган савдо растаси мол билан тўла бўлган. Умуман, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва бошқа шаҳарлар тўғрисида гап боргандা, савдо-сотиқ, турли-туман моллар, савдогарлар фаолияти алоҳида қайд этилади.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қаралса, етакчи мамлакатларнинг деярли ҳаммасида хизмат соҳалари, биринчи навбатда, савдо ялпи ички маҳсулот яратишда етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, АҚШда 80 фоиз, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг.

Ўзбек ҳалқининг тарихий тажрибасидан ва анъаналаридан келиб чиқиб, хизмат соҳаларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодиётida иш билан банд кишиларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қиласди. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса ҳозирча 35—40 фоиз. Демак, ҳалқимизнинг бой тарихи ва тажрибасидан ўринли фойдаланиб, иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг моддий турмуш даражасини кескин ошириш мумкин.

«Софдил кишилар — саййидлар ва фозилларга даргожим доим очиқ әди, — дейилади «Тузуклар»да, — чунки бу инсонлар мамлакат ривожида устундирлар». Шундай далил маълумки, Амир Темур 1401 йили Шом юртини босиб олганида, араб тарихчиси ва файласуфи Ибн Халдун Абдураҳмон Абу Зайд ибн Мұхаммад (1332—1406) билан учрашишга мушарраф бўлган. Ибн Халдун далолат беришича, Амир Темур ундан Мағриб мамлакатлари (Ўрта ер денгизи атрофи, Пиреней яриморолидаги давлатлар), шаҳарларини батафсил баён қилиб беришини сўраган. Ибн Халдун Амир Темур ташқи сиёсий фаолиятига салбий қарашидан қатъи назар, Соҳибқирон шахсига муносиб баҳо берган. У Амир Темурнинг ҳарбий тарих соҳасидаги теран билимидан ҳайратга тушган, уни «мунозара-баҳсларни яхши кўрадиган ўткир заковатли ва теран зеҳнли инсон», деб таърифлаган.

Ибн Халдунга олим сифатида баҳо берадиган бўлсак, унинг асосий асари «Китоб ул-ибар» («Ибратли мисоллар китоби») 1370 йили ёзилган бўлиб, унда жамият тараққиёти хусусида ўз фикрларини ҳамда Шарқ мусулмон халқлари, хусусан, Магрибнинг тарихини баён қилган. Китобнинг «Муқаддима» қисми ўзбек тилига ўғирилган. Кишилар ҳаёт тарзидаги тафовутларни, асосан, географик ва бошқа моддий омилларга боғлиқ, деб ҳисоблаган. Асарда Ибн Халдун ўз тарихий-ижтимоий назариясини баён қилиб, ахлоқ ва ижтимоий муассасалар кишилар турмуши билан боғлиқлигини ҳамда меҳнат ва кишиларнинг ўзаро муносабати жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Олим тарихий-ижтимоий тараққиётнинг моддий таомойилларга асосланиши тўғрисида фикр юритган.

Соҳибқирон давлатида девони бузург — (бош вазир)дан ташқари, ҳар бир вилоятда «девон» деб аталган бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини, солиқ йигиш, тартиб сақдаш, ижтимоий бинолар — бозор, ҳаммом, йўл ва сув ишоотлари, тармоқларини назорат остига олган.

Қизиги щундаки, девон ҳодимлари халқнинг тинч, осоиышта турмушини таъминлашда ўзларини масъул ҳисобланганлар. Бунинг учун бозорлардаги тош-тарозунинг тўғрилиги, нарх-навонинг одилона қўйилганлиги алоҳида текши-

рилган. Қаллоблик, товламачилик қилған савдогарлар шундоққина бозорнинг ўзида, ҳалқнинг кўз ўнгидаги ошкоралик, демократик фуқаролик давлати барпо этиш та-мойиллари ана шу ҳодисотларда яққол намоён бўлади. Ҳалқни ижтимоий ҳимоялаш, бозор яккаҳоқимлигидан муҳофаза-лаш мақсадида, савдогарларга олиб келган мол-маҳсулотлари учун 10 фоизгача устама нарх қўйиш рухсат этилган. Ана шу тариқа ички истеъмол бозорлари энг сифатли, энг ранг-баранг ва муҳими энг арzon маҳсулотлар билан тўлиб-тошган. Буни бугунги ислоҳотларимиз даврида импорт қилинаётган маҳсулот тендер-танлов асосида жалб қилинаётгани билан қиёслаш қийин эмас.

Ўша даврларда ҳам давлат ҳазинаси асосан олинган солиқ ва ўлпонлар ҳисобига шаклланган. Лекин меҳнатнинг баъзи турларида машғул бўлган ҳалқ вакилларига имтиёзли солиқлар жорий этилган. Масалан, кимда ким бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, бирон бօғ қўқартиrsa ёхуд биронта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган.

Иккинчи йили раият ўз розилиги билан берган маблағлар солиқ сифатида ҳисобга ўтаверган. Фақат фаолиятнинг учинчи йилидан солиқ қонун-қоидасига мувофиқ улардан хирож йиғилган. Солиққа тортишда ана шундай имтиёзларнинг яратилиши тадбиркор ва ишбильармон фуқароларни рағбатлантирмай қолмасди. Бу соҳада банд бўлганларнинг кўплиги натижасида, Темур салтанати даврида масжиду мадраса, гарибхона, йўловчи ёки камбағалларга овқат бериладиган лангархоналар ва шифохоналар кўплаб қурилган. Қолаверса, бундай хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида минглаб кишилар иш билан таъминланиб, оила тебратган.

Мамлакатимизда ҳозирги даврда шу тарихий тажриба асосида, иш бошлиётган тадбиркорларни солиқдан маълум вақтгача озод қилиш ёки кам солиққа тортиш усули кенг кўлланилмоқда. Ахир, тадбиркор то ишини юргизиб, фойда олгунча сарф-харажат катта бўлади-да. Ҳалқ ҳунармандчилиги билан шугулланганлар эса солиқдан тўла озод этилганлар.

Бундан ташқари, Соҳибқирон даврида хорижий давлатлар билан савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантириш инфратузилмасига жиддий эътибор берилди. Амир Темурнинг шахсан ўзи Англия ва Франция қиролларига мурожаат этиб, алоқаларни изчил йўлга қўйиш мақсадида, Марказий Осиё орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун маҳсус карвонсаройлар ва савдо расталари қурдирди. Бу — Соҳибқироннинг қироллар билан ёзишмаларида қайд этилган.

### **Амир Темур даврига ҳозирги замондан нигоҳ**

Жаҳонгир бобомиз юрт осоийшталиги, иқтисодий эркин ҳудудни барпо этиш йўлида ҳам жиддий тадбирлар кўрган. Бу тадбирларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамияти катта. Соҳибқирон мамлакат чегараларини девор билан ўраб, қўрғон қурдирган, 1380 йили Шаҳрисабзда Оқсаройни куришга киришиб, шаҳар атрофини девор билан ўраган. Маълумки, Амир Темур салтанатининг чегараси ҳарбий юришлар даврида беқарор эди, лекин шунга қарамай, юртдан бирон нарса ташқарига сўроқсиз олиб чиқиб кетилмаган. Жаҳонгир бу ҳақда шундай дейди: «Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навқарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар. Ўгри ва қароқчиларни жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган ёт кишилар ҳақида хабар етказиб турсинлар».

Амир Темур даврида ҳозирги замон тили билан айтиладиган қимматли қофозлар тушунчаси бўлган. Бу тўғрисида шундай ҳикоя мавжуд. Кунлардан бир кун Амир Темур қўшинларига бералиган маош пуллари тугаб қолади. Аҳволдан чиқиши учун севикли хотини Бибихоним билан маслаҳат қилади ва ажойиб бир таклиф пайдо бўлади. Маҳаллий бойларга ҳукмдор муҳри босилган суюкларни сотиб олиш таклиф этилади. Нисбатан арzonга сотиладиган, кейинчалик катта фойда келтириши мумкин бўлган бу суюклар учун уларнинг оғирлигига тенг олтин бериш кафолатланади. Шу

йўл билан каттагина маблағ тўпланади ва оғир шароитдан чиқилади. Маълум вақтдан кейин ана шу суюкларнинг эгалиари уларни Самарқандда топшириб, олтинларга эга бўлишади. Яъни, Амир Темур ўз ваъдасини бажаради. Бу ҳозирги даврдаги акция, сертификат, чек, вексель, пластик карточкалардан фойдаланишга ўхшайди.

Бибихонимнинг берган маслаҳати амалда тўла исботланади. Бундай кадрлар сиёсати бугунги бошқарув тизимида кўп учрайди.

Амир Темур фотиҳ сифатида, ислом динини ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб, 27 мамлакатни эгаллаган. Айрим истисноларни ҳисобга олмагандан (Эронда Исфахон фожиаси), унинг юришлари Қирғин-барот, бузғунчилик ва талон-торождан иборат бўлмаган. Албатта, жабр кўрганлар айрим ҳодисаларни бўрттириб кўрсатишга уринадилар.

Аммо, масалан, француз, инглиз, итальян тадқиқотчилари келтирган қиёсий таҳлил ва далиллар далолат беради, тарихий шахс бўлган Соҳибқирон ўз ҳаёти ва фолиятида кўпроқ ижобий хислатлар эгаси бўлган, ўз даври учун ҳаққоний тамойиллар асосида иш юритган. Унинг ҳаммага яхши маълум бўлган «Куч адолатдадир» шиори ўз ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради ва у доимо шунга амал қилган. Фарб олимларининг ва мустақиллик давридаги бошқа тадқиқотчиларнинг асосий қисми — академиклар И. Мўминов, Б. Аҳмедов, А. Муҳаммаджонов ва бошқалар Амир Темурга ижобий шахс сифатида қарайдилар.

Одатда, уруш туфайли босиб олинган юртларда талон-торож бўлади. Халқ қаттиқ азоб чекади, нафрат уйғонади. Чингизхон ва унинг авлодларининг босқинчиликлари бунга яққол мисол. Амир Темур юришларида бундай ҳолатлар ниҳоятда кам учраши билан ажралиб туради. Хўш, гап нимада? Кўп вақт бу жумбоқقا жавоб топиш қийин бўлди.

Дастлаб франциялик мутахассислар асарларида, кейинчалик ўз олимларимизда ҳақиқатга яқин фикрлар пайдо бўлди. Шундай тоғи илгари сурилдики, унга кўра, Амир Темур қўшинида доимо хўжалик ишлари билан шуғулла-

нүвчи катта бўлим бўлган. Жойларда экилиб, чорва моллари боқилган, улар учун керакли шароитлар яратилган. Шу йўл билан босиб олинган аҳолини талон-торож этишга изн берилмаган экан. Бу фоянинг тўғрилиги француз тадқиқотчилари асарларида ўз тасдигини топган.

Энг муҳими, олиб борилган сиёsat шундай бўлганки, босиб олинадиган ўлкага олдиндан ихтиёрий таслим бўлиш таклифи юборилган, розилик олинганда ҳеч қандай жанг, тўс-тўполон, талон-торожга йўл қўйилмаган, маҳаллий аҳолининг ўз-ўзини бошқариш салоҳияти сақланган, омонлик бўлган ва аксинча. Исфаҳон воқеасида эса хоинлик рўй берган. Аввалги розилик Амир Темур кетгач бузилган, айрим ғанимлар ёрдамида «Темур сарбозлари маҳаллий аёл-қизларни зўрлайпти» деган ифво тарқатилган ва кўп одамларнинг калласи олинган. Шашардан анча узоқроқ кетган Соҳибқирон ноxуш хабарни эшифтгач, орқага қайтган ва вайда бўйича «қатли ом» ўтказган. Минг афсуски, бу воқеани доим бўрттириб кўрсатишга уринишади.

Манбаларда, мамлакатнинг аҳолисини забт этишнинг яна бир усули — «оқ уй» ҳам баён этилади. Бунда ҳудуддаги аҳоли бошқа жойга қўчирилган, ўрнига бошқа одамлар кўчириб келтирилган. Шу сабабли Ўзбекистоннинг айрим жойларида «оқ уй» деб аталувчи жойлар учрайди.

Албатта, мамлакат ичидағи гап-сўз, ҳодисалардан ҳақоний хабар олиб туришни Соҳибқирон ўз вазифаси, деб билган. Қолаверса, йўл устида бирор одамнинг нарсаси йўқолса, ҳуқуқи поймол этилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, бунга қалъя бошлиқлари ҳамда лашкарбошилар жавобгар ҳисобланган.

Франциялик тадқиқотчи Люсьен Кэрэн маълумотларига қўра, Амир Темур даврида ҳар қандай одам жавоҳирлар солинган патнисни боши узра давлатнинг у чеккасидан бу чеккасигача бемалол, бехавотир олиб ўта олган. Яъни, тинч-осойишталик таъминлаган, бу эса иқтисодий ривожланиш бош омилларидан биридир. Демак, бу даврда иқтисодий тараққиёт қонун-қоидаларига амал қилинган экан.

Мамлакат ичида сипоҳий ва ҳарбийлар, олиму фузало, донишманд, табиб ва тарихчилар алоҳида қадрланган. Уларга ўз ҳоли ва иқтидорига яраша вазифалар юқлатилиб, сүюргол ва маош берилган. Хизматчи ва фаррош (бу ерда палос тўшовчи маъносида) ларга юздан минг тангагача маош тайинланган. Қизиги шундаки, давлат томонидан бериладиган маошлар борасидаги тўлиқ маълумотни девонбеги ва вазирлар Амир Темурга етказиб туришган. Алоҳида фидокорлик кўрсатган сарой хизматчилари, лашкарбоши ва аскарлар учун хазинадан махсус маош тайинланганки, бу ҳам меҳнат билан банд бўлганларга диққат-эътиборнинг кўришишидир, дея оламиз.

Шунингдек, деҳқонлар, касб-хунар эгалари, савдогарларга ўз ишларини юритиш учун дон-уруғ, асбоб, сармоя берилиб, шароит яратишга эътибор кўрсатилган.

Амир Темур мамлакатда гадойлар бўлмаслиги керак, деган қоидага амал қилган ва унинг йўлини ҳам белгилаб берган. Гадойларнинг барчаси тўпланган ва уларга бир йиллик керакли егулик, кийим-кечак берилган, улар бирор фойдали иш билан шугулланишга жалб этилган. Одатда, кўпчилик гадойликни тарқ этиб, бирор фаолият билан кун кўрган. Аммо шунга қарамай, гадойликни тарқ этмаганлар қул қилиб сотилган ёки мамлакатдан қувгин қилинган.

«Савдогарларни, — деб ёзади Темур, — азиз ва мукаррам тутсиналар ва бирор киши уларга зўравонлик қилмасин, чунки **жаҳон тижорат аҳли билан ободдир**». Бу Франция қироли Карл VI га (1380—1422) юборилган хатдаги сатрлар бўлиб, Амир Темур мовароуннаҳрлик савдогарларга имтиёзлар берилишини сўраган ва бу билан икки мамлакат ўртасида савдо муносабатлари ўрнатишни кўзда тутган.

Олиб борилган бунёдкорлик ишларида яратилган боғроглар алоҳида ўринни эгаллайди. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар атрофида ўнлаб ажойиб боғлар махсус тарх (режа) асосида экилган, уларнинг номлари тарих зарваракларида сақлаб келинади. Шу тарриқа, мамлакатда яратувчанлик — ислоҳот йўли рафбатлантирилган эди.

\* \* \*

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихий сабоқлар даври ҳисобланади. Бу даврда Амир Темур йўлбошчи бўлиб, қудратли ва мустақил салтанат ташкил топди. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий жараёнда Соҳибқироннинг хизматлари буюkdir.

Бу давлатни идора этиш мақсадида, Амир Темур асосий қонунни — «Тузуклар»ни яратди. «Тузуклар» ислом дини мафкурасига асосланган бўлиб, мамлакатни обод этиш учун хизмат қилди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожлантирилди, фан ва маданият равнақ топди.

Олиб борилган ислоҳотларда иқтисодий ривожланиш омиллари кенг қўлланилди. Илм-фанга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатда марказлашув рўй берди, тинч-осойишталик сақланди, қонун устуворлиги таъминланиб, солиқлар тизими тартибга солинди. Янги иншотлар, гўзал бинолар, мадрасалар, бозорлар қурилди, ташқи савдога алоҳида эътибор берилди. Соҳибқирон томонидан олиб борилган ислоҳотлар ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлиdir.

Бобомиз Амир Темур юртдаги истиқболли ишларни халқ манфаатига мослаб олиб борган эди. Бу жабҳада эришилган муваффақиятлар, шубҳасиз, унинг буюк даҳолигидан да-лолатdir.

## ТЕМУРИЙЛАРНИНГ УЛКАН ИСЛОҲОТЛАРИ

### Шоҳрух Мирзо давридаги ислоҳотлар мазмуни

Амир Темурнинг вафотидан сўнг, буюк салтанат унинг ўғил ҳамда набиралари томонидан бошқарилувчи мустақил ҳокимликларга парчалана бошлади. Забт этилган мамлакат ва ўлкаларнинг бир қисми эса темурийлар ҳокимлигидан чиқиб кетди.

Соҳибқироннинг ўғилларидан бири Шоҳрух (1377—1447) узоқ давом этган тортишувдан сўнг, темурийларнинг бош раҳнамоси сифатида тан олинди. Аммо бу Амир Темур авло-

ди бошқараётган ҳокимликлар бирлигини қайта тиклаш учунгина эътироф этилган эди, холос.

Бир неча юз минг аҳолиси бўлган Ҳирот Шоҳрух ва унинг ворислари даврида Ўрта Шарқдаги йирик шаҳарга айланиб, темурийлар ҳокимлигининг пойтахти бўлиб қолди. Ушбу шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксалишига бир қатор шарт-шароитлар имкон яратди. Энг асосий сабаблардан бири географик жиҳатдан қулайликдир.

Ҳирот темурийлар идора қилаётган ҳудуд марказида жойлашганлиги учун босқинчилар ҳужумидан яхши ҳимояланган бир истеҳкомни эслатарди. Яна бир томони шундаки, Осиё ва Европа мамлакатларини бир-бирига боғловчи ҳалқаро савдо йўли ана шу ерда туашган эди.

Ҳирот темурийлар даврида Шарқ мамлакатларининг энг йирик маданий марказларидан бирига айланди. Таниқли афон олими, профессор Муҳаммад Али ўзининг «Афон маданияти тарихи» китобида шундай ёзади: «Темурийлар деб юритиладиган Темур ворислари ҳақиқий маънодаги маърифатли кишилар бўлган, саноат ва фаннинг йирик ҳомийлари эди. Ҳиротни пойтахт этган темурийлар бу шаҳарда ажойиб бинолар бунёд қилган ва санъат, адабиёт, фалсафа, хаттотлик, меъморчиликда ўз ҳомийлигини кўрсата олди».

Ҳиротнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги аҳамияти XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларida сезиларли даражада ошиди. Бу пайтда Ҳирот шаҳри Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигига (1469—1506 йй.) ўтган эди.

Ҳокимият бошига Шоҳрух келганидан сўнг давлат бутунилиги сақланган бўлса-да, амалда икки давлат мавжуд эди. Бирининг маркази Ҳирот бўлган — Ҳурросон, иккинчи сининг маркази Самарқанд бўлган — Мовароуннаҳр. Бу икки мамлакат 1447—1449 йиллари ягона давлатга айлантирилди ва Мирзо Улугбек томонидан бошқарилди.

Соҳибқирон томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли, унинг ворислари даврида ҳам Мовароуннаҳр ва Ҳурросон анча ривожланди.

XV асрда мамлакатнинг Самарқанд, Бухоро, Кеш, Тошкент, Шоҳрухия, Термиз ва бошқа кўпгина шаҳарлари гав-

жумлашиб, ўзларининг шарқона қиёфаси, аҳолисининг қасб-хунари, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта асрлар Шарқининг намунали ҳунармандчилик ва савдо марказига айланди. Меъморчилик кенг ривож топди. Маҳобатли бинолар, саройлар, масжиду мадрасалар, хонақо-ю мақбаралар, ҳаммомлару карвонсаройлар қад кўтарди. Шаҳар атрофлари йирик сугориш тармоқлари ва турли хил сув иншоотлари воситасида суғорилиб, ўнлаб багу роғлар ва бўстонлар барпо этилди. Самарқанд атрофида Боги Шамол, Боги Беҳишт, Боги Баланд, Боги Зоғон, Бухоро теварагида Богомдот, Боги Туркон, Боги Нурафшон, Боги Афзал, Боги Дилкушо ва Ҳазарбог, Мингчинор сингари бошқа кўплаб обод қишлоқлар ва боғлар барпо этилди. XV асрда яшаб ижод этган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўз асарларида тилга олган Бўстон ул-Оlam, Зийнат уд-Дунё, Жаннат ул-Фирдавс, Бўстон уш-Шимол ва бошқа боғ-роғлар шулар жумласидандир.

Шундай боғларни яратиш тажрибаси Бобур ва бобурийлар томонидан Ҳиндистонда кенг қўлланилган, боғдорчилик билан маҳсус шугулланувчи боғбонлар бўлган. Ҳозирги даврда ҳам Ҳиндистонда шу боғларнинг қолдиқлари мавжуд бўлиб, уларни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ободонлаштириш ишларида боғбонлар, ҳунарманд, меъмор-бинокор, наққошлар билан бир қаторда, олиму фозиллар, шоиру бастикорлар ҳам бирлашиб, илм-фан ва санъатнинг равнақига улкан ҳисса қўшилар. Кўплаб янги мадрасалар қурилди. Уларда албатта илоҳиёт илмлари билан бирга риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илму аruz, тарих, фалсафа каби дунёвий билимлар ҳам ўқитилганлиги ижобий воқеадир.

Кўп йиллар давомида мамлакатни бошқарган Муҳаммад Тарагай Улугбек Самарқандда расадхона қурдирганки, бу жой ўз даврининг «Дор ул-илм» академиясига айланган. Унда математика, астрономия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшиган Қозизода Румий, Ғиёсиiddин Жамшид, Мирам Чалабий, Али Кушчи ва бошқа кўплаб олиму фузалолар фаолият юритганлар. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақи ана шундай инсонларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

## **Мирзо Улугбек амалга оширган иқтисодий ўзгаришлар**

Амир Темур вафотидан кейин, 1405—1409 йилларда Самарқанд Халил Султон томонидан эгалланган ва бошқарилган. Асл номи Мұхаммад Тарагай бўлган Улугбек (1394—1449) қирқ йил давомида Самарқандни, 1407—1409 йиллари бутун давлатни бошқарган бўлишига қарамасдан, тарихда кўпроқ давлат арбоби сифатида эмас, бунёдкор инсон, юксак зеҳни олим сифатида машҳурдир. Унинг донги дунёга кетган, астрономия, тарих илмларига оид асарлари мавжуд.

Бу ерда биз Улугбекнинг иқтисодий фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Бу даврда мамлакат иқтисодиётининг асосларига алоҳида қунт қилинди, чунки бусиз ривожланиш бўлмаслигини ҳукмдорлар яхши тушунишган. Суғориш тармоқлари қурилиб, улар тошқовуз, даргот, наво, чигир, ҷархпалақ, қайнама, шаршара, осма қўприк, ҳандақ, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозланди.

Ўша даврда ҳам иқтисодий ривожланишнинг солиқ тизими билан чамбарчас боғлиқлиги яхши маълум эди. Солиқ йигими қанча юқори бўлса, ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиги қам, аммо солиқнинг пастлиги аҳоли учун қулай бўлгани билан, давлатнинг бошқарув, мудофаа ва бошқа мақсадларига доимо тўғри келавермайди. Шуларни яхши тушунган ҳукмдорлар солиқни иложи борича меъёрида сақлаш ва уни йигишнинг маълум адолатли усуулларини қўллаганлар. Масалан, Улугбек ҳукмронлиги даврида ғалла ғарам қилинмасдан аввал солиқ тўплаш қатъиян ман этилган, чунки деҳқон ҳосил йигиб олгачгина солиқ тўлаш имконига эга бўлади. Солиқ аниқ уч муддатта, ҳосил пишиғига қараб бўлинган:

саратон (июнь — июль);

сумбула, мезон (август ва сентябрь);

қавс (ноябрь).

Агар солиқ исталган пайтда олинса, деҳқонлар ўзларининг деҳқончиликдан бошқа мол-мулкларини арzon-гаров сотиши мумкин эди, бу эса одамларга катта зиён етказиши аниқдир.

Яна бир мұхим масала шуки, солиқларни йигиши пайти-да солиқчилар деңқон, чорвадор ёки бөгбонға нисбатан зүйім үтказмаслиги, жисмоний құч ишлатмаслиги ва ишни уруш-жанжалғача олиб бормаслиги зарур қилиб қўйилган. Бу билан инсоннинг ҳақ-хуқуқи, ҳаётининг дахлсизлиги таъминланган.

Умуман, солиқ бўйича қарздорларни банди қилиш ва занжир билан кишанлаб, уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга солиқчиларнинг ҳаққи йўқ эди.

Солиқ миқдори ва тўлов тартибини бузмасликка, суистеъмолнинг олдини олишга ҳаракат қилинган. Тартибга амал қўлмаган айрим маъмурлар жазога тортилгани маълум.

Бу даврда ички ва ташқи савдога катта аҳамият берилган. Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа кўпгина давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. Бу борада савдогарлар учун қулай шароитлар яратилганигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Элчилар «Буюк ипак йўли» хавфсизлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширганлар.

## **Улуғбекнинг пул ислоҳоти ва унинг аҳамияти**

Мамлакат иқтисодиётининг аҳволи, айниқса, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, маҳсулот-пул муносабатлари миллий валюта мустаҳкамлигига бевосита боғлиқдир. Маълумки, пулнинг уч асосий вазифаси мавжуд: 1) қиймат ўлчови; 2) алмашув воситаси; 3) жамғарма воситаси. Агар пулнинг миқдори, унинг нуфузи мустаҳкам бўлмаса, иқтисодиёт посангиси, мувозанати бузилади. Шуларни ҳисобга олиб, вақти-вақти билан пул ислоҳотлари ўтказиб турилади. 1428 йили Улуғбек томонидан ўтказилган ислоҳот катта ижобий аҳамиятга эга бўлди. Муомаладаги олтин ва кумуш пуллар фулусий пулларга алмаштирилди.

Аҳолини ички чакана савдо муносабатларига кенгроқ жалб этиш мақсадида, Улуғбек нисбатан енгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чақаларни ман қилган.

Эски олтин ва кумуш чақалар қисқа вақт давомида янги фулусларга алмаштириб олинди ва эндиғи вазифа мис пул-

лар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилиб, фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинди. Бу ҳам бежиз эмас, чунки бу ҳудудда олтин-кумуш конлари кўп бўлган.

Иқтисодиётдаги мазкур ислоҳотлардан кутилган натижажа пулнинг қадрини ошириш, одамларда пулга бўлган ишончни кучайтириш эди. Халқ орасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган бу янги пуллар Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага киритилди, давлатнинг ички савдосини нақдина пуллар билан тўла таъмин этди. Ички чакана савдо муносабатларидаги пул танқислиги фулуснинг вазни ва қийматини ошириш йўли билан ҳал қилиниши ўша даврда нодир ва фавқулодда воқеа бўлган ва шу йўл билан мамлакат ҳунармандчилиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун қулай шароит яратилган. Олди-сотди жараёнлари жонланиши оқибати ўлароқ, мамлакат иқтисодиёти ривож топди.

Бу ерда иқтисодиёт учун ниҳоятда аҳамиятли бир жараён устида тўхталиб ўтиш жоиз. Фулус тангаларнинг жорий қилиниши билан мамлакатдаги олтин ва кумуш пулларнинг четга чиқиб кетиши олди олинди. Одатда, ҳозир ҳам шундай, савдогарлар валюта ролини бажарувчи пулларни олиб юриш ва олиб кетиш иштиёқида бўладилар. Жаҳондаги барча давлатларда четга валюта олиб чиқиш квотаси, яъни чегараси белгиланган, бундан асосий мақсад ички пул муомаласини тартибга солишидир. Бу давлат хазинасини тўлдириш учун имкон беради. Шуниси диққатга сазоворки, Улуғбек томонидан оқилона ўтказилган ислоҳот Farbda анча кейин амалга оширилган. Балки, бу ижобий тажрибадан у ерда фойдаланишгандир.

Улуғбек яна бир чора-тадбир кўрдики, унинг муҳим ижобий томони мавжуд. Бу, чегараларда «тамға божи» миқдорининг анча оширилишидир. Бу усул ҳам давлат хазинасини бойитишга ёрдам берди. Аммо хориж савдогарлари учун бу йўл ҳамиша ҳам қулай бўлавермайди. Ҳозирда урф бўлган тушунчани қўлласак, протекционизм сиёсати олиб борилган. «Олам савдо ила ободдир», деган нақл ҳам бизнинг қадим заминда яратилган.

Улугбек ўзидан олдин ўтган таниқли барча олиму фузатоларнинг асарларини яхши билган. Шу соҳани ривожлантириш учун шахсан катта ҳисса қўшди. Хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат ўчоғига айлантиришга интилди. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417—1420 йиллари Самарқандда ва 1433 йилда Фиждувонда мадрасалар бунёд этилди. Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «**Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир**», деган калима ўйдириб ёзилган эди. Бу мамлакатдаги барча жабҳалар учун илмнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини тасдиқловчи ёрқин мисолдир.

Илм-маърифат асосида қад кўтарган давлатларнинг барча соҳаларда обод бўлгани тарихдан яхши маълум. Донишманд алломалар юртнинг фаровонлигини оширишнинг маърифатли йўлини топганлари аён.

Ачинарлиси шуки, ажойиб инсон Улугбек ўз ўғлининг буйруги билан қатл этилган. Падаркуш Абдуллатифнинг (1423—1450) салкам олти ойлик подшоҳлиги даврида (1449—1450) чегараларда тамға божи бекор этилган. Бунинг иқтисодий жиҳатдан ижобий томони борлигини ҳам айтиб ўтиш керак, чунки ташқи савдо учун эркин ва қулай шароит яратилган. Аммо, отаси ўлими ҳисобига подшо бўлиб олгач, шу кўзбўямачилиги билан халойиқ олдида юзини ёруғ қилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин қанча уринмасин, халқ нафрати туфайли дарвоза устунига осиб ўлдирилган. Хулас, падаркуш қисматидан қоча олмаган.

## Навоийнинг иқтисодий даҳоси

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441—1501) ижодида иқтисодий ғоялар муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, тижорат ва савдо масалалари анча мукаммал ёритилган. Унинг асарларида савдогарлик иши маъқулланади, лекин товламачи ва чайқовчилар қаттиқ танқид остига олиниади.

Алишер Навоий давлат арбоби — вазир сифатида мамлакатда осойишталиктин сақлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва ободонлаштиришга катта ҳисса қўшди. Шуниси диккатга сазоворки, у мингта иншоот қуришга вайда бериб,

унинг уддасидан чиққан, жумладан, кўпгина мадраса, шифохона, ҳаммом, кўприк, работ ва бошқа иншоотларни ўз ҳисобидан қурдирган. Давлат арбоби сифатида анчагина катта мулк эгаси бўлган. Ана шу ер ва уй-жойларни ижарага бериш орқали, доимий даромад олган ва энг муҳими, уни савобли ишларга сарф-харажат қилган. Мадраса толибларининг анчагина қисми шоирнинг бевосита ёрдамидан фойдаланганлиги айни ҳақиқат.

Шунингдек, Навоий меҳнатнинг жамиятдаги ўрнига, дўстлик, ҳамкорликнинг қудратига юксак баҳо берган.

Шоирнинг дастлабки иқтисодий фикрлари шаклланган асари — Ҳусайн Бойқаронинг таҳтга келишига багишланган «Ҳилолия»дир.

Бу воқеани Навоий зулмат қоронғусини ёритадиган «ҳилол», яъни уч кунлик ой билан тенглаштиради. У, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий қудрати мустаҳкамланишига, ҳалқнинг ижтимоий ва моддий аҳволи яхшиланишига, феодал урушларга барҳам берилишига, мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ишонгани учун ҳам шундай асар вужудга келган эди. Таҳт эгасини шоҳлар шоҳи, деб мақташ усули Навоий томонидан қўлланилган янги тактик бир усул бўлиб, унинг асосий стратегик мақсади эса мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий аҳволини яхшилашга, марказлашган қудратли давлат барпо қилишга қаратилган эди. Ана шу нуқтаи назардан, унинг энг муҳим соҳаларда юксак ўзгаришлар амалга оширилишига катта умид боғлаганлигини тушуниш мумкин бўлади.

Шу боисдан ҳам, у шахснинг тарихдаги ўрнига катта эътибор бериб, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳукмдорнинг ақл-идроқи ва салоҳиятига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Форобий ҳам, шу каби фикрни айтган эди.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда ижобий силжиш кўзга ташланди. Савдо-сотиқ кенгайди, ҳунармандчилик ва деҳқончилик яхши йўлга қўйилди. Суғориш иншоотларининг қурилиши ҳам кенгайди. Навоий, Марказий Осиё шароити учун сугориш шоҳобчаларини кенгайтириш иқтисодий ривожланишига олиб борувчи муҳим омиллардан биридир, дейди. Унинг бевосита раҳнамолиги остида 70 дан ортиқ канал ва ариқлар қазилди.

Миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромад ташкил этарди. Феодал жамиятда ирригация иншоотларини қуришни кенгайтириш ўша давр иқтисодиётини ривожлантиришга таъсир кўрсатар эди. Шунинг учун Навоий ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган ерни кенгайтиришга, маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор қаратди.

Навоий бойликни икки йўл билан топиш мумкин, деб ҳисоблади. Биринчи йўли — ўз меҳнати билан, иқтисод қилиб бойлик орттириш ва ўзига тўқ яшаш. Бундай бойлик тўплаш борасида шоир хайриҳоҳлик билдирар эди. У олинган ва тўпланган бойликни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Масалан, 1482 йилда ёзилган «Вақфия» асарида, шахсан ўзининг ерларидан олинган даромад мисолида, даромаднинг ўз харажатлари ва оиласа етарли қисмини олиб қолиб, қолган қисмини аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнати учун сарфлашга даъват этган.

Бойлик топишнинг иккинчи йўли, яъни ўғрилик, тамагирлик ва зўрлик ҳисобига бойлик орттиришга Навоий кескин қарши чиқади. У бундай ишлардан нафратланади ва шу йўл билан бойлик орттираётган кишиларни жамият ҳисобига яшаётган қатлам сифатида таърифлайди.

Навоийнинг дурдона асарларидан бири «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани», 1500 й.)дир. Ушбу асарда шоирнинг иқтисодий фикрлари, ўйлари, ниятлари мужассамлашган. Бу асарда у жамиятни ижтимоий табақаларга бўлиб, уларнинг жамиятда тутган ўрнини аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қиласи. Асарнинг биринчи қисмida уларнинг табақаларига ва қасбларига тавсиф берилади. Иккинчи ва учинчи қисмларида эса яхши феъл ва ёмон хислатлар тўғрисида маълумот келтирилади.

Муаллифнинг фикрича, деҳқонлар, ҳунармандлар ва хориж билан алоқаси бўлган савдогарлар жамиятда моддий неъмат яратишда ҳамда мамлакат бойлигини оширишда му-

ҳим ўрин тутади, дейилади. Дәхқон ва унинг ишлаб чиқарышдаги ўрни түгрисида қуидаги фикрларни билдиради: «Дон сочувчи дәхқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчиdir». Дәхқоннинг моддий бойлик яратишдаги ўрнини эса қуидагича эътироф этади: «Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради. Ҳар не қилсалар ҳаракат, халққа ҳам етар овқат, ҳам баракат!». Навоийнинг фикрига кўра, якка киши ҳеч нарса ишлаб чиқара олмайди. Бирон нарса ишлаб чиқариш учун бошқа тоифадаги одамлар доим бир-бири билан бевосита алоқада бўлишлари керак. Бунда шоир меҳнат тақсимотининг зарурлиги ва аҳамиятини кўрсатган.

Масалан, дәхқонга меҳнат қуроллари зарур бўлса, ҳунармандга нон керак, дәхқонга ҳам, чорвадорга ҳам ҳунармандчилик ва атторлик маҳсулотлари сув билан ҳаводек зарур. Шундай қилиб, балиқ сувсиз яшай олмаганидек, барча турдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам бир-бirisиз ривожлана олмайди, дейди у. Дәхқонлар ва бошқа соҳада машғул кишилар бир-бирлари билан ишлаб чиқариш жараёнида, тақсимотда, айирбошлашда ва истеъмолда ўзаро алоқада бўлиши керак. Иқтисодчи олимга хос ғояларнинг ўзгинаси.

Буюк шоир мавжуд жамият дәхқон меҳнати устига қурилганлигини эътироф этади. Дәхқон меҳнатининг маҳсулуни новвой, унфуруш, қушчи, машоқчи ва бошқалар орзиқиб кутади. Демак, бу билан Навоий ишлаб чиқариш муносабатларини эътироф этади. Унинг фикрича, дәхқон меҳнати билан ўз эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни керагидан кўпроқ ишлаб чиқариб, жамиятни ва унинг ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган қисмини ҳам моддий неъмат билан таъминлайди.

Шоир «Умрни зое этма, меҳнат қил, меҳнатни саодатнинг қалиди бил» шиорини майдонга ташлаган. Мутафаккир, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакат қудратини оширишда катта аҳамият касб этади, деган ўта илгор фикрни илгари суради. Бу фикр феодализм гуллабяшнаган, бу тизимнинг негизини эса дәхқончилик ташкил этган бир даврда тарихий ҳақиқат ҳам эди.

## **Навоийнинг савдо ва савдогарларга муносабати**

Навоий жамиятда мұхим табақа ҳисобланған савдогарларнинг ўзини ҳам иккى гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ чет эл билан савдо алоқалари олиб борувчи савдогарлар. Иккинчи гуруҳ мамлакат ичкарисидаги олибсотарлар. Хориж билан савдо-сотиқ қилувчи савдогарларнинг фаолиятини Навоий ижобий баҳолайди. Олибсотарларга эса танқидий кўз билан қарайди. Чунки улар фақат ўз манфаатига хизмат қилиб, бошқалар ҳисобига боййиди. Шунинг учун уларнинг турган-битгани мамлакат учун заардир, дейди.

Савдогарнинг асосий мақсади фойда олишdir. Бири юз, бўзи шойи бўлишга интилади. Бу ерда савдогар Навоийнинг «Ҳотами Тойий» асаридаги ўтин терувчи чолга қарама-қаршидир. Чол куни билан меҳнат қилиб, ўтин теради ва уни бозорга олиб бориб, сотади. Бу жойда «товар-пультовар» (Т-П-Т) жараёни кечади. Ўтинчи чолнинг айирбошлишдан кўзлаган мақсади истеъмол қийматидир. Бундан ташқари, айирбошлиш қиймати ҳам мавжуд. Навоийнинг назарида, савдогарнинг молни сотиб олишдан мақсади уни янада қимматроқ сотишdir. Мақсади айирбошлиш қиймати ёки «пул-товар-пул» (П-Т-П)dir. Демак, шоирнинг фикрича, капиталнинг дастлабки шаклларидан бири мавжуд бўлган. У шаҳар олибсотарлари ҳақида қуйидагиларни айтади: «Шаҳар олибсотарлари хиёнатчи, ўзига фойда ва бошқаларга қаҳат истовчи, унинг фойдаси халқа зиён, арzon олиб, қиммат сотиш унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотиша бўзни мақтаб шойи, дейди. Молини маҳсулот ўрнида ўтказа олса, тўхталиб туриш йўқ. Дўконда инсофдан бошқа барча мол мавжудdir!».

Шеърият мулкининг ўзи ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлмаса-да, ақлий ва ижодий меҳнати билан жамият учун зарур бўлган табақаларни эъзозлайди, олимлар, муҳандислар ва бошқалар жамият учун зарур қатламлир, дейди. Ана шу касб эгаларини ўз масъулият ва бурчларини сезишга чақиради. Демак, шоир савдо-сотиқни ва савдогарларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, товламачилар, инсофини йўқотганларни қаттиқ қоралайди. Буни ҳозирги

даврда олиб борилаётган савдо муносабатлари билан бемалол таққослаш мүмкін. Агар классик мактаб вакиллари муомала соҳасида бойлик яратылмайды, деб ҳисоблаган бўлсалар, мутафаккир Навоий фикрича, муомала, яъни одилона савдо соҳасида ҳам ўзаро фойдали фаолият рўй беради. Бу фикр ҳозирги даврда ҳам **маржинализм** иқтисодий таълимотида исботлаб берилган.

Аммо савдогарни, мулк эгаларини инсофга чақириш қанчалик самара беради, бу кўп жиҳатдан ахлоқий масаладир, чунки инсоннинг кўзи тўйиши амримаҳол. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонида ҳам баён қилинади. Бу асар «Хамса»нинг якунловчи достони бўлиб, 1485 йили ёзилган. Унда Искандар Мақдуний ижобий шахс сифатида талқин этилади. У ўз вафоти олдидан, бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини сўрайди. Достонда Навоий инсонни бу фоний дунёнинг ҳою ҳавасларига ортиқча ружу қўймасликка даъват этади, гарчи Искандар жаҳоннинг катта қисмини эгаллаб, улкан бойлик ортирган бўлса-да, нариги дунёга ҳеч нарсасиз кетаётганилгига ишора қиласди.

Искандарнинг бу қарорга келиши тасодифий бир ҳол бўлмасдан, бу тўғрида бир ривоят бор. Шарқ мамлакатларидан бирини эгаллаган саркарда, шу ерда бир ғаройиб форва унинг ичидаги умрни узайтирувчи оби-замзам булоғи борлигини билади, ўз ҳарбий бошлиқлари билан уни зиёрат қилишга қарор қиласди. Яна шу нарса ҳам маълум бўладики, фор ичидаги тошлар ташқарига олиб чиқилганда жавоҳирларга айланар экан. Саркарда булоқ сувидан олиш учун бир шиша идиш олиб, дўстлари билан форга ташриф буюради. Фотиҳ тўғри булоқ томон одимлайди, аммо шерикларининг катта қисми бойликка учиб, гордаги тошларни чўнтаклари, қўйниларига сола бошлайди. Искандар шишини оби-замзам сувига тўлдириб, мағрур орқасига қайтади, фор ичидаги олган тошларининг оғирлигидан туролмай ётган дўстларини кўриб нафратланади. Улар ташқарига чиқолмай, ўша ерда ҳалок бўлишади. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Искандар қаттиқ азобланади ва ғазабланади, чунки босиб олинган ўлкалардан йигилган бойлик ниҳоятда катта эди ва ҳаммага қонун-қоида бўлиб берил-

ганди, яъни горда ўлиб ётган дүстлари катта бойликка эга эди.

«Нега шундай, нега инсонларнинг кўзи бойликка тўймайди?» деган савол уни қийнарди. Шу саволга жавоб олиш учун маҳаллий таниқли донишманд тақлиф этилади. У саволга жавоб бериб: «Бахтга қарши инсон шундай яратилганки, унинг кўзи тириклигига бойликка тўймайди», дейди. «Наҳотки?» деб эътиroz билдиради Искандар. Ўз фикрини исботлаш учун, донишманд бир тарози келтиришларини сўрайди, тарози олиб келинади. Донишманд чол Искандардан бойликларини — олтин, кумуш ва жавоҳирларни олиб чиқишини сўрайди, фотиҳ бу тарозига бир сиқим олтин солинса етарли-ку, деб айтади. Майли, борини олиб чиқаверинг, дейди чол. Тарозига бирин-кетин жавоҳирлар солинишига қарамасдан, у қимириламайди, олтин-кумушлар туғайди. Шунда Искандар ниҳоятда таажжубда қолиб, бунинг сири нимада, деб хитоб қиласди. Чол ташқаридан бир ҳовуч тупроқ олиб келишларини буюради. Тупроқ тарози палласига солингганда, тарози дарҳол ҳаракатга келади.

«Сир шундаки, — жавоб беради чол, — бу тарози инсон кўзидан ясалган, шу сабабли бойликка тўймайди, фақат ўлимидан сўнг, бир ҳовуч тупроқ унга етарлидир», — хулоса қиласди донишманд. Буни ўз кўзи билан кўриб турган Искандар, менга бундай узоқ умрнинг нима кераги бор, дейди-ю, ёнида шишада турган оби-ҳаёт сувини кўринган томонга отиб юборади. Шиша арча дараҳтига бориб тегади ва чил-чил синиб кетади. Арча ана шунинг учун кўп йиллар яшайдиган дараҳтга айланган экан.

Искандарнинг ўзи эса 33 ёшида вафот этган.

Бу ўтмишдан бир ибратли ҳикоя. Аммо бугунги кунга қайтадиган бўлсак, яқинда АҚШда банкир Мэрдофф охирги 10 йил давомида 13567 нафар бой мижозларининг пулларини «туя» қилиб, фирибгарлик йўли билан уларга 65 миллиард долларлик зиён (!) келтирганлиги аниқланиб, қўлга олинди. У 150 йиллик қамоқقا ҳукм қилинди, катта миқдордаги мол-мулки мусодара этилиб, ким ошли савдосига қўйилди. Савдодан тушган пуллар «куйган» мижозларга қайтарилади. Бу қиссадан ҳисса чиқарганлар унча кўп эмас, чунки бу операция — эҳром-пирамида усули XVIII асрдан

буён деярли бехато иш бермоқда. Масалан, яқинда Россияда Мавродининг «МММ» компанияси ва бошқалар шу каби товламачиликни амалга ошириб, миллионлаб одамларни лақиллатиб, жуда катта бойликка эга бўлдилар, аммо ўзлари ҳам жавобгарликлан қутула олмадилар.

## Темурийларнинг иқтисодий ислоҳотлари — буғуннинг кўзгусида

Мўгуллар даврида мамлакат улусларга бўлинган эди (бизнинг ҳудудимиз Чигатой улуси), бу темурийлар даврида ҳам сақланди, аммо улусларни хонларга бўлиб бериш тартиби ўрнатилди. Мамлакат ҳудудлари суюргол тарзида ўғилларга, қариндошларга ва кўзга кўринган амирларга тақсимлаб берилган ва уларнинг ёрдами билан идора қилинган. Суюргол — давлат олдидаги кўрсатган маҳсус хизматлари учун инъом қилинган вилоят ёки мол-мулк дегани. Тадқиқотчилар фикрича, бу маҳаллий ҳокимиётларга тўла молиявий мустақиллик ҳам берилган ва улар олаётган даромадининг маълум қисмини марказий ҳукумат девонига юбориб туришга мажбур бўлишган. Бу, марказий давлатни ушлаб туришга қаратилган йўл эди, аммо кейинчалик бу тамойил бузилди ва тарқоқликка олиб келди.

Бундан ташқари, тархон ер эгалиги ҳам бўлган, бу хизмати сингган амирларга бериладиган имтиёзли унвон эди. Улар олиқ-солиқлардан деярли озод қилинганлар, хон ҳузурiga бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлганлар, тўққиз марта жиноят қилмагунча ясоққа, яъни жазога тортилмаганлар.

Ўша даврда ва кўп йиллар давомида иқтисодиётда ер ҳал қилувчи ўрин эгалаган, манбаларда ер эгалиги шакллари тўгрисида турлича маълумот келтирилади. Аммо таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, давлат ерлари билан бирга, хусусий ерлар ҳам бўлган.

Шу даврдаги деҳқонларни қўйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Амлок ерлар ҳисобига яшовчилар (асосан, давлат ерлари).
2. Хусусий ер эгалари.
3. Ўз ерида ишловчилар.

4. Вақф ерлар ҳисобига яшовчилар (масжид, мактаб, мадрасалар).

Шунингдек, мулки хирож, мулки хуррий холис ерлар ҳам бўлган.

Йирик ер эгалари қишлоқ хўжалик ишларини юритишмаган, улар ерларни кичик қисмларга бўлиб, чоракорларга солиқ олиш ҳисобига беришган. Деҳқонлар кимнинг ери ҳисобига яшашига қараб, давлат ёки заминдорга хирож ва бошқа солиқларни тўлашган.

Амлок ер амир, яъни давлат ихтиёрида бўлиб, деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилган, рента ва бошқа солиқ, йигимлар тўланган.

Амлокдорлар хўжаликни бошқарган, хирож йигимиини етиштирилган ҳосил ҳисобидан олиш, шунингдек, солиқ тўловларини жамлаш, жарима солиш, суғориш иншоотларини тартибга келтириш ва бошқа ишлар билан шугуулланганлар. Уларнинг ихтиёрида котиб (мирзо), мироб, амин, оқсоқоллар бўлиб, амлокни шулар ёрдамида бошқарганлар. Махсус амлокдорлар маҳкамаси бўлган.

Иссиқ ва қуруқ шароитда суформа деҳқончилик ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Йирик, ўрта ва кичик дарёлардан сув чиқариш ишлари ариқлар орқали амалга оширилган бўлса, сув манбалари кам жойларда кориз ва қудуқлар қазиш ҳамда саҳроларда сардобалар қуриш орқали сув таъминоти амалга оширилган. Тарихий маълумотларга кўра, масалан, пахта экиш 5,5 минг йил аввал амалга оширилган. Суғориш ишлари қишлоқ жамоаси, давлат орқали бажарилган. Фарб давлатларида бундай муаммо йўқ, чунки у ерларда табиат, об-ҳаво қулай.

Мулки холис, мулки ҳур, мулки ҳукм, яъни ҳукм билан озод қилинган мулк дегани — барча солиқлардан холи бўлган давлат ерлари (холиса)дир. Мулки хирож — солиқ олинадиган хусусий ердир. Хирож дастлаб номусулмон ер эгаларидан олинган. Кейинчалик солиқ ҳаммадан олинадиган бўлди ва ўртача ҳосилнинг бешдан бир қисмини ташкил этди. Солиқ йиғувчилар закотчи дейилган.

Солиқнинг яна бир шакли — **берор** — текинга ишлаб беришилар. Бошқа солиқлар — закот ва ушр тўғрисида юқорида айтиб ўтилди. Давлат хазинаси **хазинайи амира** деб атал-

ган. Сипоҳийларга ўзи ва оти учун бериладигон маош, озиқовқат, ем-хашак **улуфа** дейилганд. Аскарларга жанг олдидан тарқатилган махсус совға — укулкадир. **Тархон** — лашкар бошлиқлари ва кичик сарой хизматчилари учун маош сифатида бериладиган инъом. У ер-сув ёки маълум ердан ундириладиган хирожнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Пуллар олтин ва кумуш танга шаклида бўлганилигидан, **конвертация** масаласи ҳал этилган, ички ва ташқи савдода алмашув муаммоси бўлмаган. Аслини олганда, ягона пул тизими мавжуд эди.

Қишлоқ хўжалиги билан бирга ҳунармандчилик ва савдо ҳам ривож топди, бунинг учун қулай шароитлар яратилган эди. Шу билан бирга, мамлакатда марказдан қочма кучлар, яъни сепаратизм қайфияти кучайди. Бунинг асосий сабабларидан бири марказ бошлиги ва маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши бўлди, ота-бала-неваралар ўртасида ҳукмдорлик учун кураш авж олди. Бунга иктоъ, суюргол, тархон ер эгалиги ҳам сабабчидир.

Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Бобур Мирзонинг ўғиллари ўртасидаги низолар, улар ўртасидаги тож-тахт учун кураш ва бошқалар бунга яққол мисолдир. Алишер Навоий: «Мўмин Мирзонинг ўз буваси фармонига биноан қатл этилиши, темурийларнинг инқирозидан далолатдир», деб тўгри айтганлитини тарих тасдиқлади. Амир Темур васиятига қарамасдан, 1405—1409 йиллар давомида Самарқанд унинг на-бираси Халил Султон томонидан бошқарилди.

Иқтисодий тарихдан маълумки, XIV—XV асрларда Европанинг Англия, Франция, Италия сингари етакчи давлатларида уй ҳунармандчилиги тез ривожланиб, цех тизими ва мануфактурага, XVIII асрнинг ўрталарида эса саноат инқилоби туфайли фабрикаларга айланди. Бизга эса мануфактура ва фабрикалар XIX асрнинг 60-йилларида чор Россияси томонидан киритилди. Ваҳоланки, бошқа давлатларда бунга табиий ўсиш орқали ўтилган.

Фарбла XVI—XVII асрларда қишлоқ хўжалигига ҳам муҳим ўзгаришлар юз берган эди. Деҳқонлар синфи, масалан, Англияда йоменлар тутатилиб, йирик ер эгалари — лендлорлар ва фермерчилик вужудга келди, ер маҳсулотга, олдисотди предметига айланди.

Айрим олимларнинг фикрича, бу даврда бозор муносабатлари пайдо бўлди ва ривожланган, капиталнинг дастлабки жамғарилиши юз берди, саноат ва қишлоқ хўжалигига ёлланма ишчи кучи вужудга келди. Савдо капитали билан бирга саноат капитали пайдо бўлди ва у етакчи эди.

Ўрта Осиёда ҳам бозор муносабатларининг унсурлари бўлганлигини қайд этиш мумкин. Бунга қишлоқ хўжалигига чоракорлик, бошқа соҳаларда мардикорликни мисол қилиб келтириш мумкин. Айтиб ўтиш керакки, амлек ерлар деҳқонлар томонидан ишланган бўлса, қолган ерлар ўз эгаси томонидан ишланмай, ижарага берилган. Чоракорлик ижара муносабатидир, унинг бир қанча шакллари бўлган. Ер эгалиари — бойлардан фақат ернинг ўзини ижарага олиш ҳақиқий чоракорликдир, чунки олинган ҳосилнинг тўртдан бири — чорак қисми ер эгасига берилган.

Агар ер, уруғлик, меҳнат қуроллари, ишчи ҳайвонлари ҳам ижарага берилса, шароит кескин ўзгарган, бунда олинган ҳосилнинг ярми, ҳатто ундан кўпи ер эгасига берилган. Шундай қилиб, деҳқонлар тўлақонли ёлланма кучга айланмади, балки майда деҳқон хўжаликлари устун эди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ижарачиликнинг салбий томони ҳам бор: ер, унинг унумдорлигига муносабат паст бўлади, қисқа вақтли натижা устунлик қиласди. Ернинг тўлақонли эгасигина бугун ва келажак тўғрисида баравар қайтаради.

Бутунги кунда эса, Фарб фермерларининг асосий қисми тўла мустақилликка эга, чунки ер — уларнинг хусусий мулки.

Мардикорлик хўжаликнинг деярли барча соҳаларида қўлланилди, аммо ягона ижтимоий қатлам ёки синф дарајасига кўтарилимади.

Хўш, шундай бўлиши ва ўша даврларда Ўрта Осиёning иқтисодий ривожда ортда қолишининг сабаблари нимада? Ўзбекистон тарихи бўйича қанчадан-қанча китоблар ёзилган, аммо уларда бу саволга тўла жавоб берилмаган. Бу «анъана»ни бузиб, шу саволга баҳоли қудрат жавоб беришга уриниб кўрамиз.

1. Буюк географик кашфиётлар туфайли Буюк ипак йўлининг аҳамияти камайди, Ўрта Осиёда иқтисодий фаол-

лик анча сустлашди. Сабаби — денгиз орқали савдо асосий бўлиб қолган эди.

2. Европа учун эса, географик кашфиётлар янги имкониятлар яратди.

Фарб Шарқнинг илмий-амалий тажрибасидан ижодий фойдаланди, уни ривожлантириди.

Мустамлакалар ва мустамлакачилик сиёсати метрополия, яъни уларни бошқарувчи давлат учун қўшимча бойлик яратди (олтин, кумуш, жавоҳирлар); пахта, каноп, тамаки, пилла, қоракўл каби хомашё базаси яратилди ва бу янги саноат турларининг ривожланишига олиб келди, шунингдек, янги экин турлари пайдо бўлди; протекционизм сиёсати олиб борилди, яъни қўпроқ тайёр маҳсулотлар экспортига эътибор берилиб, хомашё импорти камайтирилди; аввал хомашёни қайта ишловчи мануфактура, кейин фабрикалар ривожланди. Янги буржуа синфи қўлидаги бойликларни саноатни ривожлантиришга сарфлади ва кенгайтирди.

Табиий иқлим шароитининг таъсири ҳам кучлидир. Европадаги қулай шароитлар хусусий хўжалик юритиш учун айни муддао эди, Шарқ иқлими эса жамоавий хўжалик юритишни тақозо этган. Айниқса, суғориш билан боғлиқ ишлар жамоа бўлиб ишлашни талаб қилган. Шу сабабли қўшимча сарф-харажат катта бўлган.

3. Буржуа инқилоблари. XVII асрда Англияда, XVIII аср Францияда юз берган буржуа инқилоблари ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. Сайлаб қўйиладиган парламент ва ҳукуматлар пайдо бўлиб, ҳокимият тепасига янги синфлар, гуруҳлар келди. Айрим демократик ўзгаришлар, масалан, сайлов тизими бошланди. Бизда эса бундай инқилоб умуман бўлган эмас ёки «импорт» қилинган.

Савдо буржуазияси билан бирга, саноат буржуазияси пайдо бўлди. Капиталнинг жамғарилиши жараёнида тўпланган бойликлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги корхоналарни қуриш учун самарали сарфланди. Ўрта Осиёда ҳам «савдо буржуазияси» бор эди, аммо у саноат буржуазиясига айдана олмади. Чунончи, Фитрат асарларида бу фикр берилган. Айниқса, хон-беклиқ мерос шаклида сақланиши демократияга зид эди. Патернализм (ота) ва этатизм (давлат) роли жуда баланд эди.

4. Европада ер хусусий құлларга ўтди, маҳсулотта айланди, фермерчилик юзага келди, дәхқонлар синфи тугатилди. Ўрта Осиёда эса ер сув билан чамбарчас боғлиқ эди ва асосан давлат ихтиёрида бўлган, шахсий манфаатдорлик чекланган эди ва шу боис ер маҳсулотта айланмади. Ерни ишлаш, ижарага бериш чоракорлик орқали олиб борилди. Чоракор ердан тезроқ манфаат кўриш тарафдори бўлгани сабабли, эртанги кун ўйланмади, ер ишдан чиқди.

5. Бу осиёча ишлаб чиқариш усулининг оқибати. Профессор Нурислом Тўхлиев маълумотларига кўра, бу усулга хос назария XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Унга хос хусусиятларни З йўналишга ажратиш мумкин: 1) катта миқёсда ишлаб чиқаришни талаб қиласидиган меҳнат тақсимоти ва уюшган меҳнатнинг алоҳида тури мавжудлиги; 2) табиий ва моддий захираларнинг чекланганлиги; 3) меҳнат захираларининг керагидан ортиқ даражаси. Бу усулда срга давлат мулкчилиги асосийдир, шу сабабли давлатнинг алоҳида хўжалик роли мавжуд. Бунда ҳокимиятга алоҳида дәхқон ёки ҳунарманд эмас, балки меҳнаткашлар жамоасининг демократик ташкилоти рўбарў туродики, у, ўз навбатида, жамоа аъзолари манфаатларини ҳимоя қиласиди. Бундай иқтисодиёт эса, ҳокимият ва мулкнинг ягоналигига ҳамда марказлашган хўжалик юритишга асосланади. Фарбда эса, аҳвол бутунлай бошқача бўлган, чунки хусусий мулкнинг ўрни баланд эди. Натижада иқтисодиётда биқиқлик, яъни бошқа тизимларда алоҳида яшашга мойиллик туғилади. Шахснинг эмас, жамоанинг ўрни муҳим бўлади, жамоа мустаҳкам ва яхлитлиги билан ажralиб туради. Бу эса хўжаликни марказлашган тартибда юритишини тақозо этади.

Табиий иқлим шароити туфайли, оддий меҳнат жамоаларини катта ҳудудларда кенг миқёсда ташкил этиш, яъни канал, ариқлар қазиш, уларни тозалаш, тартибга солиш, тўғон қуриш, табиий оғатларга қарши курашиб зарур бўлган. Бугуннинг нуқтаи назаридан, бир нечта техника бажариши мумкин бўлган ишга юзлаб, минглаб одамлар жалб қилинган. Бундай шароитда алоҳида фуқароларнинг манфаати оила, жамоа, меҳнат жамоасининг манфаатлари, уларники эса катта гуруҳ — табақаларнинг манфаатларига, кейингиларники эса давлатнинг манфаатларига тўла

бўйсундирилади. Оқибатда ярим биқиқ, хомашё соҳасига асосланган хўжалик тури вужудга келади.

Бу усул фақат ўрта асрлардаги Осиёда эмас, бошқа давлатлар — Мексика, Перу, ҳатто Россия амалиётида ҳам кузатилган.

Майда маҳсулот ишлаб чиқариш психологияси ҳалқимиз учун хосдири. Бунда майда ишлаб чиқариш, яъни майда ҳунармандчилик, косибчилик, касаначилик, кичик майдонларла дэхқончилик, майда савдо — баққолчилик ва бошқалар йирик корхоналарга қарши қўйилади; буни чет элда Сисмонди, Прудон каби иқтисодчи олимлар ҳимоя қилиб чиқишиган. Аслида йирик ишлаб чиқариш билан майда корхоналарнинг асоси бир, бири иккинчисидан ўсиб чиқади, аммо бизда йирик корхоналар, йирик ер эгалитиги ривож топмади. Янги синфлар пайдо бўлмади.

6. Техник қолоқчилик. Европада қўл меҳнатидан машиналар сари ҳаракат кучли бўлди, техник инқилоб юз берди. маҳсулот ишлаб чиқариш устун қўйилди. Бизда эса натурал хўжалик асосий бўлиб келди, бу эса онлана болалар сони кўп бўлишини талаб этали. XIX аср охиридагина жадидлар техник ўзгаришлар кераклиги ҳақидаги гояларни илгари сурдилар.

\* \* \*

Амир Темур тарафидан олиб борилган ижобий ўзгаришлар эпкини остида, унинг ворислари лаврида мамлакатда анчагина иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Айниқса, Улугбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти ниҳоятда муҳимдир. Мис пулларга ўтилиши олтин ва кумуш тангаларнинг хорижга чиқиб кетишини кескин камайтирди. Европада бу сиёsat анча кечроқ амалга оширилган. Тамга божининг оширилиши ҳам ички ишлаб чиқаришни анча рагбатлантирган.

Илм-маърифат ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, жаҳон тамаддунига муҳим ҳисса қўшилди. Ўрта Осиёning иқтимий шароитини ҳисобга олиб, сугориш, ирригация ишларига катта аҳамият берилди, янги иншоотлар қурилди. Солиқ тизими тартибга солинди, унинг миқдори, олиш муддатлари тўловчилар имконига мослаштирилди.

Шу даврда яшаб, ижод этган Алишер Навоий асарларида иқтисодиётга оид ғоялар анчагина. Бунда меҳнат, инсоннинг ўрни, ҳалол даромад масалалари мухимдир. Шоир айниқса савдога катта эътибор қаратди, ҳақиқий адолатли савдогарни қўллаб-қувватлadi, олибсотар товламачиларни эса қоралаб, бай, яъни фойда чегарасини белгилаб берди.

Мамлакатда ижобий ўзгаришлар билан бирга, салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Сепаратизм кайфияти кучайгач, 1511 йили мустақил Хоразм (Хива) хонлиги ажралиб чиқди, кейинчалик Бухоро ва Қўқон хонликлари мустақил бўлди, аммо ўзаро урущлар тўхтамади ва бу иқтисодий ривожланишга салбий таъсири этди. Ҳалқимиз бу хусусда, «Бир кун уруш бўлган ердан қирқ кун барака йўқолади», деб айтган. Аслида Ўрта Осиёда Европага нисбатан орқага қайтиш ҳолати вужудга келди.

## ҲИНД ЗАМИНИНИ ОБОД ЭТГАН БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР

### Бобур даврида иқтисодиёт

Мовароуннахрнинг Фаргона вилояти ҳокими Умаршайх (1461—1494) насл-насаби жиҳатидан Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳга бориб тақалади. Унинг тўсатдан фожиали ҳалолати туфайли ҳокимият унинг 12 ёшли ўғли Бобурга ўтди. У пойтахт Самарқанд учун бир неча бор муваффақиятсиз жанглар олиб борди. Охир-оқибат Самарқанд шайбонийлар қўлига ўтади. Бобур эса 1504 йилда Афғонистонга 250 киши билан ўтиб кетишга мажбур бўлади.

Афғонистонда Бобур 1508 йили Кобул шаҳрини пойтахт қилиб, расмий подшоҳ бўлади. 1511 йили Эрон шоҳи ёрдамида яна Самарқандни эгаллайди, аммо 1512 йилда Бобур чекиниб, 1526 йилгacha Афғон ерида бўлади. Бобур 1526 йилда Ҳиндистонни эгаллайди. Деҳли яқинида, Панипат деган жойда Бобур ўзининг 12 минглик лашкари билан 100 мингга яқин аскар ва 2 мингга яқин ҳарбий филлардан иборат душман қўшинига қарши бўлган жангда галабани қўлга киритади ва Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлиги (1526—1858) ўрнатилади. Бу ишда унинг

түнгич ўели Ҳумоюн катта ёрдам берган эди. Демак, ушбу мавзуда Бобур ва унинг авлодлари томонидан илгари суррилган гоялар ва олиб борилган ишлар тўғрисида фикр юритилиди.

Бу даврда темурийлар давлатининг емирилиши бошланган эди, оқибатда Бобур Самарқанд, Кобул ва Ҳиндистонда иш юритишга мажбур бўлган. Шотландиялик тарихчи олим Уильям Эрскин (1773—1852) «Бобур Ҳиндистонда» асарида жуда бой маълумотлар асосида ўша даврдаги шартшароитни, аниқроғи, Бобурнинг таржима ҳоли ва фаолиятини тўла таърифлаган. У 1826 йилда «Бобурнома»ни инглизчага таржима қилган.

Унинг маълумоти бўйича, Агра қалъаси эгаллангач, Ҳумоюнга катта совғалар тақдим этилади. Улар орасида жаҳонга машҳур олмос — «Кўхинур» бўлиб, унинг вазни 8 мисқол ёки 793 киротга тенг. Ўша даврнинг машҳур заргари Тавенирнинг баҳосига кўра, унинг қиймати 80 минг фунт стерлинг турарди. Ўғил бу олмосни отасига топширган, Бобур эса уни яна қайтариб ўслига тақдим қиласиди. Олмос ҳозир Буюк Британия музейида сақланмоқда.

Бобур Ҳиндистонни бошқариш ва ривожлантириш борасида катта ишларни бошлаб юборди. Бунинг учун эса, маҳаллий халқ билан тил топишиш керак эди. У ўз фаолиятини салтанатнинг молиявий ва ҳарбий аҳволини яхшилашга ҳамда мамлакатни соғломлаштиришга багишлиди. Шуни қайд этиш керакки, Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги шартшароит бир-бирига анча яқин, бу — сугорма деҳқончилик, майда ҳунармандчилик, авж олган савдо, Буюк ипак йўли орқали туташган мамлакатлардир. Шу сабабли иқтисодий ўзгаришлар муштарак эди.

Ҳиндистонда Бобур ўз ислоҳотларини солиқлардан бошлади. Биринчилардан бўлиб мусулмонлардан олиандиган «тамға» солиги бекор қилинди. Салтанатни мустаҳкамлаш, давлат тизимини такомиллаштириш ва қўл остидаги фуқароларнинг турмушини яхшилашга катта куч сарфланди. Мамлакатни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бобур билим олишга интилганларга ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилган ва уларни ўз атрофига тўплаган.

## **Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа асарларидағи иқтисодий ғоялар**

Давлат арбоби ва қомусий олим Заҳириддин Мұхаммад Бобур (1483—1530) ва унинг автодлари томонидан ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларда катта ишлар амалға оширилғанligи бизга тарихий биткістардан маълум. «Бобурнома» қомусий асар бўлиб, туркий тиъда ёзилган. Унда шоир ва ҳукмдорнинг 1493—1529 йиллар оралигидаги тарихий воқеалар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисидаги кенг қамровлari маълумотлари келтирилади. Бобурнинг «Мубаййин» илмий асари эса қонун ва дин асосларига багишланган.

«Бобурнома», ўша даврдаги олимлар фикрича, Осиё тарихини тўғри ва тўла акс эттирган ягона асардир. Ҳусусан, 1518—1530 йиллари яратилган «Бобурнома»да, 1521 йили ёзилган «Мубаййин» каби тўпламларда иқтисодиётга оид маълумотларга, шу жумладан, солиқ сиёсатига катта ўрин берилган. «Закот тўғрисидаги катта китоб» да эса ўша даврдаги солиқ, унинг турлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилади. Бу асарни мутолаа қиласр эканмиз, улардан мамлакатимизниң бугунги ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ислоҳотларни, ўзгаришларни таҳнил қилиш, хуносалар чиқарии ва аматиётда фойдаланиш учун янги фикрлар, маслаҳатлар топамиз. Айниқса, Бобурнинг иқтисодиётта оид, унинг умумий асослари бўлмиш ишлаб чиқариш, шунингдек, савдо ва тижоратга оид, солиқ ва бож тўловлари биштан боғлиқ қараашлари бизни тўлқинлантиради.

Этироф этиш керакки, гарчи Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш масалаларига доир алоҳида асари ёки унинг ўз ҳукмронлиги даврида юргизган иқтисодий сиёсатига оид бирламчи манбалар бўлтаса ҳам, илмий фикрлаш ва идрок этиш кучига суюнган ҳолда шундай хуносага келамизки, у буюк мутафаккир, қомусий олим сифатида иқтисодий қонунларнинг мөҳиятини, иқтисодиётнинг жамият ва давлат ҳаётини белгиловчи аҳамиятини чукур тушунганди. Шунинг учун ҳам у долзарб, адолатли фармонлар ва ҳукмлар чиқариб, илмий жиҳатдан асосланган иқтисодий сиёсат юргизган. Бунинг

натижаси ўлароқ, у ҳукмронлик қилған даврда давлатда осойишталиқ, миллий тотувлик, сиёсий-ижтимоий тарақ-қиёт қарор топган. Шу бойс ҳам Бобур асос солған салтанат бир неча аср давомида яшади ва тарихда ўчмас из қолдирди.

Бобур ва унинг ворислари даврида солиқ масалалари муҳим ўрин әгалаган.

Мовароуннахр ва Ҳурсонда «закот» маълум миқдорда ва муайян шарт-шароитларда олинадиган солиқ маъносида қўлланилган ҳамда нақд пул ва савдо йигими шаклида тўпланади. Солиқни ҳисоблаш учун солиқ солиш объективининг «нисоби», яъни мол-мулкнинг закот беришга лаёқатли бўлиши учун белгиланган миқдори аниқланади, нисобдан қам мулқдан солиқ олинмайди. «Агар ердан икки ҳосил олсанг, хирожни ҳам икки марта тўла», деб ёзали Бобур.

Хирож, яъни ер солиги икки тоифага бўлинган: муқассам ва муваззар. Биринчиси олинган ҳосилнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, удан бир қисмидан ярмигача тент бўлган, иккинчиси эса солиқ солинадиган ернинг майдонига боғлиқ равища олинган.

Ерни сугориш масалалари Шарқда ўта муҳим эди, чунки об-ҳаво ниҳоятда қуруқ ва иссиқлигидан ер-тупроқ шароити сунъий сугоришни таълаб этган. Табиийки, сугориладиган ерлар лалмикор ерлардан кўпроқ ҳосил берган. Шу сабабли сув солиги ҳам бўлган. Сув солиги қўйидагича олинган: «Агар сугориш даврида чигир курсанг, олинган ҳосилнинг ўндан бирининг ярмини солиқ учун тўлашинг кепрак», яъни, сугориладиган ерларга кетган сарф-харажат ҳисобга олинган ва бу мантиқан тўғри.

Умуман олганда, бу даврда солиқ ва бошқа йиғимлар тамомида исломий шариатга риоя қилинган ҳолда олинган. Нисобга етган миқдордаги мол-мулкнинг Қуръон, Мухтасар, Ҳидоя ва бошқа манбаларда қатъий белгилаб қўйилган қисми ихтиёрий равища мискинларга берилган. Масалан, боқиладиган моллар, яъни эчки, туя, сигир, отлардан, хусусан, қўйлардан солиқ қўйидагича олинган: 40 қўйдан битта, 120 тасидан иккита, 201 дан бошлаб учта, 400 дан ортиқ бўлса, ҳар юз қўйдан бири закот қилиб берилган.

Шунингдек, «Бобурнома»да бир юрт маҳсулотининг бошқа юртларга олиб борилиши, алмашуви, аҳоли эҳтиёжла-

рининг қондирилиши ва уларнинг иқтисодиёт равнақидаги аҳамияти тўла баён қилинади. Бобур савдо-сотикнинг халқлар ўртасидаги бебаҳо аҳамиятини чуқур тушунар эди. Шунинг учун ҳам, йўлларда савдо қарвонларини талаш, босқинчилик қилиш, мол-мулкига зиён етказиш каби салбий иллатларга аёвсиз муносабатда бўлган. Бу сиёsat Амир Темур, Мирзо Улугбек ва бошқа темурийлар сиёsatи билан ҳамоҳанг.

Ўша даврда Бобур савдогарлардан олинадиган йигимнинг ҳам адолатли ва холисона ташкил қилинишига катта аҳамият берган. Энг муҳими, солиқ ҳиссаси даромад ҳиссасига нисбатан камайиб борган, яъни даромад кўпайиши билан солиқ камайган ва бу бойлик жамғарувчилар учун ўта манфаатли бўлган. Чет эллик савдогарлардан олинадиган йигим эса уларнинг қайси юртлардан келганлигига боғлиқ бўлган. Агар улар ислом мамлакатларидан келган бўлсалар, барча даромадларининг йигирмадан бир қисми миқдорида солиқ олинган. Номусулмон мамлакатлардан келган савдогарлардан олинадиган солиқ миқдори эса, шу мамлакатларда мусулмон савдогарлардан олинадиган солиқ миқдорига tengлаштирилган. Накадар адолатли ва фойдали солиқ тизими!

У. Эрскин ёзишича, ўша пайтда жорий қилинган солиқ ва бошқа турдаги йигимлар тўғрисида камроқ маълумотга эгамиз. Ҳиндистонда асосий солиқ турларидан бири ер солиги эди. Аҳоли тинч яшайдиган вилоятларда ер солиги ўша жойнинг ўзидаёқ ундириб олинарди. Агар юрт маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилса ва бўйсундирилмаган бўлса, улар сарой вакилларига даврий тарзда ўлпон тўлаб турардилар.

Ерга икки хил тарзда эгалик қилинар эди. Ўша пайтда ота-бобосидан мерос қолган ер эгалари ва ҳукумат ерлари мавжуд эди. Ҳукумат ерларидан олинган ҳосилнинг маълум қисми хазинага топшириларди. Кўпинча сарой амалдорлари ёки ҳарбий мансабдорларга маълум миқдорда ер мулки (жоғир) ажратиб бериларди, лекин уларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари анча чекланган эди. Уҳда (ҳадя) қилинган ернинг эгаси, агар ер унга мерос қолмаган бўлса, бир ердан иккинчи ерга кўчирилиши мумкин эди.

Ердан олинадиган солиқлардан ташқари, бошқа юртлардан қарғали олиб келинаётган моллардан ҳам солиқ олинар эди. Солиқ ёки бож олинган молларга маҳсус мұхр — тамға босиларди. Мамлақатнинг бир қисмидан иккінчі қисмiga олиб бориб сотиладиган моллардан ҳам бож олинган. Шаҳарларда эса дүкон солиғи ҳам тұлангани маълум.

Шунингдек, мусулмонлар яшайдиган вилоятларда ғай-римусулмондан «жизъя» солиғи олинар эди. Бу кейинроқ бекор қилинди. Шуниси диққатта сазоворки, Бобур бириңчи бўлиб, ҳарбий юришларни, сайру саёҳатларни, ҳатто ов қилишни меъёрга солиб, ўша меъёрдан ошишга йўл қўймас эди. Аградан Кобулгача бўлган йўл ёқасида ҳар ўн беш мил масофага олтитадан от ва уларга қарайдиган хизматчилар қўйилиб, улар чопарлар учун от алмаштирадиган ва дам оладиган мусофирихоналар вазифасини ўтар эди.

Таниқли тадқиқотчи Л.Шарма ўзининг «Бобурийлар салтанати» китобида ёзишича, бобурийшоҳлар хазинасининг бойиш манбалари — асосан урушлардан олинган ўлжаларнинг бешдан бир қисми, савдо солиғи, салтанатда зарб қилинган пуллар, мусодара қилинган эгасиз моллар, туз солиғи, давлат ихтиёрига келадиган йиллик ўлпон тўловлари, совғалар ҳамда ер солиқларидан иборат эди. Маҳаллий ҳокимият соладиган солиқлар «аҳбоб» деб аталиб, йиғилган маблағ асосан маҳаллий эҳтиёжларга сарфланарди. Бобур ва Ҳумоюн даврида ҳиндларга «жизъя» солиғи солинаяр, мусулмонлардан эса «закот» олинар эди. Акбаршоҳ бу диний мақомдаги солиқларни кейинчалик бекор қиласи. Аврангзеб эса уларни қайта тиклайди.

Ер учун олинадиган солиқ давлат хазинасини тўлғазишида асосий манба ҳисобланган. Бобур барча ерларни ўз амалдорларига «жогир» сифатида бўлиб берган эди. Ҳумоюн бунга ўзgartириш киритмади. Акбаршоҳ эса ер солиғи тизимини анча такомиллаштирди. 1580 йилдан бошлаб ер ўлчов бирлиги қилиб «Гази Искандарий», кейинроқ «Гази Илоҳий» қабул қилинди. Ерлар ҳар йили экиладиган, иккى йилда экиладиган, 3—4 йилда экиладиган, беш йилдан ортиқ муддатда бир экиладиган тоифаларга ажратилар ва шунга кўра солиқ ҳажми белтиланар эди. Бу ҳажм учун ўтган 10 йилликда олинган ҳосилнинг ўртачаси меъёр қилиб белгилан-

ган. Давлатга кўпинча олинган ҳосилнинг учдан бир қисми солиқ сифатида топширилар ёки ўша миқдордаги пул давлат хазинасига тўланар эди.

Бобур ва Ҳумоюн ўзларининг номи ва сурати туширилган танга пул зарб қилдилар-у, бироқ пул муомаласи тизимиға бошқа ўзгартириш киритмадилар. Акбаршоҳ даврига келиб, тилла, кумуш ва мисдан танга пуллар зарб қилинди ва ҳар бирининг қиммати алоҳида қўрсатилиб, оғирлиги ва таркибидаги металл миқдори қатъий бетгилаб қўйилди. Тангалар асосан думалоқ шаклда зарб қилинар эди. Акбаршоҳ тангаларга ўз суратини туширмади, балки тангаларга подшоҳнинг исеми, пул бирлиги, зарб қилинган йил ва Қуръондан оятлар ўйниб ёзилди. Акбаршоҳ даврида зарб қилинган пуллар жуда чиройли эди. Энг юқори қимматга эга бўлган пул бирлиги «шаҳаншоҳ» деб юритиларди. Бу пул кўпроқ юқори доираларда қўлланилган. Пастроқ табақалар ишлатиши учун «илоҳий» пул бирлиги чиқарилган бўлиб, бир танга пул ўн рупияга тенг эди. Жами 26 хил танга пул зарб қилинган. Кумуш тангалар «рупия» деб аталган. Мис тангалар «дом» деб аталар ва рупиянинг қирқдан бир қисмига, энг кичик мис танга эса «житал» деб аталиб, пайсанинг йигирма бешдан бир қисмига тенг эди. Акбаршоҳнинг пул бирлиги тизими жуда мукаммал эди. Бу пуллар Британиянинг пул бирликларини такомиллаштириш учун ҳам асос бўлган.

Жаҳонгир баъзи тангаларга ўз суратини, айрим тангаларга эса номини ёки рафиқаси Нур Жаҳоннинг номини ўйиб ёздирганди. Айрим тангаларда унинг қўлида май косаси тутиб турган сурати туширилган эди. Пул тизими анча вақтгача шундайлигича ўзгаришсиз қолди. Аврангзеб даврида рупиянинг қадри анча кўтарилди.

Бобурийшоҳларнинг асосий бурчи адолатли иш олиб бориш эди. Подшоҳ асосий қонун чиқарувчи шахс ҳисобланиб, судлов ҳокимияти ҳам унинг қўлида бўлган. Ҳар жума куни пешин намозидан сўнг очиқ судда иш кўриларди. Энг оғир ва қуий судлов қарорларида ҳал қилиб бўлмайдиган ишлар қозилар орқали шоҳ эътиборига ҳавола қилинар эди.

Подшоҳдан кейинги мавқеда қозикалон турар эди. Ҳар бир вилоят, туман, паргана ва шаҳарларда қозилар тайинланар эди. Қозилар асосан мулкларни ажрим қилиш ва ди-

ний ишлар мұхокамаси билан шуғулланғанлар. Күпинча уларға «муфтий» ҳамкорлик ва маслаҳатгүйлик қиларди. Бундан ташқари, шуғындар, фавждор, шиқдор, қутвол ва бошқалар жиноий ишларни күрар, девон, амали гузар, омил ва бошқалар эса фуқаролар орасидаги мажароларни ҳал қиларди. Қишлоқдаги мажаролар эса қишлоқ оқсоқоли томонидан ҳал қилинган.

Акбаршоқдан бошқа бобурийшоқтар хүкүкій масалаларни ҳал қилганда, ислом қоидаларига таяниб иш күрарди. Акбаршоқ эса ҳиндлар масаласи күтарилилганда, уларнинг урф-одатларини ҳам ҳисобга оларди. Аврангзеб даврида эса, ислом қонунларига асосланған қонунлар түплами — «Фатвои Оламгири» яратылған.

Бобур ишларнинг жазо чоралари шафқатеиз әди. Жиноий ишлар «қонга-қон», «жонга-жон» мезони асосида күриларди. Айборларга нисбатан ўлим жазоси, тана аъзоларини кесиш, калтаклаш, мол-мұлқини мусодара қилиш, жарима солиши ва бошқа жазо чоралари тайинланарди.

Бобур ва бобурийлар ишлаб чиққан солиқ сиёсати узоқ йиллар давомида қўлланиб келинди ва мамлакатнинг иқтисодий тараққиётiga ижобий таъсир этди. Бу эса Бобур иқтисодий гояларининг чуқур илмий асосга суюнгандиги, узоқни қўзловчи салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Бундай илмий салоҳият Бобурнинг ворислари, ҳамюртлари бўлган бизларда, унга нисбатан янада чуқур ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини ўйғотади. Улуғ бобокалонимиз — ватандoshшимиз қолдирган иқтисодий гоялар ва иқтисодий тафаккур мероси, у юритган иқтисодий сиёсат тизими мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, бугунги кунимизда қудратли маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Мирзо Бобурнинг иқтисодий дунёқарашини ўрганиш, унинг иқтисодиётга оид қарашларини тадқиқ этиш ҳамда имкон даражасида бугунги ҳаётимизга татбиқ қилиш фойдадан холи эмас.

### **Ҳумоюн ислоҳотларининг моҳияти**

Бобурнинг ўғли Ҳумоюн (1508—1556, подшоҳтик йиллари: 1530—1540; 1555—1556) жамиятни табиий тартиб асосида қуриш тарафдори бўлган. Пиримқул Қодировнинг

«Хумоюн ва Ақбар» асарыда көлтирилишича, Хумоюн: «Мен жамиятдаги сұнъийликлару бетартибликлардан безор бўлганим учун давлат ишини табиий бир асосга қурмоқчиман», дейди.

Осмондаги сайёralарнинг ҳаракатида ҳам ноёб бир уйғунлик, событлик, тартибу мувозанат бор. Шуни ҳисобга олиб, табиатдаги мувозанатни жамиятга жорий этиш бўйича анча иш қилинди. Масалан, табиатдаги тўрт унсур: олов, ҳаво, сув, тупроққа ўхшатиб вазорат бошлиқлари тайинланди. Хумоюн табиатдаги тўрт унсурдан келиб чиқиб, бир вазорат бошлигини «Саркори оташ» деб номлади. Унга барча тўпу тўпхоналар, қурол-яроғ ва ҳарбий ишлар юклатилди. «Саркори ҳавоий» деб аталган вазир сарой таъминотига, ошхона, сайисхона (отхона), кийим-кечак ишларига мутасадди қилиб қўйилди. «Саркори оби» ариқ қазиш ва сугориш ишларини бошқарар, «Саркори ҳоки», яъни тупроқбоши зироат, деҳқончилик ва иморатсозлик каби соҳаларга жавобгар эди. Табиатга қиёсан ҳар бир вазирнинг либоси ҳам турлича бўлиб, ўз соҳасига яқин бўлган. Табиатга қиёсан жорий этилган «Қонуни Хумоюний»ни, «шоирона дид билан қилинган кашфиёт», деб баҳолашган.

Аграликларга ва «насоралар»га, яъни номусылмонларга божу хирождан ташқари, тамға солиги солинган. Мамлакатда ҳисоб-китоб ва хўжалик юритиш ишлари яхши йўлга қўйилган, порахўрликка қарши курашилган.

Подшоҳнинг хос ерлари холиса деб аталган ва ундан олинган даромадлар давлат хазинасига тушган. Деҳқонлар ҳосилнинг учдан бирини давлатга топширишган. Солиқ ёзадиган амалдор **мунсиф** деб аталган. Файридинлардан қўшимча хирож билан жизъя солиги олинган. Солиқ тўлашдан бош тортган ҳудудларда, итоатдан чиққан жойларда қилич кучи билан сайдит солиги йигилган. Мусулмонлар сотган молларининг 5 фоизи, бошқа диндагилар 10 фоизи миқдорида тамға солиги тўлашга мажбур эди. Иш даврида айрим ҳудудларда бозордаги нарх-навони тергаб, нафси катта савдогарларни инсоф билан нарх қўйишга уриниш бўлган.

## **Акбаршоҳнинг иқтисодий ислоҳотлари натижалари**

Ҳиндистонда подшоҳлик қилган бобурийлар ҳинд-муслим низоларини йўқотмоқ учун, бошқа минг хил иллатларнинг илдизини қирқмоқ учун зўр ислоҳотлар ўтказиши керак эди. Бу борада, 14 ёшида таҳтга ўтирган Акбарнинг подшоҳлиги даврида (1556—1605) муҳим ишлар амалга оширилди. Давлатни бошқариш ишларига истеъдолли ҳиндулар ҳам таклиф қилина бошланди. Акбар ҳинд аёлига уйланди. Ҳиндуларда «сати» деган хурофий одат бўлган. Эридан бева қолган аёл ўзини ўлган эри билан бирга оловга ташлаб куидиради. Бу одат Акбаршоҳнинг маҳсус буйруги билан бекор қилинади ва ҳинд халқи, айниқса аёллар томонидан олқишиланади.

Халқда адолатли жамият қуриш истаги доим бўлган. Бу жамиятга хос фазилат қўйидагича белгиланган: 1) яхшиликка мұҳаббат; 2) инсонга мурувват; 3) ҳақ йўлидаги ботирлик; 4) одамга куч-қудрат берувчи илму маърифат; 5) барча сўзу ишдаги самимият; 6) ҳулқу атвордаги инсофу диёнат. Шуларни ҳисобга олиб, Акбаршоҳ йирик ер эгалари — жогирдорларнинг ўзбошимчалигига қарши бир қанча тадбирлар ўтказган. 1574 йили деҳқонлар норози бўлиб, саркардаларга ер инъом этиш ўрнига хазинадан уларга маош тўлашни, мамлакатдаги ерлардан солиқ тўлашни уларнинг зиммасига юклашни талаб қилишган.

Акбаршоҳ марказий давлат девонини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Ер солиғи, давлатни бошқариш тартиби хусусидаги қонунларни ишлаб чиқди. Натурал солиқ пул солиғи билан алмаштирилди. Бу тадбир давлатнинг молиявий аҳволини яхшилади. Жизъя, зиёратчилардан олинадиган солиқни, чопар ҳамда амалдорлар учун тўланадиган йигим (қўналға)ни, бозордан йигиладиган бир қанча солиқ ва жарималарни бекор қилди. Пиравардидаги даврда савдо-сотиқ ривожланди, янги карвонсаройлар қурилди, қудуқлар қазилиб, сув чиқарилди.

Акбаршоҳ Жалолиддин (1542—1605) томонидан ўтказилган молиявий ислоҳот натижасида давлат хазинасига тушаётган даромадлар уч баробар ортган. Шу даврда халқ та-

лаби қондирилди, жизъя солиқлари бекор қилинди. Жизъядан ташқари, ҳиндлардан олинадиган зиёрат солиғи ҳам олиб ташланди. Зиёратга борган ғайридинлар ҳар гал муслим нозирларига бир руپиядан солиқ түлар эдилар. Ҳисобитобларга кўра, шу йўл билан 1 йилда 100 миллион рупия солиқ тўпланган.

Акбаршоҳ даврида, хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида бошқа тилларни билиш талаб этилган. Айниқса, фарангийларнинг кемасозлик соҳасидаги тажрибасини, бутун илму маърифатини билмоқ учун уларнинг тилини ўрганишга даъват этилган. Шоҳ Акбар: «Жаҳон миқёсига чиқмоқ учун барча қитъаларнинг илму санъатига бағримизни дадил очмоғимиз керак», дер эди.

Акбаршоҳнинг олиб борган сиёсати тўғрисида Абулфазл Аллоний «Акбарнома» номли асар ёзган. Бу асарда Акбаршоҳ томонидан ўтказилган ислоҳотлар кўрсатилган. Шу даврда Ҳиндистон маъмурӣ ҳудудларга бўлинган, дехқонларга солиқ солишнинг ягона тартиби белгиланган, узунлик ва оғирлик ўлчовлари ягона тизимга келтирилган.

Акбаршоҳнинг дунёқарашида зардуштийликнинг таъсири катта бўлган: 1) эзгу ўй, ният; 2) эзгу сўз, калом; 3) эзгу иш, амал, ахлоқ. Бу уч фазилат гёё бир камарга боғланив, инсон билан бирга бўлса, ўй, сўз, иш бир-бираидан ажralиб қолмаса, мурод ҳосил бўлиши Акбаршоҳ интилаётган энг баланд маънавий юксаклик эди.

Ислом ва ҳинд динларини яқинлаштириш, улар ўртасидаги зиддиятларни камайтириш борасида анча иш қилинди, аммо муваффақиятсиз тугади.

Ўша даврда даромад топишнинг жирканч усули — инсончурушлик, яъни қуллар савдоси европаликлар, хусусан, португаллар томонидан махфий равишда олиб борилган. Бунга қарши Акбаршоҳ томонидан тадбирлар амалга оширилган. Инсончурушлик орқали ортирилган бойлик дунёдаги энг ҳаром бойлиkdir, деб ҳисобланган.

Акбаршоҳ китобларни тўплаш, ўқиши ва тарқатишга ҳавасманд эди. Унинг кутубхонасида форсча, арабча, туркча ва санскрит тилларида ёзилган 20 мингдан ортиқ китоблар бўлган. П. Қодировнинг юқорида эслатилган асарида, Акбаршоҳ ёзувчи Ҳилолийнинг «Сифот ул-ошиқин» номли

китобини 1945 рупияга сотиб олганлиги мисол қилиб келтирилган. Бу катта пул эди. Шу биргина китобнинг пулига бош-оёқ кийим ва бошқа талай нарсалар олиш мумкин эди, чунки бозорда бир жуфт атлас 10 рупия, 1 қоп буғдой 7 рупия, 1 қўй 3—4 рупия турган.

Акбар шоҳлиги даврида мамлакатда турлича йил ҳисоби — тақвими мавжуд эди, бу эса иш юритишда катта қиинчиликларга сабаб бўлган. Шуларни ҳисобга олиб, қамарий йил ҳисобидан ягона шамсий (қуёш) ҳисобига ўтиш тўгрисида маҳсус фармон чиқарилган. Гап щундаки, ой тўлишига қараб ҳисобланадиган қамарий ойлар шамсий ойлардан 10—11 кун қисқароқ бўлиб, йил, ой, фасл сурилишига сабаб бўлган — ҳижрий минг йиллик 1592 йилга тўгри келган. Йил фаслларининг аниқ ҳисобини олиб иш кўрадиган деҳқонлар, касблар, бошқа хунар эгалари учун ҳам, мудом кўчиб юрадиган қамарий ойлар кўп ноқулайликлар туғдирган. Шунинг учун халқ орасида, азалдан мавжуд бўлган шамсий ҳисоб, яъни ҳар йили аниқ бир вақтда келадиган наврўз, саратон, мезон кўпроқ қўлланарди. Аммо бу ислоҳот ислом дини вакиллари томонидан катта қаршиликка учраган.

Хиндистонда вояга етмаган ўсмир-қизларни эрта бошини қовуштириш одати бор эди, масалан, қизлар 10—11 яшарлигига турмушга чиқишига мажбур қилинган. Бундай оиласларда кўпгина хунук, номаъқул ҳодисалар содир бўлиб турар эди. Юқорида қайд этилган «сати» одатини ва ўсмиру қизларни эрта бошини қовуштиришни қатъяян ман этувчи фармон чиқарилди. Ўғил болани 16 ёшдан олдин уйлантириш, қизларни 14 ёшга етмасдан эрга бериш қонун томонидан тақиқланди. Бу ниҳоятда илгор ва ижобий тадбир бўлди. Акбаршоҳ мулозимлари билан маслаҳатлашиб, мамлакат аҳолисининг рўйхатини тузишни зарур ҳисоблаган, чунки буни билмасдан туриб бехато сиёsat юргизиб бўлмас эди.

Шоҳ Акбарнинг ҳинд аёлидан туғилган ўғли Салим отаси вафотидан сўнг Нуриддин Мұхаммад Жаҳонгир номи билан таҳтга ўтирди ва 1605—1627 йиллари подшоҳлик қилди. Маълумот учун ундан кейинги шоҳларнинг номлари, подшоҳлик йилларини келтирамиз: Шоҳ Жаҳон (1627—1658),

у шоҳлиги даврида оламга машҳур Тожмаҳал қурилган; Аврангзеб (1658—1707); Баҳодиршоҳ (1707—1712); Жаҳонгиршоҳ (1712—1713); Фарруҳ Сияр (1713—1719); Муҳаммадшоҳ (1719—1748); Аҳмадшоҳ (1748—1754); Оламгир II (1754—1759); Шоҳ Олам II (1759—1806); Акбар II (1806—1837); Баҳодиршоҳ II (1837—1858). Кейинчалик Ҳиндистон Буюк Британия томонидан мустамлакага айлантирилди (1858—1947).

Шу ерда бутун дунёга машҳур «Тожмаҳал» меъморий ёдгорлиги хусусида тўхтамоқчимиз. Шоҳ Жаҳон 1631—1652 йиллари Агра шаҳри яқинидаги Жамна дарёси бўйида, Мумтоз Маҳал Бегим, Мумтоз Бибика Рауза номлари билан машҳур бўлган суюкли рафиқаси Аржумандга (1594—1631) атаб, шу мақбарани бунёд эттирган. Аржуманд бонунинг ўлими олдидан эрига қиласанда илтимоси бажо келтирилган — Шоҳ Жаҳон ҳам вафотидан сўнг рафиқасининг ёнига дағн этилган.

Шундай ажойиб мақбаранинг пайдо бўлиши мамлакатдаги муҳим иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу иншоот лойиҳаси, усталари, наққошлари, қурувчилари, қурилиш ашёлари нуқтаи назаридан байналмилал қурилмадир, чунки уни қуришда Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Эрон меъморлари, ашёлари кенг қўлланилган.

Гўзаллиги туфайли Тожмаҳал дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири, деб эълон қилинди. У, Ўзбекистон—Ҳиндистон халқлари дўстлигининг ёрқин тимсоли ва намунаси дид.

Мустақилликка эришган Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири, таниқли жамоат ва давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру (1889—1964) ўзининг «Дунё тарихига бир назар» номли З жилдли асарида бобурийларнинг мамлакат ривожига муҳим ҳисса қўшганликларини қайд этади. Айниқса, Акбаршоҳнинг ислоҳотларига юқори баҳо беради. У, Ҳиндистонни бирлаштирган ва ҳинд миллатига ота бўлган сиймолар қаторида қаламга олинади. «Фақат шоҳлик мартабасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган беҳисоб кўп тождорлар орасида Акбарнинг чинакам мардана қиёфаси юксакка бўй чўзиб, ҳалигача бизни қойил қилиб келаётгани ҳайрон қоларти ҳол эмасми!», деб ёзади Ж. Неру.

Акбаршоҳ ҳақида 1601 йили ёзилган «Акбарнома» китобида мамлакатдаги солиқ тартиби ўз аксини топган. Акбаршоҳ томонидан ўтказилган ислоҳотлар «Ойини Акбарий» («Акбаршоҳ қонунлари») деб юритилади.

## **Бобурийлар давлатининг емирилиш сабаблари**

XVIII асрнинг бошларида ички низолар ва ҳукмдорлар ўртасидаги таҳт учун кураш авж олди. Ички сепаратизм қучайди, бунга асосан натурал хўжалик, майда ишлаб чиқариш, диний ҳамда ахлоқий номутаносиблик ва бошқалар сабаб бўлди. Европа мамлакатлари — аввал Португалия, Испания, кейинчалик Англия мустамлакачилик сиёсатини кенг олиб боришиди. Махсус жосуслар мамлакатдаги бирликни йўқотиш учун турли йўлларни қўллашган, сотқинлар катта иш олиб борган. Бу ҳол деярли барча Шарқ мамлакатлари учун хосдир. Ҳиндистонда эса диний тафовутдан фойдаланиб, катта бузгунчилик ишлари амалга оширилган. Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасидаги низолар атайлаб кучайтирилган. Хуллас, Ҳиндистон охир-оқибат Буюк Британия мустамлакасига айлантирилди ва фақат 1947 йилда мустақилликка эришди. Аммо диний фарқланиш туфайли янги давлат — Покистон, сал кейинроқ Шарқий Покистон пайдо бўлди, 1971 йили эса Бангладеш Ҳалқ Республикаси ташкил топди. Яъни, аввалги мамлакат ўрнида 3 та давлат вужудга келган, боз устига, Кашмир масаласи ҳали-ҳануз ҳал этилмаган.

## **Иқтисодий ислоҳотларга тасниф**

Бобурийлар томонидан олиб борилган ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ислом қонун-қоидалари асосида бўлган. Бу ислоҳотлар аввал Мовароуннаҳр, кейин Кобул ва Ҳиндистонда ўтказилган чора-тадбирларнинг мантиқий натижасидир.

Ҳозирги даврдаги олимларнинг фикри билан солиштирганда маълум бўладики, кўп тадбирлар асосан тўғри гоялар асосида амалга оширилган. Бобурийларда Ҳиндистон бирлигини сақлаш, бошқарув тизимини тартибга солишга ин-

тилиш катта бўлган, аммо бунга асосан Ақбаршоҳ даврида эришилган, қолган даврларда доимий урушлар бўлиб турган, бу эса иқтисодий ривожга салбий таъсир кўрсатган.

Солиқ сиёсати аҳолини мусулмонлаштиришга қаратилган, аммо кейинчалик ҳамма учун баробар қилиб қўйилган. Бу соҳада солиқлар тўгри тақсимланган, яъни очилган ерлар солиқдан 2—3 йилгача озод этилган. Бу тамойил ҳозир ҳам амалда қўлланади. Оқар сув ва кориз, чиғирлар билан суғориладиган ерлар солиги кам фарқ қилган. Умуман, солиқлар тизимиadolатли бўлган, дейиш учун асос бор. Шунингдек, хирож асосий солиқ тури бўлган.

Савдога алоҳида эътибор берилганлиги эътиборга лойиқ. Ўша даврда ҳам бу соҳанинг иқтисодиёт учун нақадар аҳамиятли эканлиги тушунилган. Ваҳоланки, савдо ишлаб чиқариш соҳаси эмас, у бойлик яратмайди, дегувчилар яқиндангина ўз хатосини тан олдилар.

Ўша даврда давлат иқтисодиётга фаол аралашганлиги шубҳасиз. Қонунчилик негизининг саёзлиги туфайли, амалиётда кўп бузилишлар бўлган ва шунинг учун қонунларни тартибга солиш керак эди.

Илм-маърифат ривожига катта эътибор берилган, фан тараққиёт омили эканлиги тўғри тушунилган. Ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берилган ва амалда муҳим ишлар қилинган.

\* \* \*

Бобур ва бобурийлар томонидан яратилган асарлардаги иқтисодий гоялар ва уларнинг амалда қўлланганлиги катта илмий, маърифий ва маънавий аҳамиятга молик. Бобурнинг «Бобурнома» ва «Мубаййин», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», «Ақбарнома» ва бошқа асарларда тарихий, географик, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар келтирилди. Улар асосида шу даврдаги иқтисодий гоялар ва уларнинг ҳаётдаги ўрни тўғрисида етарлича мулоҳаза юритиш мумкин. Бу асарларга доир асосий хуласалар шуки, ватандошларимиз бўлган бу сулола аслила ўзга бир юртда шундай бир ишларни олиб боришганки, улар юрт ва аҳоли фаронлиги учун ижобий натижа келтирган. Бу фикр фақат бизга тегишли бўлмасдан, кўпгина олим ва тадқиқотчи-

лар, мустақил Ҳиндистоннинг машҳур бош вазири Ж.Неру ва бошқалар томонидан эътироф этилган.

Бобурийлар испан, француз, инглиз босқинчилари сингари мамлакатни талаш, «бўлиб ол ва ҳукмронлик қил» шиоридан буткул бошқача тамойилларга асосланиб, халқчиллик, мамлакатни обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган эзгу фикр-ўйда бўлганлар ва амалда шунга қатъий риоя қилганлар. Улар ўз юртларидан олиму фузалоларни, моҳир уста ва ҳунармандларни таклиф этиб, Ҳиндистон ривожига катта ҳисса қўшганлар, бунга тарихий обидалар, ажойиб bogлар, ёдгорликлар ёрқин мисол бўла олади.

## ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ХУСУСИДА

XV—XVI асрлар жаҳон иқтисодий ва сиёсий тарихида муҳим ўзгаришлар даври бўлган. Европада ҳунармандчилик ривожланиб, оддий, кустар шаклидан цех ва мануфактурага айланди. Бундаги асосий фарқ шуки, аввалги пайтларда ҳунарманд ўзи, шогирди ёки оиласи билан бирга иш юритган, айрим пайтларда ёрдамчи ҳам бўлган. Янги шароитда эса устахона-корхона анча кенгайган, энг муҳими меҳнат тақсимоти кучайган, ёлланма ишчи кучи пайдо бўлди, оддийроқ қилиб айтганда, корхона эгаси маълум шартлар асосида — иш вақти келишилган, маош белгиланган ҳолда, одамларни хизматга жалб этган. Шу лаврдан аслида натурал хўжалик маҳсулот хўжаликка айланниб, капиталистик муносабатлар юзага кела бошлаган ва бунда қўл кучи асосий эди. XVIII аср ўрталарида «саноат инқилоби» рўй берди. ишлаб чиқаришга энди машиналар — техника кириб келди. Буг машинаси, тикув дасттоҳлари, пароход, паровоз, темир йўл ихтиро қилинди. Қишлоқ хўжалигига фермерчилик шакллана бошлади.

Аммо Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмигача эски муносабатлар ва анъанавий иқтисодиёт сақланиб қолди, бунинг сабаблари алоҳида талқиқотлар мавзусидир. Мамлакатимиз ҳудудида уч мустақил давлат ташкил этилди — Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари. Бу

ерда қишлоқ хўжалигида деярли ўзгаришлар сезилмаган ҳолда, шаҳарларда ҳунармандчилик соҳасида тараққиётни сезиш мумкин.

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, оддий уй ҳунармандчилигида цех тузиш асослари кузатилади, бу, биринчи навбатда, маълум соҳа бўйича ихтисослашувнинг кучайишидир. Ҳар бир йирик шаҳарда маҳаллалар ҳунармандларнинг касб-корига қараб номланган. Қозилик ҳужжатлари бўйича (олима Г.А.Аъзамова маълумотлари), Самарқандда XVI асрда 61 хил ҳунар бўлган. Мато тўқувчилар (боғандагон), рўмол тўқувчилар (чаҳор-гулбафон), салла тикувчилар (футабарон), бўёқчилар (саббафон), дегрезлар (оҳангарон), кулоллар (кулолгарон), пичноқсозлар (кордгарон), қоғозгарлар ва бошқалар. Бир қанча маҳсулотлар, айниқса, безак-зийнат буюмлари, эгар-жабдуқлар Булғору Чин (Хитой)гача етказилган, яъни экспорт қилинган.

Қишлоқ ва шаҳарлар ўртасида маҳсулот алмашуви, айирбошлиш аниқ бўлиб, кенг йўлга қўйилган. Бозор ривож топди, унинг тим, яъни усти ёпиқ, тоқи, чорсу шакллари мавжуд бўлиб, карvonсарой, масжид, мадраса, хонақолар ҳам бор эди.

Бухорода 60 турдаги ҳунар бўлган, уларнинг ичидаги янги соҳа вакиллари — найза ясовчилар, намат босувчилар, дурдгорлар бор эди. Заргарлар растаси (тоқи заргарон), саррофлар растаси (тоқи саррафон), мисгарлар растаси ва бошқалар машҳур эди. Тошкентда 45, Бухорода 50 га яқин, Самарқандда 25, Хива ва Қўқонда 10 тадан ортиқ карvonсаройлар бўлиб, улар улгуржи савдо маркази бўлган. Ҳуллас, мамлақатимиз доирасида бозор иқтисодиётининг барча элементлари мавжуд эди.

Ёлланма меҳнатга асосланган саноат тури — мануфактура тарихий маълумотларда кузатилмайди, аммо мантиқий таҳдил кўрсатишича, айрим соҳаларда саноатнинг мануфактура шакли мавжуд бўлган, деб тахмин этиш мумкин. Масалан, юқори малакали мутахассисларни ва сир сақлашни талаб этган қимматбаҳо олтин-кумуш пулларни чиқарувчи зархоналарда, айрим қурол-аслаҳа, ўқдори тайёрлаш корхоналарида, тоф-кон саноатида давлат мануфактуралари мав-

жуд бўлган, деб ҳисоблаймиз. Бу бизнинг шахсий фикри-  
миз бўлиб, мазкур соҳадаги тадқиқотларни давом эттириш  
зарур. Уларда деҳқон меҳнатидан фойдаланилган ва ишлар  
уй шароитида амалга оширилган.

Олимлар О.М. Аминов ва А.Х. Бобохўжаев фикрича,  
ҳунармандчилик ривож топган ҳудудларда, масалан, Мар-  
ғилон ва Самарқандда мануфактуранинг айрим кўриниш-  
лари бўлган. Шуниси эътиборга сазоворки, ҳунармандчи-  
ликнинг айрим соҳалари қишлоқ хўжалигидан ажралиб, мус-  
тақил ривожлана бошлаган.

Бухоро ва Кўқонда тўқимачилик, Кўқон ва Самарқанд-  
да қофоз ишлаб чиқариш ривож топди. Наманганда метал-  
лни қайта ишлаш соҳаси, Бухорода чўян буюмлар тайёрлаш  
тобора ўсиб борди. Кўқонда Маллахон даврида (1858—1862)  
замбарак тайёрловчи корхонага асос солинди. XIX асрнинг  
20-йилларида гина мануфактура шаклидаги тўқимачилик маҳ-  
сулотларини тайёрловчи айрим корхоналар вужудга кела  
бошлади.

Капиталистик муносабатларгача бўлган даврда, цех ти-  
зимиға оид низом — «рисола»лар мавжуд эди. Рисолада,  
қоидаларга амал қилинганда берилажак мукофотлар ва  
аксинча, қоидани бузганларга жазо чоралари белгилан-  
ган эди.

Ўрта Осиёда мануфактура саноатига анча яқин корхона-  
лар бўлган. Масалан, 1841 йили Бухорода чўян қуядиган 6  
та заводча бўлиб, ҳар бирида 2 тадан горн (ўчоқ) ишлаб  
турган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари ва зам-  
бараклар учун ядро-ўқлар тайёрланган. Бу соҳада ҳали қатъ-  
ий меҳнат тақсимоти йўқ эди, қул ва қўл меҳнатидан кенг  
фойдаланилган, бир корхонада бор-йўғи 4—5 киши ишла-  
ган, ишчилар синфи шаклланмаган.

Савдо саноатдан ажралмаган ҳолда иш юритган, дўкон-  
лар одатда хонаки корхона қарамогида, унинг ёнгинасида  
жойлашган, солиқ тизими ҳам ҳар икки соҳа учун бир хил  
эди.

## **ХИВА ХОНЛИГИ: ИҚТИСОДИЙ ҚАРАПЛАР СИЛСИЛАСИ**

### **Хива хонлигига бир изоҳ**

Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган уч хонликнинг ҳар бири уч дарё билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу тушунарли, чунки иқлим шароити шуни тақозо этади. Хива хонлиги Амударё, Бухоро амирлиги Зарабшон, Кўқон хонлиги Сирдарё ва унинг ирмоқлари доирасида ривож топган.

Туркистон ўлкасидағи энг серсув ва йирик Амударёни юонон ва римликлар Оксус ёки Оксос, араблар Жайхун, ерли ҳалқлар дастлаб Ўкуз, Балх, Вахш, сўнгра Амул деб атаганлар. Хоразм воҳаси ва Хива хонлиги ҳаётида бу дарё муҳим ўрин эгаллади.

Араб саиёҳи, географ ибн Баттута (1304—1369): «Хоразм ёнида Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё жаннатдан бошлиғидан тўрт наҳрнинг биридир», деб ёзди ўз «Саёҳатномаси»да. Бу китобда, шунингдек, Амударёнинг қишида музлашиби, ёзда эса кемаларда то Термизгача сузиб бориб, у ердан буглой ва сули олиб келингани, бунга 10 кун кетиши айтилган. Ибн Баттута, ҷарҳпалактар ёрдамида сувлар юқорига кўтарилиб, экинлар сугорилганини ўз кўзи билан кўрган.

Ўлқада ер ва сув бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган. Буни ҳалқ мақолларида яққол сезиш мумкин. «Ер сув билан тирик», «Ер — хазина, сув — гавҳар», «Ер ота бўлса, сув ғамхўр она» дейди ҳалқимиз. Ҳалқ ҳўжатигида ер асосий ишлаб чиқариш омили сифатида қаралган («Ерни алдаб бўлмайди», «Ер тўйса — эл тўяди»). Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамизда ҳозирги даврда ҳам қишлоқ ҳўжалигига соҳасида 30 фоиз бойлиқ яратилиди.

Демак, сув намлиқ манбаи, транспорт воситаси, шу билан бирга, балиқчилик маконидир. Бундан ташқари, оқар сувлар билан лойқа, кимёвий моддалар, айниқса, оҳак ва қалий келтирилиб, ерларни табиий ўғитлантириш рўй беради. Бу жиҳатдан Амударё дунёдаги энг «фойдали» дарё бўлган. Дарёнинг яна бир ажойиб хислати шуки, унинг сув режими сугориш лаври билан ҳамоҳантдир. Яъни, июль — август ойларида экинларга, масалан, гўза ва бошқаларга

сув энг кўп керак бўлган пайтда сув кўп келади, чунки у Помир тоғларидаги музликлардан ҳам тўйинади, музликларнинг эриши эса ҳаво ҳароратига боғлиқдир.

Сувнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, балиқчиликни ривожлантириш йўли билан озиқ-овқат масаласини қисман ҳал этиш мумкин эди. Хоразмликларда «Кунда қатиқ, ҳафтада балиқ» деган ажойиб мақол мавжуд. Унинг маъноси кенг бўлиб, замирида бир томондан иқтисодий, иккинчи томондан тиббий маъно зоҳир, чунки қатиқ ва балиқда инсонлар учун керакли моддалар мавжуд. Масалан, балиқда фосфор моддаси кўп ва у инсон учун жуда зарур.

Бу дарё иқтисодий аҳамияти туфайли бир неча бор сиёсий оқимлар гирдобига ҳам дучор бўлган. Беруний «Амударё тарихи» асарида ёзишича, дарё қуи ва ўрта тўртламчи даврда Коракум орқали ўтиб, Каспий денгизига қўйилган, тоғлардан сув оқими билан келтирилган оқизиқларнинг ётқизилиши натижасида қумлар таркиб топган. Юқори тўртламчи даврда ҳозирги ўзани бўйича оқа бошлаган. Кейинчалик дарё оқими бир неча бор ўзгарган. Милоддан аввалги III ва II минг йиллар орасида Орол денгизига қўйилган.

XIII асрда мўғул босқинчиларининг Хоразм давлатига ҳужуми даврида, марказни сувдан маҳрум қилиш мақсадида, чап қирғоқдаги дамба ва тўғонлар атайлаб бузиб ташланган. Оқибатда дарёнинг асосий сувлари Сариқамиш қўлига оқа бошлаган. Кейинроқ тўғон ва дамбалар халқ кучи билан тикланган ва сув яна Оролга йўнатган. XIV асрда ўзаро урушлар сабабли дарё яна Каспий томонга оққан, фақат XVII асрдагина яна Оролга қўйилган. XVIII—XIX асрларда дарё оқимининг бир қисми Сариқамишга оққанлиги тарихий манбаларда қайл этилган. Иқтисодий ҳаёт «сув учун кураш» билан боғлиқ эди ва доимий жараён бўлган. Одатда дарёнинг юқори ва қуи оқимидағи давлатлар, халқтар ўзаро келишмовчилек туфайли шундай низоларга боргандар. Олиб борилган нотўғри сиёсат ва давлатларнинг ўзаро номутаносиб хатти-ҳаракати туфайли Орол фожиаси келиб чиқди.

Зарафшон дарёсидан сув ичадиган Самарқанд ва Бухоро ўртасида можаролар кўп марта бўлган. Айниқса, дарёда сув миқдори камайган йиллар кескинлик кучайган.

**Худди Нил дарёси Миср учун, Фрот ва Дажла дарёлари** Месопотамия учун қанчалик улкан манфаат келтирган бўлса, Амударё ҳам Хоразм ва унинг атрофидаги жойлар учун ҳаёт-мамот омили бўлган. Дарё ўлканинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожи асоси эди. Маъмун академиясининг ҳам шу ерда ташкил этилиши тасодифий бўлмаган, албатта. Ана шу ҳудуддаги барча жараёнлар сугориш билан узвий боғланган. Бу воҳанинг сугорилиши, иқтисодий тарихи билан С.П. Толстов, Я.Ф. Фуломов, Б.В. Андрианов каби кўпгина олимлар шуғулланганлар. Уларнинг айрим ғояларига тўхталсак.

Шу шароитни яхши тушуниб етган олим Яхё Фуломов биринчи ўзбек тадқиқотчиси, тарихчи археологи сифатида шу воҳанинг сугорилиш тарихини ўрганиш бўйича Хоразм археологик экспедициясини ташкил этди ва бошқарди. Ноёб қадимги қўллэзмалар, кўп йиллик қазилмалар материаллари, моддий ашёлар, этнографик, картографик ва кейинчалик аэрофотометрик кузатувлар натижасида мукаммал илмий тадқиқот юзага келди (Я.Ф. Фуломов. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. — Т.: «Фан», 1959).

Кейинчалик академик бўлган Я. Фуломовнинг илмий тадқиқотларида Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм ерларининг сугорилиш тарихи масалалари мукаммал ишлаб чиқилган. Дастребаки мақола ва рисолаларда асосий эътибор ирригациянинг пайдо бўлиши, сунъий ирригацион иншоотлар, сугориш техникаси ва шу ишлар билан боелиқ бошқа масалаларга қаратилган, кейинги асарларда сугорилган ерлар майдони, ареали, қўлами, суформа деҳқончиликнинг юксалиш ва тушкунликка тушиши билан бөглиқ муаммоларга ҳам катта эътибор берилган. Шу ва бошқа илмий ҳамда амалий муаммоларни ҳал этиш мақсадида, олим ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти қошида «Ўзбекистоннинг сугорилиш тарихи» сектори очилган эди. Бу секторда олимнинг бир қанча ўйлаган ғоялари ўз ечими ни топди.

Ана шундай муаммолардан бири — илгари равнақ топган ҳудудларнинг аста-секин тушкунликка тушиши сабаблари эди. Я. Фуломов ва бошқа олимларнинг ҳисоб-китоб-

ларига кўра, фақат Оролбўйида 5—5,5 миллион гектар ер сугорилиб, мамлакат ривожи таъминланган. Чунки миришкор, меҳнаткаш бободеҳқонларимиз, халқ орасидан чиқсан моҳир мироблар энг қадимги даврлардан бошлаб булок, чашма, сой, дарё сувларидан фойдаланиш йўлларини яхши билишган. Деҳқончилик шундай усувлар билан олиб борилганки, мавжуд ер ва сув имкониятлари тежаб-тергаб ишлатилган ва юқори натижаларга эришилган.

Олимнинг юқорида қайд этилган бош асарида, ниҳоятда кенғ ва чуқур мавзу — қадимги қўллётмалар, археологик, картографик маълумотлар, қазилмалар, этнографик материаллар, халқ оғзаки ижоди, шахсий кузатувлар ва бошқалар асосида, сунъий сугоришнинг вужудга келиши, ривожланиши, ирригация техникаси ва обод ерларнинг чўлу биёбонга айланиш масалалари ҳар томонлама чуқур илмий таҳдил этилган. Олимнинг шу ва бошқа асарларидаги сугоришнинг ҳар томонлама қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Я. Фуломов асарларидан шу нарса очиқ-оидин кўриниб турибдики, миришкор деҳқонларимиз шундай чора-тадбирлар қўллашганки, унда ернинг унумдорлиги сақланган ёки ошиб борган. Ер техника омилидан кескин фарқ қиласди, агар техника эскирса, у бутунлай ташлаб юборилади, яхши муомала қилинса, ер доимо яхшиланиб бориши ва абадий хизмат қилиши мумкин ва аксинча. Бунга Орол муаммоси яққол мисол бўла олади. Ўтмишда сугориш билан бирга, мелиорация усувлари ҳам ҳисобга олинган ва муттасил мўл ҳосил олишга эришилган.

Мелиорациянинг халқ усувлари — биринчи навбатда, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, тўғри алмашлаб экиш, дарахтзорлар барпо этиш ва зовур, захбур, захкаш, совун, зигоркаш сингари мелиоратив иншоотлар ўтказиш билан боғлиқ эди. Чунки хотўгри сугориш оқибатида ерлар зах босиб ботқоқлашган, айрим ерлар шўрланган, чор атрофда қамишзорлар, тўқайлар пайдо бўлиб, чивинлар кўпайиб, бод, безгак ва бошқа касалликлар тарқалган. Иморат ва бошқа обидаларга, коммуникацияларга зиён етган, экинлар қуриб қолган, оқибатда табиий мухитнинг экологик ҳолати салбий томонга ўзгарган. Олимнинг бу назарий хуносалари амалда тасдиқланди.

Асарларда, экологик мувозанатнинг бузилиши фақат инсонларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмасдан, бундай салбий ўзгаришлар мамлакатлар ичидаги сиёсий ҳаракатлар ёки давлатлараро нохушликлар оқибатида ҳам бўлиши мумкин, дея таъкидланган. Ўзаро келишмовчиликлар, сугориш иншоотларига бефарқлик туфайли, катта-катта сугорилган майдонлар саҳроларга айланганлиги кўплаб мисоллар асосида исботлаб берилади. Чунки кўпгина сув шоҳобчалари, дарё ва сойлар бир неча давлат ҳудуди орқали ўтади, ўртада табиий мутаносиб келишув бўлмаса, оқибати салбий бўлади, ҳатто, тарихда «сув урушлари» бўлиб турган. Шу сабабли бу соҳада оқил сиёсат олиб бориш даркор. Масалан, Сирдарё Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозогистон орқали, Амударё эса Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудлари орқали ўтади. Африкадаги Нил дарёси (дунёдаги энг узун дарё — 6671 километр) 6 мамлакат — Руанда, Танзания, Уганда, Судан, Жанубий Судан ва Мисрни кесиб ўтган. Яқин Шарқда ҳам шундай муаммо мавжуд. Ўз даврида Самарқанд ва Бухоро ўртасида Зарафшон дарёси сувини тақсимлаш ҳам осон кечган эмас. Тарихда бундай мисоллар кўп.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мамлакатда давлатлараро осойишталиқ, ҳамжиҳатликнинг сақланиши ривожланишининг бош омилларидан биридир. Олимнинг бу фикри нақадар тўғри эканлигини кўп минг йиллик ва ҳозирги замон тажрибаси тўла-тўқис тасдиқламоқда. Йирик иқтисодчи олимлар фикри бўйича ҳам, тараққиётнинг бош омили тинч-осойишталиkdir, чунки биргина уруш, инқилоб ёки тўс-тўполон бутун авлоднинг ишини пучга чиқариши мумкин. Ҳудди шунингдек, мўгуллар ҳужуми даврида мамлакат, жумладан, Хоразм ерлари ҳаробага айланди. Амударёнинг Сариқамиш ботигига қараб оқиши эса, Гурганж шаҳрининг хонавайрон бўлишига олиб келди. Бу ҳодиса мамлакат ривожини кўп асрлар ортга сурди.

Деҳқончиликда тўғри алмашлаб экишнинг зироатчилик ва экология учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор берилади. Айниқса, беда, донли экинлар муҳим ўрин эгаллаган ва барча экинларнинг 50 фоизини ташкил этган. Негаки, бу усул ерларнинг табиий унумдор-

лигини қайта тиклашда, тупроқ таркибини яхшилашда ҳамда ўсимлик касаллеклари ва зааркунандаларига қарши курашда муҳим роль ййнаган. Айниқса, Хоразм миришкорлари беданинг мелиоратив хусусиятини яхши англашган. Улар ўша даврларда ётиширирган беда уруғлари фаяқат Туркистон ҳудудларида эмас, хорижда ҳам машҳур бўлган. Хоразмда етиширилган беда уруғи Россиянинг Оренбург шаҳри орқали, Италия, Германия, АҚШга олиб бориб сотилган. Ўша даврда беда уруғи буғдойдан икки баробар қиммат турган. Пахта — беда — дон каби алмашлаб экиш усули илмий жорий этилган эди. Бу усул чорвачиликнинг ривожланишига олиб келган. Озиқ-овқат масаласи ҳал этилган, тупроқни ўғитлаш ишлари амалга оширилган.

Я.Фуломовнинг асарларида ирригация техникаси масалалари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўша даврдаги қурилмалар керакли сувни зарур майдонларга етказиш, маълум вақт миқдорида сақлаш учун шарт эди. Бизнинг фикримизча, бу қурилмалар катта ирригацион ва энг муҳими, мелиоратив, демак, экологик аҳамият касб этади. Бу иншоотлар бир вақтнинг ўзида турли хил вазифаларни бажаради. Ана шундай қурилмалардан бири чиғирдир.

Олим фикрича, Хоразм сугорилиши тарихида чиғирлар V—VI асрларда пайдо бўлган ва ҳалқ хўжалигига муҳим ўрин эгаллаган. Чиғир дарё, канал ва ҳатто қудуқлардан, ер остидан сувни юқорига чиқариб сугоришда кенг қўлланилган иншоотдир. Чиғир оқар сув ёки ишчи ҳайвонлар — от, туя, хўқиз, эшак ёрдамида ҳаракатга қелтирилган. Сув бир неча метр пастликдан юқорига кўтарилиб, керакли жойга ўз оқими билан борган. Шу усул билан сугориш кафолатли ва самарали деҳқончиликни таъминлаган, мелиоратив ва экологик аҳамият касб этган.

Чиғир билан сугорилган ерларда бошқа майдонларга нисбатан ҳосил кўп олинган. Бундай сугориш усулида 30—50% сув тежалган ва деҳқончилик маданияти бирмунча юксалган. Шўролар даврида, 1930 йиллари эса бу усул эскирган дейилди ва бекор қилинди, насослар билан сув олишга ўтилди ва қисқа вақт ичиде Хоразм вилояти, Қорақалпогистон Республикаси ерларини 100 фоиз шўр босди. Са-

баб шуки, ортиқча сув тупроқни ишдан чиқаради. Бу эса ҳосилдорлик камайишига, сувнинг сифати пасайишига, атроф-муҳитнинг кескин ёмонлашувиға (чивинлар, ботқоқликдан күтарилиган буғлар) олиб келди. Орол денгиз сатхининг кескин пасайиши ҳам шу каби сабаблар туфайли рўй берганлиги аниқ. Орол денгизига оқиши керак бўлган сувлар янги кўлчалар пайдо бўлиши ва ер ости сувларининг юзага яқинлашуви ҳисобига катта ташвиш келтириб чиқарди. Шу ва бошқа сабаблар туфайли, чигир билан сугорила-диган ерларнинг баҳоси анча юқори бўлган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чигирлар асосидаги тик зовурлар тизими ҳозирги даврда етакчи суформа дех-қончилик мамлакатлари — АҚШ, Ҳиндистон ва Покистонда кенг қўлланимлана.

Сўнгти йилларда бу ҳолатларга барҳам бериш зарурати тушунилди ва эндиликда, сувни тежаш технологияларига ўтилиб, бутунлай ташлаб қўйилган коллектор-дренаж тизими тартибга солиниб, тўғри қилинмоқда. Мавжуд ерларнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий жиҳатдан янги ерларни очишга нисбатан камида икки баробар арzon туради.

Иrrигация ва мелиорация Ватанимиз учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли — мамлакатимиз аҳолисининг деярли 65 фоизи қишлоқларда яшайди, шу соҳа мутахассисларининг нуфузини, салоҳиятини етарли даражага кўтариш зарур. Хоразм Маъмун академияси тадқиқотларида шу масалаларга алоҳида урғу берилган. Чунки бу халқнинг моддий турмушини юксак даражага кўтаришнинг мақбул йўлларидан биридир.

Шу билан бирга, Я. Фуломовнинг бир қанча китоблари ва илмий мақолаларида атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар, ғоялар, халқимизнинг ажойиб урф-одатлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади. Шулар орасида истрофарчиликнинг ёмон оқибатлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Хоразм диёрида 2700 йил илгари пайдо бўлган «Авесто»да табиат, ҳайвонот дунёсини асраш, ерларни сугориш, уларни яхшилаш ғоялари келтирилади. Айниқса, кейинги йилларда чучук сувга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

Шу сабабли сувни асрараш ва ифлос қилмаслик бугуннинг талабидир. Чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун, сугоришнинг томчилатиб, тупроқ остидан суғориш усулларини кенг қўллаш талаб этилади. Бу усул Исрорилда яхши самара бермоқда.

Я. Ўуломов ижодида Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимизнинг биз учун қолдирган ёдгорликлари, осори ати-қаларини асрар-авайлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлод учун қолдириш муҳим ўрин эгаллади. Ўз даврида ажойиб халқимиз томонидан бунёд этилган, аммо кейинчалик гўёки кераксиз, деб бузиб ташлашлар нақадар ачинарли оқибатларга олиб келганига неча бор гувоҳ бўлганимиз.

Энди эса, хонликнинг ўзи тўгрисида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Хива хонлиги (1512—1920) Ватанимиз ҳудудида ташкил топган дастлабки мустақил давлатдир. Уни 1512 йилда ўзбеклар хони Элбарсхон тузган. Унга Хоразм, шунингдек, Манғишлоқ, Деҳистон, Узбой бўйидаги туркманлар кўчиб юрувчи ҳудудлар ҳамда Хурсоннинг шимолий қисми кирган. Пойтахти Вазир, кейинчалик Урганч ва Хива бўлган. Улар бир неча бор Бухоро хонлиги, Эрон томонидан босиб олинган ва мустақиллик учун курашишга тўғри келган.

1804 йилдан бошлаб хонлик таҳтини Кўнғирот ўзбекларининг сулоласи расмий равишда эгаллади. Муҳаммад Раҳимхон даврида (1806—1825) хонлик бутунлай бирлаштирилди. Девони олий таъсис этилиб, янги солиқ ислоҳоти ўтқазилди, божхона ва зарбхона ташкил этилди, натижада давлат даромади кўпайди. Марказий ҳукумат мустаҳкамланди, мамлакатнинг ички аҳволи анча яхшиланди, турли ҳунарлар ривожланди, шаҳарлар савдо марказига айланди, хориж савдогарларини кўп кузатиш мумкин эди. Хонлик ташкил этилиши билан давлат ишларини ўзбек тилида юритиш жорий этилган, яъни ўзбек тили давлат тилига айланган.

Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланган. Ердан фойдаланишнинг асосан 3 хил шакли: мулк ерлари (кишилар қўлидаги хусусий ерлар), подшолик ёки амлок ерлари ва вақф ерлари мавжуд эди.

Одамлар ерларни Амударё суви ёрдамида каналлар орқали сугориб, дехқончилик қилишган. Кейинги йилларда янги сугориш иншоотлари қурилган. Бутун ирригация тизими хон ва феодаллар қўлида эди.

Хонликда турли солиқ ва ўлпонларнинг 25 тури бўлган. Ҳунармандчилик ривож топди, бу ерда металлни қайта ишлайдиган асосий устахоналар жойлашган. 1873 йили хонликка уч томондан рус қўшиналари ҳужум қилиб, Хива эгалланди ва Гандамиён шартномасига кўра, хонлик Россия васалига айланди. 1920 йили Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси тузилди, давлатнинг миллий чегараланиши оқибатида 1924 йили унинг бир қисми Ўзбекистон ва Туркманистон таркибиға кирди.

### **Огаҳий: салтанатни иқтисодий бошқаришга оид йўл-йўриқлар**

Ана шундай бир шароитда пайдо бўлган иқтисодий гояларнинг мазмуни ва моҳияти аҳамиятлидир. Шуниси диққатга сазоворки, хонликнинг аҳолиси ўзбеклар (64,7 фоиз), туркманлар (26,8 фоиз), қорақалпоқлар (3,8 фоиз), қозоқлар (3,4 фоиз) ва бошқа ҳалқлардан иборат эди. Шуларга мос равишда гоялар ҳам вужудга келган.

Огаҳий (тўлиқ исем-шарифи Мұхаммадизо Эрниёзбек ўғли, 1809—1874) — шоир, тарихчи, таржимон бўлган. У мироб оиласида туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг сұхбатларида иштирок этган. Шарқнинг классик асарлари, айниқса, Алишер Навоийнинг ижодини қунт билан ўргангандан.

1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825—1842 йй.) Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огаҳий ҳалқ ҳаёти ва сарой ишлари билан шуғулланган. Айниқса, мамлакат учун сувнинг аҳамияти беқиёс эди ва бу соҳага раҳбарлик катта масъулиятни талаб этган.

Огаҳий ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси жабҳага мурожаат қилмасин, ҳалқ гамини четлаб ўтولмади.

Шоир ва тарихчи Огаҳий ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирган, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, баҳо берганда, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган.

Огаҳийнинг «Риёз ул-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—1846), «Жомеъ ул-воқеоти Султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865) «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон (1843—1846), Муҳаммад Аминхон (1846—1855), Сайд Муҳаммадхон (1856—1864), Муҳаммад Раҳим II (1864—1910) ҳукмронлиги даврларида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан иқтисодий муносабатлари, бошқа тарихий воқеалар акс этган.

Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суюрилган ғояларига хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбияси таъсир қилган. Огаҳий тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга багишлаб қасидалар ёзган. Унинг «Қасидаи насиҳат» асари Ферузга багишиланган.

У ўз панд-насиҳатларида салтанатни иқтисодий бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради. Асар қасида жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-маърифий ва иқтисодий қарашлари ёрқин акс этган.

Огаҳий ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиётни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шижаатли, адолатли, файратли, саҳоватли, ҳаёли, соғ ниятли, маданиятли, аҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимиёти камол топади, мамлакати, халқи фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради.

Огаҳий давлатни бошқариш йўлларини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва гийбатдан, гафлат-

дан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, мол-парастликдан узоқ бўлиши керак. Бу Форобий ғоялари билан ҳамоҳангдир.

Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўгрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзоналарга қўйдирган ва кўп эзгу ишларни амалга оширган. Шу боис ҳам Огаҳийнинг тарихий асарлари бадиий наср сифатида ҳамда XIX аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қўмматлидир.

Огаҳий «Равзат ус-сафо» (Мирхонд), «Тарихий жаҳонкушойи Нодирий» (Муҳаммад Маҳдий Астрободий), «Бадоеъ ул-воқеъ» (Восифий), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Фиждувоний), «Тазкираи Муқимхоний» (Муҳаммад Юсуф Мунший), «Қобуснома» (Кайковус) ва бошқа тарихий-бадиий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрый йўл билан, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхоналарга тушунарли тарзда таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Шоҳу гадо» достонларини эса байтмабайт таржима қилиб, аниқ ижодий таржима намунасини яратган.

Огаҳийнинг мироб лавозимида ишлагани муҳим аҳамият касб этади, чунки мавжуд сувлардан тўгри ва оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш керак. Халқда «Отанг мироб бўлса ҳам, еринг сув бошида бўлсин», деган мақол бор, чунки сугориш маълум навбат билан юқоридан кўйига қатъий қоида асосида олиб борилиши қаттиқ назорат қилинган, акс ҳолда норозилик, тўс-тўполон келиб чиқсан. Шу сабабли Хоразмда азалдан мироб вазифаси жуда масъулиятли бўлган. Огаҳий ота мерос бу ишни яхши ўрганиб, амалда ўринлатиб бажарган.

Олимнинг давлат ва иқтисодиётни бошқариш, халқнинг моддий турмушини яхшилашга оид ғоялари аҳамиятли бўлиб, ҳозирги давр тили билан айтганда, уларда менежмент масалалари ёритилган. Огаҳий «Ўн қўшчига бир бошчи» деган халқ мақолининг нақалар тўгри эканлигини яхши тушунган ва унга амал қилишни тарғиб этган.

## **Бердақнинг ижтимоий-иқтисодий фикрлари**

Бердақ қорақалпоқ адабиёти асосчиси ва шоири бўлиб, 1827—1900 йилларда яшаб ижод этган. Унинг асл исми Бердимурод Қарғабой ўғлиди.

Унинг асарларида иқтисодий foялар ҳам анчагина. Тадқиқотчи Ҳ. Собиров шоирнинг ижодини қунт билан ўрганиб, ҳалқнинг оғир аҳволи шоир асарларидан кенг ўрин олганлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, Бердақ об-ҳавонинг ёмон келиши туфайли рўй берган воқеани қуидагича ифодалайди:

Вақт ўтганда экин эқдик,  
Изғиринда қовун тикдик.  
Охири итқовун едик,  
Ёмонликка тушди бу йил.

«Дард устига чипқон» дейилганидек, ана шу йилларда ҳосил устига чигиртка ёпирилиб, далаларни шип-шийдан қилиб кетганлиги ҳам маълум. Шеърда деҳқончилик иши осон эмаслиги уқтирилади.

Адабиётшунос Б. Қурбонбоевнинг ёзишича, «Бунинг устига, кўл-кўлмакдан емиш ахтариб чиққан тўнғизларнинг экинларни пайҳон этиши туфайли очарчилик ҳам бошлануб кетади».

Қишлоқ хўжалигига мавжуд бўлган бу ҳолат ҳаддан ташқари муракқабликларга сабаб бўлган. Боз устига, Хива хонлигига жорий қилинган янги солиқ тизими вазиятни янада кескинлаштиради.

Хива хонлигига қорақалпоқларга нисбатан ер солигининг «таноб» усули эмас, «солиги кетма» усули жорий қилинган эди. Бунда солиқ кадастр асосида ўлчангандан ер миқдорига қараб эмас, балки маҳаллий ҳокимият, оқсоқоллар томонидан бирга кам, бирга кўп миқдорда белгиланарди. Солиқ миқдори эса йил сайин ортиб борарди. Йирик ер эгалари кам, камбағал деҳқонлар эса кўп миқдорда солиқ тўлаган. Солиқ миқдори хўжаликлар ўртасида чамалаб тақсимланган.

Қорақалпоқ эли ҳар йили 20 минг танга миқдорида хон хазинасига ер солиги тўлаган. Бундан ташқари, чорва

моллари, ҳунармандлардан қўшимча солиқлар ундирилган.

Бердақнинг «Солиқ» деган шеъри иқтисодий фикрлар тарихида ўзининг мазмуни, сиёсий ва иқтисодий йўналиши жиҳатидан жаҳон адабиётида учрайдиган шу мавзудаги шеърлардан қолишмайди. Лекин бу шеърнинг устунлиги шундаки, унда оғир солиқларнинг халқ иқтисодий ҳаётига салбий таъсири бадиий тимсолларда яққол ифодалаб берилган. Бу жиҳатдан Бердақнинг «Солиқ», «Бу йил», «Яхшироқ» номли шеърларини ҳозирги кунларда яратилаётган иқтисодий тафаккур тарихи дурдоналари сарасига киритиш мумкин.

«Солиқ» шеърида эса солиқ миқдорининг ҳар йили ошиб бориши қўйидагича тасвирланган:

Бултургидан яна ёмон,  
Қандай бўлди бу шум замон.  
Камбағаллар қолмай омон.  
Ўн тилладан келди солиқ,

Халқнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашаётганини кўриб турган ҳолда, солиқ йиғувчилар даромаднинг камида тенг ярмiga шерик бўлаётгандари қўйидагича тасвирланган:

Буни солди Нуримбет «жон»,  
Буйруқ берди оталиқ хон.  
Халқ бўлсин деб хонавайрон,  
Ўн тилладан келди солиқ.

Солиқлар айниқса энг камбағал деҳқонларга оғир тушади. Бу борада берилган ўхшатиш жуда ўринли ишлатилган:

Менга ҳеч гап, эшагим бор,  
Сотиб бераман бир бозор.  
Аттанг, шўрлик оч Эрназар,  
Унга қийин бўлди солиқ.

У фақирнинг нарсаси йўқ,  
Кошки қорни бўлсайди тўқ.  
Ҳаттоқи бир товуғи йўқ,  
Довдиратти уни солиқ.

Бердақ ўз шеърларыда аёлларнинг иқтисодиётда тутган ўрнига ҳам муносиб баҳо беради, уларни ҳалқ ишига тинмай, ўз меҳнати билан ҳисса қўшишга чақиради.

Унинг «Қизимга насиҳат» шеърида қуидагиларни ўқиймиз:

Ночорман деб мунгайма ҳеч,  
Ҳалқинг учун жонингдан кеч.  
Шундагина оласан ўч,  
Душманингдан, хурлижоним.

Олим Б.Курбонбоев, ўз замонасидаги бошқа шоирларга нисбатан Бердақнинг ижодидаги муҳим янги йўналишлардан бири, бу Гобсек (Бальзакда), Қори Ишкамба (Айнійда) каби салбий тимсолларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашдир.

Бердақ, ҳукмдорлар ва ҳақиқий инсонлар ҳалқ учун хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. «Ҳалқ учун» шеърида айтилганидек:

Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,  
Ҳар доим сен қилғил хизмат ҳалқ учун.  
Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,  
Жонини фидо қиласар фақат ҳалқ учун.

### **Мунис Хоразмий ва Баёний асарларида ифодаланган ҳалқ турмуши**

Мунис Хоразмий (асл исми Шермуҳаммад Авазбий ўғли, 1778—1829) — ўзбек шоири, тарихчи, таржимон, ҳаттот, маърифатпарвар. Дастробки маълумотни тугилган қишлоғи — Қиётда олган, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиган. 1800 йилда отаси вафот этгач, Хива хони Аваз Иноқ Мунис Хоразмийни саройининг фармоннавис котиби қилиб таинилайди.

Мунис Хоразмий замонасининг машҳур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлиб, билими, салоҳияти ва куч-қувватини шеъриятга, илм-фан ва маърифатга багишлади. 1804 йилда биринчи шеърлар девони — «Девони Мунис»ни яратди. 1806 йилда Элтузархон Мунис Хоразмийга Хива хонлиги тарихи тўғрисида китоб ёзишни топ-

ширган. Бироқ ўша йили Элтузархон фожиали ҳалок бўлади. Мунис Хоразмий китобни давом эттиради ва 1819 йилда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боги») китобини таржима қилишни бошлайди. Аммо китобнинг биринчи жилдини таржима қилишга улгура олади. Шоир бу икки асарни ҳам тугатолмай вафот этади.

Унинг «Фирдавс ул-иқбол» асарини ва «Равзат ус-сафо» таржимасини шогирди Огаҳий ниҳоясига етказди. «Фирдавс ул-иқбол»да кўпроқ тарихий воқеаларнинг бадиий тасвири, тарихий шахслар портрети яратилган, шеърий парчалар берилган.

Мунис Хоразмий ўз давридаги юрт учун аҳамиятли сугориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир «Орналар» (орна — канал, анҳор) номли рисола ҳам ёзган. Бу рисола XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги дехқончилик билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда сугориш иншоотларининг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти яхши ёритилган. Ҳамма соҳада, хусусан, иқтисодиётда инсоний хусусиятлар устувор эканлиги таъкидланади.

Мунис Хоразмийнинг асосий адабий мероси 1815—1820 йилларда тузилган «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони газал, муҳаммас, қасида, рубойй, қитъа ва бошқалардан иборат бўлиб, 80.000 дан зиёд мисрани ўз ичига олган. У хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, 1880 йилда Хива тошбосмахонасида чоп этилган.

Мунис Хоразмий шеъриятида ҳалқчиллик, тараққийпарварлик гоялари кенг ўрин тутади. «Сўз» ва «Шуаро» каби шеърларида илм-фан, санъат ва адабиётни тарғиб қиласиди, олимлар ва санъаткорларни юксак қадрлайди. Унинг «Саводи таълим» шеърий рисоласи (1804) эса, савод чиқаришни енгиллатиш ва ҳусниҳат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишлиланган.

Баёний (асл исми Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли, 1858—1923) — ўзбек шоири, тарихчи, мусиқашунос, хаттот ва таржимон.

Баёний ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» тарихий-мемуар асари билан Мунис ва Огаҳий бошлаган ишни давом эттирган. Бунда Ёғасдан Кўнғирот уруғигача, Абдулғозий

Баҳодирхондан Асфандиёрхонгача ўтган хонларнинг ҳукмронлик даври ёритилган. «Хоразм тарихи» асари эса, «Шажараи Хоразмшоҳий»даги воқеаларни тўлдирган. Асарнинг аввалги боблари маъно жиҳатидан «Шажараи Хоразмшоҳий»га ўхшаб кетган. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қиласи. Асарда асосан Асфандиёрхон ҳукмронлиги даври ва ундан кейин рўй берган воқеалар тасвирангган. 16 бобдан иборат бу асарнинг 8 боби бизгача етиб келган.

Баёнийнинг ҳар икки тарихий асарида иқтисодий ҳаётга оид жуда кўп қумматли маълумотлар бор. Жумладан, Хива хонлигининг Бухоро ва Кўқон хонлиги ҳамда хонликка қўшни бўлган бошқа мамлакатлар билан савдо-дипломатик муносабатлари, ҳар хил солиқлар, Хоразмда яшаган олим ва шоирлар, шаҳарлар ҳаёти, дәҳқончилик ишлари тўғрисида бой маълумот берилган. Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида 1873—1914 йиллар оралиғидаги воқеаларни холисона ёритади.

Баёний маълумотларига қўра, ўша даврдаги солиқ миқдори 2 миллион 100 минг манат қилиб белгиланган, унинг 300 минг манати ёвмутлар уруғи (туркманлар) ҳиссасига тушган, аммо Хоразм хони томонидан тўплланган.

У шундай ёзади: «Тарих китобини ёзишнинг бир шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди». Тарихчилар учун ниҳоятда мақбул, зарур жиҳатлар бу.

\* \* \*

Хива хонлигининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, аҳолиси кўп миллатли эди, иқтисодиётida сугорма дәҳқончилик етакчи ўрин эгаллаган, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган.

Ўша давр мутафаккирларининг қарашларида ҳам сугорма дәҳқончилик масалалари муҳим ўрин эгаллаган. Мунис Хоразмий ва Оғаҳий бош мироблар сифатида каналлар, уларни таъмирлаш, сув тақсимоти бўйича нодир фикрларни илгари суришган. Чигир ёрдамида сугориш афзалликлари маълум бўлган, лекин қўшимча сарф-харажатлар мавжуд

бўлган. Шу сабабли, солиқ тизими имтиёзли бўлиши уқтирилади.

Мутафаккирлар томонидан мамлакатдаги солиқларнинг кўплиги ва оғирлиги, бу соҳада амалдорлар томонидан кўлгина бузилишларга йўл қўйилиши қаттиқ танқидга олинади. Оқибатда халқ турмуш даражасининг пастлиги ва яхшилаш чора-тадбирлари баён этилади. Айниқса, Бердақ ижодида бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Олимларнинг қараашларида давлат ва уни бошқариш муаммолари катта ўринни эгаллайди. Адолатли, инсонпарвар бошлиқ тўғрисида фикр юритилади. Илм-фан, маърифат орқали инсонни камолотга етказиш ва фаровон ҳаёт учун энг тўғри йўлни топиш тўғрисида қайгурилади.

Професор Ҳ.Собиров фикрича, Европада Гобсек, бизда Қори Ишкамба судхўрлик йўли билан бойлик орттирувчилар сифатида таърифланса, Бердақ маҳаллий амалдорларнинг пинҳоний кирдикорларини кўрсатиб, меҳнат қилмай бойлик орттириш усулларини фош этади, амалдорлар эса инсофга чақирилади.

Хивалик мутафаккирларнинг гоялари маърифий ва маънавий аҳамият касб этади, уларда нодир тарихий, иқтисодий, ижтимоий маълумотлар бўлиб, баркамол авлодни тарбиялаш борасида мухим манба сифатида хизмат қилади.

## ҚЎҚОН АЛЛОМАЛАРИНИНГ БУЮК МЕРОСИ

### Қўқон хонлигига қисқача таъриф

Қўқон хонлигига (1709–1876) Минг уруғидан бўлган Шоҳрухбий асос солган. Ҳудуди Фарғона водийси, Иссиққўл атрофи, Хўжанд, Тошкент воҳаси, Оқмачит (Қизилурда) дан иборат. Руслар томонидан босиб олингач, хонлик расман бекор қилиниб, ўрнига Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти таъсис этилган.

Қишлоқ хўжалиги Қўқон хонлиги иқтисодиётининг асоси ҳисобланган. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш турли хил бўлган. Хонликка қарашли ерлар амлок ерлар, вақф ерлари, мулки хирож ва мулки ушрияга тақсимлан-

ган. Якка деҳқон хўжалиги ривожланган. Чоракорлик, ко-рандачилик мавжуд эди. Ер баҳоси унинг унумдорлиги ва қанчалик сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Хонлар, суғориш тармоқлари катта даромад манбаи бўлганлиги сабабли, маълум даражада уларни сақлашга, суғориш иншоотларини янада кенгайтиришга яхши эътибор беришган. Қўқон хонлигига пахта ва полиз экинлари, боғдорчилик ва пиллачилик ривожланган. Фарғона водийси Туркистон пахтасининг 75 фоизини етказиб берган ва шу сабабли алоҳида эътиборда бўлган.

Кўқон хонлиги иқтисодиётida Сирдарё ва унинг кўплаб ирмоқлари асосий сув манбаи бўлиб ҳисобланади, дарё Но-рин ва Қорадарё қўшилишидан бошланади. Сирдарё Ўрта Осиёдаги энг узун (2272 километр) ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё бўлиб, турли номлар билан аталган. Қадим юонон тарихчилари Яхартеz, баъзан Танаис, хитойлар Яоша, араблар Сайхун деб аташган. «Авесто»да Дану, Беруний асарларида Хасард деб номланган. Милоддан аввалги Йасрда яшаган Рим тарихчиси Плинний асарларида «Силис» шаклида учрайди. «Сир» сўзи дарё атрофида яшаган қабила номидан олинган бўлса керак, деб таҳмин қилинади.

Бу дарёning сув режими Амударёнидан бир оз фарқ қиласди, энг кўп сувлик даври май — июнь ойларига тўгри келади. Шунга мос деҳқончилик ишлари амалга оширилган.

Чоризм ҳукмронлиги даврида иқтисодиёт таркиби анча ўзгарди, асосий эътибор ўлкани Россия учун хомашё базасига айлантиришга қаратилди. Фуқаролар уруши туфайли, Россиянинг Америкадан оладиган пахтаси кескин камайди. Бунда айрим ижобий ишлар ҳам амалга оширилди, айниқса, пахтачиликда муҳим ўзгаришлар қилинди. Маҳаллий пахта навларидан олинадиган тола тўқимачилик саноати талабларига тўла мос келмас, унинг ҳосилдорлиги ҳам катта эмас эди.

Пахтачиликни ривожлантириш муҳим зарурат бўлганлиги сабабли, биринчи навбатда, Америкадан янги пахта навларининг чигити келтирилди. У халқда амиркон пахта дейиларди. Аста-секин шундай нав экилган ер майдони кенгайди, пахта ҳосили ошди, сифати яхшиланди. Янги пахта экиш майдонлари кўпайди, уларни суғориш учун иррига-

цион ишлар кенгайтирилди, янги түғонлар, каналлар бар-по қилинди. Масалан, шу даврда Мирзачұл ерларини ўзлаштириш учун Сирдарёдан Романов каналини қуриш бошланди. Мелиоратив иншоотлар, зовурлар сони ҳам оши.

Техника деярли ишлатилмаганлиги сабабли бу иншоотларни қуриш асосан халқ оммаси учун оғир юк бўлиб тушган, чунки бу ишлар текинга, ҳақ тўламасдан амалга оширилган эди. Бундан ташқари, ҳар йили бу канал ва зовурларни бир неча мартараб лойқа ва ўт-ўланлардан тозалаб, иншоотларни таъмирлаш талаб этилган. Йилда 12 кун ишлаб бериш мажбурий бўлган. Экин майдонларининг кўпайиши, сугоришининг кўпинча ногўри олиб борилиши, сувнинг исроф қилиниши эса, ерларнинг аҳволини ёмонластирган. Оқибатда, ерлар зах, шўр босиб, чивинлар кўпайиши туфайли безгак, бод касалликлари сони кескин ошса-да, бунга иккинчи даражали масала деб қаралган.

Пахтачиликни ривожлантириш учун асосий рагбат — моддий манфаат ишга солинди, пахта нархи кескин оширилди ва дондан қиммат қилиб қўйилди, шу сабаблар туфайли бу соҳа анча ривож топди. Аммо пахта толасининг деярли ҳаммаси «марказ»га олиб кетиларди.

Пахта яккаҳокимлиги тобора кучайиб, мустамлакачилик даврида янада авж олди, табиат ва инсон ўртасидаги мутаносиблик бузилиб, экологик оғат кучайди. Халқнинг, мутафаккирларнинг ўғитлари, кўп йиллик тажрибаси унтутилишининг оқибатлари қанчалик ёмон бўлгани ҳаммага аён. Ерни зах ва шўр босиши, сувларнинг ҳам шўрланиши, Орол денгизига сувнинг кам бориши моддий ва маънавий зарар келтирди. Шу сабабли аждодларимиз тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва ундан амалий фойдаланиш ҳаётий заруратдир.

Хунарманд-косибчилик мазмунан бой ва серқирра эди. Аммо бу соҳада, унинг таркибида кескин ўзгаришлар бўлмади. Шу билан бирга, аста-секинлик билан саноатнинг янги шакли — завод ва фабрикалар, молия-банк тизимлари ҳам вужудга кела бошлади, шунга мос равишда жамиятнинг янги гуруҳлари, мулк ва молия эгалари пайдо бўлди, улар орасида маҳаллий бойлар ҳам бор эди. Худди шунингдек, ишчи ва хизматчилар синфи ҳам вужудга келди.

Саноат корхоналарининг асосий қисми хомашёни дастлабки қайта ишловчи заводлар эди, уларда пахта толаси, мой, совун ишлаб чиқариларди. «Марказ»дан айрим саноат маҳсулотлари ҳам кириб кела бошлади, маҳаллий ҳунармандлар билан рақобат бошланди, уларнинг айримлари касод ҳам бўлди. Бу ўзгаришлар хонликнинг йирик шаҳарлари — Андижон, Кўқон, Тошкент ва бошқа жойларда кўзга ташлана бошлади.

Шу даврда яратилган асарларда бўлаётган ўзгаришларнинг айрим ижобий томонлари билан бирга, босиб келаётган янги офат — мустамлакачилик ва унинг салбий оқибатларига қарши кураш гоялари ҳам вужудга кела бошлади. Жадидлар гурухи, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек ва бошқа адилларнинг асарларида буни яққол сезиш мумкин.

Хонликда ер ости бойликлари — нефть, олтин, кумуш, мис, рух, темир, қўргошин ва бошқалар маълум миқдорда қазиб олинган ҳамда қайта ишланган.

Савдо-сотиқ иқтисодиётда катта ва муҳим ўринни эгаллаган, у ички ва ташқи савдога бўлинган. Аҳоли ўз эҳтиёжларини асосан ўз хонлигидаги маҳсулотлар билан қондирешган. Бухоро, Хива, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса, Россия билан кенг савдо олиб борилган.

Бу ерда қадимдан фан ва маданият яхши ривожланган, кўплаб олимлар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан. Улар томонидан муҳим иқтисодий фоялар илгари сурилган.

Исҳоқхон Жунайдулла Хўжа ўғли Ибрат (1862—1937) «Фарғона тарихи» асарида Россия томонидан босиб олинган Кўқон хонлиги ҳар йили 500 минг сўмдан товон пули тўлаши шарт эди, деб маълумот берали. Марғилон вилояти аҳолисига қўшимча 125 минг тилла танга (500 минг сўм) жарима солинган. Асарда пахтачиликнинг ривожи, озиқ-овқат экинларининг камайиши ва айрим муаммолар тўғрисида фикр юритилади.

### Гулханийнинг ўтли ҳажви

Гулханий (таяхаллуси; асл исми Муҳаммад Шариф, XVIII аср охири — 1920 й.) ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. Ҳаёти ва ижоди ҳақида Фазлий Наманганийнинг

«Мажмуат уш-шуаро», Қори Раҳматулло Возеҳ Бухорий-нинг «Туҳфат ул-аҳбоб», Дилшод отиннинг «Сабот ул-башар ва тарихи муҳожирон» каби асарларида айрим маълумотлар келтирилган. Фазлий Гулханийни «Кўҳистон мулки»дан эканлигини таъкидласа, Возеҳ уни наманганлик, дейди.

Гулханий Наманган ва Қўқонда яшаган, оз вақт ҳамомда ўт ёқувчи — гўлаҳ вазифасида ишлаган (тахаллуси шундан). Қўқон хони Олимхон навкарлари сафида хизматда бўлган (1801—1810). Мустақил мутолаа йўли билан мумтоз адабиётни ўрганган. Олимхон вафотидан сўнг 1811 или таҳтга ўтирган амир Умархон Гулханийни сарой шоирлари даврасига жалб этган. Шоир хонни мақтаган, унинг ғазалларига назиралар битган. Аммо Умархон вафотидан сўнг ватанига қайтиб, кўпроқ оддий инсонларга манзур бўлувчи шеърлар ёза бошлади. Ўтли ҳажвлар яратди.

Гулханий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бизгача бир неча ғазали, ҳажвиялари ҳамда «Зарбулмасал» («Япaloққуш ҳикояси») насрый асари етиб келган. Унинг «Бармогим», «Эй тўти», «Лола кўксидек бағрим» каби ғазалларида лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, баҳор, чин ҳаётий манзаралар ўз ифодасини топган.

«Бедех» («Бергил») ғазалида, шоир навкарлик давридаги ҳаётини тасвирилаган. Бу ғазалга чуқурроқ назар ташланса, муаллиф катта ижтимоий масала — ўз даврининг ҳарбий тартиби, расм-русумлари тўғрисида фикр юритганини кузатиш мумкин.

Гулханий ўзининг зўр истеъоди, тажрибаси, турмушга ҳаққоний қарай билиши туфайли ҳалқчил ижодкор сифатида машҳурдир. Шоирнинг бизга маълум ғазалларининг айримлари Амирий шеърларига назира тарзида яратилган бўлиб, улар оддий тақлидчилик доирасида қолмай, баркамол мустақил бадиий асар даражасига кўтарилган. Гулханийнинг шеърий ижоди, гарчанд, ҳажман катта бўлмасада, XIX аср ўзбек миллий адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсатди.

Унинг «Зарбулмасал» асари нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки бутун Шарқ адабиётининг ҳам нодир намунасидир. Гулханий унда 400 га яқин ҳалқ мақоллари, сажлар

(қофиляи наср), масал ва ривоятлардан самарали фойдаланган.

Бу масал ва ривоятлар мавзу жиҳатдан бир-бирига боғланиб, ягона сюжетни ташкил этади. Асарда Япалоққуш билан Боййёлининг қуда-андада бўлиши саргузаштлари маҷозий, ўтири ҳажвия тарзида тасвирланган. Гулханий қушларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари асосида ўз даври ижтимоий ҳаётининг танқидий манзарасини яратган.

Бу асаддаги мақолларнинг асосий қисми ҳалқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳалқнинг оғир иқтисодий аҳволи, бой-такаббур инсонлар, мақтанчоқларнинг мафқураси ёритиб берилган. «Ўзи сиғмас инига, галвир боғлар думига», «Уйида чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир» ва бошқа мақоллар шулар жумласидан.

Ҳатто «Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак» деган мақол ишлатилган бўлиб, бунда энг оддий ҳолатда ҳам сарф-харажат бўлиши таъкидланади. Демак, гап оддий бир товуқ устида бораётган экан, инсонда бу талаблар анча юқори бўлиши ўз-ўзидан аён бўлади. Бу мақол Фарбдаги «текин нонушта бўлмайди» гоясига тўгри келади, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор, дейилмоқчи.

«Ҳар ўн қўшчига — бир бошчи» мақолида эса бошқарув зарурлиги гояси илгари сурилган.

### **Муқимий, Фурқат ва бошқа адилларнинг ижтимоий-иктисодий қарашлари**

**Муқимий** (асл исм-шарифи Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли) (1850—1903) — шоир ва мутафаккир. Ўзбек ҳалқпарвар адабиёти асосчиларидан. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хўжандлик бўлиб, Қўқонда яшаганлар.

Муқимий яшаб ижод этган даврнинг адабий ҳаёти мураккаб эди. Бундай муҳит Муқимий ижодига кучли таъсир кўрсатди. Ижодининг илк даврида қисман шаклбозлик унсурлари, санъатпардозлик майлларига берилиш ҳам учрайди. Лекин тезда бу хил анъаналардан воз кечиб, жамиятдаги иллатларга танқидий назар билан қаради. Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулийни ўрганди, уларнинг фазалларига мухаммаслар боғлади. Жомийни ўзига устоз билди.

Ўзбек, форс мумтоз шоирларининг анъаналарини давом эттириди.

Ўзбек адабиётида халқчиллик йўналишининг вужудга келиши ва шаклланиши Муқимий номи билан боғлиқ. У бошлиқ Фурқат, Завқий, Аваз, Комил каби илғор фикрли шоирлар ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

Муқимий лирикаси чуқур оптимизм билан суборилган, ҳаётйлик унинг асосий ва етакчи хусусиятларидан эди. Муқимий пок муҳаббатни, чин инсонни куйлаган. Шеърларининг туб моҳиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, курашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улуғланган ва булар орқали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган.

Шоир адолатли ва баҳтли замонни орзу қилган, шундай кунлар келишига ишонган. «Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши» ва бошқа шеърларида ана шу мавзу куйланган. Ҳасрат, шикоят, норозилик мавжуд бўлган шеърларида ҳам келажакка ишонч, фаровон ҳаёт тўгрисидаги орзулари акс этган. Демак, ижтимоий-иқтисодий мавзу билан боғлиқ асарлари пайдо бўлган.

Муқимийнинг дунёқарashi ва интилишлари билан муҳит ўргасидаги зиддият унинг ижодида танқидий йўналишни майдонга келтирган. Бу унинг ҳажвиётида кўпроқ акс этган. Ҳажвиёти мазмунан сатира ва юморга бўлинади.

Сатирандарида мавжуд тизим, чор амалдорлари, айрим маҳаллий бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган: «Танобчилар» ва бошқа шеърлари, «Сайлов», «Дар мазаммати замона» ва бошқа асарларида ўлкага кириб келаётган гайриахлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатлари кўрсатилган. Оғир солиқлар халқ учун катта азоб эканлиги очиб берилади, чунки хонлик томонидан турли-туман янги солиқлар эълон қилинади.

От, арава, лой, пашиша, безгак каби мавзуларда 30 га яқин ҳажвий асар яратган. «Девонамен», «Кўсамен», «Ҳайрон қилди лой», «Пашшалар», «Шикояти безгак» ва ҳоказо шеърларида шоир турмушнинг қолоқ ва чиркин томонлари, одамлар онгидаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликни заҳархандалик билан тас-

вирлаган. Бошқа бир қатор ҳажвияларида, масалан, «Таърифи печ», «Ароба қурсин», «Лой» шеърларида жамият ҳаётидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган.

Шоир яшаган даврда, узоқ йиллар давомида табиатда вужудга келган мувозанат аста-секин бузила бошлаган эди. Буни айниқса сугориладиган ерлар мисолида кўриш мумкин. Оқибатда ерларнинг шўрланиши кучайиб, халқ учун янги ташвишлар ортди, айниқса, безгак, бод касалликлари кўпайди. Бу воқеалар шоирни бефарқ қолдирмади, улар қаттиқ сатира остига олинди. Бу ишларга бефарқ маъмуриятни қаттиқ танқид қилди.

Муқимий турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосида 4 қисмли «Саёҳатнома» асарини ёзди. Улар енгил, ўйноқи вазнда битилган 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халқ турмушининг оғирлиги, қишлоқларнинг вайронлиги ҳаққоний тасвирланган, гўзалик мадҳ этилган, аммо камчиликлар устидан кулиб, танбех берилган, ёвузлик, турли иллатлар танқид қилинган.

**Фурқат** (асл исми Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғли, 1859—1909) — халқчил шоир, маърифатпарвар, ўзбек публицистикаси асосчиларидан бири. Фурқат ижодида демократик йўналиш етакчилик қиласи. Унинг асарларида ўз даври иллатларини қоралаши, адолатсизлик ва зўравонликдан шикоят каби кечинмалар сезиларли ўрин тутади. Шахс эрки, хўжалик юритиш муаммоси, яъни эркин иқтисодиёт муҳимдир.

1890 йили Тошкентда яшаган даврида шоир ҳаётида янги босқич бошланади. Россия билан яқинлашиш, йирик саноат, фабрика ва заводларнинг кириб келиши, ўқув юртлари ва гимназияларнинг ташкил этилиши, илм, фан-техниканинг ўлкага тарқалиши, электр энергияси таъминоти ва бошқалар шоирда ижобий ҳиссиеётлар уйғотди. Аслини олганда, жадидчилик ҳаракатига асос солинди.

Кўп асарларида ватанпарвар ва инсонпарвар, юрт тақдидири тўғрисида қайтурувчи донишманд сифатида намоён бўлади, ўз халқининг ўқимишли, маданиятли, юксак тараққиётга эришган халқлар қаторидан ўрин олишини орзу қиласи, бу гоялар ҳозирги кунда ҳам долзарбдир. Инсон иқтисодий ўзгаришларда ҳал қилувчи роль ўйнашини тўғри

тушунган, илфор мамлакатлар тажрибасидан ижобий фойдаланиш фикрини илгари сурган шоир мамлакатда бошқарув тизимини ўзгартириш тарафдори эди, бу эътиrozлар эса ҳукмдорларга ёқмади ва Фурқат ўзга юртларга кетишига мажбур бўлди.

**Абдулла Қодирий** (1894—1938) ўзбек халқининг улкан намояндаси, унинг ижодида иқтисодий фикрлар муҳим ўрин эгаллади. Мозийга қайтиб, яъни тарих билан ҳамнафас иш юритишнинг аҳамияти тўғрисида қайгуради. «Ўткан кунлар» романнда халқнинг миллий онгини уйғотмоқчи бўлди, «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» — юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги «хон замонлари» — XIX аср ўртасидаги мудҳиш тарихий жараёнлар тўғрисида сўз очиб, бу аянчли ҳақиқат ҳақида халқа сабоқ бермоқчи бўлди.

Ёзувчи кўтариб чиққан муаммолар орасида юртнинг, миллатнинг тақдирни, мустақиллиги масаласи алоҳида ажралиб туради. Эл-юрт мустақиллиги, халқ фаровонлиги йўлида ҳаётини, жонини фидо қилишга тайёр турган кишилар тўғрисида ҳикоя қиласи. Асардаги воқеалар Кўқон хонлигига юз беради ва халқнинг турли-туман азобларга гирифтор этилганлиги яққол очиб берилади (кўшимча солиқлар, зулм, зўрлик, маънавий тазиик ва бошқалар). Мамлакат аҳволи ҳам кундан-кунга ёмонлашиб бораётганлиги шундоққина кўрсатиб берилади. Бу шароитда яшаш мумкин эмаслиги, уни ўзгартириш зарурлиги баён этилади.

Ёзувчи ўз асарларида, айниқса, «Мехробдан чаён» романнда ниҳоятда хавфли иллат — қўшхотинликни қаттиқ танқид остига олади, унинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ва салбий оқибатлари ишончли талқин этилган. Бу салбий «тажриба» Кўқон ва Бухоро хонликларида авж олган эди. Оқибатда эса, тахт, лавозим, мол-дунё талашилган, мамлакат таназзулга гирифтор бўлган.

**Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий** (1889—1929) ижоди маълум маънода зиддиятли бўлишига қарамасдан, у яратган асарларда бир қанча иқтисодий-ижтимоий боялар илгари сурилади. Масалан, «Бой ила хизматчи» асаридаги образлар — Солиҳбой, Фофур, Холмат ва бошқаларда ўша даврдаги мураккаб иқтисодий муносабатлар яхши ифодалаб берилган.

**Ойбек** (асл исм-шарифи Муса Тошмуҳаммад ўгли) (1905—1968) ижодида иқтисодий мавзу катта ўрин эгаллади. Айниқса, «Қутлуғ қон» романида мамлакат ҳалқининг I жаҳон уруши арафасидаги машаққатли ҳаёти қаламга олинади. Юртимизда пайдо бўлган янги синф вакиллари — «янги ўзбеклар» — завод ва ер эгалари, Мирзакаримбой ва унинг ўғиллари образлари дикқатга сазовордир. Улар катта мулк эгаси сифатида бойлик орттириш учун тадбиркорлик билан иш юритишлари маҳорат билан ёритилган. Йўлчи, Гулнор образлари орқали хизматчилар синфи шаклланаётганлиги ҳаққоний кўрсатилган.

Ёзувчининг «Навоий» романида темурийлар давлатини ҳаракатга келтирган, кейинчалик эса таназзулга олиб келган иқтисодий жараёнлар асосий ўрин эгаллади ва ҳаққоний акс эттирилади. Ойбекнинг асарларида иқтисодий ғоялар илмий жиҳатдан тўғри талқин этилади.

\* \* \*

XVIII аср боши — XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи анча мураккаб эди. Эски иқтисодий муносабатлар сақланган, бошқа хонликлардан кескин фарқ қилмаган, ривожланиш ниҳоятда суст бўлган. Бу хонликдаги ижтимоий-иқтисодий вазият Гулханий, Муқимий, Фурқат ва бошқа адиллар томонидан ёритиб берилган. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг оғир аҳволи, кўпгина солиқлар тури тўғрисидаги маълумотлар қимматлидир. Ҳукмдор ва бошлиқларнинг ҳийла-найранглари, ер ўлчовчиларнинг алдовлари қаттиқ ҳажв остига олиниди, жамиятнинг нопок, мақтанчоқ, алдамчи фуқаролари халқ мақоллари асосида танқид қилинган.

Бу адилларнинг жамиятдаги қолоқлик сабаблари, ундан чиқиш йўллари муҳим аҳамиятга эга. Фарбда, Россияда бўлаётган сиёсий-ижтимоий, нисбатан демократик ўзгаришлар, илмий ва техниковий янгиликлар улар томонидан ижобий баҳоланади. Мамлакатда ҳам шу каби ислоҳотларни ўтказиши кераклиги уқтирилади.

Фабрика, заводлар каби янги саноат корхоналари, саноатчилар, ишчилар, банк тизими, ўқув ишлари билан боғлиқ янгиликлар қўллаб-куватланди. Демократик ўзгариш-

лар, гимназия, электр энергияси, газета ва журналлар пайдо бўлиши эса, аҳолининг ақлий ва маънавий ривожига ижобий таъсир этётгани акс эттирилди.

Мамлакатни ривожлантириш, янгиликларга йўл очиб бериш, биринчи навбатда, одамларга ва уларнинг илму зakovatiga боғлиқ эканлиги алоҳида улуғланди.

Жамиятдаги турғунликка қарши, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар тарафдори бўлган зиёлилар, хусусан, жадидлар таъқиб остига олинди. Уларнинг яхши, адолатли жамият тўғрисидаги орзу-истаклари ҳозирги даврда амалга ошиб бормоқда.

## **БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФОЯЛАР**

### **Бухоро амирлигидаги юзага келган иқтисодий вазият**

XVI—XX аср бошларида мавжуд бўлган Бухоро хонлиги (амирлиги) — ўзбек давлатчилиги тизимидағи хонликлардан биридир. 1533 йилгача мамлакат маркази Самарқанд бўлган. Убайдуллахон даврида (1533—1539) пойтахт Бухорога кўчирилган ва хонлик Бухоро хонлиги номини олган.

1551—1556 йилларда шайбонийлар ўртасидаги Мовароннаҳр учун курашда Искандарнинг ўғли Абдуллахон голиб чиқиб, Бухоро хонлигидаги ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1557 йилдан бошлаб Бухоро узил-кесил хонлик пойтактига айланди.

1747 йил аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон бутун оила аъзолари билан бирга қатл этилган ва тахтга манғитлар сулоласи келган. Шу даврдан хонлик «Бухоро амирлиги», деб юритила бошлаган.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида, айниқса, Абдуллахон II замонида Бухоро хонлигига деҳқончилик, ҳунарманчалик, савдо-сотиқ ривожланган, маданий ҳаёт анча юксалган. Жуда кўп сугориш иншоотлари: Абдуллахон банди, Туятортар канали, Оқчопсой тўғони ва омбори, Вахшдан чиқарилган кўплаб ариқларнинг қурилиши деҳқончиликни ривожлантириди. Бу вақтларда Бухоро хонлигига буғ-

дойнинг ўн хил тури, сули, қўноқ, жўхори, мөш, нўхат, маккажўхори, ловия, шоли, пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз экинлари экилган, боғдорчилик, чорвачилик ва ипакчилик ривожланган. Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Шаҳрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик тараққий этган.

Самарқанд қозикалони ҳужжатларидан маълум бўлишича, XVI асрда Самарқандда ҳунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннаҳрлик косиблар зўр санъат билан турли-туман металл буюмлар, ип ва ипак матолар, аъло навли ипак қофозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро шаҳри бирмунча кенгайтирилган, девор ва ҳарбий истеҳкомлар қайтадан қурилган. Шаҳарда мадрасалар, хонақоҳ ва карvonсаройлар, янги рассталар барпо қилинган. Шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларида усти ёпиқ бозорлар, масалан, Абдуллахон тими, кўчалар чорраҳаси устига гумбазтоқлар, ҳаммоллар, карvon йўлларида сардобалар, карvonсаройлар, кўприклар қурилган.

Шайбонийлар замонида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари ривожланган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, 1572—1578 йилларда Ҳиндистонда Бухоро хонининг элчилари, Бухорода эса Ҳиндистон подшоҳи Акбарнинг элчилари бўлган.

Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида (1702—1711) Балх, Термиз, Шаҳрисабз ҳокимлари мустақил бўлишга ҳаракат қилганлар.

Хон уларга қарши ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлган. Самарқанд ва Ҳисорда бош кўтарган қабилаларга қарши қўшин юборган. Ўзаро бетўхтов урушлар, ҳарбий юришлардан кейин хазина бўшаб, иқтисодий аҳвол мушкуллашган. 1708—1709 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида пулнинг қадр-қиммати тўрт баробар тушиб кетган. Ислоҳотдан зарар кўрган аҳоли ғалаён кўтарган, бироқ қўзғолон шафқатсизларча бостирилган. Ҳонликда сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви кучайиб борган.

Муҳаммад Раҳим вақтида (1753—1758) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча камайган. Унинг таркибига Бухо-

ро, Самарқанд, Миёнкол, Кармана, Қарши, Фузор, Карки, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия Ўрта Осиёни босиб ола бошлади. 1868 йилнинг 23 июнида икки ўргатада шартнома имзоланди. Рус кўшинлари босиб олган ерлар подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Бухоро амирлиги мустақил ташқи сиёsat юргизишдан маҳрум бўлди, вассалга айланди; амир рус подшосига 500 минг сўм товон тўлади. 1873 йил 28 сентябрда мазкур шартномага қўшимчалар киритилиб, амирликнинг Россияга қарамлиги янада кучайди. Пировардидা, амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёрига ўтди: Хўжанд, Каттақўргон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғонон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса, Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги ҳалқларнинг асосий ҳаёт манбаи — сувга қарамлигини кучайтириди. Бу ҳол Бухоро амирлигининг Россияга иқтисодий жиҳатдан боғлиқлигини янада оширди. Асосий сув манбаи — Зарафшон дарёси Самарқандда тақсимланган, унинг бир қисм оқими Бухорога берилган эди.

Бухоро амирлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳукмдор саналса ҳам, ҳақиқатда рус подшосига қарам эди. Бухоро амирлигининг подшо Россиясига тобелиги амир Саид Олимхон (1880—1943) подшоҳлиги замонида (1910—1920) янада ортди. Амирликда еттита рус хусусий банкининг шуъбаси иш олиб борди. 1914 йилда Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан, амирлик аҳволи янада оғирлашди. Ҳудди шу даврга келиб, жадидлик ҳаракати асосида ёш бухороликлар партиясининг фаолияти кучайди.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро босқини натижасида амирлик тугатилди.

Бухоро хонлигига давлатни бошқариш бошқа хонликлардан деярли фарқ қилмаган. XVI—XVII асрларда оталиқ лавозимида шахс хоннинг ўнг қўли ҳисобланиб, бутун мамлакатни бошқарган. Нақиб ҳарбий ишлар ва ташқи сиёsat билан шугулланган. Вақф ерларини назорат қилиш садрлар зиммасига юклатилган. Шунингдек, хонликда ясовул, эшикбоши, мироҳўр, шифовул, амири лашкар, тўпчибо-

ши, миразбоши, хазиначи, лахтар, мироб, қүшбеги ва бошқа лавозимлар бор эди. Манғитлар сулоласи даврида ҳам мустабид ҳокимият шакли мавжуд бўлиб, амир ҳуқуқи чегара-ланмаган олий ҳукмдор эди. Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир — қүшбеги бошқарган. У хон билан бамаслаҳат иш юритган. Жамият ҳаёти шариат қонунларига асосланган. Мамлакат мураккаб давлат девони орқали идора қилинган. Масалан: молия ишлари девонбеги калонга, давлат хавф-сизлиги ва назорат қилиб туриш раисга топширилган.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида дәҳқончилик, ҳунар-мандчилик, ички ва ташқи савдо асосий ўрин эгаллаган. Ички низолар бўлиб туришига қарамасдан, иқтисодиётнинг бу соҳалари ривожланишда давом этди. Дәҳқончилик суғориши билан бевосита боғлиқ бўлган. Суғориш тармоқлари Зарафшон ва Амударёдан чиқарилган. Абдуллахон II нинг 1583 йилда Нурота тоғлари шимолий ён бағридаги Эски Оқчоб қишлоғи яқинида қурдирган сув омбори қолдиқла-ри ҳозиргача сақланган. Шунингдек, Зарафшон дарёсида Пули Кармана, Пули Мехтар Қосим ва Пули Чоҳорминор каби сув тақсимлагичлар қурилган. Зарафшондан Жиззахга Туятортар ариги чиқарилган. Суғориш тармоқлари амир Шоҳмурод ва амир Ҳайдар даврларида ҳам анча кўпайди, кўчманчиларнинг ўтроқлашуви кучайди.

Сув тақсимотини тўгри, маълум навбат билан амалга ошириш, канал ва ариқларни тозалаш ишлари мироб томонидан бажарилган ҳамда ноёб касб ҳисобланган. Қадимги даврда бу тайинланадиган лавозим бўлиб, ниҳоятда масъулиятли иш эди, чунки бўлажак ҳосил сувнинг ўз вақтида ва керакли миқдорда келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Одатда, кузда ҳосил олингач, дәҳқонлардан миробона солиги ундирилган.

Канал ва ариқларни лойқалардан тозалаганда чиқадиган тупроқлар рош деб аталған ва миришкор дәҳқонлар томонидан ўғит сифатида кенг фойдаланилган, чунки бу оқизикларда керакли моддалар кўп бўлади.

Ҳозирги даврда мироб вазифасини ўрта ва олий маълумотли мутахассислар — гидротехниклар ҳамда кўп сонли асбоб-ускуналар бажаради. Аммо сув тақчил ҳудудларда жамоатчилик асосида ишлайдиган мироблар ҳали ҳам бор. Ма-

салан, Тошкент вилояти Паркент тумани Номданак қишлоғида шундай мироб бор. Бунинг сабаби шуки, қишлоқ анча баланд ерда жойлашган бўлиб, сув таъминоти биргина булоқ орқали амалга оширилади, булоқ сувидан навбатманавбат фойдаланиш тартибини мироб белгилайди ва томорқа эгалари шунга шай бўлиб турадилар. Шундай йўл билан апрель—октябрь ойларида, яъни вегетация даврида барча хўжаликлар сув билан асосан текис таъминланади, сув истроф бўлмайди. Миробга ҳақ тўлаш ўзаро келишув асосида, одилона бажарилади.

Хонликда ер эгалигининг асосан 3 тури: амлок (амир бошчилигидаги мулқдорлар гуруҳи ихтиёридаги ерлар), мулк (хусусий ер эгаларига қарашли мулк ерлари) ва вақф (мусулмон руҳонийлари, мадраса, масжид ва мозорларга қарашли) ерлари мавжуд бўлган. Хонликда деҳқонлар ерни асосан ижарага олиб ишлар эди. Солиқларнинг тури ва тўловларнинг кўплигидан, текин ишлаб бериш мажбуриятидан безор бўлган меҳнаткаш халқ тез-тез галаён қилиб турарди.

Деҳқончиликда асосан ғалла, пахта экилган. Ипакчилик кўпроқ Зарафшон водийсида ривожланган. Чорвачиликда от, тия, қорамол, қўй боқилган. Ҳунармандчиликнинг кўп турлари равнақ топган. Ҳусусан, тўқимачилик, тикувчилик, мисгарлик, заргарлик шулар жумласидан. Шаҳар ва йирик қишлоқлар аҳолисининг талай қисмини ҳунармандлар ташкил этарди.

Деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозор талабларини қондириб турган. Хонликлар ўртасида савдо узлуксиз давом этган. Айниқса, Бухоро шаҳри Ўрта Осиёning савдо маркази сифатида машҳур бўлиб, кўплаб карvonсаройларга ва савдо расталарига эга бўлган.

Тўқимачилик маҳсулотлари Яқин Шарқда машҳур бўлган. Ҳусусан, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (944 й.) асарида Зандана қишлоғи тилга олинади ва унинг катта бозори борлиги айтилади. Бу ерда тўқиб чиқариладиган бўзни «занданийча», яъни «Зандана қишлоғида ишлаб чиқарилган» деб атайдилар. Бу маҳсулот Ироқ, Форс, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга олиб кетилади, чунки барча улуғлар ва подшоҳлар, айниқса, қабила аёллари ундан либос қилиб, ипакли кийимлар баҳосида сотиб олганлар. Шундан хулоса чиқа-

риш мумкинки, бу маҳсулотнинг сифати ниҳоятда юқори бўлган ва барча мамлакатларга аён эди.

Абдурауф Фитрат маълумотига кўра, Бухорода 200 га яқин мадраса бўлиб, улар уч тоифага бўлинган: олий, ўрта, қўйи. 33 та олий, 39 та ўрта мадрасас бор эди. Олий тоифали мадрасаларга 2.815.000 танга йиллик вақф, ўрта тоифали мадрасаларга 961.000 танга йиллик вақф тегишли бўлган. 11 та кутубхона бўлиб, уларга 43.100 танга йиллик вақф ажратилган.

Бухоро амирлиги тўғрисида Аҳмад Дониш «Наводир ул-вақоэъ», «Таржимаи аҳвол амирони Бухоро» каби тарихий-бадиий асарлар яратган.

Араблар келиши билан Қутайба ибн Муслим 713 йили Бухорода масжиди жомеъ бино қилди. Жума қунги намозга ҳозир бўлгандарнинг ҳар бирига 2 дирҳам пул берилиши жорий қилинди. Номусулмонларга (зиммийларга) эса жизъя солиги солинган.

Бухоронинг ўша даврдаги бир йиллик хирожи 1.168.566 дирҳам 5,5 донакни ташкил этган.

Дастлабки сийм — кумуш танга зарб этиш Абу Бакр Сиддиқнинг халифалик давридан (632—634) Ҳорун ар-Рашид давригача (786—809) давом этган. Унгача эса Хоразм кумуш тангаси ишлатилган. Шаҳар аҳолиси кўзга кўринган зиёлилардан янги кумуш танга зарб қилишни талаб этди. «Биз ўз ўртамиизда ўша кумуш танга билан муомала қилайлик», деб талаб қилдилар. Танга шундай бўлсинки, ҳеч ким уни бизнинг қўлимииздан чиқариб ололмасин, шаҳримиздан ташқарига олиб кетмасин.

Кумуш кам бўлган, шу туфайли унинг қадри баланд эди. Демак, ўша даврда ҳам пул муомаласи тўғри ҳал этилган. Бу янги пул гидрифий деб номланган. Бир гидрифий-нинг ҳар бир дир(ҳ)амида (3,19 грамм) 1 ҳабба (0,07 г) тилло бўлиб, ҳар бир 10 дирамида ярим дирамдан тортиб 4,5 донагача (0,53 г) тилла бўлган. Масалан, 1808 йили Кармана шаҳрида 150 тилла миқдорида жизъя солиги йигилган.

Бухоро тўғрисида гап кетганда, олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо жавоҳирлар кўп тилга олинади. Негаки, бу ерда зардўзлик, заргарлик қадимдан кенг ривож топган ва ҳозир

ҳам бу анъана давом этмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, нодир metallar тўғрисида айрим маълумотларни бериш ўринли бўлса керак, чунки бу маълумотлар, бир томондан, фойдали ва иккинчи томондан, қизиқарлидир.

Гапни олтиндан бошлай қолайлик. Олтин кўп йиллар давомида қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамгарма каби вазифаларини тўла бажариб келди. 1930 йилларгача баъзи мамлакатларнинг бойлиги «олтин стандарти» билан ўлчанганд, ҳозирги даврда ҳам давлат иқтисодиётига баҳо берилганда «олтин-валюта захиралари» кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгадир, шунга қараб иқтисодий барқарорликка баҳо берилади. Албатта, бу захиралар қанча кўп бўлса, шунча ишончли ривожланиш бўлади. Бу, айниқса, иқтисодиёт учун оғир пайтларда, хусусан, стагнация, рецессия, инқирозларда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон бозорида эса бундай ҳодисалар вақти-вақти билан бўлиб туради ва ҳозирги пайтда ҳам бу жараён рўй бермоқда.

Олтиннинг валюта сифатидаги аҳамиятидан ташқари, унинг заргарлик, кимё саноати, тиббиёт, фотография соҳаларида ҳам ўз ўрни борлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Олтиннинг инсон ҳаётидаги алоҳида аҳамияти унинг ажойиб хусусиятлари билан белгиланади ва бу тасодифий ҳол эмас. Олтин табиатда кўпинча эркин, тугма ҳолда учрайди. Асосан, олтин майда зарралар ҳолида кварцга ва бальзан, ҳар хил сульфидли рудаларга, кўпинча қумга аралашган ҳолда бўлади. Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида олтин бор, аммо қазиб олиш миқдори турлича. Бизнинг республикамиизда, хусусан, гарбий вилоятларда олтиннинг ҳатто маккажӯҳори дони ва попугида (тоннасида 2—4 грамм) ва Қизилқумдаги шувоқ ўсимлиги таркибида борлиги аниқланган. Энг муҳим хусусияти шуки, бошқа моддалар билан реакцияга, яъни коррозияга киришавермайди. Шунинг учун халқ орасида «олтин зангламас» ибораси юриши бежиз эмас.

Ўзбекистонда бир неча олтин-мис конлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида бошқа усуслар ҳам қўлланилади. Масалан, Олмалиқ тоф-металлургия комбинатида асосан мис олинади, аммо мис купоросини электролиз қилиш жараёнида ҳосил бўлган тошқолдан олтин ҳам ажратиб олинади. 1958 йили ташкил топган Навоий тоф-металлургия комбинатида

ҳатто олтин ишлаб чиқариш чиқиндисидан циан усулида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилган, яъни ташландиқ қумни қайта ишлаб, янги олтин олинади. Умуман олганда, ҳар бир тонна қумдан 2—4 грамм олтин олинса, бу иш фойдали, яъни рентабелли ҳисобланади. Ана шу рақамлардан, олтин олишнинг қанчалик мураккаб ва мashaққатли иш эканини тасаввур этса бўлади.

Бир йил давомида энг кўп олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига, Жанубий Африка Республикаси, АҚШ, Австралия, Хитой Ҳалқ Республикаси, Россия Федерацияси, Канада, Перу ва Ўзбекистон каби давлатлар киради.

Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинchoқлар, заргарлик буюмлари, безаклар ясаш милоддан аввалги VI—V асрларда ёқ мавжуд бўлган. Буни мамлакатимиз ерларида ўтказилган археологик қазилмалар давомидаги топилмалар исботлаб турибди. Тарихда республикамиз ҳудудида V асргача, V—XII асрларда ва XVII—XX асрларда олтин қазиб олинганлиги, 30 дан ортиқ кўхна олтин конлари бўлгани аниқланган.

Мамлакатимизнинг нодир металларга бойлиги бошқа давлатларга ҳам яхши аён бўлган. Масалан, 1877 йили олиб борилган археологик қазилмалар пайтида милоддан аввалги IV—II асрларга оид заргарлик буюмлари мажмуаси — қабр топилган бўлиб, унда 179 та олтин, 7 та кумуш буюм ҳамда ўша даврларда зарб қилинган 1500 та кумуш ва чақа тангалар бўлган. Бу топилма Амударё ҳазинаси номи билан машҳур. Аммо шуниси ачинарлики, 1897 йили бу нодир буюмлар усталик билан мамлакатимиздан олиб кетилган ва Лондондаги Британия музейида сақланмоқда.

Ажнабий босқинчилар — форслар, юнонлар, араблар, мўғуллар, руслар, шўроларнинг мамлакатимизга кўз тикиб, бир неча бор ҳужум қилганликлари ўз-ўзидан тасодифий бўлмаган. Бу ердаги бойликлар уларни оҳанрабо каби ўзига тортган ва ҳалқимиз доим кураш олиб боришга мажбур бўлган.

Фақат мустақиллик туфайли ўзбек ҳалқи ўз бойлиklärининг ҳақиқий эгасига айланди, олинаётган олтин, кумуш ва бошқа маъданлар Ватан, ҳалқ фаровонлигига хизмат қила бошлади. Ўзбекистонда олтин рудалари аниқланган 600 га яқин кон маълум бўлиб, 144 таси рўйхатга

киритилган, 12 тасида олтин қазиб олиш ишлари олиб борилмоқда, 15 тасида фойдали қазилмалар борлиги аниқланган, 16 тасида қазишиш ишлари бошланган.

Мамнуният билан қайд этмоқчимизки, Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар давомидаги олтин-валюта захираларининг ҳажми мамлакатнинг 5 ойлик импорти ҳажмини қоплай олиш даражасида сақланиб келинмоқда, бу эса жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини енгигб ўтиш учун яхши заминдир. Жаҳон стандартлари, халқаро тажрибага мувофиқ, бу кўрсаткич 3 ойлик импорт ҳажмидан кам бўлмаслиги лозим.

Олтиннинг миқдори билан бирга, сифати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу металнинг табиий бирикмалари жуда оз. Олтин заррачалар шаклида, 0,01—4,0 миллиметр катталикда бўлади, аммо катта қўймалари ҳам учрайди. Жаҳонда топилган энг катта олтин ёмбилар маълум, Австралияда 93,3 килограммлик, Россияда эса 36,04 ва 14 килограммлик ёмбилар топилган.

Олтиннинг соғлиги, яъни пробаси ўзгарувчан бўлиб, кўпинча 930—900, 820—780, 650—600 рақамлари оралиғида белгиланади. Жуда кам учрайдиган пробаси 550. Бунга сабаб шуки, унинг таркибида оз миқдорда бошқа металл қўшимчалари бўлади. Шуни фаҳр билан айтамизки, жаҳонда энг юқори пробали (999,9) олтин Ватанимизда олинади.

Айниқса, иқтисодий инқирозлар даврида олtinga бўлган талаб ортиб бормоқда, унинг баҳоси анча юқори. Ўз жамғармаларини олтин шаклида сақлаш молиявий барқарорлик учун ишончли кафолат ҳисобланади. Ҳар куни соат 12:00 да Лондондаги Ротшильд банки бир унция олтиннинг баҳосини эълон қиласди. 2010 йилнинг охиirlарида олтиннинг нархи умуман ўсиб кетди ва сўнгги 20 йил ичida энг юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу эса, мамлакатимиз учун ниҳоятда аҳамиятли ҳодисадир.

### **Садриддин Айний асарларида иқтисодий ғоялар талқини**

Айний (асл исми Садриддин Сайдмуродзода, 1878—1954) — ёзувчи, олим, жамоат арбоби, ўзбек ва тожик тилларида ижод этган.

Аҳмад Дониш ва Озарбайжон ёзувчиси Ҳожа Марофийнинг ҳамда жадид маърифатпарварларининг асарлари унинг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатади. Айний Бухорода янги усуздаги мактаблар очади; улар учун ўқув қўлланмалар, оммани илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат «Ёшлар тарбияси» (1909 й.) дарслигини тузади. «Ёш бухороликлар» ҳаракатида фаол қатнашади.

1927—1929 йилларда йирик романи «Дохунда»ни тоҷик тилида нашр эттириди. 1934 йилда эса ўзбек тилида «Куллар» романини яратди. Унда ўзбек ва тоҷик ҳалқининг юз йиллик ҳаёти акс этади. Айнийнинг «Эски мактаб» асарида (1935) эски мактабдаги ўқиши ва ўқитиш тўғрисида ҳикоя қилинади. Йигирманчи йилларда эълон қилинган қатор ҳажвий асарлари, «Яна бу қайси гўрдан чиқди», «Пулинг ҳалол бўлса, тўй қил» (1924), «Машраб бобо», «Ё, тўним» (1925) «Билганим йўқ», «Кенгаш» (1926) каби ўзбекча фельетонлари, ҳажвий шеър ва мақолалари, айниқса «Судхўрнинг ўлими» қиссаси (1939) ёзувчининг моҳир сатирик эканлигини кўрсатади.

Айний, шунингдек, Муқанна ва Темурмалик бошчилигида ҳалқ қўзголонини акс эттирувчи адабий-тарихий очерклар ёзди. У тўрт қисмдан иборат «Эсадилклар»ида (1949—1954) Бухоронинг ўтмиш ҳаёти ва ўша давр ижтимоий-маданий муҳитини ёритади. Айний яшаган давр кескин бурилишларга бой бўлиб, жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар Бухорога ҳам аста-секинлик билан кириб кела бошлаган эди. Бу, айниқса, илм-маърифат соҳасида кескин сезилади. Бошқа давлатлардаги техникавий янгиликлар кўпайиб, мамлакатимизга ҳам таъсир этган.

Уч жилдлик «Куллар» романи ўтмиш жамиятнинг синфий табақаланиши тўғрисида яхши тарихий маълумотдир. Маълумки, олимлар ўртасида Шарқда қулчилик муаммоси тўла ҳал этилмаган. Айний бу масалага ойдинлик киритади. Бухоронинг ўтмиши тўғрисида бой маълумотлар келтирилади, мамлакат аҳолисининг қийинчиликлари ва уларни енгиш учун олиб борилган ишлар баён этилади.

Маълумки, хонлик ерлари Зарафшон дарёсининг қуи қисмида анча ноқулай шароитда бўлган, чунки юқорида Самарқанд ҳам шу дарёдан сув ичган ва сув зарур пайтлар-

да ўзаро муаммолар юзага қелган. 2 та сув айирғич орқали сув оқими тартибга солинган. Шуларни енгиш, иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун турли чоралар құлланилган, яғни, ақл-заковатни ишга солиб, тадбиркорлик билан оғир шароитдан чиқиши йүллари қидирилган. Масалан, сугориш борасида ҳар бир томчи сувдан түгри фойдаланиш, ҳатто сунъий сугормасдан, масалан, куз, қишлоқ, баҳор ёғин-сочинларидан фойдаланиб, ҳосил олиш йүллари топилган. Шүрхок ерлар шароитини яхшилаш — қоқлама усули, ер унумдорлигини ошириш — ерга гүңг, чиринди солиши борасида оригинал усуллар құлланилган. Зовур, кориз қазиши, сойларда сув омборлари куриш ишлари олиб борилган. Олимнинг асарларида шу нарса яққол сезилиб туради.

Айний маърифат соҳасидаги ўзгаришларни таклиф этган, инсонларнинг иқтисодий ривожланишида илм-фан ўрнини юқори баҳолаган. Мамлакатга кириб келаётган янгиликларни құллаб-қувватлаган, аммо унинг айрим салбий жиҳатларини ҳам эсга соглан. Башқарув тизимини ўзgartириш, бу борада илфор мамлакатлар тажрибасини құллаш тарафдори бўлган.

### **Қори Ишкамба фожиаси**

Садриддин Айний ижодида «Судхўрнинг ўлими» қиссаны алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қиссада у, Бальзак яратган молиячи Гобсекка ўхшаш Қори Ишкамба образини яратди. Бу моҳир тадбиркор, жисмоний меҳнат құлмай бойлик ортириш усулини ишлаб чиққан оддий бир одам. У аввало ўз уйини ижарачиларга топширади. Пулинин олиш билан бирга, ижарачига ҳафтада бир марта ош дамлаб, меҳмон қилиш шартини қўяди. Шунингдек, уйида овқат пиширмай, маҳаллада бўладиган барча овқат билан боғлиқ бўлган йиғинлардан қолмайди. Бу йиғинларда очофат сингари овқат ейди (нече марта овқат тиқилиб қолган ҳолатлари ёритилган). Иқтисодиётнинг бош масаласи — иқтисод қилиш, тежамкорлик «олий даражада» амалга оширилган.

Асарда қорининг «тадбиркорлиги»дан ажойиб мисоллар келтирилади. У ҳатто гугуртни тежайди, бунинг учун уйидаги барча чироқларни бир ерга тўплаб, бир гугурт

чўпи билан ҳаммасини кетма-кет ёқади. Бундан ташқари, керосин ҳам иқтисод қилинади, чироқлар анча эрта, бир вақтда оммавий равишда ўчирилади (қатъий назорат ўрнатилган).

Аммо кунлардан бир кун қори узоқроқ жойда меҳмонда қолиб кетади ва чироқларни ўчириш вақти бўлиб қолади. У шошилиб уйига жўнайди, қараса, ҳамма чироқлар ўчирилган, уйлар қоп-қоронги. Худога шукур деб, нафасини ростлаб олган қори қараса, хотини чиқиб келаётган экан. У эрига қараб: «Чироқларни ўчираман деб, оёқдаги калишни эсдан чиқардингизми?» дейди. У ҳам эридан қолишмайдиган иқтисодчи эди. Қори Ишкамба қулиб: «Калиш кўлтиғимда, ялангоёқ келдим», деб жавоб беради.

Айний бу мисоллар билан иқтисод қилишнинг хасислик, очқўзлик даражасига кўтарилигини намоён этади, уни танқид остига олади. Истрофгарчилик қанчалик ёмон одат бўлса, хасислик ҳам энг ёмон иллат эканлиги кўрсатилади.

Айнийнинг замондошлари фикрича, муаллифнинг ўзи ҳам тежамкор бўлган, исрофни ёмон кўрган, саранжом-саришталиқ шайдоси эди. У уй учун савдо-сотиқни ўзи қилган, бозорга бориб эринмасдан, нисбатан арzon маҳсулотларни сотиб олган, нарсаларни эшагидаги хуржунга солиб, уйга равона бўлган. Келган меҳмонлар олдига энг керакли нарсаларни керакли миқдорда кўйган. Масалан, дастурхонга бир одамга бир нечта чақмоқ қанд, 1—2 қошиқ асал кўйилган.

Айний асаридаги яна муҳим бир жиҳат шуки, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик — саноат соҳаси билан бирга, хизмат соҳаларида ҳам бойлик яратиши мумкинлиги кўрсатилган. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб хизмат соҳалари мустақил фаолият деб тан олинди ва ривожланган мамлакатларда етакчи бўлди.

Қори Ишкамбанинг муҳим тадбирларидан яна бири — банклар билан яқин муносабатидир, у топган пулини фоизга қўйиб судхўрлик қиласи. Албатта, капиталнинг ишлаб чиқариш омили сифатида тан олиниши, банкларнинг бу борадаги аҳамияти тўғри ёритилган. Исломда судхўрлик ҳаром деб қаралиши юқорида баён қилинган, аммо ҳозирги иқти-

содиётни банкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусулмон мамлакатларида бу ҳолатдан чиқиш йўллари топилган — капиталнинг аҳамияти тўғрисида маҳсус таълимотлар бор.

Шу ерда Бухоро молия тизими тўғрисида айрим маълумотларни келтиришни лозим топдик. Олим А.Нуруллаев маълумотларига кўра, милоддан аввалги III аср охиридан II асргача бу ерда юон-бақтрий тангалари муомалада бўлган. Бу пулларнинг номи ҳам юонча эди. Жумладан, тилла пуллар — статер, кумуш тангалар — тетрадрахма, драхма, ярим драхма, деб аталган.

Милоддан аввалги I асрда, милоднинг дастлабки тўрт асирида сүғдлар даври Бухоросида Евтидем I тетрадрахмаларига ўхшаш тангалар, кейинчалик эса сосонийлар шоҳи Баҳром V (421—439) драхмаларига тақлид қилиб, тангалар чиқарилди. Бу тангалар бухорхудот дирҳами деб номланган. VIII аср бошида мамлакатга араблар билан бирга, уларнинг тангалари ҳам кириб келди. Олтин тангалар — динор, кумуш тангалар — дирҳам, мис тангалар — фулус, деб аталган. Олтин тангалар ташқи савдо учун зарб қилинган, улар оғирлигига қараб пул ва маҳсулот сифатида муомалада бўлган. Халифалик савдоси кумуш тангалар — дирҳамлар пул муомаласининг асосини ташкил этган. Олтин тангаларнинг кумуш тангаларга нисбати маълум вақт турлича бўлган. Агар VIII асрда I олтин тангага 10 кумуш танга алмаштирилган бўлса, кумуш инқирози пайтида бу нисбат 1:7, инқироздан сўнг 1:11 бўлган. XV—XVI асрларда катта мис тангалар «динор» деб, кумуш пуллар «танга» деб атала бошлади.

Ҳукумат кумуш ва мис тангалар орасидаги нисбатни ўрнатди. Бу нисбат бозор ўзгаришлари катта бўлмаган ёхуд нисбат вақт-вақти билан бўлган пайтда ўзгаришсиз қолди. Узоқ вақт мобайнода асосий бирлик ўзгармади: I кумуш танга I мисқол, яъни 4,5 грамм, I кумуш дирҳам 20 мис динор, I мис динор 6 фулусга teng эди.

Бухоро амирлигига 1785—1786 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти эски анъаналарни сақлаб қолди. Олтин тангалар — «ашрафий» ёки «тилла», кумуш тангалар — «танга», мис тангалар — «қора пул» ёхуд кўплика «фулус», халқ тилида «пул» деб атала бошлади.

Россия протекторати ўрнатилганидан сўнг, рус ҳукумати ўз олдига Бухоро пул тизимини йўқотишни ҳамда муомалага рус пулларини, жумладан, кредит билетларини, яъни қофоз пулларни киритишни мақсад қилиб қўйди. 1893 йилгача Бухоро бозорларида 1 Бухоро кумуш тангасининг нархи 20 тийин рус пули даражасида сақланган. 1893 йилда Бухоро амирлигида Россия давлат банкининг бўлими ташкил қилиниб, унга мамлакатдаги пул муомласини тартибга солиш вазифаси юкланди. Бухоро тангаси Туркистон ўлкасида ҳам, асосан Самарқанд вилоятида жорий қилинди.

Россия ҳукуматининг тазиёки остида 1904 йилда Бухоро кумуш тангаси чиқарилиши тўхтатилди, танга зарб этиш тўхтатилиши билан бирга, 2 пул қийматли янги мис тангалар ҳамда оддий фулус мунтазам зарб этилиши йўлга қўйилди. 1918 йилдан бошлаб Бухоро пул муомласига амир ҳукумати томонидан чиқарилган қофоз пуллар киритилди. Улар танга деб аталар эди. Демак, Қори Ишкамбанинг банклар билан операциялари XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларига тўғри келади.

Садриддин Айнийнинг хизмати шундаки, Қори Ишкамба типик образи орқали банк тизимининг аҳамияти билан бирга, гоҳида учраб турадиган банк касодлиги, таваккалчилик ҳам мавжудлигини эслатиб қўяди. Ана шу касодлик туфайли судхўр ҳамма пулидан ажрайди ва оламдан ўтади.

Айний ҳажв орқали судхўр фаолиятини қоралайди, аммо биз учун ишбилармонлик, тадбиркорлик, айниқса, бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида катта аҳамиятга эга. Ваҳоланки, маркечча таълимот ва шўролар даврида колективизм гоялари улуғланган, шахсий мулк қораланган эди. Бунинг салбий оқибати маълум бўлди.

Классик иқтисодий мактаб вакилларининг гояларида хусусий мулкчиликнинг афзаллиги кўрсатиб ўтилади, инсонларнинг бойлиқ кетидан қувиши психологияси сабаблари аён бўлади. Фарб иқтисодиёти шулар асосида ривожланниб, Рокфеллер, Форд, Родшильд сингари кўплаб миллионер ва миллиардерлар пайдо бўлган. Улар жамият томонидан

инкор этилмайди, ўзлари ҳам бойиди, жамият учун ҳам катта фойда келтирмоқда.

Шўролар даврида эса бу ҳолатга салбий муносабат вужудга келди. Бунинг сабаби шуки, шу даврда 74 йил (1917—1991) давомида яратилган мол-мулк қисқа давр мобайнида айрим корчалонлар қўлига ҳаром йўллар билан ўтиб қолди.

Гарбдаги ишбилармонлар, масалан, Рокфеллер ўз фаолиятини совун ва газета сотишдан, оламга машҳур банкирлар сулоласи асосчиси Ротшильд эса ишни банкда пул майдалашдан бошлаган. Улар яхши ва ҳалол ишлашгани учун кўп йиллар давомида шу даражага эришганлар. Бу миллиардерлар сахийлик ва ҳомийлик борасида ҳам ўrnак бўларли ишларни амалга оширганлар. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биноси турган ер Рокфеллер томонидан бепул ҳадя этилган.

Мамлакатда ҳалол йўллар билан, ақл-заковат ва ишбилармонлик билан муваффақиятга эришган бойлар қанчалик кўпайса, жамият учун ҳам шунчалик фойдалидир.

\* \* \*

Хива хонлигидан сўнг Бухоро ҳам мустақил алоҳида давлатга айланди. Уни бошқариш тизими ҳам деярли бир хил бўлган. Бу ерда иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги асосий ўрин эгаллаган, ҳунармандчилик ва савдо ҳам ривож топди. Деҳқончилик сунъий суғориш асосида юритилган ва ўзига хос хусусиятларга эга. Зарафшон дарёси сувига боғлиқ равишда айрим йиллари қурғоқчилик ва кам сувли пайтларда катта қийинчиликлар бўлиб турган. Махсус ирригацион иншоотлар қурилган. Шунинг учун тақчил сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш йўллари ўйлаб топилган.

Бухоро мевалари, узумлари ўзининг сифати билан ажралиб турган. Атмашлаб экиш, беда, дон экиш авж олган. Қорақўлчилик алоҳида аҳамиятга эга эди.

Ҳунармандчилик бошқа ҳудудлардан фарқли равишда яхши ривожланган эди. Бухоронинг қизил олтини жаҳонда юқори сифатга эга бўлган. Ички ва ташқи савдо қадимдан ривож топган. Зандана қишлоғида тайёрланган атлас оламга машҳур бўлган.

Ер эгалигиде амлок (хон ери), мулк (хусусий), вақф (масжид, мадраса, мактаб) ерлари бўлган. Улардан олинадиган солиқлар тизими хирож, ушр, закот ва бошқа шаклда эди.

Деҳқончиликда ер ижараси кенг қўлланилган, чоракорлик авж олган. Чоракорлик шартлари эса, ҳосилнинг тўртдан бир қисмидан то тўртдан уч қисмигача эгасига бериш асосида амалга оширилган. Шу даврда мардикорлик ҳам юзага келган, деб айтиш мумкин. Бепул ишлаб бериш пайдо бўлди ва мажбурий равишда амалга оширилди.

Бухоро Россияга вассал бўлиб қолиши билан бирга, бир қанча ўзгаришлар рўй берди, темир йўлларнинг қурилиши, банк тизими иқтисодиётни анча ўзгартирди. Шу даврда Садриддин Айний ва Аҳмад Дониш томонидан ёзилган асарларда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, банк, судхўрлик масалалари, ҳалқнинг моддий турмуш даражаси, солиқ, бозорлардаги шарт-шароит, сув таъминотини яхшилаш масалалари катта ўрин эгаллайди. Маориф, илм-маърифатни яхшилаш, бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш гоялари илгари сурилди.

Фарб тадбиркорлари Шарқдаги ҳамкасларидан фарқли равишда, ўз маблағларини ва мустамлакачиликдан тушган бойликларини янги корхоналарни очиш учун сарфлаб, умумдавлат равнақига ҳисса қўшган бўлсалар, бизда баъзи ҳукмдорлар, хусусан, Бухоро амири Саид Олимхон, Қўқон хони Худоёрхон ҳалқнинг пешона териси ҳисобига яратилган мамлакат бойликларини, катта миқдордаги олтин ва кумушларни ўлик капитал сифатида сақлаганлар.

Бухоро амирлигининг олтин хазинаси тўгрисида қатор тадқиқотлар олиб борилиб, бу ерда ниҳоятда катта олтин ва кумуш бойликлари тўпланганлиги далиллар асосида аниқланган. Лекин, ҳалқимизнинг ақл-заковати, машаққатли меҳнати туфайли яратилган бу сон-саноғи чексиз бойликларимиз турли-туман босқинчилар томонидан талон-торож қилинди, анчагина қисми Санкт-Петербург, Лондон, Пешовар банкларида ва бошқа ерларда сақланмоқда. Лекин уларни олишнинг иложи бўлмаяпти — ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўгри тузилмаган экан. Бу бойликларнинг ҳажми тўгрисида турлича маълумотлар бор, аммо улар катта сум-

мани ташкил этган ва тараққиёт учун сарфланса, яхши на-тижа берар эди. Лекин минг афсуски, бу бойликлар бирорнинг хасмида қолиб кетди ва қайтиб олишнинг иложи йўқ. Хусусан, олим С.Холбоевнинг «Бухоро амирлигининг олтин хазинаси» китобида бу мавзу тўлиқ ёритилган.

Машхур шоир, адаб ва мутафаккир Саъдий Шерозийнинг қуйидаги сўзлари қанчалик ўринли эканлиги маълум бўлади: «Икки кишининг чеккан ташвишлари бесамар ва қилган ишлари бефойда бўлиб чиқади: бири — бойлик тўпласа-ю, фойдалана олмаса; иккинчиси — илм ўрганса-ю, унга амал қилмаса». Бунда худбинлик, хасислик, очкўзлик, қизғанчилик қаттиқ қораланади.

Дунёдаги энг бой ишбилармонлардан бири — «Майкро-софт» компанияси бошлиғи Билл Гейтс улкан мол-мулкининг фақат 1 фоизини ўз оиласига, қолган 99 фоизини ҳомийликка, масалан, тиббиёт ва таълимга сарфлаш тўгри-сида васият қилмоқда. Ўрнак олса арзирли иш...

## **АҲМАД ДОНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ**

### **Аҳмад Дониш яшаган даврда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи**

Маълумки, XIX асрнинг охирлари жаҳонда йирик ўзга-ришлар даври эди, монополиялар юзага кела бошлади, қўплаб янги индустрисал давлатлар пайдо бўлди, янги синфлар — буржуазия ва ишчилар синфи ташкил топди, нисба-тан эркин меҳнат асосий ўринга чиқа бошлади.

Аммо Туркистон ўлкасида ва айниқса Бухорода ҳунар-мандчилик ҳатто мануфактура даражасига кўтарилимаган эди, иқтисодиётда майда маҳсулот ишлаб чиқариш етакчи эди, қишлоқ хўжалигида натурал хўжалик устун бўлган. Европа-да эса, XIV—XV асрларда мануфактура, XVIII асрда фабри-ка пайдо бўлган. Суформа дехқончилик янги ерлар очиш ва сув билан таъминлашни талаб қилган. Ер етишмаслиги чо-ракорликка олиб келган.

Фарбда эса, фермерчилик муносабатлари ривож топди. Шу билан бирга, бошқа мамлакатлар таъсири остида дав-

латни бошқариш, хўжалик юритишида янги усулларни жорий этишини талаб қилган.

Мутафаккирлар мамлакатни оғир аҳволдан олиб чиқиш, халқ турмушини яхшилаш, иқтисодий муносабатларда маълум қонун-қоидаларнинг устуворлигини таъминлаш, янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш йўлларини илгари сурдилар. Айниқса, бозорлардаги аҳвол оғир эди, бу ерда тарозидан уриб қолиш, турли йифимлар ва бошқа салбий ҳолатлар ривож топди.

Россия вассали сифатида Бухорода ҳам айрим ижобий ўзгаришлар учун шароит вужудга келди. Кўпгина мутафаккирлар мамлакатдаги барча соҳаларни ислоҳ қилиш бўйича кўпгина таклифлар беришди, аммо улар эътиборсиз қолдирди.

### **Аҳмад Донишнинг «Наводур ул-вақое» ва бошқа асарларидаги иқтисодий фикрлар**

Аҳмад Дониш (1827—1897) Бухоро амирлари — Насруллоҳ ва Музаффар саройида нуфузли лавозимда ишлаган. 1857, 1869, 1873 йиллари Бухоро амирининг элчиларига котиб сифатида Россия пойтахти Санкт-Петербургда бўлган.

Унинг асарларида мамлакатни ислоҳ қилиш масалалари кенг ўрин эгаллади. «Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас, ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайди», деб ёзади у. Бу олимнинг ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар бўйича таклифлари амир томонидан инкор этилади ва у саройдан четлаштирилади.

Олимнинг илмий фаолияти, айниқса, Бухорони суғориши ва Амударёдан сув олиб келиш билан боғлиқ бўлган масалалар тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.Р. Муҳаммаджонов асарларида кенг ёритилган. Аҳмад Донишнинг иқтисодий ғоялари тўғрисидаги маълумотлар ана шу олимнинг «Қуий Зарафшон воҳасининг сугорилиш тарихи» китобидан олинган.

Аҳмад Донишнинг «Наводур ул-вақое» («Нодир воқеалар») ва «Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлиги-

нинг қисқача тарихи» номли асарларидаги Бухоронинг сув таъминотига оид маълумотлар хусусида тўхталиб ўтсак. Чунки, Аҳмад Дониш асарларида келтирилган маълумотлар тадқиқотчилар учун Амударёдан Бухорога сув чиқариш гоясининг пайдо бўлиши давринигина эмас, балки унинг сабабларини ҳам аниқлаб олиш имконини беради.

«Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» китобидаги Бухоронинг суви масаласи тўғрисидаги маълумотларга, тадқиқотчилар диққатини, даставал, 1936 йилда таниқли олим Е.Э. Бертельс жалб этди.

Шунингдек, «Наводур ул-вақое» асарида баён этилган бир ҳикояга диққатни жалб этиш керак. Китобда Бухорони сув билан таъмин этиш тўғрисидаги фикр ва гояларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган ҳикоя келтирилади.

«Бир сафар Ҳиндистондан Бухорога томоша қилиш учун элчи келди, — деб ҳикоя қиласи Аҳмад Дониш, — уни подшоҳликнинг чорбогига олиб борадилар. Имаратнинг ҳашаматлилиги ва об-ҳавонинг мусаффолигини кўриб ҳайратда қолган элчи: — Бухоронинг ўзида денгиз, чашма ва оқар сув борми? деб сўради. — Йўқ, делилар. — Бўлмаса сув қаердан келади? деди элчи. — Самарқанддан келади, делилар. — Самарқанд кимники? деди яна элчи. — Ўзимизники, делилар. — Мабодо сизларники бўлмай қолса-чи? деди элчи. — Буни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки Самарқанд ва Бухоронинг ҳар иккиси ҳам бир шаҳардир, делилар... — Ундей бўлса, бу икки шаҳарни Аму соҳилига кўчириш ёки Амудан сув чиқариш лозим, токи олий вазирликнинг бу иморати эътиимод бўлсин, деди элчи».

Аҳмад Донишнинг асарида келтирилган бу воқеа, шубҳасиз, Самарқанд ҳали подшоҳ Россияси ҳукмронлигига ўтмасдан анча олдин содир бўлган. Ўша даврда Бухорога келган ҳинд элчисининг шаҳарга Амударёдан сув чиқариш керак, деб айтган фикри қай мақсадда айтилгани аниқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда у, хонлик пойтахти ишончли сув манбай яқинида жойлашган бўлиши керак, деган фикрни баён қилган эди.

Ҳиндистон элчисининг Самарқанд тўғрисидаги фикри орадан кўп вақт ўтмай ҳақиқатга айланди. Зарафшон во-дийсининг Зирабулоққача бўлган қисми подшоҳ Россияси

томонидан босиб олиниб, сувнинг боши унинг қўл остида бўлган. Зарафшон дарёси сувининг тақсимоти Бухоро та-сарруфидан чиқиб, Самарқанд маъмурияти ихтиёрига ўтди. Натижада, Бухоронинг сув таъминоти кўп жиҳатдан самарқандликларнинг хоҳишига боғланиб қолди. Бунинг устига, ирригация хўжалигидаги қолоқлик подшо маъмурларининг бу соҳада тажрибасизлиги оқибатида Бухоронинг сув таъминотини йил сайин ёмонлаштириди. Бухоро Зарафшон дарёсида сув кам бўлган даврларда эса мутлақо сувсиз қола бошлади.

Бухоронинг сув таъминотида содир бўлган бундай оғир ахвол, шубҳасиз, мамлакат ободончилиги ва ҳалқнинг тўқлиги деҳқончиликка боғлиқ эканлигини яхши тушунган ўша даврнинг илфор мутафаккирларини Бухорони сув билан таъминлаш масаласи устида бош қотиришга мажбур этган эди. Аҳмад Донишнинг асарларида Бухоронинг сув таъминоти тўгрисида билдирилган фикр-мулоҳазаларига эътибор берилса, Бухоро аҳолисининг сув танқислиги ташвишидан озод этиш тўгрисида кўпроқ қайтурган мутафаккирлардан бири шу асар муаллифининг ўзи эканлиги маълум бўлади.

### **Олимнинг Амударёдан Бухорога сув чиқариши ложиҳаси ва ҳозирги замон**

XIX асрнинг истеъоддли мутафаккири Аҳмад Донишнинг Бухоро сув таъминоти тўгрисида қайгуриши табий эди. Негаки, Самарқанднинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши оқибатида сув бошининг Россия ихтиёрига ўтиши, бунинг устига 1869 йилнинг кузи ҳамда 1870 йилнинг қиши ва баҳор мавсумларида қургоқчилик оқибатида чорванинг нобуд бўлиши, экинларнинг сувсизликдан қуриб кетганлиги ва ниҳоят Бухорода бошланган оғир иқтисодий танглик, шунингдек, ҳинд элчисининг Бухоро сув манбаи тўгрисидаги фикри, Аҳмад Донишда Амударёдан наҳр, яъни канал қазиб, Бухорога сув чиқариш ғоясининг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди.

Аҳмад Донишнинг «Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг қисқача тарихи» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқа-

риш тоясини амалга ошириш мақсадида, хонликнинг амирлари ва Туркистоннинг ҳарбий маъмурларига турли йўллар билан бир неча бор мурожаат этилган. Даставвал, бу масала тўғрисида мутлақо бош қотиришни истамаган амир Музаффар билан Аҳмад Дониш ўртасида қизғин ёзма мунозара бошланган.

«Бир сафар эрта баҳорда ёғин-сочиннинг кам бўлиши далили бор эди, — деб ёзади Дониш, — амирга арзи иншо қилдимки, бу йил ёмғир оз бўляпти, «гармоб» вақтида мабодо сув нуқсонга юз тутиши мумкин. Самарқанд суви умидида хотиржам ўтириб бўлмайди. Агар Бухоронинг етти туманидан ҳар таноб ердан (0,3—0,5 гектар) икки тангадан жъул (фавқулодда солик) йиғиш тўғрисида ишорати олий бўлса, катта миқдордаги танга тўпланади. Шу маблағга икки лак (200 минг танга) харж қилинса, Керки ёки Келиф қаршисидан сув чиқариб, Бухоро, Қарши ва Миёнколга келтириш мумкин».

Бу иншоотни қуриш учун давлат хазинасидан мутлақо маблағ сарфланмаслигини аввалидан билган Аҳмад Дониш канални меҳнаткаш халқнинг маблағи ва уларнинг билак кучи билан қазиш режасини таклиф этган бўлса ҳам, аммо Амир Музаффар: «Бухоронинг бурунги подшолари Амудан сув олмаганлар, балки у ёқдан келадиган сувнинг бошини беркиттирганлар. Бунинг сабаби шундаки, мабодо душманнинг ҳужуми ёки дарё тошқини содир бўлса, Бухорони сув босиб у вайрон бўлади. Амудан сув олиш хилоф маслаҳатдир», леган номаълум важларни кўрсатиб, сув чиқаришни хоҳламаган.

Аҳмад Дониш амир Музаффардан рад жавобини олса ҳам, ўз тоясидан қайтмаган, аксинча, у Амударёдан сув чиқариш мумкинлигини шарҳлаб, амирга қўйидаги жавобни юборади: «Бундай хавфсираш бутунлай асоссиз... Сув тошқини бўлди деб ҳам фараз қиласайлик, агар каналимизнинг боши Керки қаршисида бўлса, сув Қаршининг гарби, Қоровул қири ва Мамажугротнинг жанубидан дашт ва қумликлар ичидан оқиб ўтиб, Нарзам ва Чоржўй яқинида яна дарёга келиб қуйилади. Ундан ҳеч жой зарап кўрмайди. Агар Келиф қаршисидан бош олса, у вақтда Фузор дарёси ўз оқимини ўзgartириб, икки дарё оралиғи -- Қашқадарё ва

Амударё бўйлаб оқади. Биз яна сув бошига тош ва қир (ганч) дан тўғон ўрнатишимиш ва қоровулар тайинлашимиз мумкин. У ердаги назоратчилар доимо сувдан боҳабар бўлиб турадилар».

Олимнинг бундай аниқ фикрлар айтиши сабаби шуки, у жойни яхши билган, география ва геодезия фанларидан хабардор бўлган, канал тархини ҳам чизиб берган эди.

Аҳмад Дониш ёзилича, орадан кўп вақт ўтмай амир Музаффар олимга яна мактуб ёзиб, «Агар биз Амудан сув чиқарсан, Россия нега Амудан сув чиқардинг ва бизнинг сувимизга нега қаноат қилмадинг? деб сўраса, қандай жавоб берамиз», деган важни кўрсатган. Бунга жавобан Аҳмад Дониш: «Россия бундай сўзни айтмайди, модомики, у агар бу вилоятни ўзига бўйсундириш хоҳишида экан, унинг учун сувсизликдан кўра сувли бўлган яхшироқдир. Айни вақтда биз: сенинг сувинг бевақт келяпти, ерларимиз «гармоб» сувидан қоляпти ва мамлакатнинг ушр ҳамда хирож солиқлари қисқариб боряпти, деб жавоб қиламиз», деб ёзган эди.

Бухоро амири Аҳмад Донишнинг бу оқилона таклифи ни ҳам мутлақо рад этиб, олимга: «Менга бундай гапларни арз қилгандан кўра, хушомад қилиб, мендан инъом талаб қилсанг яхшироқдир», деган жавоб қилган. Шундан сўнг, Аҳмад Дониш Амударёдан Бухорога сув чиқариш тўгрисида қайта амир Музаффарга мурожаат қилишга журъат этмаган.

Ҳозирги кунда бир асрдан кўпроқ аввал бўлиб ўтган бу ёзма мунозарадан маълум бўлишича, Аҳмад Дониш Бухорога Амударёдан канал чиқариш ғоясини таклиф қилибгина қолмай, балки, Аму — Бухоро каналининг ilk лойиҳасини ҳам ишлаб берган экан. Чунки олим ҳисоб, ҳандаса ва география фанларини, Зарафшон ва Амударё водийлари топографиясини, айниқса, гидрографиясини мукаммал билган.

Гарчи Аҳмад Дониш Бухорога Амударёдан сув чиқариш масаласида амир Музаффардан узил-кесил рад жавобини олган бўлса-да, ўз мамлакатининг сув таъминотини яхшилаш мақсадидан ҳеч қайтмаган.

Маълумки, 1873 йилнинг кузида Россиянинг Хива хонлиги устидан қозонган ғалабаси муносабати билан Бухоро-

дан Петербургга Абдуқодирбек додхоҳ бошчилигига элчи-лар юборилди. Россияга юборилган элчилар орасида мирзалик лавозимида Аҳмад Дониш ҳам бор эди. Бухоро элчилари Петербургга 1874 йил 6 январь куни етиб борди ва Россия пойтахтида бир ярим ой бўлди. Маълум бўлишича, Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ҳам худди шу даврда Петербургда бўлган. Бундан хабар топган Аҳмад Дониш Бухоро элчиси Абдуқодирбек додхоҳни генерал-губернатор билан учраштиришга ҳаракат қилган ва Бухоронинг сув таъминоти тўгрисида элчини Кауфманга мурожаат қилишга даъват қилган. Бу ҳақда у «Рисола»да қўйидаги-ларни баён қиласди: «Мен элчига айтдимки, қачон бўлмасин Кауфманга дуч келсанг, ундан Бухоронинг сувини талаб қил, чунки Самарқандда дарёдан ташқари, чашма ва кориз ҳам бор. Бухорода эса уч ой ёзда ҳатто қудуқларда ҳам сув қуриб қолади. Бу вақтда бир меш сув ярим дирҳамга ҳам топилмайди».

Петербургда Бухоро вакиллари Кауфман билан бир неча бор учрашганлар. «Петербургда губернаторга қаерда дуч келмайлик, элчини ўз ҳолига қўймай, сўзни фақат Бухоронинг суви тўгрисида очдик». Натижада, Кауфман билан Бухоро вакиллари ўртасида хонликнинг сув таъминоти тўгрисида жиддий мунозара бошланган.

Аҳмад Дониш ўз рисоласида Туркистон губернатори билан бўлиб ўтган мунозара хусусида тўхтар экан, Кауфманнинг Бухоронинг сув таъминоти масаласига нисбатан тутган муносабатини равshan кўрсатувчи қўйидаги маълумотни келтиради: «Зарафшоннинг суви Самарқанднинг ўзига аранг кифоя қилмоқда. Шунинг учун дарёнинг суви ҳақиқатдан бундан бўён ҳам Самарқандга сарф бўлади, чунки иморат ва зироатларни кўпайтириш тўгрисида фармон бор. Мен Бухоро учун сув тўгрисида ҳам ўйламоқдаман. Бухорога Амударёдан эмас, Сирдарёдан сув чиқариб бераман. Ҳозирча бунинг учун имкониятга эга эмасман, аммо бу муҳим масаланинг ҳал бўлишига албатта эришаман». Бу губернаторнинг хом хаёли эди, чунки у гидро-графияни билмаган, Бухоро қаерда-ю, Сирдарё қаерда... Балки, бу раҳбарнинг бир найранги бўлиши ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан шу нарса аниқ аён бўладики, Аҳмад Дониш Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро шароитида сувсиз, аниқроғи сунъий сугорищсиз ривожланиш бўлмаслигини яхши тушунган ва буни бевосита амалга ошириш таклифларини ҳам берган, ҳозирги тил билан айтгандага, фойдали лойиҳага эга бўлган. Аммо, ўша давр маъмурларининг бу масалага масъулиятсизлик ва бехабарлик нуқтаси назаридан қараганликлари туфайли, режа амалга ошмаган. Бу фикрлар баён қилинганидан сўнг деярли юз йил ўтгач, лойиҳа амалга оширилди. Ҳозир дарёда 6 та насос станцияси қурилган бўлиб, Аму — Бухоро насос станцияси орқали Бухоро воҳасига сув келтирилмоқда ва ҳудуд тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, Аҳмад Донишнинг ажойиб иқтисодий тоғаси ўз ўрнини топди, чунки у тўғри бўлган.

Олимнинг ижодида Бухородаги оғир солиқлар ҳам ўз ифодасини топган. Аҳмад Дониш Фиждувондан Бухорога пилла олиб келган деҳқон тилидан бир қизиқ ҳикояни келтиради: «Бозорга келишим билан, молимни бир неча тарозида тортиб кетишди, икки-уч жойда аминона ва жой ҳақи олишди ва молимнинг оғирлигини тушириб ўлчаб, унинг ярим баҳоси белгиланди. Мен ўғрилар тарозисида ўзим ҳам йўқолиб кетмай деб, қўрқувда бозордан тезроқ чиқиб кетишга интилдим». Аминона — Бухоро, Самарқанд, Фарғонадаги бозорларда сотилган мол ва буюмлар учун олинган йифим. Масалан, 2 ботмон (16 пуд) пахтадан — 11,5 танга, 1 ботмон жундан — 5—7 танга, қоракўл терисидан баҳосининг 20 фоизи, туждан икки танга, отдан — 1 танга-ю 2,5 пул, эшакдан — 40 пулдан 1 тангагача, қўйдан — 24 пул аминона ундирилган. Бу ва бошқа маълумотларда амирликнинг ҳақиқий оғир ижтимоий аҳволи келтирилади.

\* \* \*

Бухоро табиий шароитига кўра, Зарафшон дарёсининг суви билан сугориш асосида ривожланиши мумкин, аммо бу сув ҳар доим ҳам етарли бўлмаганлиги сабабли, қўшимча манбалар излаб топиш муҳим эди. Амударё сувидан фойдаланиш тоғаси ва ҳатто лойиҳаси Аҳмад Дониш томонидан илгари сурилган. Бу лойиҳа ва уни амалга ошириш йўли

таклиф этилганлигига қарамасдан, унга эътибор қилинмаган. Бунинг асосий сабаблари — аввало маҳаллий ҳокимиятнинг қатъиятсизлиги, яъни Россиядан қўрқув, укувсизлиги ва халқ моддий турмуш даражасини оширишга аҳамият берилмаганиладир.

Бу лойиҳа ниҳоятда долзарб бўлиб, кейинги даврда ҳисобга олинди, амалга оширилди ва ҳамма учун хизмат қилмоқда. Фан, илм, техника ютуқларидан фойдаланиш тараққиёт манбаи эканлиги ана шу тарзда тарихан исботланган. Бухородаги солиқлар ва бозор муносабатлари оддий халқ ва, демак, ривожланиш манфаатларига мос келмас эди. Бу эса, жиддий ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатар эди.

## **ЖАДИДЛАРНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ**

### **XIX аср охири — XX аср бошларидағи ижтимоий-иқтисодий вазият**

XVIII асрнинг ўрталарида бошланган саноат инқилоби Европада катта иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. XIX асрда денгизда буғ двигатели ёрдамида пароходлар, қуруқликда темир йўллар ишга тушди, минглаб ишчилар ишлайдиган йирик завод ва фабрикалар пайдо бўлиб, фан ва техника янгиликлари ҳаётга кенг жорий этила бошланди. Иқтисодиёт ҳажм жиҳатдан ўси, янги синфлар — буржуа ва ишчилар юзага келди, мамлакатларни бошқаришда нисбатан демократик қонунлар қўлланиладиган бўлди.

Жаҳонда ана шундай ўзгаришлар бўлиб турган бир пайтда, Туркистонда шароит бутунлай бошқача эди. У, иқтисодий қолоқ, аграр, хомашё етказувчи ўлка эди, янгиликлар киришига эса, мамлакатдаги сиёсий тузум ва эскирган хўжалик юритиш тартиби халақит берар эди. Халқнинг моддий турмуш даражаси паст бўлган. Бунга Россия томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати катта таъсир этган эди. Шу боис, иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги, уй ҳунармандчилиги ва бетартиб савдо-сотиқ сақланди. Илғор фикрли олимлар ва зиёлилар эса, қувғин қилинди. Сиёсий тузум бу ҳолатдан манфаатдор эди.

Ўсиб келаётган маърифатли гуруҳлар жамиятдаги бу ахволдан норози эди ва давлатни дунёдаги ижобий ўзгаришларни кўра билишга даъват этиш ва бу ерда ҳам ислоҳотлар ўтказиш йўлларини изладилар.

Ана шундай бир шароитда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлди. Жадидларнинг асосий фояси эскиликни туттиш ва янгича яшаш учун интилиш бўлиб, бунинг учун улар керакли дастурларни ишлаб чиқишиган эди. Уларда Туркистоннинг мустақиллигига эришиш, аҳоли саводхонлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг асосий вазифалар, деб қаралган.

### **Жадидчилик ҳаракатининг умумий моҳияти**

Жадидчилик Туркистонда Шарқ ва Европадаги илғор ислоҳотлар оқими таъсири остида XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келиб, ижтимоий тараққиётда бурилиш босқичини белгилаб берди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, Ватанини обод ва мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар.

Жадидларнинг кураш дастурида асосан тўрт йўналиш мавжуд эди: а) янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш; б) қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишига юбориш; в) турли маърифий жамиятлар тузиш; г) газета ва журналлар чоп этиш. Ана шу дастур амалга оширилган тақдирда, жадид зиёлиларининг кучли партиясини ташкил қилиш мумкин эди.

Жадидчиликнинг асосий мақсад ва фоялари қўйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос иқтисодий қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонга муҳторият мақомини бериш учун курашиш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламентни, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш кабилар.

Шундай қилиб, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хива ва Самарқандда ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданият-маориф жамиятлари шаклидаги уюшмалар негизида, жадидчилик ҳаракати шаклланди.

## Беҳбудийнинг илғор ғоялари

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) ҳисобланади. У, 1919 йили Сайд Олимхон буйруига қўра Қаршида қатл этилган. Бу шаҳар 1925—1937 йилларда Беҳбудий деб номланган. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган кишилар кам бўлган.

Жадидларнинг мустақил давлат тузиш тўғрисидаги ғоялари ичida, уларнинг иқтисодий қарашлари алоҳида ажralиб туради. Чунки Туркистон Россиянинг хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз тала ниши ва қашшоқланиши жадидларнинг нафратини уйғотган эди. Бу ҳолат уларда она юртнинг иқтисодий мустақиллигини тиклаш ғояси ва курашини шакллантириди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1908 йили жадидларнинг ilk газетаси — «Шуҳрат»да чоп этилган мақолаларидан бирида, туб аҳоли вакилларидан муҳандислар, қонуншунослар, шифокорлар, иқтисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, «Шуҳрат»да сиёсий ҳаётга доир мақолалар ҳам эълон қилинди. Бу газета бошқалари каби одатдагидек чор маъмурияти томонидан ёпилади, чунки унда чиққан мақолалар олиб борилаётган сиёсатга доим тўғри келавермас эди.

Бироқ жадидлар бўш келмадилар. Улар томонидан 1913—1915 йилларда «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Буҳорои Шариф», «Турон» газеталари ва «Ойна» журналида эълон қилинган мақолаларда, ислоҳотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу нашрлар шахсий жамғармалар ҳисобига чоп этилар эди.

Жадидларнинг иқтисодий қаражаларини тасаввур этиш учун, 1913 йилда «Туркистон овози» ва «Голос Туркестана» газеталарида кўтарилиган қўйилдаги уч масала ҳам ёрдам беради:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача жойда яшаётган барча ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш.
2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилгунга қадар, кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.
3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Жадидлар мафқурасида, диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўгри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик ташкилотларни вужудга келтириш, Туркистонда ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Масалан, Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи қиссаси», «Раҳбари наход», Беҳбудийнинг «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») асарларида, айрим уламоларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатаётганлиги танқид қилинди ва диндан фойдаланиб юритилган сиёсий тадбирлар қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши кўрсатиб берилди. Жадидлар ислом динининг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан бирга, таълим, иқтисодиёт, маданият ва умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруриятини кишилар онгига етказишга интилганлар.

Жадидлар Туркистон халқи учун ер ва сув масаласи асосий эканлигини яхши тушунганлар. Шу сабабли, ерга хусусий мулкчилик жорий этиш зарур, леб ҳисоблаганлар, аммо бу ер фақат маҳаллий аҳоли учун хизмат қилишини истаганлар. Тарихчи олима, профессор Д.А.Алимова ёзишича, жадидлар «бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш» масалаларига ҳам тўхталганлар. Жадидларнинг фикрича, Туркистонда тараққиётга эришишнинг бош асоси иқтисодиётни зарур оқимда ривожлантиришдадир.

«Нима бизни кемираяпти ва орқага тортаяпти?» Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз мақоласида ана шундай савол қўяди ҳамда дабдабали тўй ва дафн маросимларини назарда тутиб,

бу саволга, бутунлай ортиқча расм-русумлар ва уларга кетадиган сарф-харажатлар, деб жавоб беради. Қуръони қарим ва Ҳадиси шарифга асосланиб, у оиласаларнинг хонавайрон бўлиш хавфини келтириб чиқарувчи шу каби ҳодисаларнинг кераксизлигини тушуниради.

Мусулмон киши тўрт тилни билиши зарурлиги айтилади: 1) турк (миллий), 2) араб (ислом дини), 3) рус (Россия) ва 4) француз (хориж билан алоқа учун). Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам долзарбдир.

Беҳбудийнинг юқоридаги фикрига оид, яъни тўй ва бошқа маросимларни меъёрида ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маҳсус фармони эълон қилинган. Аммо дабдабозлик иллат сифатида ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Бу маблағлар фойдали фаолиятга сарфланса, самара каттароқ бўлар эди.

### **Фитрат асарларидаги иқтисодий ва ижтимоий қарашлар**

Абдурауф Рашид ўғли Фитрат (1886—1937) Қуръон талқини асосида, мамлакат ривожининг яхлит концепциясини ёритиб берган эди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ҳамда савдонинг ривожи билимлар ва миллатнинг бирлиги, жипсланишига асосланиши лозим. Фитрат, катта даромад учун бир-бири билан рақобатлашиш эмас, корхоналар қуриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун маблағларни бирлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулайлик яратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Фитрат 110 босма табоқ ҳажмда асарлар ёзган. 1924 йили, республиканизнинг биринчи профессори бўлган. 1914 йилдан хон истибодига қарши курашган ўш бухороликлар ҳаракатига аъзо бўлган, Бухоро ва Тошкентда бошқарув лавозимларида ишлаган.

Фитрат дастлаб ўша даврдаги тузум тартибларига қарши танқидий асарлар ёзган. Ўз давридаги аҳволга баҳо бериб, «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?» деб ёзган эди. Россия мустамлакачилиги ҳам танқид қилинади: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди,

тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, таланди, шарафимиз емурилди, номусимиз ғасб қилинди, хуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар орасига олинди — сабр этдик». 1918 йили ёзган «Темур саганаси» асарида эса: «Ўлкани тузатингиз, авлодларимнинг хур яшамоқларини таъмин этингиз. Агар шундай қилмасангиз, ўлка бир буюқ мозорлик ҳолига келур», деб жарсолади.

Абдурауф Фитрат 1921 йилдан Бухоро Халқ Республикасини бошқариш ишларига жалб этилади, халқ ҳаётининг равнақи йўлида турли хил иқтисодий ислоҳотлар ва тадбирлар ўtkазишга раҳбарлик қиласиди, вақф ерларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш, обидалар ва сув иншоотларини тиклаш ишларига шўнгиф кетади.

Унинг саъй-ҳаракати билан Бухоро жумхурияти ҳудудида ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди. Фитратнинг бу фаоллиги марказга ёқмайди ва 1923 йили Москвага чақирилади.

Фитрат асарларида мамлакат меҳнаткашларининг яқин ўтмишдаги ночор аҳволи таҳдил этилади, ўtkазилаётган ер ислоҳоти билан боғлиқ масалалар кўтарилади. Ҳиндистонлик бир фарангি билан бухоролик мударрис ўртасидаги сұхбатга багишланган асарда эса, жуда қизиқ ва чуқур мазмунли холосалар чиқарилади, янги мактаблар зарурлиги, уларда диний фанлардан ташқари, дунёвий фанлар, масалан, география, статистика, математикани ўқитиш кераклиги исботланади. Жадид мактабларида «дин ва миллатта дахли бўлмаган иқтисодий фанлар бор. Бу илмларни таҳсил кўрсангиз, телеграф сими тортасиз, оташ ароба қуласиз. 20 кунда 100 минг сарбозни бу дунёдан унинг бошқа чеккасига етказасиз. Мулкдорлик, усули тижорат, зироатни ўрганиб, ўз мамлакатингизни обод қиласиз, ўз миллатингизни асорат занжиридан холос қиласиз», деган ажойиб ва муҳим холоса чиқарилади. «Биринчи најод йўли илмдир» деб якунланади бу суҳбат.

Бу асарда Фитрат биринчилардан бўлиб ислом давлатларининг ортда қолиши ва Европа мамлакатлари тараққиёти сабабларига тўхталади, фан ва техника ривожини илмдан, деб кўрсатади.

«Абулфайзхон» фожиасида эса, марказлашган Амир Темур давлатининг парчаланиши сабабларига ургу берилади.

Абдурауф Фитратнинг асарлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мустабид шўролар ҳукумати илгор фикрли инсонларни ҳар қандай йўл билан йўқотиш йўлига ўтиб, Фитрат ва бошқа минглаб кишиларни бевақт ҳаётдан маҳрум қилди.

### **Жадидлар иқтисодий гояларининг ҳозирги давр учун аҳамияти**

XIX аср охири — XX аср бошлари ҳамма соҳаларда тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Жадидлар эса, шу давр оғриқларини тўғри сезган сиймолардир. Кўпгина мамлакатлар тараққиёт йўлига ўтиб, фан ва техника янгиликларини амалда қўллаётгани, ўлкада эса турғунлик, ҳатто орқага кетиш ҳоллари борлиги маълум бўлиб қолди. Бунинг сабабини аниқлаш ва бу аҳволдан чиқиш йўлларини топиш бош масалага айланди.

Жадидлар олиб борган таҳлил шуни кўрсатдики, биринчи навбатда, маориф тизимини янгилаш керак эди. Бу тўғри хulosадир, яъни жамиятнинг тузалиши «тақдирি азал» бўлмасдан, инсонларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ эканлиги аниқланди. Аҳолини ҳар томонлама маърифатли қилиш таклифлари берилди. Энг муҳими, жадидлар бу ишни ўз зиммасига олдилар, уларнинг ташаббуси билан янги усул мактаблари очилди. Уларда дунёвий фанларни ўқитиш бошланди, дарсликлар яратилди, газета ва журналлар нашр қилинди. Жамиятни ўзгартиришнинг эволюцион йўли таклиф қилинди. Туркистонни мустақил қилиш, ерларни хусусийлаштириш ва дехқонларга бериш гоялари илгор эди.

Жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, кейинги уч аср ичida бу оқим биринчи бўлиб ягона ва бўлинмас Туркистон учун қурашди, мустақил миллий демократик давлат қуришга интилди. Асримиз бошларида бу ҳаракатнинг намояндалари миллий мустақиллик гоясига асос солишли. Афсуски, уларнинг бу орзулари мустабид шўролар тузуми ҳукм сурган шароитда амалга ошмади. Шўро ҳукумати жадидларни нафақат жисмоний жиҳат-

дан маҳв этди, балки бутун жон-жаҳди билан уларнинг ғояларини ҳам йўқотишга уринди. Ҳайриятки, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришуви жадидларнинг истиқ-лол тўгрисидаги орзуларини амалга ошириди.

Бу ҳаракат ғояларига ҳозирги давр нуқтаи назаридан қаралса, уларнинг асосий фикрлари тўғри бўлиб чиқди ва ўз долзарблигини йўқотган эмас. Жамият юксак билимли, янгиликни кўра биладиган одамлар томонидан бошқарилгандағина самара бўлиши мумкин. Жадидларнинг бу ғоялари мустақил Ватанимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги даврда мамлакатимизда 60 дан ортиқ олий ўқув юртлари, 9 мингдан ортиқ мактаб, академик лицей ва қасб-хунар коллежлари мавжуд, оммавий саводхонликка эришилган.

Ўзбекистон **Фанлар** академияси ва унинг институтларида кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. **Фанга** ва олимларга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида рафбатлантирилмоқда, чунки келажак шу ишларнинг ривожига бевосита боғлиқдир. Шу ерда, буюк ватандошимиз Ином Бухорийнинг фикри ёдга тушади: «Дунёда илмдан ўзга најот йўқ ва бўлмағай».

## ХОТИМА

Ўрта Осиёда қадимдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврдаги иқтисодий тафаккур тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу ерда нодир иқтисодий foялар ва фикрлар шаклланган, донишмандлар ва давлат арбоблари бозор иқтисодиётининг муҳим қонун-қоидалари тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлганлар, шу асосда иқтисодий сиёсат юргизганлар. Меҳнатнинг бойлик асоси эканлиги, эҳтиёж туфайли фаолият юритиш, меҳнат тақсимоти ва унинг аҳамияти, баҳо ва унинг бозор билан чамбарчас боғлиқлиги, пулнинг вазифалари ва иқтисодиётдаги ўрни, эркин иқтисодий фаолият, солиқлар тизими, судхўрлик, ижара, ер-сув муносабатлари, савдо-сотиқнинг аҳамияти, айниқса, хусусий мулкнинг муқаддаслиги, давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни, бошқарув тизими яхши тушунилган ва кучли давлат бўлиши кераклиги тарғиб этилган. Ҳозирги замон тили билан айтилса, ўша давр мутафаккирлари маркетингни, яъни бозор қонун-қоидаларини, менежментни, яъни бошқарувни, кимлар қайси қасб билан шугулланиши кераклигини яхши билишган. Иқтисодиётда илм-фан улкан аҳамиятга эга эканлиги, инсоний омил масалалари тўғри ёритилган.

Шунингдек, иқтисодиётдаги меркантализм (қимматбаҳо олтин, кумуш, жавоҳирлар, савдо-сотиқ ўрни), физиократизм (ер, деҳқончилик ва чорвачилик аҳамияти), классик мактаб (эркин тадбиркорлик, баҳолар эркинлиги, хусусий мулк, рақобат, давлатнинг роли), маржинализм (қадр-қиммат, ноёблик) каби таълимотларнинг куртаклари ва аниқ белгилари яққол кўзга ташланади. Жамиятда бойлар ва камбагаллар мавқеи асосан тўғри талқин этилган. Аҳоли ва давлатнинг иқтисодий равнақи омиллари тўғри таҳлил этилади.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш керакки, тарихий ва иқтисодий жараёнлар Ўрта Осиёда ўзига хос равишда ривожланди. XV—XVII асрларгача иқтисодиётнинг равнақи кузатилса, кейинчалик тушкунлик даври бошланди. Европа ва бошқа қитъаларда эса, бозор муносабатлари юзага келиб, мануфактура, завод-фабрикалар пайдо бўлди ва ривожланди, саноат тўнтириши юз берди, у йирик иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга олиб келди; Ўрта Осиёда эса аввалги муносабатлар сақланиб қолди, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ўлкани забт этганида, феодал муносабатлар ҳукмрон эди.

Шу ва бошқа, ҳали ўрганилиши керак бўлган сабабларга кўра, ўлкада иқтисодий тафаккур оламида тугал иқтисодий қонун, назария, таълимот яратилмаган. Аммо қўп ҳолларда тажрибадан келиб чиққан ҳолда, гоҳида муроқаба йўли билан кўпгина гоялар илгари сурилди ва улар иқтисодиётга доир қонун, назария ва таълимотлар яратилишига туртки берди. Масалан, тарихий манбалардан яхши маълумки, Европа олимлари Осиё, хусусан, Ўрта Осиё олимларининг асарларини қунт билан ўрганганлар ва улардан ўз қашфиётларида кенг фойдаланганлар. Масалан, араб олими Ибн Халдун XV аср бошида ёки кўшимча қиймат тўғрисидаги гояни илгари сурган ва шубҳасиз, бу гоя бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Европада эса бу гоя фақат XIX асрда вужудга келди.

Шу даврда яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг иқтисодий ғояларида, ҳар бир мамлакатнинг ривожи миллатнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тарихий тажрибасига чамбарчас боғлиқлиги кўрсатиб берилади. Жамиятдаги, шунингдек, иқтисодиётдаги салбий иллатларни йўқотиш, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, назорат қилиш орқали, ҳалқ фаровонлигига эришиш мумкинлиги ғоялари илгари сурилади. Бунинг учун эса, давлат ва айниқса, ҳукуқ-тартиботнинг таъсири катта бўлиши керак, деб ҳисобланади, марказлашган кучли давлаттга юқори баҳо берилади.

Машҳур шоир ва донишманд Низомий Ганжавий айтганидек:

Осмону заминда нарсалар бари,  
Одамнинг фикридан эмас ташқари.

Хозирги замон иқтисодий гояларининг асосчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати Пол Самуэльсон (1915—2009) ўзининг машхур «Экономикс» асарида, иқтисодиётнинг бош вазифаси «чекланган ресурслардан самарали фойдаланиб, тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондиришдир», деб ёзди. Бу ресурслар қўйидагилардир: 1) инсоний ресурс, 2) табиий ресурслар, 3) капитал, 4) технологиялар. Улар «тараққиётнинг тўрт фиддираги» деб ҳам аталади. Эътибор берилса, инсоний омил биринчи ўринга қўйилади, чунки бошқа ресурслар инсон фаолиятисиз ўликлар.

Япония иқтисодиёти бунга яққол мисол. У ерда табиий ресурслар иқтисодий эҳтиёжнинг бор-йўғи 1 фоизини таъминлайди, аммо япон халқининг хатти-ҳаракати туфайли қисқа давр ичилда жаҳондаги иккинчи давлатга айланади. Жанубий Корея ва бошқа бир қанча мамлакатлар ҳам шундай ютуқларга эришди.

Бироқ, XIX асрнинг иккинчи ярмида марксча гоялар ниҳоятда кенг қулоч ёйди. Фарбнинг «мана мен» деган назариячилари эса, кўп йиллар давомида социалистик, коммунистик йўлнинг «шундай ютуқларга эришди.

Инсон шундай яратилганки, ҳар бир одамнинг ўзи бир ноёб ҳодисадир, бир-бирига ўхшамас феъл-атвор, ақл-идрок, истеъод мавжудлиги сабабли, ҳаммани ягона мезонга келтириб бўлмайди. Бу Алоҳнинг ажойиб кароматидир.

Аммо марксча-ленинча назария «қармоги»га илинган олимлар ва бутун бир давлатлар ҳам топилди. «Билмайин босдим тиканни», деганларидек, Россия ва унинг қарамоғидаги ўлқалар, Европа ва Осиёдаги бир қанча давлатлар кўп йиллар давомида, маржинализм таълимоти 1870 йилларда ёқ қақшатқич зарба берган бу назариянинг «шарбати»ни татиб кўрдилар, оқибатини ўз бошидан кечирдилар.

Хўш, нега шундай бўлди? Бизнингча, ўша даврдаги раҳбарларнинг илмий калтабинлиги ва қайсарлиги бунга бош сабаб. Ўшанда олимлар қайси йўлдан бориш масаласида икки групга бўлинган эдилар. Анча узоқ мунозаралар оқибатида, Сталин бошчилигига социалистик йўл тарафдорлари галиб келишиди. «Ким биз билан бўлмаса, демак, бизга қарши» шиори асосида қатли ом бошланди, «бизга билимдолнлар эмас, ижрочилар керак» тамойили ишга солинди.

Хуллас, шўролар даврида марксча-ленинчада таълимот устун келиб, бутун жаҳон амалда қўллаётган бозор иқтисодиёти инкор этилди. Ҳусусий мулк ўрнига давлат мулки етакчи бўлди, бунинг оқибатида боқибекамлик, боқимандалик, ресурсларни талон-торож қилиш кучайди, мулк аслида эгасиз қолди. Нарх-наво юқоридан белгиланди, бу эса маҳсулот камомадига, олибсатарлик ривожига олиб келди. Зўрма-зўраки режалаштириш жорий қилинди, эркин режага йўл берилмади, ташаббус бўғилди. Бозорнинг энг муҳим ажралмас бўлаги — рақобат йўқ қилиниб, ўрнига социалистик мусобақа ўйлаб топилди. Оқибатда, ўзига хос давлат монополияси юзагачиқди, маҳсулотларнинг сифати ёмонлашди, баҳоси эса ошиди.

Шўролар сиёсатининг яна катта хатоларидан бири «давлат бой бўлса, халқ бой бўлади» тамоилини эди. Ваҳоланки, халқ бой бўлсагина, давлат ҳам бадавлат бўлади. Маъмурӣ-буйруқбозлик иқтисодиёти охир-оқибат емирилди, бозор иқтисодиётига ўтиш зарур бўлиб қолди.

Бозорнинг кераклиги, табиийлиги ҳар доим ўзини на-моён қилиб турди, аммо қайсарлик, илмий қалтабинлик туфайли, унга қарши «кураш» олиб борилди. Масалан, Тошкент шаҳрида энг катта бозор «Хастимом»да бўлган, у 1960 йилларда тугатиб юборилди. Лекин Чирчиқдарёси бўйида, Кўйлиқ томонда энг ташландиқ ахлатхона ўрнида бозор «ўз ишини» давом эттириди. Бозор у ердан ҳам ҳайдалиб, Сергелида очилди, «қув-қув» билан Ипподромда қўним топди ва мустақиллик туфайли сақланди ва тобора ривожланмоқда. Республика-нинг бошқа ҳудудларида ҳам эркин бозорларга салбий муносабатда бўлинди ва уларнинг кўпи ярим харобага айланди.

Ўз даврида Шарқ Фарбга катта таъсир кўрсатган ва натижада Фарб кўзга кўринарли натижаларга эришган, илгари-лаб кетган. Шарқ эса ортда қолди, бу анча давр давом этди, унинг айрим сабаблари юқорида айтиб ўтилди. Аммо Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида Фарбнинг Шарққа таъсири кучайди. Бу айниқса янги техника ва технологиялар соҳасида яққол сезилмоқда, буни ижобий ҳолат деб тан олиш керак. Жаҳондаги муҳим ўзгаришлар, иқтисодий интеграция, глобаллашув жараёнлари иқтисодиётининг байналминаллашувига олиб келди ва илгари нисбатан ортда қол-

ган давлатлар, халқлар ривожида муҳим янги жиҳатлар на-  
моён бўлмоқда.

Бу ижобий ўзгаришлар шабадаси республикамизга мустақиллик шарофати ила кириб келди ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биринчи навбатда, кўп йиллар давомида мажбуран сингдириб келинган заарли стереотиплардан қутулиш ва мамлакатимиз учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини танлаш, унинг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси моҳирона амалга оширилди. Натижада, тарихан қисқа давр мобайнида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Меҳнаткаш ва тадбиркор халқимиз Ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида жонбозлик қилмоқда, бу ишда кўп йиллар давомида тўпланган бой тажриба ва мутафаккирларимизнинг гоялари ниҳоятда асқатмоқда.

Аммо Farblan мамлакатимиз учун анча хавфли бўлган мағкуравий хуруж ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Бой тарихий анъаналарга эга бўлган халқимиз менталитетига таҳдид пайдо бўлди. Зўравонлик, терроризм, ахлоқий бузғунчилик ва шунга ўхшаш салбий иллатларни тарғиб этувчи эшилтиришлар ва кўрсатувлар кўпайиб бормоқда. Farbnинг ижобий томонларини олган ҳолда, бу салбий хурружларга қарши курашиб энг долзарб масаладир, маънавий анъаналаримизни сақлаб қолиш муҳимдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида, иқтисодиёт ва маънавият қушнинг икки қанотига ўхшатилади. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, агар бири бўлмаса, иккинчиси ҳам ўз аҳамиятини йўқотиши ниҳоятда тўгри кўрсатиб берилган.

Шу сабабли ҳозирги XXI аср — ахборот асирида янги иқтисодий гоялар, қарашлар, таълимот ва назариялар вужудга келишига қарамасдан, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланишида аввалги олимларнинг меҳнати, кашфиётлари муҳим ўрин эгаллайди, дастлабки гояларнинг такомиллашуви туфайли ҳозирги иқтисодий гоялар юзага чиқсан. Донишманларнинг иқтисодий гоялари қимматбаҳо тошлар мисолидир, аммо уларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан ҳам сайқал бериш зарур. Шунинг учун, аждодларимизнинг иқтисодий тафаккурини янада чуқур ўрганиш, бундан назарий ва амалий хulosалар чиқариш муҳим аҳамиятга моликдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

*Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: 1995.

*Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.

*Каримов И.А.* Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 3 ноябрь.

*Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008.

*Абдураҳмонов Қ.Х.* Меҳнат иқтисодиёти. — Т.: «Меҳнат», 2009.

*Абу Али ибн Сино.* Тиб қонунлари. З жилдлик сайланма. — Т.: 1994.

*Абу Раъхан Бируни.* Изб. пр. в шести томах. — Т.: «Фан», 1987.

*Авесто:* «Видевдот» китоби. — Т.: 2007.

*Алишер Навоий.* Садди Искандарий. — Т.: 1991.

*Алпомиш.* — Т.: 2000.

*Америка тарихининг асослари.* АҚШ ахборот бўлими. — Т.: 2002.

*Аминов А.М., Бабаҳаджаев А.Х.* Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). — Т.: 1959.

*Аминов Б.* Шарқона бозор фазилатлари. — Т.: 1996.

*Амир Темурнинг иқтисодий мероси.* 1996 йил 21 июняда бўлиб ўтган конференция материаллари. — Т.: 1996.

*Аззамова Г.А.* Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

*Асқаров А.* Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихи. — Т.: «Университет», 2007.

*Ахмеджанов Г.А.* Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). — Т.: «Фан», 1995.

*Ахмеджанова З.К.* Железнодорожное строительство в Средней Азии и Казахстане (конец XIX — начало XX века). — Т.: «Фан», 1984.

- Аҳмедов Б.* Тарихдан сабоқлар. — Т.: «Ўқитувчи», 1994.
- Бартольд В.В.* Сочинения в 8-тт. — М.: «Наука», 1963—1973.
- Бекбұйый М.* Таңланған асарлар. — Т.: «Маънавият», 1997.
- Васатия — ҳаёт йўли. — Т.: «Шарқ», 2006.
- Гўрўғли туғилиши. — Т.: 1995.
- Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. — Т.: «Университет», 1999.
- Жўзжоний Абдулҳаким Шарқий.* Ислом ҳуқуқшунослиги ҳанабий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. — Т.: «Тошкент ислом университети», 2002.
- Иброҳимов Н.* Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. — Т.: 1993.
- Иқтисодий таълимотлар тарихи. — Т.: «Молия», 2002.
- Йўлдошев Н.* Ўрта Осиёда бозор назарияси ва амалиёти. — Т.: 2002.
- Муҳаммаджонов А.* Темур ва темурийлар салтанати. Т.: 2005.
- Муҳаммаджонов А.* Қўйи Зарафшон воҳасининг сугорилиш тарихи. — Т.: «Фан», 1972.
- Никбаев У.Х.* Амир Темур ва унинг ижтимоий-иктисодий тадбирлари. — Т.: 1996.
- Раззоқов А.* Сув ва ҳаёт. — Т.: «Меҳнат», 1991.
- Рабгузий.* Қисаси Рабгузий. — Т.: 1—2-китоб. 1990—1991.
- Собиров Ҳ.* 1000 йиллик тарихий тажриба (Алпомиш). «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 1999, 12-сон.
- Собиров Ҳ.* Шоҳ Акбар ва доно Бирбалнинг иқтисодий сиёсати. «Ҳамкор» газетаси, 1999 йил 27 февраль.
- Собиров Ҳ.* Дильтоднинг иқтисодий қарашлари. «Ҳамкор» газетаси, 1999 йил 24 апрель.
- Собирова З.* Бобурнинг иқтисодий қарашлари. «Ҳамкор» газетаси, 2006 йил 23 февраль.
- Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. — Т.: 1997.
- Темур тузуклари. — Т.: 1991.
- Тўхниев Н.* Осиё ва бозор. — Т.: «Фан», 1972.
- «Тафаккур» журнали. 2010 йил, 3-сон.
- Фитрат А.* Таңланған асарлар. 1—2-жиллар. — Т.: 2000.
- Шарма Л.П.* Бобурийлар салтанати. — Т.: «Маънавият», 1998.
- Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. — Т.: 1995.
- Юсуф Ҳос Ҳожиб.* Кутадғу билиг. — Т.: 1990.
- Қодиров П.* Ҳумоюн ва Ақбар. — Т.: «Ўзбекистон», 1994.
- Куръони карим. — Т.: «Мовароуннаҳр», 2006.
- Ҳадис. 1—4-жиллар. — Т.: 2000.
- Ҳидоя. 1-жилд. — Т.: 2000.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Иқтисодий тафаккур тарихига бир назар .....	7
«Авесто»: иқтисодий фикр куртаклари .....	19
Буюк ипак йўли ва бозор муносабатлари .....	29
Ибора замиридаги ҳақиқат .....	37
«Алпомиш», «Гўрўғли» достонлари ва «Қобуснома»	
асарида акс этган халқ ҳаёти .....	46
Куръон: эътиқод ва иқтисод .....	59
Ҳадислар жавҳари .....	74
Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги муҳим foялар .....	82
Замонасидан ўзган Форобий .....	91
Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино:	
икки даҳонинг иқтисодиётга муносабати .....	98
Низомулмulk ва унинг «Сиёсанома»	
асари ҳақида ўйлар .....	110
Юсуф Хос Ҳожиб ва Рабгузийнинг	
иқтисодий қарашлари .....	121
Соҳибқирон салтанатининг буюк қудрати .....	129
Темурийларнинг улкан ислоҳотлари .....	144
Хинд заминини обод этган Бобур ва бобурийлар .....	164
Ўрта Осиё ҳонликларидаги иқтисодий	
вазият хусусида .....	179
Хива ҳонлиги: иқтисодий қарашлар силсиласи .....	182
Қўқон алломаларининг буюк мероси .....	198
Бухоро амирлигидаги иқтисодий foялар .....	208
Аҳмад Донишнинг иқтисодий қарашлари .....	224
Жадидларнинг ушалган орзуси .....	232
Хотима .....	240
Фойдаланилган адабиётлар .....	245

**Раззоқов, Абдухалил.**  
Р18      Иқтисодий тафаккур сарчашмалари / А. Раззоқов.  
— Т.: O‘zbekiston, 2011. 248-б.

ISBN 978-9943-01-719-1

УДК: 94(575)  
ББК 60.56

*Илмий-оммабон нашр*

**Абдухалил Раззоқов**

## **ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР САРЧАШМАЛАРИ**

Муҳаррир *A. Зиядов*

Муқова рассоми *M. Йўлдошев*

Бадиий муҳаррир *I. Йўлдошев*

Техник муҳаррир *T. Харитонова*

Мусаххилар: *M. Исҳоқов, Н. Абдураҳмонова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Кўнгизарова*

Нашриёт лицензияси AI 158. 14.08.09.

Босинига руҳсат этилди 22.08.2011. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.

«Таймс» гарнитурасида оғсет усулла босилди.

Шартли б. т. 13.02. Нашр т. 12,86. Нусхаси 3000.

Буюртма № 11-186.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru www.ipptd-uzbekistan.uz

